

Наим КАРИМОВ

1937-1938 ЙИЛЛАРДАГИ
“КАТТА ҚИРГИН”НИНГ
ФОЖИАЛИ ОҚИБАТЛАРИ

Наим КАРИМОВ

1937-1938 ЙИЛЛАРДАГИ “КАТТА ҚИРГИН”НИНГ ФОЖИАЛИ ОҚИБАТЛАРИ

Тадқиқот “1937-1938 йиллардаги “Катта қирғин”нинг келиб
чикиш сабаблари ва фожиали оқибатлари” мавзуидаги
ИДТ-1; Ф-1-0-17354 ФА-Ф-1-Г037 Давлат
гранти асосида бажарилган

**Тошкент
2015**

1937-1938 йиллардаги “Катта қирғин”нинг келиб чиқиши ва фожиали оқибатлари түгөрсисида хорижий давлатларда кўплаб китоб ва мақолалар эълон қилинган. Ўзбекистонда бу масаланинг ўрганилиши “қайта қуриш” ва ошкоралик йилларидаги бошланган бўлса-да, мустақиллик давридагина шу мавзуда жиҳдий ишлар амалга оширилмоқда.

Қўлингиздаги рисола муаллифнинг 2013 йилда чоп этилган “Катта қирғин”нинг келиб чиқиши сабаблари ва омиллари” рисоласининг мантиқий давоми бўлиб, унда 1937-1938 йиллардаги даҳшатли сиёсий қатагоннинг ўзбек халқига, унинг фани ва техникаси, маориф ва маданияти, саноати ва қишлоқ хўжалигига келтирган катта талофати түгөрсисида баҳс юритилади.

Масъул мухаррир:
тарих фанлари доктори
Бахтиёр ҲАСАНОВ

Такризчилар:
тарих фанлари доктори
Қаҳрамон РАЖАБОВ,

тадқиқотчи
Мурод ЗИКРИЛЛАЕВ

МУҚАДДИМА

Ўтган асрнинг 1937-1938 йилларида бўлиб ўтган “Катта қирғин” собиқ шўро салтанати ҳудудларида яшаган барча халқлар, шу жумладан, Ўзбекистон халқининг ҳам ҳаётига мислсиз даражада улкан талофат келтирди: шу йилларда юз минглаб бегуноҳ қишилар шўро давлатининг жазо органи – НКВД органлари томонидан қириб ташланди. Мудҳиш тарихий хунрезлик содир этилганидан бери қарийб 80 йил ўтганига қарамай, унинг фожиали оқибатлари ҳали-ҳануз инсониятни ларзага солиб келади.

Шу нарса даҳшатлики, ҳали 1937-1938 йиллардаги сиёсий қатагон бошланмай ва бўлаҗак жабрдийдаларнинг айбор эканликлари масаласи ҳали аниқланмай туриб, НКВД органлари яқин келажакда қамоққа олинадиган қишилар рўйхатини тузишга киришган. 11 жилдни ташкил этган бу рўйхатларнинг биринчиси 1937 йил 27 февралда тасдиқланган бўлса, энг сўнгиси ВКП(б) Сиёсий бюроси аъзолари томонидан 1938 йилнинг 29 сентябрида имзоланган. Яна 2 та рўйхат борки, улар 1936 йилда тузилганлигига қарамай, 1937 йилга оид рўйхатлар орасига тиркаб қўйилган. (Айрим маълумотларга қараганда, Н.С.Хрушчев томонидан ҳам имзоланган яна бир неча рўйхатлар бўлган, аммо улар Хрушчевнинг КПСС Марказий Комитетига раҳбарлик қилган йилларда куйдириб ташланган.) Шу рўйхатларга асосланиб айтиш мумкинки, “Катта қирғин” даврида қириб ташланиши лозим бўлган қишилар рўйхатини тузиш 1936 йилнинг иккинчи ярмида бошланган. Бинобарин, «Катта қирғин»ни амалга ошириш ғояси Сиёсий бюро ва шахсан унинг раҳбари Сталинда 1936 йилдаёқ пайдо бўлган.

СССР Марказий Ижроия Комитети ва Халқ Комиссарлари Советининг 1934 йил 1 декабрда қабул қилган карорига мувофиқ суд жараёнларини ўтказиш тартиб-қоидалари шу йилларда жўнлаштирилган ва бу ҳол аввалдан тайёрланган рўйхатлар бўйича қамоққа олиш амалиятига кенг йўл очиб берган. Кировга суиқасд қилингандан сўнг чиқарилган шу қарорга кўра, террорчилик ташкилотлари ва террорчилик хатти-ҳаракатлари бўйича терговлар жадаллаштирилган тартибда олиб борилиши, суд йигилишлари эса томонларнинг иштирокисиз ва гувоҳларни чақирмаган ҳолда ўтказилиши лозим эди. 1934 йил 1 декабрда қабул қилинган Қонун эса хукмдан норози бўлган маҳбусларни шикоятнома ёзиш ҳукуқидан ҳам маҳ-

рум килган. Шу масалалар бўйича чиқарилган хукм эса зудлик билан ижро этилиши лозим деб белгиланган.

Бу жўнлаштирилган тартиб Ежов СССР Ички ишлар халқ комиссари этиб тайцланган кундан кейин, 1936 йил кузидан бошлаб кенг кўламда бошланди. Ўша йилнинг 4 октябрида Сиёсий бюро Ежов ва Вишинский томонидан тақдим қилинган 585 кишининг исм-шарифидан иборат рўйхатни Сиёсий бюро аъзоларидан телефон оркали сўраш йўли билан тасдиқлади. Шу рўйхатдаги кишилардан 33 таси 1936 йил 8 октябрда Москвада, 114 таси эса 1936 йил 10-11 октябрда Ленинградда қамоққа олинди.

1937 йил февралидан бошлаб шундай рўйхатлар мунтазам рашида Сиёсий бюро томонидан тасдиқланадиган ва хукм расмийлаштириш учун Олий Суднинг Ҳарбий коллегиясига юбориладиган бўлди. Биринчи қарор ВКП(б) МКнинг февраль-март пленуми очиладиган 1937 йил 27 февралда шу тарзда тузилиб тасдиқланди. Мазкур рўйхатга кирган 479 та кишининг барчаси олий жазога хукм қилинди.

Шундай қилиб, «катл рўйхатлари»ни НКВД (Ежов) томонидан тузиш, Сиёсий бюро томонидан тасдиқлаш ва Олий Суднинг Ҳарбий коллегияси (Ульрих) томонидан расмийлаштириш амалиётiga тамал тоши кўйилди.

Сиёсий бюрога тақдим этилган рўйхатлар НКВД томонидан марказий аппарат бўлимларида мавжуд бўлган, шунингдек, НКВДнинг регионлардаги бўлимларидан марказга юборилган материаллар асосида тузилди. НКВДнинг маҳаллий бўлимлари марказга қамоққа олинувчи ҳар бир кишининг исм-шарифи, у ҳақдаги тўла маълумотлар, қилган айбининг моҳияти ва ҳ.к.лар ёзилган маълумотномаларни телеграф оркали юборишган. Бу маълумотномаларни НКВДнинг марказий аппаатида тузилган «махсус гурухлар» ўрганиб чиқкан. Давлат хавфсизлиги Бош бошқармаси (ГУГБ)нинг хисобга олиш-қайд этиш бўлими ходимларидан ташкил топган бу гурухлар олинган маълумот-номалар асосида рўйхатдаги шахсларни биринчи (отув), иккинчи (10 йил) ва учинчи (5-8 йил) категорияларга ажратган. (1937 йил июль ойи охирида учинчи категория «катл рўйхатлари»дан чиқариб ташланган.)

Турли категорияларга ажратилган рўйхатлар НКВДдан Олий Суднинг Ҳарбий коллегиясига юборилган ва бу «ишилар» ўша ерда 1934 йил 1 декабрдаги Конун асосида кўрилиб, аввалдан белгилан-

ган категорияга мувофиқ ҳукм чиқарилган. Бу ҳукмлар регионларга телеграф оркали етказиб турилган ва уларда айбланувчиларнинг исм-шарифлари ҳамда категориялари қайд этилган. Шундан кейингина «ишилар» Олий Суд Ҳарбий коллегиясининг сайёр сессиясида кўриб чиқиш учун юборилган.

Олий Суд Ҳарбий коллегияси қошида «учликлар» тузилган ва бу «учликлар» йигилишида ҳар бир маҳбуснинг «иши»ига оид хужжатлар билан танишиш учун 5-10 дақиқагина ажратилган, холос. Шу 5-10 дақиқада уч судя («учлик») айбланувчига унинг ҳақ-хукукларини тушунтириб, айномани эълон қилиши, унга қўйилган айбнинг моҳиятини тушунтириши, айбланувчининг «қилган жиноятлари»га бўлган муносабатини аниқлаши, унинг кўрсатмаси ва сўнгги сўзини тинглаши лозим эди. Аммо бу «сайёр сессиялар йиғилиши»ни шунчаки расмиятчилик учунгина ўтказиш оддий хол бўлиб қолган.

Сиёсий бюро томонидан тасдиқланган рўйхатларда бор-йўғи 44,5 минг киши бўлган. Аммо, бир томондан, шу йилларда қамоқхоналар маҳбуслар билан тўлиб-тошиб кетгац, тергов ходимлари тергов ишларини ўз вақтида бошлаш ва якунлаш имконига эга бўлишмаган бўлса, иккинчи томондан, исм-шарифлари Сталин ва Сиёсий бюро аъзолари томонидан тасдиқланган рўйхатларга кирган шахсларнинг аксар яқин қариндошлари, хизматдошлари ва дўст-ёрлари ҳам қамоққа олинган.

Яна шуни унутмаслик керакки, СССР Ички ишлар халқ комиссарининг 1937 йил 30 июль санали буйруғи НКВДнинг маҳаллий бўлимлари раҳбарларига, регионларга берилган нормадан ташқари, ўз ташаббуслари билан катағон қилинувчиларнинг қўшимча рўйхатини тузиш ҳукуқини берган. Шу қарордан рағбатланган НКВДнинг маҳаллий бўлимлари раҳбарлари август ойидан бошлаб Сиёсий бюрони ҳибса олинувчилар сонини - «квота»ни ошириш ҳақидаги илтимослари билан «қўумиб ташлаганлар». Сиёсий бюро шу илтимосларни назарга олиб, 1937 йилнинг 28 августидан 15 деқабргача бўлган муддатда «квота»даги отувга ҳукм қилинажаклар сонини яна 22.500 га, лагерларга юборилувчилар сонини 16.800 га ошириш тўғрисидаги таклифни тасдиқлаган. 1938 йил 31 январда эса НКВД «квота»га яна 57.200 кишинй қўшиш ва улардан 48.000 кишини отувга ҳукм қилиш тўғрисидаги таклифни қабул қилган.

Дастлаб барча операцияларни 1938 йилнинг 15 марта қадар туттаглаш режалаштирилган эди. Лекин маҳаллий органлардаги сафлари «тозаланган» ва янгиланган чекистлар яна ташаббускорлик ҳаракатини кучайтирадилар. Натижада Сиёсий бюро 1938 йилнинг 1 февралидан 29 августача бўлган муддатда аввалги 57.200 кишидан ташқари, яна 90.000 кишини қамоққа олиш ҳақида қарор кабул қиласди.

Шундай қилиб, фақат 4 ой давом этиши мўлжалланган қамоққа олиш операцияси бир йилдан ортиқ давом этиб, дастлаб белгилangan «квота» яна 200.000 кишига ортади. Кимнингки ижтимоий келиб чиқишида бойлар, савдогарлар, «қулоқ»ларга бирор яқинлик аломати бўлса ёки бирор хорижий давлат фуқароси билан алоқа қилганини маълум бўлса, улар биринчи навбатда қамоққа олиниади.

Сталин ва Сиёсий бюро томонидан амалга оширилган оммавий кирғин марказдан туриб бошқарилди. Сиёсий бюро қошида суд ишлари бўйича маҳсус комиссия тузилди. Бу комиссия Сталин ва Сиёсий бюрога 44 минг нафар раҳбарлар, партия ходимлари, генераллар ва иқтисодчилардан иборат камида 383 та рўйхатни тасдиқлаш учун берди. Сиёсий бюро шу рўйхатларни тасдиқлаш билангина кифояланиб қолмай, қатағоннинг «қўнгилдагидек» ўтиши учун жойларга ўз аъзоларини юборди. Чунончи, Ўзбекистонга катта ваколат билан келган Сиёсий бюро аъзоси Арнесь ӯзбек халқи пешкадам вакилларининг шу йилларда тамомила қирилиб кетишида муҳим роль ўйнади.

Аниқлиги қатъий бўлмаган маълумотларга қараганда, НКВД 1937-1938 йилларда 1 миллион 575 минг кишини қамоққа олган; шулардан 1 миллион 345 минг киши айбдор деб топилиб, турли жазоларга ҳукм қилинган; 681 минг 692 киши эса отиб ташланган. Яна аниқлиги қатъий бўлмаган маълумотларга қараганда, Ўзбекистон бўйича 1937 йилда 14 минг 873, 1938 йилда эса 20 минг 641, бинобарин, жами 35 минг 534 киши қамоққа олинган. Афсуски, Сталин шахсига сифинишининг фожиали оқибатлари фош этилиб, 1930-1950 йиллардаги сиёсий қатағон қоралангандан кейин Ўзбекистонда сиёсий қатағоннинг бегуноҳ курбонлари тақдирини ўрганиш ва оқлаш бўйича тузилган комиссия совет даврида тегишли сиёсий муассасалар сиқувида ишлагани сабабли ўзига юкланган ишни охирига етказиш имконига эга бўлмади. Натижада

Ўзбекистон бўйича қанча кишининг қамоққа олингани, отилгани, лагерларга жўнатилгани ва қанча кишининг айбизз топилиб, озод қилингани ҳақида қатъий маълумот юзага келмади.

«Катта кирғин» йилларидаги курбонлар сони масаласида бошқача қарашлар ҳам йўқ эмас. Масалан, СССРдаги қатағон гарихи бўйича таникли хорижий мутахассис Роберт Конквест ва унинг шогирдлари тўплаган маълумотларга қараганда, СССРда шу даврда 6 миллион киши қамоққа олинган, шулардан 3 миллион киши отиб ташланган, 2 миллион кишининг хоклари эса лагерларда колиб кетган.

Аммо «Катта кирғин» йилларидаги қурбонлар сони қанча булишидан – 6 миллионми ёки 1 ярим миллионми – бундан қатъий назар, ўз халқини оммавий равиша катли ом этиш шуро давлатининг инсоният олдидаги, халқи олдидаги ҳеч қачон кечириб бўлмайдиган жиноятидир. Бу жиноятнинг даҳшатли томонларидан бири шундаки, Сиёсий бюро ва НКВД қатағон этилган миллионлаб кишилар манглайига «халқ душманлари» деган мудхиш тамғани ўйиб, уларнинг муборак номларини, қилган хайрли ишларини ҳатто қариндош-уруглари, хизматдошлари, ватандошлари хотирасидан бир умрга ўчириш чораларини кўрди.

Шу нарсани мамнуният билан қайд этиш зарурки, Ўзбекистон мустакилликка эришгандан сунг мамлакатимизда бошланган тарихий ҳақиқат ва адолатни тиклаш борасида олиб борилган кўламли ишларининг марказида ўтган асринг 30-50-йилларидаги сиёсий қатағон курбонлари тақдирини ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштириш масаласи турди. Президент Ислом Каримовнинг Фармони билан 1999 йил 12 майда Мустамлакачилик даври курбонлари хотирасини абадийлаштириш жамоатчилик комиссияси тузилди. 1999 йил 2 юнода Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ватан ва халқ озодлиги йўлида курбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида» қарор қабул килди. 2000 йил 12 майда, шу қарор асосида, Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманидаги Бўзсув қирғоғида «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи барно этилди. Яна шу йилнинг 21 августида Вазирлар Маҳкамасининг карорига биноан «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси (ҳозирги жамоат фонди) ташкил этилди. 2001 йил 1 майда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Қатағон курбонлари хотирасини ёд этиш кунини белгилаш

тўғрисида»ги Фармонига кўра, 31 август мамлакатимизда «Қатағон қурбонларини ёд этиш куни» деб эълон қилинди. Шу Фармонга кўра, 2002 йилнинг 31 августиди «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмууда «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи очилиб, иш бошлади.

Мамлакатимиз раҳбарининг ташаббуси билан бошланган бу хайрли ва кўламли ишлар ўтган асрнинг 30-50-йилларида ноҳак жабрланган ватандошларимиз хотирасининг зъязозланиши ва абадийлаптирилишида, шунингдек, чор ва шўро ҳокимиятлари даврида тахқирланган тарихий ҳақиқат ва адолатнинг тикланишида муҳим ва ҳал қилувчи омил бўлди.

1-боб. ҚЎРҚУВ ВА ДАҲШАТ САЛТАНАТИ

1937-1938 йиллардаги “Катта кирғин”нинг бошланиш сабаблари ва оқибатлари ҳақида Россия матбуотида ҳам, хорижий мамлакатлар матбуотида ҳам кўп ёзилган. Ҳар бир муалиф ўзининг ижтимоий илдизи, сиёсий ва ҳукукий қарашлари ҳамда инсоний сажиисидан келиб чиққан ҳолда бу ўта муҳим масалага бўлган муносабатини у ёки бу тарзда ифодалаган. Масалан, судсиз, текширишсиз минглаб кишиларни отиш ёки 10 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилиш ҳақидаги “қатл рўйхатлари”га қўл қўйган В.М.Молотов ўтган асрнинг 70-80-йилларида рус шоири Ф.Чуев билан сұхбатларида “Катта қирғин”нинг содир бўлишини тарихий зарурат сифатида талқин қилган. Собиқ йирик давлат арбобининг шу ҳақдаги фикр-мулоҳазаларини сабр-тоқат билан тинглаган шоир 1972 йил 3 февралда сұхбатига якун ясаб: “...Молотов қатағонларни раҳбариётнинг ўзбошимчалиги деб эмас, балки инқилобнинг мураккаб тарихий шароитдаги давоми, деб тушунади”, деб ёзган эди¹.

Сталин, сталинизм ва қатағон тўғрисидаги шу фикрларнинг 30-50-йилларда эмас, балки совет давлатининг мустамлакачилик ва қатағончилик сиёсати жаҳон миқёсида кескин қораланган 70-80-йилларда айтилиши ғоят ажабланарли ҳол. Ҳолбуки, бу сиёсатни амалга оширишда НКВД органлари томонидан йўл қўйилган қўпол хатолар 1938 йилнинг сўнгги ойларида ёк эътироф этилиб, шу қонли жараёнда “жонбозлик” кўрсатган НКВД ходимлари, жумладан, Ўзбекистон НКВДси бошлиғи Апресян 1939 йил 9 февралда қамоққа олиниб, 1940 йил 19 январда отиб ташланган эди.

1938 йил 25-26 декабрь кунларида Ўзбекистон НКВД ДХБ дастлабки партия ташкилотининг умумий ёпиқ йигилиши ўтказилган ва унда партия комитети 1938 йилнинг сўнгги чорагида олиб борган ишлари ҳақида ҳисобот берган. Ҳисоботдан сўнг маърузачи Рогожкин билан айрим партия аъзолари ўргасида бундай саволжавоблар бўлиб ўтган:

“САВОЛ. Нега сиз Апресян берган аксилинқилобий кўрсатма тўғрисида сўзламадингиз?

1 Сто сорок бессед с Молотовым. Из дневника Ф.Чуева. – М.: Терра, 1991. Ушбу китобнинг Интернетдаги электрон нусхасидан фойдаланганимиз сабабли кўчирма олинган сахифа қайд этилмади.

ЖАВОБ. Партия ишидаги камчиликлар тұғрисидаги, бириңчи навбатда үзим йұл күйінде камчиликлар тұғрисидаги масала бүйіча үтгандың ишінде сүзлаган здим. Менинг шахсий камчиликларим партияның ички ишләри, оммавий ишләр ва номздар билан ишләш соҳаларига оид... Сиёсий күрлік масаласи, партия комитетининг халқ душмани Апресяннинг құлида үйинчөк бўлиб колганлиги масаласи менга ҳам тегишли. Мен партия комитетининг котибиман, мен бириңчи навбатда айборман ва жавобгарман.

Миллий кадрлар масаласи бүйіча. Мен үтгандың ишінде айткан здим, ҳозир ҳам такрорлайман: партия комитети аъзолари, жумладан, мен шу масалада хол күйіб күйдик. Шу масалада сиёсий күрлікка йұл күйилди. Шу масала бүйіча Апресян бундай күрсатма берган зди: биз Ўзбекистонда катта аксилинқилобий миллий ташкилотни тугатдик, аммо ҳали бу ташкилотнинг “дум”и бор, кўпгина кишилар ҳисбсга олинмаган, уларни ўрганишда давом этмоқдамиз (бу ердаги ва кейинги таъкидлар бизники – Н.К.). Аппаратда миллий кадрларнинг камлиги ҳақидаги масалани кўтарганимизда, у шу масалада шошмаслик кераклигини, янги ўртоқлар у қадар ишончли бўлмаслиги, шу хол туфайли ишимизда ўпиришиш юз бериши мумкин, деган.

САВОЛ. Үтгандың ишінде бундай сўзларни айтмаган эдингиз.

ЖАВОБ. Сиз парткомнинг карорини текширишингиз мумкин, унда шундай модда ёзилган. Мен сизни алдамоқчи эмасман.

ЗАЛДАН ОВОЗ. Үтгандың ишінде Апресяннинг миллий кадрларни ишга олмаслик кераклиги ҳақида буйруқ берганини ошкора айтган зди.

ЗАЛДАН ОВОЗ. Партия аъзоларидан қайси бири шу күрсатмани үзининг амалий ишида бажарган?

ЖАВОБ. Сўнгги ишларда ўзбеклар аппаратга қабул қилинмаган...

ЗАЛДАН ОВОЗ. Бўлим бошликлари буни билишганми?

ЖАВОБ. Билишган.

Усмон ЮСУПОВ. Партия ташкилоти Апресяннинг ногорасига ўйнаганми ёки айрим кишиларми?

ЖАВОБ. Партия комитети.

ЗАЛДАН ОВОЗ. Апресян шундай күрсатмани шахсан сизга берганини ёки партия комитетигами?

ЖАВОБ. У менга ва айрим кишиларга, жумладан, ўр. Брил²га ҳам берган.

БРИЛЬ. Ёлғон!

САВОЛ. Сиз шундай күрсатма берилганини парткомга маълум қилганмисиз?

ЖАВОБ. Ўртоқлар, мен үша пайтда буни аксилинқилобий күрсатма, деб билганман..."

1937-1938 йиллардаги қирғиндан сўнг халқнинг совет давлати раҳбарларига бўлган ишончи тамомила йўқолган ва, аксинча, халқда совет давлати ва унинг раҳбарларига нисбатан нафратли кайфият кучайган зди. Шу кайфият умумхалқ қўзғолони даражасига кўтарилиши мумкинligини сезган Сталин ва ВКП(б) МКнинг Сиёсий бюроси 1937-1938 йилларда оммавий қатағоннинг авж олишидаги ҳамма айбни “темир нарком” Ежов зиммасига юклаб, “сувдан куруқ чиқмоқчи бўлган”: Ежов билан бирга бир қанча чекистлар ҳам отиб ташланган. Сталин ва Сиёсий бюронинг күрсатмаси билан НКВДнинг марказий ва республикалардаги аппаратида, жумладан, шу аппаратлар қошидаги партия ташкилотларида йиғилишлар ўтказилиб, Ежов ва унинг ҳамтоворлари кораланган. Бу кўзбўямачиликнинг айни ўзи зди. Шунга қарамай, жабрдийда халқнинг муайян қисми алданиб, ўзидағи нафратни Сталин ва Сиёсий бюро аъзоларига эмас, аксинча, ежовлар ва апресянларга қаратди. НКВДнинг озодликда яшаб, ўз зиммаларига юклантган вазифаларини бажаришда давом этаётган ходимлари буни яхши сезишган. Шунинг учун ҳам НКВДнинг 30-йиллардаги жаллодларидан бири Агабеков үша йиғилишда бундай деб магурланган: "...Мен бу ерда ишимиздаги факат салбий томонлар ҳақидагина гапиришни истамайман, ижобий ишларни ҳам қайд килгим бор, зеро, МК ва ХКСнинг қарорида бажарилган улкан ишлар зикр қилинган. Мана, масалан, Икромов ташкилотини узил-кесил тугатиб, [шу ташкилотнинг] маркази бүйіча 160 кишини қамоқча олдик. Мана, Ортиқов ва Тарасов бошчилигидаги ер билан яксон қилинган бирлашган ёшлар троцкийчи-миллатчилик ташкилотини олинг; разил Икромовнинг қариндоши Абдурауф Кориев раҳбарлик қилган, инглиз разведкаси билан алоқа боғлаган жоссуслик-диндорлик ташкилотини олинг; пахта саноатидаги фош этилган Гуревич раҳ-

² Бриль – Ўзбекистон НКВДнинг 1937-1938 йиллардаги Тошкент вилоятини бүйіча бошлиги.

барлигидаги жосуслик-қўпорувчилик ташкилотини, йирик эсерларнинг дашиноқ ташкилотини, 1917 ва 1938- йилларда тутатилган бошқа ўнлаб аксилинишибий ташкилотларни олинг. 4-бўлимнинг барча жамоаси ёмон ишламади. Кечани кеча, кундузни кундуз демай хизмат килди”.

Агабеков шу йигилишда ўзи раҳбарлик килаётган 4-бўлимда йўл қўйилган камчиликларни ҳам четлаб ўтмаслигини айтади. Унинг “мардона” эътироф этишича, шошилинч ишлар бўйича ходимнинг хатоси билан эзерлар ташкилоти аъзоси Дмитрий Панченко ўрнига Михаил Панченко қамоққа олинган ва у 2 кун ноҳақ қамоқда ётган экан, ундан минг бор узр сўраб, озод қилиб юборишган эмиш. Юзиз Агабеков минглаб сиёсий саводи бўлмаган ўзбекларнинг ноҳақ қамоққа олиниб, отиб ташлангани ёки 10 йиллик қамоқ жазосига мубтало этилганини ўз кўзи билан кўргани ва ҳатто шу қонли жиноятни шахсан ўзи бошқаргани ҳолда республика партия ташкилотининг раҳбари олдида шундай латифани айтишга заррача ҳам уялмаган.

Кўрамизки, “Катта қирғин” йилларида минглаб оилаларнинг отадан, ака-уқадан, фарзанддан, ҳатто онадан жудо бўлишида НКВД ходимларининг айблари ҳаддан зиёд катта бўлган. Шунга қарамай, улар ўз жиноятларининг касри етти авлодига этиши мумкинлигини ўйлаб ҳам кўрмаганлар.

Ўзбекистон НКВД ДХБ партия ташкилотининг 1939 йилдаги ёпиқ йигилишларидан биридаги ички ишлар ҳалқ комиссари Сажаянинг маъруzasидан маълум бўлишича, шу йили республика НКВД органларидан 224 киши ҳайдалиб, шулардан 55 киши ҳибсга олинган. Аппаратдаги ўзбеклар сони 25 тага етказилган. НКВД органларидаги “зараркунандалик ишлари” оқибатини бартараф этиш учун чекистлар мардонавор ишлаб, аксари тұхмат орқасида қамалган 17000 кишининг ишини қайта кўриб, судга оширган ва улардан 3 минг киши озод қилинган.

“Ўзбекистон НКВДси органларидаги душманлар фаолиятининг кент кулоч ёйганини шундан ҳам билса бўладики, – деган эди шу йигилишда Сажая, – ҳалқ комиссарларигининг янги раҳбари ити ноҳақ қамоққа олинганларнинг 40 фойизини озод қилишни лозим деб топди. НКВД органлари МК ва ХКСнинг 17 ноябрдаги қароридан кейин мутлако тўғри йўлдан бориб, биринчи навбатда, айниқса, Сурхондарё ва Хоразм округларидаги оммавий равишда

қамоқка олинган колхозчиларнинг ишларини ўрганишга киришди. Колхоз-чиларнинг озод қилиниши аҳоли ўртасида совет ҳокимиюти ва НКВД органларига муҳаббат уйготиш ишида катта сиёсий аҳамиятга молик бўлди”.

Сажаянинг бу сўзларидан сохта пафос янграб турганига қарамай, Ўзбекистон НКВД органларининг “Катта қирғин” йилларида ноҳақ қамоққа олинган ва республика қамоқхоналарида ётган маҳбуслар ишини 1939 йилда қайта кўриш ва озод қилиш йўлидаги фаолияти эътиборга сазовор. Аммо, аёнки, бу иш республика НКВД органларининг ташаббуси билан эмас, балки “Катта қирғин”дан кейин Катта ғалаённинг қўтарилиш хавфи ва, албатта, яқинлашиб келаётган Иккинчи жаҳон уруши шабадаларининг эса бошлаши билан бошланган эди.

Сажаянинг шу йигилишдаги нутқи билан танишган киши унинг, салафларидек, ниҳоятда айёр тулки бўлганини сезмай қолмайди.

Маълумки, аксар маҳбуслар инсон зоти чидай олмайдиган қийнокклар натижасида ўзларини ҳам, ёр-дўстларини ҳам бадном этувчи маълумот беришга, кора тухматдан иборат тергов баённомаларини ўз имзолари билан тасдиқлашга мажбур бўлишган. Инглиз контрразведкачиси О.Пинтонинг рус тилига таржима қилинган китобида ёзилишича, “жисмоний қийноқ энг иродали ва жисмонан бақувват кишини ҳам синдириши мумкин”. “Бирорта одам, – деб ёзди у, – сув ёрдамидаги қийноққа дош беролмайди: сув томчилари киши бошига бир неча секунд оралаб томиб-санчилиб туради. Мен шунга аминманки, ҳар қандай киши ҳам бир неча дақиқадан кейин бақириб юборади, бир соатдан кейин эса ақлдан озади... Ваҳниёна қийнокклар айбсиз кишини ўлим жазоси берилиши мумкин бўлган жиноятни тан олишга мажбур қилиши мумкин. Бундай ҳолатга тушган киши инсон зоти чидай олмайдиган азоблардан кўра тезроқ ўлишни афзал кўради”³.

Сажаянинг шу нарсани билмаслиги асло мумкин эмас. Аммо у бояги баландпарвоз сўзларидан кейин, яна ўша тантанавор оҳангда давом этиб, бундай деган: “Шунингдек, собик раҳбар ходимлардан ҳалқ комиссарлари ва партия органларининг котиблари ҳам озод қилинди. Ҳибсга олинган айрим кишилар терговда соф вижданли

³ Карапп: Икрамов Камиль. Книга об отце. Кучирма шу китобнинг интернет нусхасидан олиниди.

ищчиларга қарши қабиҳ ифво ва тухматдан иборат қўрсатмалар бериб, уларни аксилинқилобий ташкилотлар [фаолияти]да қатнашганинда айблашган, ўзларининг ҳам, бошқаларнинг ҳам устлариға мағзава тўкишган..."

Сажаянинг бу сўзларини эшитган чекистлар унинг устидан кулишлари тайин эди. Шунинг учун ҳам у яна бундай сўзларни айтишга мажбур бўлган: "Тўғри, улар шундай қўрсатмалар беришга мажбур бўлишган, уларга нисбатан терговнинг ноқонуний усуллари кўлланган. Аммо улар қандай партия аъзолари бўлишганки, ҳатто шундай шароитда ҳам (?) ор-номусли комунистларни аксилинқилобчилар, аксилинқилобий ташкилотларнинг қатнашчилари, деб аташган!?"

Сажая шу сўзлари билан ўзининг ўта мунофиқ кимса бўлганлигини ошкор қилган. Унинг фикрича, партия аъзоси ҳар қандай қийноққа қарамай, ўзига ҳам, бошқаларга ҳам хиёнат қилмаслик лозим. Аммо ўтган асрнинг 30–50-йилларида қийноқнинг янги янги тур ва усусларини кашф қилган НКВД ходимлари раҳбарият томонидан мунтазам равишда рағбатлантириб турилган. Улар республиканинг биринчи раҳбарларини, машҳур ёзувчи ва олимларни вахшийларча қийнаганлари билан мақтаниб юришган. Қанчадан-қанча кишилар тергов пайтида (демак, қийноқ натижасида) вафот этиб кетишган. Тибиёт ходимлари томонидан тузилган ва НКВД-нинг барча архивларида сақланаётган юзлаб ва минглаб "Акт"лар шу ҳақда ҳикоя қиласди.

Биз, Ўзбекистондаги ижтимоий-гуманитар фан вакиллари, 20-йилларнинг иккинчи ярми – 30-йилларнинг биринчи ярмида Ўзбекистонга раҳбарлик қилган Акмал Икромов билан Файзула Хўжаевнинг ҳаёти ва фаолиятини биримиз озроқ, биримиз кўпроқ бўлса-да, биламиз. Билишимизча, улар ўз фаолиятлари давомида совет давлатининг ижтимоий, иқтисодий ва маданий сиёсатига тўла риоя қилган ҳолда Ўзбекистонда фан, маданият, саноат, транспорт ва кишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришга интилганлар. Марказ топшириқларини бажариш учун ўзбек халқининг туз-насибасини кемтик қилган ҳоллар ҳам оз бўлмаган. Улар яхши маънода чин коммунистлар бўлишган. Аммо "Катта қирғин" бошланиши билан, биринчи навбатда, бошқа иттифоқдош республикаларнинг раҳбарлари қатори, улар ҳам катағон дорига тортилдилар.

1938 йилнинг март ойида Москвадаги Колоннали залда "ўнг троцкийчи блок" устидан ўтказилган намунали суд жараённида давлат қораловчиси Вишинский республиканизнинг собиқ раҳбарларига нисбатан шундай ҳақоратли муносабатда бўлдики, улар ноҳақ замокка олингандарини айтиш ва ўзларининг пок номларини хиёна қилиш ўрнига тергов жараённида қўйилган барча уйдирма айбарины ўз бўйниларига олишга мажбур бўлдилар. Бугун А.Икромов ва Ф.Хўжаевнинг сўнгги сўзлари билан танишган киши уларнинг шу даражада иложисиз колганларини қўриб, ҳайратга тушади. Мана, А.Икромовнинг сўнгги сўзидан бир лавҳа:

"...Мен дастлабки терговда ҳам, бу ерда ҳам ҳеч нарсани ширмай, ҳаммасини айтдим.

Мен нафақат ўзим ва Ўзбекистонда ҳукм сурган миллатчилик иксилинқилобчилик ташкилоти қилган жиноятлар учун жавобгарянан.

Мен яна "ўнг троцкийчи блок"нинг жосуслик ҳамда Алексей Максимович Горький, Куйбишев, Менжинский сингари советлар иамлакатининг машҳур кишиларини ваҳшийларча ўлдириш, Сергей Миронович Кировни маҳв этишдек ҳатти-ҳаракатлари учун ҳам ўзимни тўла жавобгар деб ҳисоблайман.

Мен қанчалик тубанликка тушиб кетганимни тушундим...

...Ўзим қилган ва Ўзбекистондаги миллатчилик ташкилоти қилган барча жиноятларни тан олганим ҳолда, "ўнг троцкийчи блок"нинг қатнашчиси сифатидаги жиноятларимни тан олганим ҳолда айтаманки, ҳамма билганимни, ҳамма жиноят қатнашчиларини фош этиб, ўзимни-ўзим куролсизлантиридим. Шунинг учун ягар ҳимоя ҳакида, раҳм-шафқат ҳакида илтимос қилиш мумкин бўлса, мен ҳозир яланточланган одамсимон йиртқич эканлигимни зйтган бўлар эдим..."

А.Икромовнинг ўзини-ўзи фош этувчи бу сўзларига муносабат билдиришдан аввал бир масалага тўхтаб ўтиш жоиз. Бу, "А.Икромов ва Ф.Хўжаев иши"нинг "Бухарин ва Риков иши"га – "ўнг троцкийчи блок"ка қўшиб юборилганилиги масаласидир. Агар А.Икромов ва Ф.Хўжаев Ўзбекистонга раҳбарлик қилган йилларида бирор жиноятга кўл урган бўлсалар, таомилга кўра, улар Ўзбекистондаги бошқа маслакдошлари билан бирга Тошкентда суд килиниши мумкин ва лозим эди. Аммо Москва уларни Марказда

фаолият олиб борган раҳбарларга қўшган ҳолда суд қилишини лозим деб топган.

Маълум бўлишича, бу масала 1956 йилда сиёсий қатағон курбонларини оқлаш ишлари билан шугулланган ССР бош прокурори Р.А.Руденкони ҳам ўйлантирган экан. У, атоқли давлат арбоби Н.М.Мухиддиновнинг ёзишича, шу ҳақда унга бундай сўзларни айтган:

“...Мен сизнинг Икромовингиз билан Бухаринни нима боғлаган бўлиши мумкинligини шу вақтгача тушунолмайман. Улар мутлақо бошқа-бошқа одамлар, улар ўртасида бирор муштараклик бўлмаган. Қолаверса – Бухарин “Известия”нинг муҳаррири. Иш шу даражага бориб етганки, у қисқа мuddат ичидан Тошкентта уч марта бориб, Икромов ва Хўжасев билан бирга бўлган, улар уйида яшаган. Бу, тушунарсиз ва шубҳа уйғотувчи ҳол. Худди шу ҳол Сталинда салбий таассурот қолдирган ва у Икромовдан юз ўтирган.

Энди Файзулла Хўжаевга келсак. Материаллардан шу нарса аёнки, у жуда ҳам бой кишининг ўғли, ҳатто уни амирнинг кариндоши дессан ҳам бўлади, мана шундай одам Бухорода миллатчилик ташкилотига рҳбарлик қилган. Бундан ташқари, менга айтишларича, МК бюросининг ҳамма аъзолари ҳам унинг оқланишига розилик беришмаган”^{3a}.

Н.Мухиддинов Руденконинг бу сўзларида жон борлигини, лекин А.Икромов ва Ф.Хўжаевнинг ўлкада Совет ҳокимиятининг ўрнатилишида фаол қатнашиб, Ўзбекистон Совет Иттифоқининг бир қисми сифатида камол топишига катта ҳисса қўшганларини айтган ва шундан кейин бундай деган:

“Мен аввалги сафар келганимда, ўртоқ Поспеловнинг хузурида бўлиб. 1937 йилдаги февраль-март Пленуми баённомасини ўқидим. Унда бир масала қўйилган эди – “Ўр. Бухарин ва ўр. Риковлар иши”. А.И.Микоян билан Н.И.Ежов маъруза қилишган. Шундан кейин В.М.Молотов, Л.М.Каганович ва бошқалар сўзга чиқишган. Барча маърузачилар ҳам, сўзга чиқувчилар ҳам Бухарин ва Риковни советларга қарши фаолиятда айблашган. Материалларни ўрганиш учун А.И.Микоян бошчилигига комиссия тузилган. У комиссия ишининг якунлари тўғрисида пленумга ахборот берган. Пленум қуйидаги қарорни қабул қилган:

“1. Ўр. Бухарин Н.И. ва ўр. Риков А.И. ВКП(б) МК аъзолигига номзодлар таркибидан ва ВКП(б) сафларидан чиқарилсин.

2. Бухарин ва Риков иши НКВДга топширилсин”.

Н.А.Мухиддинов шу сўзларни айтгандан сунг, улар ўртасида бундай савол-жавоб бўлиб ўтган:

“ – Тўгри, – деди Р.А.Руденко.

– У ҳолда “советларга қарши ўнг троцкийчи блок” ва “турух”нинг катта таркиби деган номлар қаердан пайдо бўлган?

У кулимсираб жавоб берди:

– Амалда ҳеч қандай блок бўлмаган. Уларнинг ўзида ҳам бирор платформа, дастур бўлмаган. Вишинский билан Ежов пленумдан кейин шуларнинг ҳаммасини бичиб тўкишган. Шундай кимсалар качон бир нарсани ахтаришса, ўзларига керакли нарсани ҳар доим топишади. Улар бутун куч ва қобилиятларини ишга солиб, советларга қарши ўнг троцкийчилар блоки бор, деб аюҳаннос солишган. Бу ишга ўзлари билан алокада, дўстона муносабатда бўлган, учрашиб, фикр алмашиб, турили нуқтаи назарларини, балки баъзан у ёки бу масала бўйича норозиликларини билдириб турган, сиздагиларга ўхшащ барча кишиларни жалб этишган”³⁶.

Қўрамизки, Вишинский ва Ежовга ўхшаган кимсалар Сталинга яхши кўриниши, ордек олиш ва хизмат пиллапоясидан камида биринки зина юқорига кутарилиш учун “унг троцкийчилар блок”ини ўйлаб топишган, шу “блок”ка мутлақо алоқаси бўлмаган А.Икромов ва Ф.Хўжасевни шу “блок”ка чамбарчас боғлаб ташлашга ҳам муваффақ бўлишган. Улар ўз манфаатлари йўлида шундай ишларни амалга оширганларки, ҳатто А.Икромов сингари жабрдийдалар ҳатто қилмаган жиноятларини ҳам бўйинларига олиб, қилмаган жиноятлари учун жаллодлардан кечирим сўрашга, раҳм-шафқат сўрашга мажбур бўлгандар.

Инсоният тарихида бирор ҳаттоки ўта қонхўр, одамхўр жиноятчи ҳам ўз устидан ўтказилган судда бундай сўзларни айтмаган. Зоро, ўлимга ҳукм қилиниши мукаррар эканлигини билган, айниқса, ноҳақ айбланган, тухмат курбони бўлган ҳар қандай одам жаллодлар олдида бундай паст кетишни истамайди. Аммо ҳозиргина кўрганимиздек, партиянинг оддий аъзосигина эмас, балки республика паргия ташкилотининг сардори терговда ҳам, судда ҳам бўйнига қўйилган барча сохта айбларни тан олибгина қолмай,

^{3a} Мұхиддинов Н. Годы, проведенные в Кремле. Книга первая. – Т.: 1994. – С. 212.

³⁶ Курсатилган асар. – Б. 213.

үзини-үзи бутун дунё олдида, келажак олдида шарманда қилмоқда. Бунинг бирдан-бир сабаби унинг НКВД исканжасида ваҳшиёна қийноқларга дучор этилганидир.

Дарвөсे, 1937 йил баҳорида Москвада ўтказилган “намунавий” суд жараёни тўғрисида турли-туман фикрлар юради. Айрим тарихчиларнинг айтишларича, судда айланувчилар эмас, балки уларнинг дублёрлари ҳозир бўлишган, айланувчилар эса бундан бир қанча вакт олдин терговсиз-судсиз отиб ташланган. 70-йилларнинг бошларида Партия тарихи институтида директор лавозимида хизмат килган академик Эркин Юсупов қатагон қилинган республика раҳбарларининг публицистик меросини ўрганиш ва нашр қилишга раҳбарлик қилган. У шу катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятта эга бўлган масала бўйича бир неча марта республиканинг шу йиллардаги раҳбари Ш.Рашидов билан учрашган. Олим шу давр ҳакидаги хотираларидан бирида бундай сўзларни ҳам ёзган: “Ш.Рашидов ҳақиқатан ҳам буюк инсон, истеъодли раҳбар эди. Унинг ўзеки ҳалқи тарихи ва маданиятига бўлган хурмати чексиз эди. Унинг ўзи ҳам, ҳаммамиз каби, совет тузуми сиёсатининг қули бўлиб қолди. У моҳир раҳбар сифатида ишни эҳтиёткорлик билан қилар, ҳар кимга ҳам ишонавермас эди. 1930-1937 йиллар воқеалари ҳақидаги гаассуротларини гапириб берганида совет тузумининг афзалликлари ҳақидаги гаплари сиёсий бир никоб эканини сездим. Ш.Рашидов, совет тузуми шароитида яшаган кўплаб кишилар сингари, ўз ички дардини яшириб юрадиган бандалардан эди... Бир куни Ш.Рашидов ўзига хос босиқлик ва саловат билан менга: “Эркинбой, Акмал Икромов ва Файзула Хўжаевнинг суди, улар ўз айбига иқрор бўлгани ҳақидаги маълумотлар суный сценарий, холос, аслида улар суд бошлан-масдан етти, саккиз ой олдин ўлдириб юборилган эди”, деди”⁴.

Ш.Рашидов худди шундай фикрни Акмал Икромовнинг ўғли ёзувчи Комил Икромовга ҳам айтган. “Шароф Рашидов, – деб ёзади у, – мен билан сухбатда суд жараёнининг умуман бўлмаганлигини, савол бермаганимга қарамай, икки ёки уч марта қайсаарлик билан айтди.

– Қандай қилиб бўлмаган?

– Бўлмаган. Ишон, Комилжон. Бўлмаган. Отанг ҳам у ерда бўлмаган. Менга ишонавер, мен ҳамма ҳужжатларни кўрганман”⁵.

К.Икромов шу масалага оид билган-эшитганиларини ўзича таҳлил қилиб, бундай ёзган: “Суд қилинувчиларга қийноқ, азоб-укубат, медик препаратлар ва гипноз ёрдамида таъсир кўрсатиш усулларига доир гумон ва фаразлар орасида бундай ҳам бор: судланувчилар курсисида Бухарин, Риков, Икромов, Хўжаев, Зеленский ва х.к.лар эмас, балки уларнинг киёфадошлари ўтиришган. Шундай бўлгани менга маъқул кўринади. Терговчи-ларнинг қандай йўуллар билан отамдан иқрорномани олишга эришгандарини ўлаш мен учун жуда даҳшатли. (Мана, бир неча йилдан бери бир хотирини қўнглимдан чиқармоқчи бўлиб юрибман. Ҳаёт мени бир ўзбекка рўпара қилган. Агар бу ўзбек тарихнинг ҳар бир бурилишида кудратли кучларга асқотадиган унсурлардан бўлмаганида, мен уни ўткинчи кимсаларнинг ўткинчиси, деб атаган бўлардим. У ўзини Мухаммад пайғамбарнинг авлодиман, деб, одамларни дуо, иғво билан даволаб, яшириқча табиблиқ қилгани учун 1938 йилда жазо муддатини ўтаб ётган. Муддати охирлаб қолганда уни тўсатдан лагердан олиб, Москвага, Лубянкага олиб келишди. У февраль ичи ва март ойининг бошларида сўроққа чақирилмай ётди, фақат баъзан-баъзан камерага каттаконлар келишиб, у ёк-бу ёғига қараб кетишиди. Шу киши ўзидаги қандайдир маълумотларга асосланиб, ўзини Икромовнинг ўрнига тайёрлаш-ганини айтган.)”⁶

Суд қандай кечгани ё кечмаганидан қатъий назар, бизнинг ихтиёризмизда фақат бир нарса – суд жараёнининг стенограммаси ва шу стенограммада А.Икромовнинг сўнгги нутқи бор. А.Икромовнинг шу нутқидан маълум бўлишича, у суднинг якунловчи мажлисида ўзига берилажак сўнгги сўздан воз кечмоқчи бўлган. Лекин унинг сўнгги мажлисада ўзига қўйилган барча айбларни бўйнига олиб, нутқ сўзламаслигини совет мамлакатидаги ички оппозиция вакиллари ҳам, хорижий кузатувчилар ҳам ўзгача талқин қилишлари мумкин эди. Шунинг учун уни обдон кийнаш билангина кифояланиб қолмай, барча қариндош-уругларининг ҳам “терини шилажаклари”ни айтишган. Шу сўнгги аргумент уни юқоридаги даҳшатли эътироф сўзларини айтишга мажбур қилган.

⁴ Юсупов Эркин. Зулмат ичиди зис излаб... – Чимкент, 2000. – Б. 100-102.

⁵ Икромов Камиль. Книга об отце. Интернет-нусха.
⁶ Уша маңба.

Ф.Хўжаев, А.Икромовдан фарқли ўлароқ, ўз ор-номусини тўкмаган. Аксинча, у ирова кучини маълум даражада сақлаб қолган бўлса керакки, ўзининг ноҳақ қамоққа олиниб, жазога тортилаётганини усталиқ билан айта олган: “Мен ҳеч қачон, – деган у, – иғвогар ҳам, жосус ҳам, қотил ҳам бўлмаганман. Аммо, модомики, шу блок қатнашчилари орасига тушиб қолган эканман, бунинг нима аҳамияти бор, бинобарин, мен унинг барча ҳатти-ҳаракатларига жавоб беришим лозим”.

Ф.Хўжаевнинг бундай мардона ва оқилона тузилган нутқини ўқиган кишида А.Икромовнинг суддаги сўзига нисбатан шубҳа пайдо бўлади.

Шуни айтиш жоизки, “ўнг троцкийчилар блоки” устидан суд жараёни бошланиши билан Москвадан келган кўрсатма асосида иттифоқдош республикаларнинг, жумладан, Ўзбекистоннинг шаҳар ва қишлоқларидағи корхоналар, ўкув юртлари ва маҳаллаларида митинглар ўтказилиб, “халқ душманлари”и кескин қораланган, улар шаънига ҳақорат сўзлари айтилган, айрим ашаддий “ватанпарварлар” эса ҳукуматдан уларга ўлим жазосини беришни талаб қилиб чиқишиган. Терговчилар эса маҳбусларни шундай материаллар билан мунтазам равишда танишириб боришган. Тахмин қилиш мумкинки, А.Икромов ҳам ватандошларининг унинг шаънига отган тухмат ва маломат тошларидан бехабар бўлмаган.

Сўнгти йилларда Россияда эълон қилинган китоб ва мақолалардан маълум бўлишича, Сталин суд жараёнини шунчаки кузатибина қолмай, унга дирижёрлик ҳам қилган, ҳатто матбуотда чиқажак аксар материалларни назар-эътибордан ўтказиб, уларни ўз фойдасига таҳрир ҳам қилган. Тахмин қилиш мумкинки, А.Икромов суднинг якунловчи мажлисида сўзга чиқишидан воз кечгани учун унинг ўзини-ўзи таҳқирловчи сўзларини НКВДнинг қаламкаш ходимлардан бири ёзib берган ва А.Икромов шу нутқ матнини судда ўқиб беришга мажбур қилинган.

Шу нарсани эслатиш жоизки, совет давлати А.Икромов ва Ф.Хўжаевнингина қамоққа олиш ва отиб ташлаш билан кифояланмай, уларнинг қариндош-уругларини, улар билан учрашган, улар билан бирор муносабатда бўлган барча кишиларни ҳам қатағон дарёсига чўқдириб юборди. А.Икромов республика партия ташкилотининг биринчи котиби бўлгани учун республика компартияси Марказий Комитетининг қарийб барча аъзолари, барча вилоят,

шаҳар, туман партия ташкилотларининг котиблари қамоққа олинган. Ўз навбатида улар билан салом-аликда бўлган кишилар ҳам қатагон дарёсига ташланган. Масалан, Самарқанд вилояти Жомбой тумани партия ташкилотининг котиби Зиё Ўлмасбоевнинг қамоққа олиниши билан жомбойлик 54 киши ҳам унинг тақдирига шерик қилинган.

Қатағон дарёси худди шу тарзда Ф.Хўжаев раҳбарлик қилган Ўзбекистон Халқ Комиссарлари Совети тизимидағи вилоят, шаҳар, туман совет идораларидағи ўнлаб кишиларни ҳам, уларнинг аксар қариндош-уругларини ҳам ўзининг қонли гирдобига тортган.

Ана шу фактларнинг ўзиёқ “Катта қирғин” йилларида ўзбек ҳалқининг ўн минглаб фарзандлари қириб ташланганидан шаҳодат беради.

2 боб. ДАВЛАТ ВА ПАРТИЯ АРБОБЛАРИНИНГ КАТАГОН ҚИЛИНИШИ – ОММАВИЙ ҚИРҒИННИНГ БОШЛАНИШИ

1934 йилда таниқли партия ва давлат арбобларидан бири С.М.Кировнинг ўлдирилиши Сталиндек ҳокимиятсевар, ўз мақсади йўлида нафакат кечаги дўстлари ва сафдошлари, балки юзлаб, ҳатто минглаб кишиларни ҳам қириб ташлашга тайёр киши учун айни мудда эди. У кучли ракибларидан кутулишда шу имкониятдан усталик билан фойдаланди. Шу жараёнда Сталиннинг шафқат-сизлиги ва қонхўрлигини кўрган бошқа давлат ва партия арбоблари ё унга бўйсуниб, содик қулларга айланишлари, ёки давлатни бошқаришнинг бошқа дастурини ўртага ташлаб, шу дастур атрофига маслақдошларини тўплаши ва, агар шароит талаб қиласа, Сталинга қарши курашиши лозим эди. Сталин моҳир руҳшунос сифатида буни яхши билган. Кимда ким, у чизган чизикдан кета бошлаган бўлса, унда потенциал душманини кўрган ва шу душманининг бошини мажақлаб ташламагунигача тинчлана олмаган.

"Катта қиргин"нинг кслиб чиқиши сабабларидан бири бўлмиш шу ҳол Троцкий ва унинг асосий тарафдорлари йўқ қилиб юборилгандан сўнг, 1937 йил бошларида Сталин ВКП(б) МК пленуми аъзоларини йиғиб, улар билан бирга троцкийчиларнинг барҳаёт "издошлар"ига қарши ўти очишга лозимлигини айтди. 1937 йил февраль-март кунларда бўлиб ўтган пленумида ВКП(б)нинг қатор кўзга кўринган намояндалари каторида Н.Бухарин, А.Риков, Н.Крестинский, И.Зеленский, А.Икромов ва Ф.Хўжаевлар ҳам ақсилиңқилобчилик ва зааркунандалик хатти-ҳаракатларида айбланиб, уша кунлардаёқ отиб ташландилар. Пленумдан кейин тўрт ой ўтар-ўтмас, Сиёсий бюро 1937 йил 2 июлда "Аксилшўровий унсурлар тўғрисида" карор қабул қилди. Шу карорни бажариш жараёнида собиқ "кулоқлар" билан бирга таниқли давлат ва партия арбоблари ҳам қамоққа олиндилар.

"1937-38 йилардаги оммавий қатағон тўлқини, – деб ёзилган КПСС МК комиссиясининг Партия XXVII съездидан сайланган ВКП(б) МК аъзолари ва аъзоликка номзодларни оммавий қатағон килиш сабабларини аниқлаш бўйича КПСС МК Президиумига йўллаган маъruzасида, – партия, совет органлари, ҳўжалик ташкилотларидаги раҳбар ходимлар, шунингдек, армия ва НКВД органларидаги командирлар таркибини ўзининг кенг камровига олди.

Шу йилларда аксар республикалар, ўлкалар ва вилоятларда партия ва совет органларининг қарийб барча раҳбарияти, шунингдек, шахар ва туман ташкилотлари раҳбарларининг катта қисми камалди. Шу даврда партиянинг бир қатор ўлка, вилоят, туман комитетларида раҳбар ходимларнинг 2-3 таркиби қамоққа олинди.

Ҳатто 17-съездда сайланган ВКП(б) МКнинг 139 та аъзоси ва аъзоликка номзодидан 98 киши шу йилларда қамоққа олиниб, отиб ташланди.

Шу нарса ҳайратланарлики, иши судга узатилган ВКП(б) МКнинг барча аъзолари ва аъзоликка номзодлари учун фақат битта жазо – отув жазоси белгиланиб, улардан бирортаси тирик қолдирмади...⁷

30-йилларнинг ўрталарига келиб, нафақат партия ташкилотлари, балки совет ва ҳўжалик ташкилотларидаги раҳбар лавозимларга партия аъзолари тайинлана бошлаган. Шунинг учун партияни "халқ душманлари" ва "ёт унсурлар"дан таъсиридан тозалаш мақсадида бошланган оммавий қатағон партия, совет ва ҳўжалик ташкилотларининг партия аъзоси бўлган раҳбарларини, шунингдек, ҳарбий қисмлардаги партия аъзоси бўлган командир-ларни биринчи навбатда ўз гирдобига тортди. Марказда ва бошқа республикаларда бўлганидек, Ўзбекистонда ҳам нафакат партия, балки совет ва ҳўжалик ташкилотларининг қарийб барча партия аъзоси бўлган раҳбарлари қамоққа олинди. Бу жараён Ўзбекистон ҳудудидаги ҳарбий қисмларни ҳам четлаб ўтмади.

1937 йил май ойида Москвада ўзбек санъати ўнкунлиги катта тантана билан ўтган. Ўнкунлик шодиёналари ҳали хотирадан кўтарилимай туриб, Ўзбекистон Халқ Комиссарлар Совети раиси Файзулла Хўжаевнинг қамоққа олиниши ўзбек ҳалқини ларзага келтирган. Орадан кўп ўтмай, НКВД ходимлари ярим кечада республикамиздаги раҳбар партия ва давлат ходимларини Москвада тасдиқланган рўйхат асосида қамоққа ола бошлаганлар. Мамлакатимизда нотинч ва таҳликали ҳолат вужудга келган.

Шундай кунлардан бирида драматург Комил Яшин рафиқаси машҳур ҳалқ артисти Ҳалима Носирова билал бирга Чимёнга дам олгани чиқкан эди. "Бир кун, – деб эслайди драматург, – Муслим Шермуҳамедовнинг рафиқаси Раҳбархоннинг таклифи билан улар тушган чорбокқа кириб, у ёқ-бу ёқдан гурунглашиб ўтиридик.

Болтабоев (Тошкент шаҳар партия комитети котиби – Н.К.) ҳам шу ерда бўлиб, таъби ўлгудек тиррик эди. Сабабини сўрасак, ўзи ҳам, рафиқаси Мұтабархон ҳам айтмади. Қарасам, сухбатимиз тобора музлаб бораяти. Ҳалимахон икковимиз узр сўраб, ўзимиз тушган чорбокка тушиб кетдик...

Эртасига эрта билан: "Болтабоев кечаси ўзини отиб қўйибди", деган гап ўрмалаб қолди. Суриштирсак, рост чиқди. Мархумнинг жасадини аравада Тошкентта олиб кетиши. Ўзини нега отганлиги бизга коронгилигича қолаверди.

Раҳбар кадрлардан Муслим Шермуҳамедов (ЎзКП(б) МК кишлоқ хўжалик бўлими мудири – Н.К.) ҳам, Абдуллахон Каримов (ЎзХС раиси ўринbosари – Н.К.) ҳам, Абдулҳай Тожиев (Тошкент шаҳар совети раиси – Н.К.) ҳам бирин-кетин қамалиши. Ниҳоят, Акмал Икромовга ҳам навбат келди...⁸

Бир томондан, республика партия ташкилоти раҳбари Акмал Икромовнинг, иккинчи томондан, Халқ Комиссарлар Совети раиси Файзула Хўжаевнинг Ватанга хоинликда айбланиб камалиши билан Ўзбекистонда оммавий катағон тўлкини бошланиб кетди. НКВД органлари ЎзКП(б) МК ва ЎзССР ХКСдаги қарийб барча масъуль ходимларни ва ҳатто уларшг хотинларини (Эрларининг аксилинқиlobий фаолияти хакида НКВДни хабардор қилмагандар, бинобарин, уларнинг аксилинқиlobий фаолиятига шерик бўлганлари учун) қамоққа олдилар. Республиkaning икки раҳбари – Акмал Икромов билан Файзула Хўжаевнинг нафакат барча хизматдошлари, балки барча қариндош-уруглари ҳам қамоққа олинди. Кимдаким бу икки раҳбар билан салом-аликда бўлган ёки хизмат тақозоси билан бир ёки бир неча марта учрашган бўлса, "халқ душмани"нинг "дум"и деган 1937 йилда кашф қилинган ёки бошқа бирор айб билан қамоққа олинаверди.

Совет даврида шаклланган олий давлат ва партия органлари юкори, ўрта ва бошланғич ташкилот ва идораларга вилоят, шаҳар ва туман бўлимлари орқали раҳбарлик қилишган. Агар 1937-1938 йилларда Ўзбекистонда (Қоракалпогистон билан бирга) 10 та вилоят, 11 та шаҳар, 104 та туман бўлганини ётиборга олсак, бу вилоят, шаҳар ва туманларнинг ҳар бирида вилоят, шаҳар ва туман советлари, шунингдек, вилоят, шаҳар ва туман партия ташкилотлари фаолият юргизишган. Файзула Хўжаевнинг бевосита раҳбар-

лиги остида ишлаганлари учун шу вилоят, шаҳар ва туманлардаги барча совет раҳбарлари, Акмал Икромовнинг бевосита раҳбарлиги остида ишлаганлари учун шу вилоят, шаҳар ва туманлардаги барча партия ташкилотларининг котиблари қамоққа олинган. Ўз навбатида, вилоят, шаҳар ва туман советлари раҳбарларининг, шунингдек, вилоят, шаҳар ва туман партия ташкилотлари котибларининг қамоққа олиниши билан шу "халқ душманлар" билан алоқада бўлган бошка ўнлаб кишилар ҳам қатағон тегирмонида мажоқланиб ташланди.

Акмал Икромовнинг "дум"и сифатида қамалган туман партия комитети котибларидан бири, юқорида айтилганидек, Самарқанд вилоятидаги Жомбой тумани партия ташкилоти раҳбари Зиё Улмасбоев эди.

1936-1937 йилларда совет давлатининг ички сиёсатидан норози бўлган кишилар мамлакатимизда, айниқса, кишиларларда оз бўлмаган. Шундай кишилардан бири Жомбой тумани ижроия комитети раисининг собиқ ўринbosари Мамашкур Оқбўтаев бўлиб, у ўзидаги норозилик кайфиятини ҳамқишлоқларидан яширгаган. М.Оқбўтаевнинг "аксилшўровий тарғибот" олиб бораётганини эшигтан чекистлар уни қамоққа олишга ҳозирлик кўришади. Бундан ўз вактида хабар топган М.Оқбўтаев Пойарик туманига кочиб боради. НКВД ходимлари ҳатто уни кўлга туширганларида ҳам ҳамқишлоқлари уни чекистлар қўлидан кутқариб қолишига муваффақ бўлишади. Бу ҳол, чекистлар назарида, Жомбойда аксилинқиlobий кўзғолончилар гурухи мавжудлигини ва фаол ҳаракат қилаётганини англатар эди. Улар назарида, бу аксилинқиlobий кўзғолончилар гурухи раҳбари Жомбой тумани партия комитетининг биринчи котиби З.Улмасбоев эди.

Бир неча кунлик кийноқлардан сўнг 1937 йил 25 декабрда терговга чақирилган З.Улмасбоев 1936 йил декабрь ойида Жомбойда 150 кишидан иборат қўзғолончилар гурухини тузганини тан олишга мажбур бўлган. Аммо чекистлар қанчалик уриниш-масин, у кўзғолончилар гурухининг таркиби ва фаолияти түгрисида бошка бирор маълумот бермаган. Бирор 1938 йил бошларида қамоққа олинган жомбойликлардан бири 10 март куни бўлиб ўтган терговда 1936 йил декабрида З.Улмасбоев ҳузурида йиғин бўлиб ўтгани ва унда 14 кишининг қатнашганлигини айтиб, уларни номма-ном санаған. Бу, чекистлар учун янги ҳаракат майдонини очилишига са-

⁸ Қомиши Яшин. Ёднома. – Тошкент, 189. – Б. 179.

баб бўлади. Улар ўнлаб жомбойликларни қамоққа олиб, уларни ақсилинқилобий миллатчилар гурухига аъзо бўлганлиқда айблашга уринадилар. Ниҳоят, З.Ўлмасбоев бошчили-гидаги 21 кишининг "иш"ини "урганиб", уни Самарқанд вилоят суди қошидаги маҳсус коллегия ихтиёрига юборадилар. Айни пайтда Жомбой туманида душман ахтариш кампанияси шиддат билан давом этади.

1938 йил 12 марта Қоракент қишлоқ советининг собик раиси Холмат Корабосев қамоққа олинади. У обдон қалтакланганидан сўнг, 1936 йил январида Зиё Ўлмасбоев томонидан ақсилинқилобий миллатчилик ташкилотига ёлланганини "тан олади" ва гўё шу ақсилинқилобий ташкилот йигилишларида қатнашган 27 кишини номма-ном санаб беради. Бу 27 киши орасида колхоз раислари ҳам, районно инструктори ҳам, маҳаллий газета ходими ҳам, ОСОВИАХИМ туман совети раиси ҳам, мактаб мудири ҳам бўлган.

1938 йил 29 майда ОСОВИАХИМ туман совети раиси Эгамназар Жўрасев қамоққа олинади. Куни кеча Самарқанддаги ўзбек тоғли отлиқ дивизиясида кичик командир бўлиб хизмат қилган Э.Жўраев бир неча кунлик қўйноклардан кейин Ўлмасбоевнинг топшириғи билан туманда совет ҳокимиятини ағдариш мақсадида 23 кишидан иборат қўзғолончилар гурухини тузгани ва бу гурух учун отлар ва қурол-яроғларни тайёрлаганини айтади.

Ҳ.Корабоевнинг кўрсатмаси асосида 10 киши, Э.Жўраевнинг кўрсатмаси асосида эса 24 киши қамоққа олинади.

Орадан бир неча вакт ўтгач, 1938 йил 12 июнда Шерқурғон-Болин қишлоқ советининг собик раиси Очил Бегматовнинг ҳам қўлларига кишан солинади. Унинг қўйноклардан кейин берган "маълумот"ига караганда, 1936 йилда З.Ўлмасбоев унга Жомбойда ўзи раҳбарлигида катта қўзғолончилар гурухи тузилганини ва бу гурухни Тошкентда қўллаб-куватловчи кудратли кучлар борлигини айтган, ҳатто гуруҳнинг максади Ўзбекистонни Совет Иттифоқидан ажратиб олиш эканлигини ҳам яширгмаган. О.Бегматов шу гурухга аъзо бўлган 7 кишининг исм-шарифини ҳам тилга олган.

Хуллас, Ўзбекистон Ички ишлар ҳалқ комиссарлигининг Самарқанд сектори Жомбой туман бўлими ходимлари билан биргаликда 50 дан зиёд кишиларни қамоққа олиб, уларга сохта айблар билан отув ва 10 йиллик қамоқ жазоси берилишига муваффақ бўладилар. Отилимай қолган, Россия ва Қозогистондаги лагерларга юборилган бир неча жомбойлик маҳбуслар қора тухмат оркасида

қамалганларини исботлаб, озод бўлишга эришишади. Аммо бу ҳол қонли 1937-1938 йилларда камдан-кам учраган баҳтли воқеалардан бири эди...

Энди ўйлаб кўринг, ҳурматли китобхон, агар 1937-1938 йилларда республикамизнинг биргина Жомбой туманида юздан зиёд киши сарсон-саргардан килинган, 50 дан зиёди қамоққа олинган, 10 га яқини эса отиб ташланган бўлса, республика бўйлаб қанчадан-канча кишилар катағон даврининг жабр-зулмини тортган, оиласлари хонавайрон бўлган, фарзандлари эса етим қолганин?..

Давлат ва партия араббларининг, саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва соғлиқни саклаши ходимларининг "Катта қирғин" йилларида шу тарзда кириб ташланиши улар хизмат қилган соҳаларга мислсиз даражада катта талофат келтирди.

Ўзбекистон "Катта қирғин" йилларида барча юкори малакали кадрларнинг кириб ташланиши ёки ишдан четлаштирилиши билан реал сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳалокат ёқасига келтирилди.

З-боб. ФАН ВА МАДАНИЯТ ХОДИМЛАРИНИНГ ҚАТАГОН ҚИЛИНИШИ

1937-1938 йилларда совет мамлакатида истиқомат қилган барча халқлар қатори, ӯзбек халқи ҳам катта талофатга учради. Совет давлатининг қатағончилик сиёсатидан халқнинг бирор қатлами омон қолмади: давлат ва партия ходимлари ҳам, ижодий ва илмий зиёлилар ҳам, саноат, кишлоқ ҳўжалиги ва транспорт ходимлари ҳам сталинча қатағоннинг жабр-зулмини ўз бошидан кечирди. Агар Туркистондаги чор маъмурияти мустамлакачилик йилларида маҳаллий халқни маърифат булоқларидан қанчалик узоқда саклашга уринган бўлса, совет давлати биринчи навбатда халқнинг орномуси ва виждони бўлган маърифат аҳolini – ёзувчилар, фан, маориф ва маданият ходимларини кириб ташлаш билан ўз умрини узайтиromoқчи бўлди. Аҳолини мустамлака сиртмоқларида узок сақлаш учун унинг пешқадам кишиларини йўқотиши, тирик қолганларни эса доимий кўркув ва ҳадик талвасаси билан яшашга қўнигириш лозим эди.

Қатағон деганда ҳар бир кишининг хотирасига даставвал 1937-1938 йиллар келади. Ҳолбуки, совет ҳокимиияти ўрнатилган 1917 йилнинг декабрь ойидаёқ ВЧК (Бутунrossия Фавкулодда Комиссияси) ташкил этилган бўлиб, большевиклар давлатининг қилич ва қалқони ҳисобланган бу жазо органи кўплаб кишиларнинг ёстуғини қурутган. Кўп ўтмай, ВЧК тугатилиб, унинг зиммасига юклangan вазифани ГПУ (Давлат Сиёсий бошқармаси) бажарган. 1923 йил 6 июлда ГПУ янада мустаҳкамланиб, ОГПУ (Бирлашган Давлат Сиёсий бошқармаси)га айлантирилган. 1934 йил 10 июлда эса ОГПУ базасида собиқ совет халқларини зир қақшатиб, сўнг хонавайрон қилган НКВД (Ишчи Ишлар Халқ Комиссарлиги) ташкил этилган.

Юқорида тилга олинган жазо идораларининг барчаси кариб етмиш йил мобайнида миллионлаб кишиларнинг юракларини қонга ботириб келди. Аммо бу даҳшатли идораларнинг бироргаси халқнинг бегуноҳ фарзандларини 1937-1938 йиллардагидек оммавий равишда қийнаб-азоблаб, сўнг қатл этмаган. Ҳатто фашизмнинг қонхўр каллакесарлари ҳам НКВД жаллодлари олдида ип еши олмаганлар.

1937 йилнинг ёз ойларида НКВДнинг янги раҳбари В.Ежов совет давлатининг навбатдаги қатағон компаниясини “юксак даражада” ўтказиш мақсадида маҳфий кенғаш ўтказади. Кенгащдан қайтган ЎзССР ички ишлар халқ комиссари ўринбосари Леонов-Немировский НКВД вилоят бўлимларининг раҳбарларини тұплаб, уларга бундай дейди: “Москвада Ежов хузурида бошқа наркомлар ва бошқарма бошликлари ўн минглаб кишиларни ҳисбга олганлари тўғрисида ҳисоб берганларида Ўзбекистон НКВДсининг атиги бир неча минг кишини қамаганини айтиш мен учун жуда уятли бўлди...”

Леонов-Немировский шу сўзларидан кейин адреслар столига бориб ҳам, ҳатто телефон дафтарларини вараклаш, сайловчилар рўйхатини кўздан кечириш йўли билан ҳам ўн минглаб кишиларни қамокка олиш мумкинлигини айтади. НКВД ертўласидаги қийнокхонадан самарали фойдаланиш мумкинлигини писанда қиласди.

Халқ комиссари ўринбосарининг бу топшириғидан кейин Ўзбекистонда бегуноҳ ва мусичадей беозор кишиларни қамокка олиш ишлари яна ҳам авж олиб кетди. Терговчилар кундузни-кундуз, кечани-кеча демай тинимсиз ишладилар. Қамокка олиш бўйича НКВДнинг тармоқлари ва вилоят бўлимлари ўртасида қизғин мусобака бошланди. Қамоқхоналар давлат ва партия арбоблари, адабиёт, матбуот ва маориф ходимлари, халқ ҳўжалиги, транспорт ва соглиқни саклаш тизимидағи кишилар билан тўлибтошиб кетди.

Агар 30-йиллардаги газета ва журнал саҳифаларини варақла-сангиз, 1937 йилнинг май-июнъ ойларигача таникли шоир ва ёзувчиларнинг кетма-кет чоп этилган шеър ва мақолаларига кўзингиз тушади. Аммо июнъ ойининг бошлариданоқ таниш исмлар сийраклаша, сўнгра умуман ғойиб бўла бошлайди. Адабиёт оламида худди тирик жон қолмагандек таассурот қолади, сизда.

Ҳақиқатан ҳам шундай бўлган. Ҳатто қамоққа олинмай қолган ижодкорлар ҳам шеър ёки ҳикоя ёзмай, кечалари билан ухламасдан, НКВД ходимлари келиб қолади, деган кўркув билан юракларини ҳовучлаб ётишган. Мамлакатда факат қабристонлардагина бўлади-ган даҳшатли ва хунук сукунат ҳукм сурган, ўшанда.

Айтиб ўтилганидек, қатағон ойболтаси халқнинг барча қатламларига мансуб кишилар бошига тушди. Вақти келиб, қатағон довулига учраган агрономлар, инженерлар, шифокорлар, саноат, киши-

лоқ хўжалиги ва транспорт ходимлари, давлат ва совет муассалаларида хизмат қилган ватандошларимиз ҳақида ҳам китоб ва мақолалар ёзиб, улар номларини ҳам абадийлаштириш чоралари кўрилади. Аммо ҳозирча биз сиз, ҳурматли китобхонларни “Катта киргин”нинг фан, таълим ва маданият соҳаларига келтирган заарларини кўрсатиш мақсадида шу соҳаларнинг айрим жабрдийда вакиллари билан таништирамиз.

Миён Бузрук Солихов (1891-1939)

XIX аср охири – XX аср бошларида дунёга келган ўзбек зиёлилари тақдири ниҳоятда фожиали кечди. Шу даврда яшаб, совет давлатининг қаҳр-ғазабига учраган зиёлилардан бири Миён Бузрук Солиховdir.

М.Б.Солихов XX асрда яшаган ўзбек зиёлиларининг кекса авлодига мансуб, 1891 йили Тошкент шаҳрининг Қашқар маҳалласида мулла оиласида дунёга келган. Дастреб маҳалла мактабида, сўнгра Дегрездаги мадрасада таҳсил олган. XX аср бошларида ҳозирги Ўзбекистонда, хусусан Тошкентда турк, озарбайжон ва татар тилларида нашр этилган газета ва китоблар тарқала бошлагани учун мадраса талabalari шу янги нашрлар билан танишиб, адабий ва ижтимоий қарашлари шу нашрлар асосида шакллана бошлаган. М.Б.Солихов ҳам шу нашрлар орқали 1905 йилда Россияда инқилоб содир бўлганидан, сабр косаси тўлган аҳолининг подшо ҳокимиyati қарши қўзғолон кўтарганидан хабар топди; туркий халқларнинг бирлашиб, ўз ҳақ-хукукларини кўлга киритиши лозимлиги ҳақидаги мақолаларни ўқиб, келажакка умид билан қарай бошлади. Аммо 1917 йилда рўй берган инқилобий ҳаракат у кутган натижади билан тугамади. Оқ подшо ўрнига ҳокимиyat тепасига қизил “подшочалар” келди.

Ўзбек зиёлиларининг Туркистон Мухторият ҳукуматини барпо этиш орзулари чиппакча чиқиб, большевиклар қизил аскарлар ва арман дашноклари ёрдамида Фарғона водийсини конга ботирдилар. Шундан сўнг бу бедодликка жавоб сифатида “босмачилик ҳаракати” бошланди. М.Б.Солихов мазкур истиқлолчилик ҳаракати мақсадини амалга ошириш ҳамда хорижда шўро ҳокимиyati қар-

ши тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориши истагида маслакдошлари билан бирга Афғонистон, Ҳиндистон ва Туркияга боради.

Афсуски, биз М.Б.Солиховнинг хорижда олиб борган “истиклолчилик ҳаракати” тұғрисида аник маълумотга эга эмасмиз. Аммо шу нарса маълумки, у 1927 йили Туркияда дорилғунунни тугатиб, Тошкентта қайтади ва Ўрта Осиё давлат университетининг Шарқ факультетида ўзбек тили ва адабиётидан, 1931-1932 йилларда эса Тожик маориф институтида ҳам ишлаб, форс тили ва адабиётидан дарс беради. Унинг шундан кейинги фаолияти Ўзбекистон маданий курилиш илмий текшириш институти (1932-1933), Тил ва адабиёт институти ва Тошкент педагогика институти (1934-1935) ҳамда Ўзбекистон давлат университети (1936-1937) билан боғлиқ.

20-йиллар бошларида М.Б.Солихов сингари хорижий мамлакатларда яшаб қайтган кишиларнинг эмин-эркин яшашлари амри маҳол эди. Шуро давлатининг маҳфий хизмати бундай кишиларни қаттиқ назорат остига олибгина қолмай, уларни ёллашга, улар орқали ҳамкасларининг, маслакдошларининг, ёру дўстларининг нишма билан нафас олаётганларини, шуро ҳокимиyati ва унинг раҳбарлари ҳақида кандай фикрда эканликларини билишга уринган. М.Б.Солихов ана шундай шароиттда талабаларга ўқиган маърузалирида ҳам, адабий-танқидий мақола ва китобларида ҳам шуро давлатининг сиёсий-мағкуравий талабларига риоя қилмай иложсиз эди. Унинг бундан ўзга йўлдан бориши хавфли эди. Шунинг натижасида ҳозир унинг кайси бир илмий асарини варақламайлик, шу асарнинг шуро мағкураси талаблари асосида ёзилганини кўрмай иложимиз йўқ.

М.Б.Солиховнинг илмий мероси катта эмас. Бунинг сабаби олимнинг асосий вакғи педагогик фаолиятга бағишлиганлиги билангина эмас, балки, биринчидан, унинг 1937 йилда, 45 ёшида камоққа олинниб, отиб ташланганлиги, иккинчидан эса, тингув пайтида барча босма ва қўлзма асарларининг олиб кетилиб, ёндириб ташланганлиги билан изохланади. Шунга қарамай, ҳозир бизнинг ихтиёримизда олимнинг “Ўзбек тарихига оид тўрт мухим китоб” (1927), “Бедил”, “Ўзбек” (1928), “Адабий тил ва истилоҳ”, “Мехробдан чаён” (1929), “Ўрта Осиё ва ўзбек адабиётига умумий қараш” (1930), “Ўзбек адабиётida миллатчилик кўринишлари” (1933), “Сўфизода ва унинг ижоди ҳақида”, “Ижодий йўлинимиз ҳақида” (1934), “Октябргача бўлган ўзбек фольклори”, “Ўзбек

театри тарихи учун материаллар” (1935) сингари илмий мақола, рисола ва китоблари борки, улар М.Б.Солиҳовнинг 20-30-йиллар ўзбек адабиётшунослиги ва адабий танқидчилигининг йирик на-мояндайларидан бири бўлгани ва шу соҳалар тараккиётiga мухим хисса кўшганидан шаҳодат беради.

Ўзбек драма театрининг 15 йиллиги муносабати билан 1935 йилда мазкур театр раҳбарияти М.Б.Солиҳовга мурожаат этиб, ундан миллий театрнинг туғилиш ва шаклланиш тарихи тўғрисида асар ёзиб беришни илтимос қилган. Театрнинг бошқа бирор санъатшунос ёки адабиётшуносга эмас, балки айнан М.Б.Солиҳовга мурожаат этгани ва олимнинг шундай асарни ёзиб бергани унинг нафакат таникли адабиётшунос, балки театршунос ҳам бўлганини тасдиқлади.

“Ўзбек театри тарихидан материаллар” китоби олимнинг аввалиги асарларини ёзишда орттирган тажрибаси ва билимининг квант-эссенцияси – қаймогидир. “Ўзбек театри тарихидан материаллар” факат санъатшунослик йўналишидаги китобгина эмас. Унда ўзбек театрининг пайдо бўлишида мухим омил бўлиб хизмат қилган жадид адабисти, унинг намояндлари ва асарлари тўғрисида кимматли маълумотлар берилган.

М.Б.Солиҳов хорижий Шарқ мамлакатларида бўлган вақтида Шарқ ҳалқлари тарихи, тили ва адабиётгига доир кўплаб китобларни олиб келган. Замондошларнинг гувоҳлик беришларича, у ўзининг илмий-педагогик фаолиятида шу асарлардан кенг фойдаланибгина қолмай, бошқа (масалан, Л.Соцердотова)ларнингҳам улардан фойдаланишларига лутфан имкон берган.

1937 йилнинг даҳшатли воқеалари авж олган кунларда М.Б.Солиҳов ҳам Ўзбекистон НКВД органлари томонидан қамоқка олинади. Шубҳасиз, маҳфий хизмат идорасини М.Б.Солиҳовнинг хорижий мамлакатларда, хусусан Ҳиндистонда олиб борган ишлари қизиқтирган. Терговчиларнинг шу ҳақдаги саволларига жавоб бериб, маҳбус Ҳиндистонда бор-йўғи З ой яшагани, шу даврда инглиз нолицияси турклар билан алоқасининг борми-йўқлиги масаласи билан қизиққани, Мисрга бориши учун виза беришни сансалорликка солганини, шу вактда тирикчилик тақозоси билан Пешаворда бухоролик бир бойнинг қўлида мирза бўлиб ишлаганини айтган. Ҳинд табиби Саид афанди билан эса Самарқандда Ҳожи Муиннинг уйида танишганини маълум қилган. Аммо Ўзбекистон

НКВДси 1938 йил октябрида уни “Миллий иттиҳод” аксилиниқолбий-миллатчилик ташкилотининг аъзоси сифатида айблаб, 10 йиллик қамоқ жазосини беради. Олим 1939 йил 17 декабрда НКВД қамоқхоналаридан бирида вафот этади.

Тавалло (1882-1937)

ХХ асрнинг 10-йилларида Туркистоннинг зулматли тунларини чақмок янглиғ ёритиб юборган ижодкорлар орасида Тавалло алоҳида ўринни эгаллади. У на Чўлпонга, на Фитратга, на Хислату Мискинга ухшайди. У ҳаётдаги чиркин ҳодисалар, кишилар онги ва яшаш тарзидаги эскирган тушунча ва одатлар билан асло муроса қила олмаган шоир. Унинг сўзи заҳарли. Унинг сўзи – найза. Унинг сўзи – чақмок. Унинг сўзи – байрок. У шундай сўзи билан кимларнингдир ғазабига учради. Аммо ҳажвсевар омма унинг ҳажвий шеърларини оиласиб давраларда, гап-гаштакларда севиб ўқиб келди. Таваллонинг “Равнақ үл-ислом” китоби ҳалқнинг энг сезимили асарларидан бирига айланиб, унинг кўзини очди. У маърифатга чорловчи шеър ва мақолалари билан ҳам миллий уйғониш даври адабиётининг етакчи вакиллари қаторидан фахрий ўринни эгаллади.

Таваллонинг ҳаёти ва тақдирни тўғрисидаги биографик маълумотлар яқин-яқингача бир-бирига зид фикр-мулоҳазалардан иборат бўлиб келди. Хусусан, тошкентлик қатор шоирлар тўғрисида ҳам қимматли маълумотларни берган Пўлатжон Қайюмий Тавалло ҳақида ўз тазкирасида бундай сўзларни ёзган эди: “Бу киши Тошканд шахаридан. Жадидизм даврининг машхур арбоблариданур. “Туркистон вилояти газети”да элни илм-маърифатга чакирувчи навҳали шеърлари босилиб турар эди. Сайрам қасабасида қози Байзо номли мозорли жойда яшаб, 1913 йилда вафот этди ва шул мозор қабристонига дафн килинган.

Шоир мавлоно Юсуф Сарёмийнинг шогирди бўлуб, унинг девонини тўплаб, босдирмишдур...”

Юсуф Сарёмий тўғрисидаги сўзларни истисно қилганда, “Тазкирайи Қайюмий”да берилган аксар маълумотлар, афсуски, хақиқатдан анча-мунча узок.

Таваллонинг асл исм-шарифи Тўлаган Ҳўжамёров бўлиб, Тошкент шахрининг Кўкча даҳасида дунёга келган. 1937 йилдаги

қатағон вақтида НКВД ходимлари томонидан шоирни ҳибсга олиш максадида тайёрланган маълумотномада унинг 1882 йили Тошкентда йирик савдогар оиласида дунёга келгани айтилган. Аммо 1937 йыл 14 августда НКВД камокхонасида тўлдирилган маҳбуслик анкетасида эса унинг 1883 йилда туғилгани ва ўша вақтда Кўкча даҳасига қарашли Владимир кўчасидаги 32-йда истиқомат килгани кайд этилган.

Тавалло ўзи туғилган Оби Назир маҳалласидаги эски мактабда хат-савод чикириб, Эски шаҳардаги машхур мадрасалардан бири – “Бекларбеги”да, сўнгра рус-тузем мактабида ўқиган. У 1900 йили отаси Хўжамёр Жиянбоевнинг маслаҳати билан Пржевальск шахрига бориб, Усмонбек Солиҳжонов исмли тадбиркорнинг қўлида приказчик бўлиб ишлаган. Шу даврда у тижорат илмини ўрганиш билан бирга рус тили борасидаги билимининг ҳам бойитишга муваффақ бўлган. Тавалло 1909 йили отасининг вафоти муносабати билан Тошкентга қайтади ва шаҳардаги савдо ширкатларидан бирида иш юритувчи бўлиб хизмат қиласди. У шу даврдан бошлаб “Тавалло” тахаллуси билан шеър ва маколалар ёзишга жиддий киришади. Шоирнинг 1913 йили Юсуф Сарёмий девонига ёзган шеърий муқаддимада айтишича, мазкур тахаллус унга чимкентлик устози томонидан берилган.

Агар Таваллонинг Юсуф Сарёмий ва бошқа шоирлар билан “Бекларбеги” мадрасасида танишганини назар-эътиборга олсан, унинг шеъриятга бўлган ҳаваси ва дастлабки шеърий машқлари ҳам талабалик даврида бошлангани, 1909 йили Тошкентта қайтганидан кейин эса, тижорат ишларидан эркин пайтларида тошкентлик шоирлар билан яқин алоқада яшагани ва бадиий ижод билан мунтазам равишда шуғуллангани маълум бўлади.

Маълумки, 1913 йил охирларида Абдулла Авлоний ташабbusи билан “Турон” жамияти ташкил этилган. “Турон” театр труппаси 1914 йил 27 февралда “Колизей” театри биносида М.Беҳбудий қаламига мансуб биринчи ўзбек драмаси - “Падаркуш” саҳнага кўйган. Тавалло шу унугтилмас тарихий-маданий воеа муносабати билан театр мавзууда бир эмас, икки эмас, 4 та шеър ёзганки, бу унинг мазкур адабий-маданий влкеадан қаттиқ мутаассир бўлганини тасдиқлайди. 1914 йил 30 августда эса Мунаввар қори Абдурашидхонов бошлигидаги бир гурух тараккийпарварлар, шу жумладан, Тавалло “Нашриёт” ширкатини тузадилар. Бу шир-

катни тузишдан мақсад газета, журнал ва китоб нашр қилиш йўли билан ахолини маърифатлаштириш, жумладан, уни Европа маданияти ютуқларидан баҳраманд этиш эди. Ўз ҳаётининг маъносини худди шу нарсада кўрган Тавалло 1914-1916 йилларда жўшиб-тошиб ижод қиласди: мактаб ва маориф, матбуот ва театр соҳаларидағи янгиликларни чин дилдан олқишилаб, ҳалқ ва жамият ҳаётидаги күйидагидек шармандали ҳолларни ҳажв ўти билан бартараф этишда ўзининг шоирлик истеъодидини ёрқин намойиш қиласди.

Тавалло, гарчанд М.Беҳбудий сингари дунё кезган шоир бўлмаса-да, бошқа ҳалкларнинг қандай ижтимоий ва маданий шароитда яшаётганидан яхши хабардор бўлган. Шунинг учун ҳам у ўз миллатининг ҳар томонлама аянчли аҳволда яшаётганини кўриб, Оллоҳга нола қилиб ёзган:

*Фалак, бизга ҳабар бер, нечун беътибор этдинг,
Жаҳонда барча эллар ичра бизни шармсор этдинг.*

*Жаҳолат ришиласига банд этиб, раҳм этиадинг ҳаргиз,
Фалокат ҳандаки узра бугун бизни дучор этдинг...*

Шоир бундай шеърлари билан ҳалқни миллий тараққиёт сари етаклаётган пешқадам жадид маърифатпарварлари қаторидан мустаҳкам үрин эгаллади. Ҳалкнинг ижтимоий, маданий ва руҳий ҳаётидаги иллатларни кескин фош этувчи шеърлардан иборат “Равнақ ул-ислом” тўпламишининг чоп этилиши эса даврнинг сокин кечётган адабий-ижтимоий ҳаётини тўлқинлантириб юборди.

Ҳалқ оммасининг мустамлакачилик зулми ва зулматидан хира тортган кўзларини очиш, уни сўнгги асрларда ўз қаърига тортган қолоқлик мухитидан халос этиш учун аввало ўзи кечираётган турмушнинг аянчли манзараларини, ўзининг ночор аҳволини, элу юртни чирмаб ташлаган жаҳолат ва нодонлик печакларини унга яққол кўрсатиш лозим эди. Буни яхши тушунганди Тавалло биринчи навбатда ҳажвий лирика имкониятларидан фойдаланишни ўзига мақсад қилиб олди. У мумтоз адабиётимиздаги ҳажв санъати анъаналяридан янги тарихий-маданий шароитда маҳорат билан фойдаланиш ва давом этириш санъатини мукаммал эгаллади.

Тавалло айтиб ўтганимиздек, бошқа жадид шоирлари сингари, нафақат Россия, балки Европа ҳалклари ҳаётидан, шу мамлакат-

лардаги илмий ва маданий ҳаёт янгиликларидан хабардор бўлиб турган. Шунинг учун ҳам у Туркистон ҳалқининг ижтимоий, иктисолдий ва маданий қолоқликда яшаётгани билан асло муроса қила олмади. Қалбида шу ачинарли ҳолга нисбатан исён аланглари гурлаган шоир ҳалқ кузига кўзгу тутиб, бу кўзгуда элу юрт турмушининг бъязи бир аянчли лавҳаларини акс эттиришга алоҳида эътибор берди.

Ҳажв, сатира шу даврда Тавалло сингари шоирлар кўлида шундай қудратли қурол вазифасини адо этдики, улар бу қурол билан қолоқлик ва жаҳолатга карши кураш майдонига мардона отилиб чиқдилар. “Равнақ ул-ислом”дан ўрин олган шеър ва ҳажвиялар чойхоналар ва гап-гаштакларда ўқилиб, уларда кулги остига олинган салбий ҳодисаларга барҳам бериш чоралари озми-кўпми кўрилди.

“Равнақ ул-ислом”ни вараклар эканмиз, нафақат ўтган асрнинг 10-йилларида шеърият муҳлислари эътиборини қозонган, балки ҳозир ҳам ғоявий-бадиий фазилатлари билан бизни ҳайратга солувчи кўплаб шеърларни учратишимиш мумкин. Ўша йилларида Туркистон ҳаётида рўй берган барча муҳим воқеа ва ҳодисалар, бу – Биринчи жаҳон урушининг бошланиши ёки “Садои Туркистон” газетаси ва “Ойна” журналининг дунёга келиши бўладими, Ислом Гаспринский ёки Абдулла Тўқай сингари туркий олам юлдузларининг сўниши бўладими – Тавалло булатнинг барчасига фаол муносабат билдириди. Унинг шу даврда яратган шеърларини маърифатпарварлик ва миллый тараққиётнинг ҳаётбахш ғоялари ўзаро бирлаштириб турди. Муаллиф бу шеърларида миллый уйғониш даврининг том маънодаги оташин куйчиси сифатида гавдаланади.

Биз, ўзбек адабиётшуносларининг XX аср 50-60-йилларида шаклланган авлоди, қанчалик уятли бўлмасин айтиш лозимки, Таваллони 1993 йилда “Равнақ ул-ислом”нинг кирил ёзувидағи нашри эълон қилинганидан кейингина кашф этганимиз. Унинг Туркистондаги эскирган турмуш асосларини ўзгартириш, ҳалқни маърифат ва маданиятнинг ҳаётбахш булоқларидан баҳраманд этишига қаратилган шеърлари бизни ларзага соглан. Биз шунда Таваллонинг эл-юрт дарди билан куйиб яшаган Беҳбудий, Фитрат ва Чўлпонлар билан бир сафда бўлганини кўриб, беҳад қувонганимиз. Кейин, орадан бир қанча йиллар ўтганидан сўнг, наманганлик кичкинагина қизалоқ шоирнинг публицистик мақолаларини ҳам топиб,

ўқиб, кўчириб келганидан кейин Тавалло тўғрисидаги тасаввуримиз беҳад даражада бойиди. У энди нафақат аср бошларидаги маърифатпарвар шоирлардан, миллый уйғониш ҳаракатининг йирик арбобларидан бири сифатида ҳам бутун бўй-бастини, ватанпарвар ва миллатпарвар адиблик жамолини кўрсатди-кўйди.

Ўтган асрнинг 10-йилларида ўзбек матбуоти ва адабиётига янги жанр кириб келган. Шу йилларда янги мактаб ва театрлар очиб, янги адабиётга тамал тошини кўйган аждодларимиз Туркистоннинг тақдирни ва келажаги билан боғлиқ дардчилик фикрларини бир ёки ўн, ёки йигирма нафар кишига эмас, балки барча ватандошларига етказиш мақсадида уларга “очик ҳат” билан мурожаат эта бошланлар. Тавалло ҳам 1913 йилда “Ойна” журнали орқали ватандошларига мурожаат этиб, бундай ёзган: “Қардошлар! Бир юз эллик мингдан зиёда Тошканд аҳолисидан (университетни кўятурайлик) гимназия битирган бир жўра киши йўқ. Ҳар сана Тошканд атрофинда улок чопиб, бир неча киши отдан йиқилиб ўлди, деса, 100 дан зиёда, деб жавоб берилса, муболага бўлмас. Мухаррир адиб борму, деб савол қилинса, албатта, жавоб топмассиз, тол чибиқ ила жин қувадургон соҳиби қаромат, дуохон, раммол-фолчи изланилса, ҳар маҳалладан иккилаб-учлаб топилур...”

Буни қаранг, агар XX асрнинг 10-йилларида Туркистоннинг энг йирик шаҳарларидан бири Тошкентда университетни эмас, ақалли гимназияни битирган 1 киши топилмаган бўлса, демак, маҳаллий ҳалқининг маърифий-маданий ва ижтимоий даражаси ўта начор аҳволда бўлган. Туркистоннинг бошқа шаҳарларида ҳам шундай аҳволнинг бўлиши табиий. Демак, жамият олдида шу аҳволни кескин ўзгартириш, келажакда ўз юртининг мустакиллиги йўлида кураша оладиган ва юрти мустақил бўлган тақдирда уни оқилона идора қила биладиган кишилар – муалимлар, врачлар, инженерлар, агрономлар, юристлар, давлат миқёсида фикрлай оладиган шахсларни тарбиялаб этиштириш вазифаси турган. Тавалло сингари ҳалқнинг пешқадам кишилари шуни ўз вақтида тушуниб, ватандошлари эътиборини шу томонга қаратганлар. 1917 йил Февраль инқилоби натижасида “ок подшо” таҳтдан ағдарилиди: жадидлар орзу қилган кун этиб қелди. Аммо сопқон отишни ҳам билмаган, тўй-тўйлашишдан бошқа дарди, орзу-ҳаваси бўлмаган ҳалқ яна кул бўлиб қолди; “ок подшо” ўрнига “қизил подшоchalар” – большевиклар келди.

Жадид маърифатпарварлари Февраль инқилобидан кейин ҳам Туркистон аҳолисини уйғотишда, уни мустақиллик сари етаклашда давом этишлари мумкин эканлигини болжевиклар яхши билишарди. Шунинг учун ҳам улар бундай кишиларни ўзларининг ашаддий душманлари, деб ҳисоблашди. Уларнинг ўта ғаразли муносабатлари натижасида жадидлар совет даврида янада қаттиқ сиқувга олинди.

1917 йил воқеаларидан кейин Туркистанда турли сиёсий партиялар майдонга келди. Айрим жадидлар қатори, Тавалло ҳам сўл эсерлар партияси дастурини ҳалқ манфаатига яқин ҳисоблаб, шу партияга аъзо бўлиб кирди. Аммо у 1918 йилдаёқ эсерлар билан келиша олмай, улар партиясидан бош олиб чиқди. Шундан кейин у бирмунча муддат Эски шаҳар ижроия кўмитасида, Туркистон ЧКсида, хатто Фарғона инқилобий трибуналида, 1924 йилдан бошлаб ҳунармандчилик саноати касаба уюшмасида, куруқ мевалар омборида, ширкатларнинг суғурта уюшмаси ва иттифоқ пахта тайёрлаш идорасида, 1935 йилдан бошлаб эса бир мунча муддат аҳолидан эски-туски нарсаларни йигиб, уларни қайта ишловчи корхоналарга етказиб берувчи корхонада ишлади. Куни кеча ўз шеърлари билан ҳалқ ўртасида катта обрў-эътибор козонган оташ-нафас шоир ана шу тарзда сўниб, сўнибгина қолмай, хор-зор бўлиб яшади. Жамият ўртасида қадр-кимматини йўқотган Тавалло, айниқса, севимли фарзанди вафот этганидан кейин аламидан ичкиликка берилди.

Тавалло 20-30-йилларда ҳам ҳажвий шеърлар ёзишда давом этган. Аммо руҳи синган, танбур торлари узилган шоирнинг “Муштум” журналида эълон қилган шеър ва ҳажвияларида “Равнақ ул-ислом”даги шеърларга хос ҳажвий порлоклик ва бадиий жозиба камалаги кўринмайди.

1937 йил ўроғи ўзбек адабиёти бўstonидаги сара гулларни ўрай бошлаганида, Тавалло совет давлати учун Фитрат ёки Чўлпондек хавфли шахс ҳисобланмаган. Зоро, унинг юлдузи алла-қачон сўнган эди. Лекин у ор-номус кишиси бўлгани учун совет мамлакатида рўй берётган воқеаларга лоқайд қараб тура олмади. “Агар инқилоб бизни шу ахволга олиб келишини билганимда, мен бу ҳукуматга карши курашга бошим билан киришган бўлар эдим”, деган эди у якин кишиларига. Бошқа бир сафар эса: “Мамлакатимиз – ҳом ашё бозори. Тайёрлаш биздан, истемол килиш эса

бошқалардан. Биз четдан олиб келинганд қора нонни кавшаб яшамоқдамиз. Ўзимизнинг оппоқ унимизни эса четта олиб кетишмоқда. Аммо четдагилар бизнинг унимизни денгизга тўкиб ташлашмоқда”, деган у қаердадир.

Бундай фикр ва дунёқараш билан япаган кипининг совст даврида тирик қолиши амри маҳол эди.

1937 йил 7 августда Таваллони камокқа олиш ҳақидаги қарорга, 10 августда эса шу ҳақдаги ордерга имзо чекилади. Ўша йилнинг 14 августида НКВД ходимлари Эски шаҳарнинг Владимир, яъни Дунёзабтэт деб аталган кичик кўчасидаги 32-йига келиб, алламаҳалгача тинтув ўтказадилар. Сўнг забардаст жадид адибини олиб кетадилар. Тавалло сўл эсерлар партиясига аъзо бўлганлик, Осипов қўзғолонида иштирок этганилик ва советларга қарши ташвиқот ишларини олиб борганликда айбланади.

Тавалло 1937 йилнинг 19 октябрида отишга ҳукм қилинди. Ҳукм шу туниёқ ижро этилди. Шахсан унга тегишли мол-мулк эса давлат фойдасига мусодара қилинди.

30-йилларга қадар тирик қолган маърифатпарвар жадид шоирнинг ҳаёти ана шу тарзда фожиали якунланди.

Убайдулла Хўжаев (1882-1939)

Убайдулла Хўжаевнинг таржимаи ҳолига оид маълумот кўп эмас. Чор охранкаси фондида сақланаётган хужжатларнинг бирида унинг туғилган санаси 1882 йил деб ёзилган. Аммо 1926 йилга оид анкетада қайд этилишича, Убайдулла Хўжаев 1886 йили Тошкент шаҳрининг Шайхонтахур даҳасида туғилган. Отаси Асадулла маҳсум тараққийпарвар кишилардан бўлиб, Тошкентнинг Янги шаҳар кисмida ҳам ичкари-ташқари ҳовлидан иборат уй-жойи бўлган. У XX асрнинг дастлабки чорагида Романовский кўчасидаги шу ҳовлисида алиф, елим ва бўр талқонини дош қозонларда қайнатиб, “замазка” (лойелим) ясаш билан машғул бўлган. Шаҳар бўйлаб кўчама-кўча “Ойнаа тузатамаан!” деб, синган ойналарни тузатиб юрган рус усталари замазкани ундан олиб кетишган. Убайдулла укалари билан бирга отасига кўмакланиган ва айни пайтда рус-тузем мактабида ўқиган. 1904 йили гимназиянинг тўрт синфини тутгаттач, мустақил ҳаёт йўлини бошлаб, Тошкент шаҳридаги миристой судьялардан бири Оранскийнинг кўлида мирза бўлиб ишлаган,

суд жараёнларида таржимонлик қилиб, на рус тилини билган, на хукукий билими бўлган ватандошларининг ҳожатларини чикарган. 1907 йили Тошкент темир йўл бошкар-масининг Оренбург шаҳрига кўчирилиши муносабати билан темир йўлнинг Юридик бўлимидаги хизмат килаётган Убайдулла ҳам она шаҳрини тарк этишга мажбур бўлади. 1908 йили Саратов шаҳрига кўчиб бориб, 1913 йилга қадар Ўрол темир йўли бошкармасида турли лавозимларда хизмат қиласди. Шу йилларда хусусий мутолаа йўли билан тайёргарлик кўриб, Саратов шаҳридаги университет-нинг адлия бўлимини сиртдан тамомлашга ва хусусий ҳимоячи шаҳодатномасини олишга муваффак бўлади.

Юқорида қайд этилган охранка хужжатида Убайдулла Хўжаев тўғрисида бундай маълумот берилган: “1882 йилда Тошкентда боғ-бон оиласида туғилган. Рус-тузем мактабида ўқиган. Тилмоч сифатида округ суди идорасида ишлаган, рус судьяси билан Саратов шаҳрига кетиб, ўша ерда адлия бўйича олий маълумот олган. Тиришқоқ, зехни ўткир, дунёқараши кенг”.

Ана шу “тиришқоқ, зехни ўткир, дунёқараши кенг” йигит Тошкент ва Саратов шаҳарларидаги суд жараёнларида қатнашиб, адолат күёшининг кора булутлар қуршовидан чика олмаётгани сабабларини, Ўрта Осиёда ҳам, Ички Россияда ҳам кечаетган ижтимоий жараёнлар моҳиятини тушунишга уринади, уйғоқ виждан билан яшашга интилади.

Ўша йилларда улуг рус ёзувчиси Л.Н.Толстойнинг ёвузликка карши ёвузлик билан жавоб бермаслик ҳакидаги назарияси кенг тарқалган, рус жамияти шу назарияга муносабатига қараб иккимарма-қарши гурухга ажралган эди.

У.Хўжаев осиёлик ёш адлия ходими бўлишига қарамай, Толстойнинг шу назарияси жазоланмаган ёвузликнинг рағбатланнишига, бинобарин, авж олишига хизмат килиши мумкинлигини сезади. У ўзида пайдо бўлган фикр ва мулоҳазаларни ёзувчига хат орқали етказмоқчи, ўзини қийнаган саволларга ёрқинлик киритмоқчи ва айни пайтда улуғ адидни мазкур назариянинг аён ксмтиклиари ҳақида ўйлаб кўришга ундумоқчи бўлади.

Мана, унинг Л.Н.Толстойга йўллаган хати:

“Кўп ҳурматли Лев Николаевич!

Сизни безовта қилишини асло истамаганим ҳолда, аммо менга шубҳали туюлган “ёвузликка қаршилик кўрсатмаслик” масаласида

биорор аниқлик киритарсиз, деган умидда ушбу мактуб билан Сизга мурожсаат қилишига журъат этдим.

Инсоф нуқтаи назаридан “ёвузликка қаршилик кўрсатмаслик”нинг, ҳеч шубҳасиз, адолатли эканига мен ҳам қўшилиб, унга икror бўлсан ҳам, аммо қўйидаги бир ҳолатда қандай муносабатда бўлиш кераклиги мени жуда ўйлантириб қўяди: “Ёвузликка қаршилик кўрсатмаслик”нинг адолатли эканига шунинг учун ҳам икорманки, бу Инжилга бўлган диний майлым ёки Муҳаммад динидаги банда бўлганим учун эмас, балки бу менинг тушунчамга тўгри келганлигидан ҳам, албатта.

Менинг тушунишимча, “ёвузликка ёвузлик қилма”нинг негизида қўйидаги бир ҳақиқат ётади: мабодо кимdir бир ёмонлик қилган бўлса, шу билан у битта ёмонлик қилган бўлади; мен унга қаршилик қилсан ёки ёвузликка ёвузлик билан жавоб қайтариб қасос олмоқчи бўлсан, унда, табиий, бир ёмонликдан иккинчи ёмонлик пайдо бўлади ва ҳоказо. Агар мен ёмонлик кўрсатмасам эди, бир ёмонлик ёмонигича қолиб, иккита бўлмасди, яъни ёвузлик камроқ бўларди. Буларнинг ҳаммасидан хуласа шуки, ёмонликка ёмонлик қилмаслик биланми ёки бошқа йўл биланми, хулас, қандай қилиб бўлмасин, ёвузликни камайтириш чорасини қилиш керак. Агар хуласа шу дейдиган бўлсан, қўйидаги ҳолатда қандай муносабатда бўлишимиз керак?

Менга таниш бир мисолни келтириб кўрайлик: кимdir даҳшатли бир ёвузликни бошламоқчи: масалан, бир уй, ёки шаҳарни, ёки поезднами, кемани ҳалокатга учратмоқчи ва ҳоказо... Шубҳасиз, бу юзлаб, минглаб кишиларнинг ҳалокатига сабаб бўлади. Албатта, мен инсоний ахлоқ юзасидан бунинг олдини олиши чорасини топишга мажбурман. Аммо у ўз ёвуз ниятини амалга оширишдан олдин, уни бартараф этиши учун менда ўша ёвузни йўқ қилишдан бошқа чора қолмайди.

Албатта, мен у ёвузни йўқотиб, юзлаб, минглаб одамлар ҳаётини сақлаб қолдим, деган баҳона билан ўз қилишишни оқламоқчи бўламан. Инчунун, мен қилган ёвузлик қилинадиган катта ёвузлик олдида кичик нарса булиб қолади. Чунки у катта талифотлар келитириши мумкин бўларди. Шунинг учун мен буни ёвузлик деб эмас, аксинча, катта фалокатининг, ёвузликнинг олдини олиш ёвузликни камайтириш ошиларидан бири бўлади, деб биламан.

Менинг мулоҳазаларим шулардан иборат; бу қанчалик тўгри, билмадим, узоқ иккиланишлардан кейин шу ҳақда бирор тушун-

тирии берар, деган ниятда Сизга мурожсаат қилишига журъат этдим.

Агарда ўз тушунтиришларингиз билан мен учун наҳоятда муҳим санаған ва ноаниқ бўлган бу масалага ёрқинлик киритсангиз, мен Сиздан умрбод миннатдор бўлардим.

Менинг турар жойим:

Саратов шаҳри, раста, Юренково қ(ишлоги). Юридик бўлим.
Убайдулла Асадуллаевич Хўжаевга.

Сизга самимий садоқат билан, мусулмон:

У.Ас.Хўжаев.

29 май, 1909 йил. Саратов шаҳри”.

Ўша йилларда ўзбек халқининг миллий манфаатларини, ҳақсизлик ва адолатсизлик орқасида жабр кўрган ва кўраётган ҳар бир кишининг ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қила оладиган оқловчилар - адвокатларга эҳтиёж фоят катта эди. У.Хўжаев тарих тақозоси билан пайдо бўлган шу эҳтиёжни чуқур ҳис қилиб, адвокатлик касбини танлади. Саратов шаҳрида шу касб бўйича етарли билим ва тажриба тўплади.

Адвокат суд жараёнда одатда нафақат жабрланувчи, балки жиноятчининг ҳам манфаатини ҳимоя қиласди. Агар жиноятчи, “масалан, бир уй, ёки шаҳарни, ёки поездними, кемани ҳалокатта учратмоқчи” ёки учратган бўлса, вижданли адвокат уни қандай ҳимоя қилисин? Умуман, шундай жиноятларга қўл урган кимсаларни ҳимоя қилиш керакми? Агар моҳир ва тажрибали адвокат шундай жиноятчини оқлашга эришса, жабрдийданинг ҳоли нима кечади?..

У.Хўжаев Л.Н.Толстойнинг шундай саволларга жавоб берини сабрсизлик билан кутади.

Орадан кўп ўтмай, улуғ ёзувчидан Саратов шаҳридаги “мусулмон”га бундай хат келади:

“Ясная поляна, 1909 йил 5 июнь.

Убайдулла Асадуллаевич,

Сиз мендан сўрабсизки, агар бир кимсалинг кўп одамларга ёзувзлик қилиши нияти маълум бўлса, у тақдирда қаршилик кўрсатмаслик ҳақидаги таълимотни тан олган киши нима қилиши керак?

Кўпчилик ҳалокатининг олдини олиш учун ўша бир кишига нисбатан зўрлик қўллаш маъқул эмасми?

Афв этасиз, бу саволингиз, кўпларнинг шу хилдаги саволлари сингари, ҳақиқатни билши истагидан эмас, аксинча, ҳақиқат деб ҳисобланган нарсани адо этмасликни оқлаши истагидан келиб чиқсан. Инсонга меҳр-муҳаббат ҳақидаги таълимот қаршилик кўрсатмаслик тушунчасини ҳам ўз ичига олиб, у инсон интиладиган идеални билдиради. Идеални таомилнинг оддий қоидаси деб билши эса, катта хато ёки ўз-ўзини алдашdir. Бу ҳаётда ҳеч қачон тўла эришиб бўлмайдиган етук камолотни талаб этувчи идеалгина идеал бўла олади. Лекин у ҳаётга раҳнамо сифатида зарурдир, ҳаётда эришиб бўлмайдиган ана шу камолотдан далолат бергандагина зарурдир. Меҳр-муҳаббат идеали ҳақида ҳам шуни айтиши мумкин. Қаршилик кўрсатмаслик тушунчасини ҳам ўз ичига оладиган меҳр-муҳаббат талаб этиши – ҳеч вақт тўла адо этиб бўлмайдиган нарсадир; шунинг учун уни адо этишига интилиш ҳам керак эмас, деган мулоҳаза менга компас тутган шундай бир одамни эслатади: йўлда манзилингга тикка бор, деб унинг қўлига компас тутқазганлар; у бўлса, компас кўрсатган тўғри йўлда ўтиб бўлмайдиган тўсиқлар – тоглар, дарёлар ва ҳоказолар бор, шу сабабдан ҳам мен мумкин қадар мутлақо тўғри йўналишига тушшиб олиш учун компасга риоя қилиб ўтирамай, бошим оғганча четга қараб кетаверишим мумкин, деб туриб олади. Қаршилик кўрсатмасликни ҳам ўз ичига оладиган меҳр-муҳаббат масаласида эса компас доимо одамга нима қилиш кераклигини (сайёхга йўналишини) курсатадиган ахлоқий-диний туйгудир; одамнинг хатти-ҳаракатидан келиб чиқадиган оқибатлар эса ҳеч қачон унинг ўзига аён бўлмайди. Шунга кура, сайёх учун компас кўрсатган мутлақ тўғри йўналишига мумкин қадар яқинроқ юриши бирдан-бир раҳнамо бўлганидек, ахлоқий идеалга мумкин қадар яқин булишига интилиши – инсон учун бирдан-бир раҳнамо бўлиши керак...

Саволингизга берган бу жавобим Сизни қаноатлантира олса, гоят хурсанд бўлур эдим.

Лев Толстой”

Улуғ рус ёзувчисининг бу хати У.Хўжаевни ҳаяжонлантирган ижтимоий-маънавий муаммоларга ёрқинлик киритди, дейиш қи-

* Мазкур хат сўнгидаги бир жумла ўчиб кетганлиги учун уни тиклашнинг иложи бўлмади.

йин. Ҳатто айтиш зарурки, кейинги тарихий жараён улуғ ёзувчинг қаршилик кўрсатмаслик назарияси ёвузликнинг бир қисм носоғлом кимсалар қўлида инсониятга қарши даҳшатли куролга, глобал катастрофаларга йўл очувчи омилга айланиши мумкинлигини, демак, У.Хўжаевнинг шу масалада бирдан-бир тўғри йўлда турганлигини тасдиклади. Шунга қарамай, Л.Н.Толстойнинг У.Хўжаев хатини эътиборсиз қолдирмасдан, жавоб мактубини йўлаши унинг – ёш ўзбек адвокатининг ақл-заковатига хурмат билан муносабатда бўлганидан далолат беради.

Убайдулла Хўжаев 1913 йили Тошкентга кайтиб келди. Рус тилини ва Россия қонунчилиги асосларини мукаммал эгаллаган, адлия соҳасида бой тажрибага эга бўлган йигитнинг она-Ватанига келиши шу йилларда қанот ёза бошлаган жадидлар учун айни муддао эди. Тошкентлик жадидлар рус тилини билмаганлари, Россияда ва хорижда рўй берётган ижтимоий-сиёсий воеалардан яхши хабардор бўлмаганлари туфайли кўп масалаларда нўнок эдилар. Шунинг учун ҳам Асадулла маҳсум жадидлар устидан кулиб, бундай кинояли сўзларни айтар эди: “Кимни кўрсанг, жадидман, дейди. Аммо улардан нимани сўраманг, тайинли жавоб ололмайсиз. Тавба, кимки “афанди”, “камина камтариннинг фикрига кўра”, “имоним йўл қўймайди” деган сўзларни ёдлаб олган бўлса, жадид бўлаверадими?! Мен ҳам шу уч калимани билганим учун ўзимни “жадид” деб атасам бўлаверади. Аммо жадид бўлиш учун аввало ўқиш-ўрганиш, билим хазинасини бойитиш лозим”.

У.Хўжаевнинг укаси Баширулла Абдулла Авлоний ташаббуси билан ташкил этилган “Турон” жамияти ва театр труппасининг фаолларидан бири эди. Европача билим ва маданият соҳибининг келганидан дарак топган жадидлар Баширулла ёрдамида У.Хўжаев билан алоқа ўрнатадилар. Убайдулла улар сиймосида нафақат “афанди”, “камина камтариннинг фикрига кўра”, сўзларини билган, балки ҳалқ ва мамлакат тақдирли билан яшаётган жадидларни кашф этади, улар билан ҳамкорлик қиласи. 73 моддадан иборат “Турон” мусулмон драма санъати ҳаваскорлари иттифоки”нинг низомини тузиб, “Турон” жамиятининг ўлка ижтимоий-маданий ҳаётидаги ўрни қонуний асосларга эга бўлишига мухим хисса қўшади. Манбаларда айтилишича, “Падаркуш” спектаклининг 1914 йил 27 февраль куни “Колизей” театри биносидаги илк намойиши унинг саъй-ҳаракати билан амалга оширилган. Бундан ташқари,

У.Хўжаев Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг таклифи билан миллий уйғонини даврининг кудратли қуроли – “Садои Туркистон” газетасига ноширлик ва муҳаррирлик қиласи.

1914 йил апрель ойидан бошлаб ҳафтада икки марта нашр этила бошлаган бу “адабий, иқтисодий, фанний ва майший” газета Миср, Арабистон, Ҳиндистон, Туркия ва бошқа мамлакатлардаги мусулмон ҳалқлар ҳаётига оид мақола ва хабарлар билан бирга Татаристонда нашр этилган “Вақт” газетаси ва “Шўро” журналидан ҳам эътиборга молик мақолаларни кўчириб босади. Ўзбек матбуотининг илк тарихчиларидан бири Зиё Саиднинг эътирофи этишига кўра, мазкур газета “миллатдан ҳиммат аҳллари ва зиёлилар кўпайтириш йўлида кўп ҳаракат қил”ган. Убайдулла Хўжаев газетага ноширлик қилибгина қолмай, унинг саҳифаларида “Мақсад ва маслак”, “Юбилейга ҳозирланув”, “Ташаккур ва ўтич”, “Шариат ва закун назарида бизим туфроғ ишлари”, “Савдогарлик на ўлди?”, “Накд пул ҳақинда шаҳодат мўътабарми?”, “Болаларимизнинг баҳтсизликларига ким сабаб?”, “Бизда шаҳар солиги” сингари даврнинг муҳим ижтимоий масалаларига бағишлиланган мақолаларини эълон қиласи. Унинг ношир сифатидаги энг катта хизматларидан бири шундаки, у газета атрофига Абдулла Авлоний, Чўлпон, Ҳамза, Иброҳим Даврон, Ҳожи Муин, Тавалло, Мискин, Хислат сингари шоирларни, Мунаввар қори, Саидносири Миржалилов, Мирмуҳсин Шермуҳамедов, Шокирjon Раҳимий, Рауф Музаффарзода, Нўширавон Ёвушев, Ашурали Зоҳирий, Холид Саид сингари маърифатпарвар кишиларни тўплаб, газетани жадидчилик ҳаракатининг том маънодаги минбарига айлантириди.

Шуни унутмаслик керакки, Туркистонга кириб келаётган ҳар бир янгиликни мустамлака тузумига зарба сифатида қабул қиласи, бинобарин, унинг тарқалишига тиш-тироғи билан қаршилик кўрсатган генерал-губернаторлик У.Хўжаевнинг Тошкентга келишиндан саросимага тушди. Охранка ходимлари Саратов губернясининг жандарм бошқармасига мактуб йўллаб, у ҳақда тўпланган материалларни юборишини сўрадилар. У.Хўжаевнинг ҳар бир қадамини назорат остига олиб, эл-юрт ўргасида шуҳрати тобора ошиб бораётган газета нашрига чек қўйиш режаларини ишлаб чиқадилар. Турли-туман жарималарни ўйлаб топиб, 1915 йилда, 66-сонидан кейин, газетанинг чиқишига чек қўядилар. Ҳар бир сонидан 30-40 сўм зарар кўрганига қарамай, “Садои Туркистон” газетасининг

тақиқланиши билан У.Хўжаевнинг халкни уйғотиш йўлидаги орзу ва режалари чиппакка чикади. Унинг ўзи эса Тошкентда яшаш хукуқидан маҳрум этилади.

Кўйидаги маҳфий маълумот У.Хўжаевнинг шу йиллардаги фаолиятининг номаълум қирраларига ойдинлик киригади: "...Ўша йили (яъни 1913 йили – Н.К.) Саратовдан Тошкентга қайтгайн Убайдулла қисман адвокатлик, асосан эса тарғиботчилик билан машғул бўлди. У "Умид" деб аталган илғор мусулмонлар гуруҳига раҳбарлик қилди. Унинг сабъ-ҳаракати билан Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида китоб савдоси ташкил этилди. Маҳаллий тилда сўл йўналишдаги газетани нашр қилишга мўлжалланган ширкат тузилди... 1913 йил 21 декабрда унга Тошкентда "Садои Туркистон" номида маҳаллий газетани чиқаришга рухсат берилди... Ўша йили Тошкентда Убайдуллахўжа раҳбарлигида "Падаркуш" пьесаси кўйилди. Хўжаев 1914 йилдан Тошкент мужоҳидлари сафига кўшилиб, ўлкада Россия хукмронлигига карши тарғибот-чилик ҳаракатини маҳфий равища давом эттириди. "Садои Туркистон" газетаси ёпилгандан сўнг Андижонга келиб, адвокатлик килмоқда".

У.Хўжаев Андижонга келгач, Охранка айғоқчиси хабар берганидек, маҳаллий ўзбек ва рус тараққийпарварлари билан танишиб, 1916 йил 1 июлда А.Чайкин билан бирга "Садои Туркистон" ғояларини давом эттирувчи "Туркестанский голос" газетасининг нашр этилишига муваффақ бўлади. Мазкур газетанинг ёруғ дунёни кўриши ва водий аҳли ўртасида эътироф қозонишида у дусти А.Чайкинга елкадош бўлади.

Биринчи жаҳон уруши Россия империясининг ҳарбий салоҳияти тўғрисидаги эртакларни чиппакка чиқарди. Танг аҳволда қолган империя моддий-техник аҳволини ўнглаб олиш учун дастлаб Ўрта Осиё аҳолиси ихтиёридаги от ва бошқа молларни, шунингдек, қимматбаҳо қоғозларни йигиб олди, сўнгра фронт орқасида қора меҳнат билан шуғулланиш имконига эга бўлган кишиларни мардикорликка олиш ҳакида фармон чиқарди. Алданган халқ 1916 йилда Ўрта Осиё бўйлаб кўзғолон кўтарди. Кўзғолон мисли кўрилмаган шафқатсизлик билан бостирилди.

Бобур юртида сургун муддатини ўтаётган У.Хўжаев 1916 йил июлида андижонлик машҳур бой Миркомил Мирбобоев ҳомийлигига Вадим Чайкин (Анастасий Чайкиннинг иниси) билан бирга Петербургга бориб, IV Давлат Думасида Туркистонда рўй берган

адолатсизлик ва хунрезлик ҳақида ахборот беради. Ҳарбий хизматдан озод этилган маҳаллий аҳолини мардикорликка шошилинч равишида сафарбар этиш ҳар томонлама хатарли эканини тушунитиради. Содир этилган жиноятни ўрганиш учун Давлат Думаси аъзоларидан иборат маҳсус комиссиянинг Андижонга юборилишини сўрайди. Император, унинг илтимосига биноан, Туркистонда мардикорликка олиш муддатини 15 сентябрга қадар кечикириш ҳакида фармон бериб, А.Ф.Куропаткинни Туркистоннинг янги генерал-губернатори этиб тайинлайди. А.Ф.Керенский ва К.Б.Тевкелевдан иборат Давлат Думаси комиссияси вазиятни ўрганиш учун Андижонга келади.

У.Хўжаев ўзбек халқи тарихининг шу мураккаб даврида Давлат Думаси аъзоларини кўзғолоннинг раҳм-шафқатсиз бостириш оқибатлари билан танишириб, андижонлик жабрдийдаларининг шикоятларини уларга таржима қилиб беради.

"Туркестанский голос" газетасининг 1916 йил 28 август сонидаги хабардан маълум булишича, Давлат Думаси аъзолари иккун мобайнида Андижонда булиб, шаҳар ва шаҳар атрофида истиқомат қилган турли милллатларга мансуб 100 га яқин кишилар билан учрашганлар, уларнинг арз ва шикоятларини таржимонлар ёрдамида ёзиб олиб, шу арз ва шикоятларнинг бир қисмини Тошкент суд палатаси прокурорига юборишига, мураккаб масалаларга оидларини эса Давлат Думаси ва унинг бюджет комиссияси эътиборига ҳавола қилишга ваъда берганлар.

У.Хўжаев бу эришилган ютуқ билан кифояланиб колмай, янги генерал-губернатор номига ариза ёзиб, унда чор амалдорлари туфайли Андижонда зўравонлик, пораҳурлик, товламачилик иллатлари авж олгани, натижада маҳаллий амалдорларнинг ғайриқонуний ишлари ҳакидаги шикоятлар жавобсиз қолаётгани, айборлар эса жазоланмай келаётганини айтади. У.Хўжаевнинг бундай хатти-ҳаракатларидан чўчиган Андижон уезди бошлиғи полковник Ю.А.Бржецицкий ўз навбатида уни ва унинг маслакдошларини Давлат Думаси аъзоларига Андижон воқеалари ҳакида ногуғри маълумот берганликда айблайди, "Туркестанский голос" газетасини ёпмасдан, "Чайкин ва Хўжаевларнинг издошлари"ни ўлкадан қувиб чиқармасдан туриб, Андижонда соглом вазиятни яратиш мумкин эмаслиги ҳақида айюҳаниос солади.

Ўзбек халкининг шу йиллардаги пешқадам вакиллари эрк ва хурриятга эришмай туриб, она-ватаннинг равнақ топиши маҳол

эканини яхши билардилар. 1917 йил Февраль инқилоби натижасида уч юз йил ҳукм сурган Романовлар сулоласининг таҳтдан ағдарилиб, Мувакқат ҳукуматнинг ўрнатилиши улар дилидаги орзу-умидларга қанот бағишилади. Туркистон генерал-губернаторининг У.Хўжаевни Тошкентдан сургун килиш ҳақидаги бўйруғи ўз кучини йўқоттани учун М.Абдурашидовнунга ўзи ва маслақдошлари номидан табрик телеграммасини йўллайди. Суронли йилнинг март ойида Тошкентта этиб келган У.Хўжаев “Шўрои ислом” жамиятининг таъсис йигилишида иштирок этиб, жамиятга раис ўринбосари этиб сайланади. Кўп ўтмай, унинг зиммасига раислик вазифаси юкланди. У жамиятнинг зукко аъзолари билан бирга ҳурриятга эришиш йўлларини ахтаради. Аммо сиёсий билими ва савиаси баланд бўлмаган кишиларни бир байрок остига бирлаштириш осон эмас эди. Шу масалада большевикларнинг илғорлаб кетганини кўрган У.Хўжаев 1917 йил октябрининг сўнгги кунларида тараққийпарвар дўстлари билан бирга Кўқон шаҳрига бориб, Туркистон Мухторият ҳукуматининг тузилганини эълон қилган мусулмонлар қурултойида фаол иштирок этади. У шу курултойда Мухторият ҳукуматининг ҳарбий нозири этиб сайланади.

Афсуски, Россия худудларида барча ҳалқларнинг ўз тақдирларини ўзлари ҳал кишилари ҳақидаги декларация руҳига тамомила мос, аммо неомустамлакачи большевиклар манфаатидан узок бўлган Мухторият 1918 йил февралида зўравонлик йўли билан туғатилиб, Кўқон ва Кўқон атрофидаги қишлоқлар конга ботирилди.

У.Хўжаев большевиклар таъкибидан кочиб, бир неча йил она-Ватанидан олисда – Оренбург, Москва ва Саратов шаҳарларида яшашга мажбур бўлди.

У.Хўжасванинг кейинги ҳаёти сарсон-саргардонликда кечди. У бир неча маротаба қамоққа олиниди. 20-йилларнинг иккинчи яримида қамоқдан қайтгач, республика Олий суди раиси Саъдулла Қосимов, қишлоқ ҳўжалиги ходимлари ва бошқалар устидан бўлиб ўтган суд жараёнларида окловчи сифатида иштирок этиб, бегуноҳ ватандошларини тухмат тошларидан ҳимоя қилишга уринди. Аммо замон ўзгарган, асрлар давомида сайқал топған одил қонунчиллик асослари вайрон этилганлиги боис большевиклар қонунларни истаганларича талқин қилмоқда эдилар. Шундай шароитда бегуноҳ кишиларни ҳимоя қилиш ҳам жиноят сифатида талқин этила бошлади.

“1938 йилнинг январи эди, – деб эслаган эди У.Хўжасванинг жияни журналист Ҳибзиддин Муҳаммадхонов, – ярим тунда НКВД

ходимлари уйимизга бостириб келишди. Тогам чуқур уйқуда эдилар, онам бечора унинг тепасига бориб: “Ака, туринг, сизга келишибди”, деб уйғотибдилар. Тогам бечора чақирилмаган “мехмонлар” кимлар ва нима ниятда келганини ҳам суриштирмай (бу ҳол эргами-кечми юз беради, деб бунга руҳан ўзларини тайёрлаган бўлишлари мумкин), анил-тапил кийина бошлабдилар ва азбаройи шошилганларидан хассаларини олишни ҳам унугиб (уни тогам сургундаликларида ўрмон дараҳтидан ўзлари йўниб ясад олган эдилар...), уларнинг олдига тушибдилар. Онамиз болаларим чўчи-масин, уйқулари бузилмасин, деб биз, опа-сингилларни, aka-укаларни уйготмабдилар. Шу тариқа онамиздан бўлак ҳеч биримиз тоғамиз билан хайрлаша олмадик. Эрталаб одатдагича уйғонганимизда тоғамизнинг ўринлари йигиштирилмаган ҳолда бўм-бўш ётарди...”

Ўзбек ҳалқининг ҳур ва озод келажаги йўлида яшаган, ёвузликка муносабат масаласида Лев Толстой билан бахслашган, илғор дунёкарашли, билим доираси кенг бу жасур фарзанди ўз вактида жиловланмай ҳаддан ошган сталинча ёвузликнинг курбони бўлиб, 1939 йилда Коми АССРдаги азобгоҳларнинг бирида дунёдан кўз юмди.

Сафо Муғаний (1882-1940)

“Қатағон” деганимизда, биринчи навбатда, Абдулла Қодирий, Чўлпон ва Фитратлар кўз олдимизда жонланиб кетади. Бунинг боиси шундаки, бу ўлмас сиймолар аллақачон қатағон этилган ҳалқнинг тимсолларига айланиб кестишган. Шу тимсоллар ортида юзлаб ва минглаб бегуноҳ жабрдийдалар бор. Шулардан бири “Хоразм булбули” – шоир, ҳофиз ва бастакор Сафо Оллоберган ўғли Муғанийдир.

Сафо Муғаний 1882 йили Хивада туғилган. Хоразм аҳли қўшиқ ва ракқе санъатига алоҳида меҳрли бўлғанлиги учун унда ҳам ёшлиқ кезлариданоқ санъатга шайдолик бошланган. Сафонинг ёшлиларга хос бўлмаган ажиб бир маҳорат билан соз чалиб, қўшиқ айтганини кўрган замондошлари унга қўшиқчилик санъати йўлидан кетишини, ўша даврдаги устоз санъаткорларга шогирд тушишини маслаҳат берганлар. Сафо замондошларининг шу таклиф ва масла-

ҳатларини эътиборга олиб, ўз даврининг таниқли созчи-ларидан, ҳофизларидан сабоқ олди. Сафонинг машҳур маърифат-парвар шоир, мусиқашунос ва бастакор Комил Хоразмий билан устозшогирд тутиниши унинг кейинги ижодий ҳаётига, айникса, катта таъсир ўтказди. Ён санъаткорнинг устоздан олган энг муҳим сабоги бундай бўлди: санъат йўлига кирган ҳар бир киши, агар у устозлари соясида қолиб кетишни истамаса, санъатга ижодкор сифатида ёндашиши, ўзи ҳам янги куйларни яратиши ва дилида айтмоқчи бўлган катта гапи, армон-орзулари бўлса, кўшик матнини – шеърни ҳам ўзи ёзиши лозим.

Ана шу яратувчилик туйғуси Сафонинг қалбига бегона эмас эди. У секин-аста шеърият тулпорини ҳам жиловлашга интилиб, ғазаллар бита бошлади. Аммо у үзининг асосий ижод майдони мусиқа олами эканига амин бўлгани ва шеърият оламига шоир сифатида эмас, балки созанда ва хонанда сифатида, мусиқа оламининг вакили сифатида кирган ҳисоблаб, ўзига “Муғаний” тахаллусини танлаб олди.

Сафо Муғаний шундай бир даврда яшадики, бу даврда Хоразм маданияти тарихида Баёний, Фақирий, Мутриб, Чокар, Девоний сингари қатор истеъоддли шоирлар, Шерозий сингари ҳофиз ва санъаткорлар, юлдузлар шодаси ўларок, баравар пайдо бўлиб, ўз ижодлари билан ҳалқни баҳраманд этдилар. Улар билан бир даврда яшаш ва ижод этиш улар билан мусобақага киришишдек гап эди. Улар ўзаро йигинларда, тўю маъракаларда ўз санъатларини намойиш этиш билан бирга кимдандир илғорлаб бораётгандарни ёки кимдандир орқада қолаётгандарини хис этиб, ўз ижодларини янги ва юксак босқичга олиб чиқишига ҳаракат қилгандар. Шундай ижодий баҳсларнинг натижаси ўларок, Сафо Муғаний тез орада нафақат созчи ва ҳофиз, балки шоир сифатида ҳам эл-юргу хурматини қозона бошлади.

Сафо Муғаний каби Хоразм шоирларининг шаклланиши совет даврига тўғри келди. Бинобарин, улардан янги ҳаёт, янги давр ғояларини тараннум этувчи шеърларни ёзиш талаб этилди. Шу туфайли уларнинг, шу жумладан, С.Муғанийнинг Хоразм ипқило-бига қадар ёзган ғазаллари эътиборсизлик орқасида йўқолди. Ҳолбуки, Сафо Муғанийга эл-юргу ўртасида катта шуҳрат келтирган нарса унинг умброкий мавзулардаги ғазаллари эди. Шу туфайли у нафис йиғилишларга, тўю-томошаларга тинимсиз таклиф этилар эди.

С.Муғанийнинг фикрига кўра, санъат бугунги кишиларга хизмат қилиши, бугунги воқеаларга муносабат билдириши билан, айникса, аҳамиятлидир. Шунинг учун ҳам у 20-30-йиллар ҳаётида рўй берган воқеаларни четлаб ўтишни ўзига эп кўрмади. У кишиларни бирликка, маҳаллийчилик иллатларидан ҳалос бўлишга чакирувчи шеърлар ёзди, Хоразм воҳаси ҳаётида содир бўлаётган ҳар бир муҳим воқеага муносабат билдиришга уринди. Чунончи, у хорижий мамлакатларга ўқишига кетаётган хоразмлик ёшларга бағишлиб, бундай сатрларни ёзди:

*Хоразмнинг фарзандлари,
Қайда борсанг, сог бўлинглар!
Богда очилган гуллари,
Қайда бўлсанг, сог бўлинглар!*

*Наврӯз гулидек очилган,
Илм учун сафар қилган,
Ватанидан жудо бўлган
Қайда бўлсанг, сог бўлинглар...*

*Илм учун гайрат этгил,
Белинг боғлаб ҳиммат этгил,
Қайтиб Ватанингга етгил,
Қайда борсанг сог бўлинглар!*

С.Муғаний замонавий мавзуда ёзилган шундай шеърлари билан Хоразм аҳлиниң маънавий ҳаёти ва руҳиятига шода-шода нур сочишига, уларга завқ-шавқ бағишлишга алоҳида эътибор берди.

Хоразмда Партау тахаллуси билан ижод килган шоирнинг Сафо Муғаний тўғрисидаги хотираларида бундай қизиқарли маълумот бор:

“Мендан, – деб нақл қилган эди у, – жуда кўп таниш-билишлар: “Сиз Сафо созчи билан жуда яқин эдингиз. Унинг қайси фазилатлари сизга кўпроқ маъқул эди?”, деб сўрайдилар. Ҳа, мен Сафо созчи ёки ҳалқимиз орасида Сафо Муғаний номи билан машҳур, кўп куй-кўшиклари элимизга манзур бўлган Сафо Оллоберган ўғли билан Хоразм инқилоби йилларида танишганман. У вакътларда мен 16-17 ёшларда эдим. Кўп вакътим устозим Мухаммад Юсуф Баёний

домланинг уйларида кечарди. Сафо созчи Баёний домла билан (гарчанд ёш жиҳатидан бир-бирларидан анча тафовут килсалар-да) жуда қалин ошна эди. Бу ошналик, менинг англашимча, оддий таниш-билишлик бўлмай, балки ижодий ҳамкорлик даражасига кўтарилиган эди..

Сафо созчи зукко табиат, хассос қалб, адолатпарвар, ёмонлик ва риёкорликни ўлгудек ёмон кўрувчи, нозик бадиий таъб сохиби, яхши бастакор, уста ҳофиз ва нотиқ сифатида халқорасида катта обрў қозонганди... Сафо созчи у даврининг муҳим муаммоларига ҳар вақт хозиржавоблик билан “лаббай” деб майдонга чиқарди. Кўпинча замон воқеаларига бағишлаб тўқиган қўшикларини дарҳол устоз Баёний хузурига келиб намойиш килар, у кишининг фикр-мулоҳазаларини сўрар, ўзаро муҳокама килишарди. Мана шундай мажлисларда улар хизматида бўлган каминалари ҳам Муғаний ижодий дурданаларининг дастлабки тингловчиси бўлишдек шарафга муюссар эдим. Орадан кўп ўтмай, устоз туфайли мен ҳам Сафо созчи билан яхшигина оғизо бўлиб қолдим...”

Сафо Муғанийнинг Хоразм инқилобидан кейинги ҳаёти ва фаолияти вилоят театри билан боғлиқ ҳолда кечди. У умрининг охирига қадар шу театрда созанда, ҳофиз ва бастакор бўлиб ишлади. Хоразм театри саҳнасида қўйилган спектаклларга ёзилган ва ижро этилган мусиқанинг халққа манзур бўлишида унинг хизматлари, айниқса, катта.

“Инқилоб қуёши” газетасининг 1936 йил 10 ноябрь сонида Сафо Муғаний истеъодининг янги қирралари ва ижодий ҳаётининг муҳим жиҳатлари ҳақида бундай сўзлар ёзилган:

“У интернационал санъаткор бўлган: туркманча, тоҷикча, қорақалпокча, озарбайжонча, татарча, русча, уйғурча, туркча куйлардан бир қанчасини билади. У “Шўх йигитлар”, “Будильник”, “Будённий” куйларини жуда яхши ўрганиб олган. У рубоб, ғижжак, доира, скрипка, гармонь чала билган. Унинг истеъодининг кучлилиги шундаки, Файзулла Хўжаев тақдим этган баянни чалишни икки ярим ойда ўрганганди...”

Атоқли санъаткор тўғрисидаги бу ҳаяжонли сўзлар унинг ижодий фаолиятига 40 йил тўлиши муносабати билан айтилган.

Уша йили Хоразм округ ижроия қўмитасининг қарори билан Сафо Муғаний ижроқўмнинг фаҳрий ёрлиғидан ташқари, патефон, ён соат, костюм ва 1000 сўм пул билан мукофотланган;

А.Икромов номидаги округ театри жамоасининг илтимосига асосан Ўзбекистон Марказий Ижроия Қўмитасидан Сафо Муғанийга Меҳнат ва санъат қаҳрамони унвонини бериш сўралган.

Афсуски, биз Хоразм округ ижроқўмининг бу илтимоси Тошкентдаги тегишли идораларга етиб келганми ва қондирилганми, деган саволга жавоб берга олмаймиз. Бу ҳақда бирорта маълумот йўқ. Лекин шу нарса аниқки, Сафо Муғаний Меҳнат ва санъат қаҳрамони деган юксак унвон нашидасини сурмоқчи бўлган кезларда замон дабдурустдан ўзгариб, алғов-далғов бўлиб кетди. “1937 йил” деган аждаҳо ҳеч нарсанинг фарқига бормай, ҳаммани ямлаб юта бошлади. 1937 йил 28 ноябрда Сафо Муғаний ҳам “миллатчи” ва “аксилинқилобчи” сифатида қамоқقا олинди ва 1938 йил 28 августда унга 10 йиллик қамоқ жазоси берилди.

Хоразмнинг севимли булбули қамоқ жазосини ўтаган олис жойларда ҳаёт билан абадий видолалиди.

Сафо Муғаний сингари қатағон даври жабрдийдаларининг охиратлари обод бўлсин.

Илҳом Одилӣ (1888-1942)

1937 йили “Ўзбекистоннинг донгдор ўқитувчилари” деган рисола нашр этилган. Шундан бир йил муқаддам “Меҳнат қаҳрамони” унвонига сазовор бўлган уч ўқитувчидан бири Илҳом Одилӣ тўғрисидаги очерк ҳам шу рисоладан ўрин олган эди.

Шу куни Кримга бориш учун шайланаётган Илҳом ака рисолани қўлига олиб, ёш боладек севинди. Кўз олдидан болалик ва ёшлиқ кезлари бирма-бир ўтди. Бечора отасининг камбағаллигига қарамай, ўғлининг мулла бўлишини орзу қилиб, мадрасага илк маротаба олиб борганини эслади... Қани энди, хозир отаси ҳаёт бўлса-ю, ўқитувчилиги орқасида “Меҳнат қаҳрамони” унвонига муюссар бўлганини, мана бугун эса, у ҳақида ҳам рисола нашр этилганини кўриб, боши осмонга етса...

Илҳом ака отасини ёд этиб, кўзига ёш олди. Меҳнат орқасида топган обрў-эътиборидан хийла сархуш бўлиб, отасининг руҳига тиловат бағишилади. “Отажон, рози бўлинг мендан. Берган тузингизни, тарбиянгизни бундан кейин ҳам оқлашга ҳаракат киласман”, деб пицирлади. Аммо тақдир ота-онаси олдидаги, халқи олдидаги

карзини узиш учун мухлат қолдирмаган эди. Шу қувончли қуидан кўп ўтмай, ярим кечаси эшик ҳалқалари қўққисдан шараклаб, бегона кишиларнинг келганини маълум қилди. Шу куни уйни росатитиб, араб ёзувидаги китоб ва қўлёзмаларга, суратларга қўшиб, Тошкент шахридаги Учкун номли 94-мактаб директори Илҳом Одилийни ҳам олиб кетдилар.

Илҳом Одилийнинг таржимаи ҳолидан:

“Оти Илҳом. Отамнинг оти – Одил. Миллатим ўзбек бўлиб, 1888 йил февраль ойида Тошкент, собиқ Бешоғоч даҳа, Чўлпон ота маҳалласида туғилганман. Ижтимоий чиқишим – қора ишчи. Отам умр бўйи фишт куйган, фишт қалаган кишиларга ёлланиб, кесувчилик қилган. Мактаб ёшига етишим билан эски мактабдор амаким ҳовлисида ўқиб, саводим чиқди. Мадрасага кирдим. Мадраса шароитига кўра ўрта маълумот олдим. 1908 йилдан бошлаб амаким Наби ҳожи ёнида 1913 йилгача мактабдорлик қилдим. 1913 йил октябрь ойида 8-rossийский-туземний мактабига муаллим бўлиб тайин бўлдим. Февраль инқилобидан кейин Хадрадаги “двуҳ класс” мактабига муаллим бўлиб кўчирилдим. 18-йил октябрь ойидан бошлаб 16- “Форобий” мактабига мудир-муаллим бўлиб тайин этилдим. Нагрузка йўлида собиқ Бешоғоч даҳадаги шўро мактабларига раҳбар ҳам бўлиб турдим. 1924 йил сентябрь ойидан 24- “Учкун” мактабига мудир бўлиб кўчирилдим...”

Илҳом Одилийнинг ўқитувчилик йўли ана шундай бошланди.

Бугун Ўзбекистонда мактаб ва маориф муаммолари ҳал бўлиб, таълим ва тарбия ишлари Мустақил Ўзбекистоннинг дикқат марказини эгаллаган, ҳамма нарса баркамол авлодни тарбиялаш масаласига қаратилган бир пайтда Илҳом Одилий таржимаи ҳолидан олинган бу сатрлар орқасида қанчадан-қанча машаққатлар, азоблар, тебранишлар, кўз ёшлари тургани хаёлимизга ҳам келмаслиги мумкин. Ҳолбуки, замонавий таълим тизимининг пайдо бўлиши, ёш йигит ва қизларнинг янги мактабларга келиб ўқиши осон кечмаган.

“Қизил Ўзбекистон” газетасининг 1938 йил 26 май сонида эълон қилинган “Халқ хизматида 15 йил” номли мақолада “Учкун” мактабининг тарихига оид қуидаги сўзларни ўқишимиз мумкин:

“...Дастлабки йилларда дин маркази ҳисобланган бу ерда мактаб ва таълим-тарбия ишларини олиб бориш анча қийин бўлди. Мактабга биринчи йили тўпланган 179 бола орасида битта ҳам киз

йўқ эди. Чунки, бойлар, эшонлар болаларнинг, айниқса, қизларнинг совет мактабида ўқиб билим олишларига зўр қаршилик кўрсатар эдилар. 1925-26 ўкув йилида зўрга 15 қиз бола мактабга тортилди. Бироқ, улар ҳалигидек қора гуруҳ кучларнинг таъсирида мактабга паранжи ёпиниб келиб, алоҳида хотин ўқитувчидагина ўқир, ўша вақтда ҳатто Соҳиба Муслимова, Матлуба Ҳошимова каби ўқитувчilar ҳам паранжида юрар эдилар...”

“Учкун” мактаби 1923 йили Юнусхон домла авлодларининг эски мактаби ўрнашган Қабз ота мозори ўрнида ҳашар йўли билан курилган эди. Илҳом Одилий гарчанд бу мактабга 1924 йили мудир этиб тайинланган бўлса-да, у мазкур мактабнинг курилишидан четда турмаган. Ўғли Анвар Одиловнинг хотирлапича, 1923 йили отаси Бешоғоч даҳасининг Чўлпон ота, Мирлар, Андижон, Сузук ота, Чакар, Чуқур қўпприк, Бадирбой, Сарчопон ва Эски намозгоҳ маҳалла меҳнаткашлари ўртасида янги мактаб фойдасига тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориб, Эски шаҳар ижроқўмининг ижозати билан Мирлар маҳалласи яқинидаги эски кабристон ўрнида етти йиллик янги мактабнинг курилишида ташаббускор бўлган. Мактаб биноси 1924 йилнинг ёзида ишга туширилганида унга Илҳом Одилий мудир этиб тайинланган ва 1929 йилга қадар шу ерда ҳам мудир, ҳам жуғрофия ўқитувчиси бўлиб хизмат килган.

Илҳом Одилий 1929 йилдан 1934-1935 йилларга қадар Нодира номидаги 12-, Ҳамза номидаги 65- ва бошқа бир неча мактаб ҳамда таълим-тарбия курсларида жуғрофия ва она тили фанларидан дарс берди, шу ўкув юртларида ҳам кўплаб шогирдларни етишириб чиқарди. Аммо унинг педагогик ҳаёти, биринчи навбатда, “Учкун” мактаби билан боғлиқ. У ҳатто мазкур мактаб педагогик жамоасининг илтимоси билан 1934-1935 йилларда ўз фарзандидек қадрдан бўлиб қолган мактабга яна мудир бўлиб қайтиб келди.

“Ўртоқ Илҳом Одилий, – деб ёзилган юқорида тилга олинган рисолада, – педагогиканинг ажойиб устаси саналади. Унинг биринчи қоидаси: ўз-ўзига талаб қўйишdir. Жуда катта тажрибага эга бўлишига қарамай, у ҳеч вақт тайёрланмасдан дарсга келмайди. У ҳар куни кечқурун келаси кунги дарсларини тайёрлашга ўлтиради. У конспектларини кўздан кечиради, унга тегишли тузатишлар киригади, материалларни янгилайди, дарс вақтида кўрсатажак мисолларни ўйлаб қўяди. Мана шу ишларни килганидан кейингина у эрталабки дарс қандай зарур бўлса, шундай бўлиб чиқишига ишонч козониб, сўнг тинчлади”.

Илҳом Одилйнинг педагогик тажрибаси хусусида курук баҳс юритишдан кўра касбдош ва шогирдларнинг устоз муаллим тўғрисидаги хотираларидан баъзи бир лавхаларни қўйида келтириш мароқлироқди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Қодир Набиҳўжасев ўз хотираларида касбдош дўстини бундай самимий сўзлар билан ёдга олган: “Илҳом Одилий Тошкент шаҳрида бўлган 14 та русский-туземний мактабларни ўзбек ўқитувчилари билан таъминлаб турган, нисбатан анча кичик бўлган Ҳўжа Аҳор мадрасасида ўқир ва мазкур мактаблардан бирида ўқитувчилик килар эди...

...Хар хил очилиб турган кисқа муддатли курслар бирор мунтазам билим беролмас, бунинг устига, биз ўз тилимизда ёзилган бирор педагогик қўлланмага ҳам эга эмас эдик. Ана шундай қийинчилик бор пайтда ўр. Одилий каби илғор ўқитувчилар ёрдамга келишиди – “тап” ташкил этишди. Шунинг учун “тап”ки, ҳар дам олиш куни 30-40 киши биттасининг уйига боришар, ош-сув ва бироз чақ-чақлашишдан сўнг асосий иш – иккинчи қисмга ўтилар эди. Бунда эса, олдинги йигилишда топшириқ олган ўқитувчилар маълум синфларда маълум фанлардан қандай дарс ўтиш тўғрисида доклад килар, мунозара бошланар, бу метод анави курсларга караганда анча яхши натижага бахш этар эди. Ўр. Одилийга бевосита алоқадор бўлган бу “тап”ни худди педагогик семинарияниң ўзгинаси, деса бўларди.

Ана шундай ажойиб ишлари билан ўз касбдошлари орасида ҳурматга эга бўлган Илҳомжон аканинг обруси меҳнаткаш халк орасида яна ҳам зўр эди.

24-йили шаҳарда биринчи бўлиб “Учқун” мактабини курдириб олгач, ўша даврда катта нуфузга эга бўлган “Қизил тирнок” кўнчилар союзидан баракали фойдаланди. Жамоатчилик мактабини ўюштириб, мазкур мактаб қошида катта бир клубнинг бунёдга келишига сабаб бўлдики, бу клуб (ҳозирги 22 номерали амбулатория) сиёсий-маданий ўчқоқ вазифасини бажарган эди...

Форобий номидаги мактабда таҳсил кўрган талабалардан бири, Ўзбекистон Фанлар академиясининг мұхбир аъзоси А. Султонов ўз хотирасида устозининг бизга маълум бўлган мъерифий-педагогик сийратига бундай янги чизгиларни кўшади:

“Илҳом Одилов, – деб ёзди у, – Абу Наср ал-Форобий номидаги рус-тузем мактаби заминида ташкил топған биринчи боскич

8-мактабнинг ташкилотчиларидан бири ва директори эди. И. Одиловнинг шиҷоати ва катта ташкилотчилик қобилияти туфайли мактаб замонавий асбуб-ускуналар билан жиҳозлангани учун ўғил болалар эски мактабларга бормай қўйишган эди.

И. Одилов, энг аввало, қўшни “Маҳбуслар уйи” хисобига мактаб биносини кенгайтириб, нисбатан кучли педагоглар жамоасини тез жипслаштириди, рус тили ва бошқа фанларни ўрганиш бўйича машғулотларнинг мунтазам равишда ўтказилишига эришди. У меҳнат тарбиясига ва ўкув жараёнининг кўргазмали воситалар ёрдамида олиб борилишига алоҳида ўтибор берди. Мактабимизнинг унча катта бўлмаган ҳовлиси мевали дарахтлар, гуллар ва бошқа ўсимликлар экилиб, ажойиб бир бокка айлантирилди. И. Одилов табиёт ва жуғрофия фанларидан дарсларини кўпинча шу боғда ўтарди...

...Совет ҳокимиятининг дастлабки машақкатли йилларида, очлик ва вайронагарчилик ҳукм сурган бир даврда И. Одилов ўкувчилар учун белгул нонушта ташкил этган эди...

Техника фанлари доктори А. Мұхамедовнинг Илҳом Одилий тўғрисидаги хотиралари ҳам “Учқун” мактабининг 20-йиллардаги серкирра ҳаётига доир қизиқарли маълумотларга эга:

“Биз, – деб ёзди хотира муаллифи, – тўртинчими ёки бешинчи синфда ўқиб юрганимизда у киши (яъни Илҳом Одилий – Н.К.) Москва ва Ленинградга бориб келгандарини сўзлаб бергандар. Москвадан анча-мунча ўқишига доир қўлланмаларни шахсан ўзлари келтирган эканлар. Ўзлари эҳтиётлаб олиб келгашлари катта глобусни айлантириб, бизга дунёнинг беш қитъасини кўрсатар, болаларни глобус олдига чақириби, қайтартирап эдилар. Ҳар бир ишда домланинг ўзлари катнашар эдилар. Масалан, кооператив оркали мактабда кичкина дўконча ташкил қилиб, у ерда дафтар, камлам, ўчириғич ва бошқа ўқиши китобларини соттирап эдилар...

Ўша йилларда домланинг ташабbusи билан мактабда музика тўғараги очилиб, унда Юнус Ражабий, Рихси Ражабий, Имомжон Икромов ва бошқа уларнинг талabalari музикадан дарс беришар эди. Мен бу тўғаракда танбур чалишни ўрганганд эдим. Машғулот вақтида мудиримиз ва домламиз Илҳом Одилий музика дарсига кириб ўтирап эдилар. Бизнинг тўғаракдагилардан Маҳмуд Юнусов ва Жамил Камоловлар кейинчалик профессионал машшоқлар бўлиб ётишиб чикишди.

“Учкун” мактаби (номи илм учқуни кенг таралсин, деган ниятда кўйилган) ўша вақтларда Тошкентда жуда катта обрўга эга эди. Мактабнинг яхши театр тўғараги бўлиб, унда Фитрат домланинг “Абулфайзхон”, Чўлпоннинг “Ёрқиной” драмаларини ва Гози Юнуснинг ҳажвий асарларини ўйнашар эди. Томошибинлар кўп бўлиб, театрга келган кишиларга клубда жой стишмас, одамлар лик тўлган бўлар эди.

Мактаблар аро байрам мусобақаларида бу мактаб кўпинча ҳамма соҳада биринчиликни оларди”.

Илҳом Одилий қаерда ишлаган бўлса, шу ердан, айниқса, “Учкун” мактабидан кўплаб машҳур кишилар етишиб чиқкан. Улар орасида кўмондон Миркомил Миршаропов, композитор Толибжон Содиков, фан арбоблари Воҳид Зоҳидов, Восил Қобулов, Фани Мавлонов, рассомлар Мели Мусаев, Раҳим Аҳмедов, санъаткор Ориф Қосимов, ёзувчилар Ҳабиб Нуъмон, Ҳабибулла Қодирий ва бошқалар борки, уларнинг ҳар бири катта ҳурматга сазовор Кишилардир.

Шулардан бири атоқли шифокор Вали Мажидов бўлиб, у ҳам устози ҳакида бундай самимий сўзларни айтган: “1936-1937 йиллар... “Учкун” мактабида ўқиб юрган чоғларим... Уша йиллардан хотирамда чукур ўрнашиб, талайгина ўрин олган эсдаликларнинг энг муҳимларидан бири “Учкун” мактабида жуғрофиядан дарс берувчи муаллим Илҳом домла Одилий билан синфдаги учрашувлардир. Илҳом домла ўқитувчими, ўқувчими, барибир, ҳамманинг ҳурматига сазовор бўлган олижаноб одам эди. Илҳом домла Одилий факат чукур билимли ўқитувчи ва яхши методистгина эмас, балки ёшлар руҳига таъсир қила оладиган, бинобарин, уларни яхши йўлдан боришига отлантириш қобилиятига эга бўлган ажойиб тарбиячи ҳам эди.

Илҳом домла Одилийнинг ўша вақтларда берган сермазмун маслаклари шунчалик таъсирли эдики, улар ҳалигача хотирамда. Жумладан, домла ёшларнинг келажаги порлок экани ҳакида кўп ганирарди. У ўқувчиларнинг руҳини кўтарадиган, уларни янада яхширок ўқишига отлантирадиган гапларни кўп айтарди. Ҳеч Кимнинг иззат-нафсига тегмас ва ерга урмас эди.

Кишининг бундай фазилати педагогика нуктаи назаридан муҳим аҳамиятта эгадир, албатта”.

Илҳом Одилийни яқиндан билган ҳамкасб ва шогирдларнинг хотиralаридан шу нарса равшан бўладики, у XX аср бошларида

Ўзбекистонда етишиб чиқкан энг юкори малакали ўқитувчилардан биридир. Шунинг учун ҳам 1936 йил 23 август куни Ўзбекистон Марказий Ижроия Қўмитаси ва Халқ Комиссарлари Кенгашининг Илҳом Одилийга “Мехнат қаҳрамони” фаҳрий унвонини бериш тұғрисидаги қарори халқ маориф ходимлари томонидан қизгин кутиб олинди. Ҳукуматнинг юксак мукофотидан рағбатланган Илҳом Одилий янада катта куч ва завқ-шавқ билан ишга киришиди. 1937 йилнинг таътил ойларида эса у шаҳар халқ маориф бўлими томонидан берилган йўлланма билан Кримга, истироҳатга борди. Аммо у Кримдан келган кунининг эртасига – 26 август куни Файзулла Ҳўжаев ва Акмал Икромовларнинг халқ маорифи соҳасидаги маслакдоши сифатида қамоққа олинди. 1937 йил 27 ноябрь куни Ўзбекистон НКВДси кошидаги машъум “учлик”нинг қарори билан атоқли муаллим, Мехнат қаҳрамони Илҳом Одилий 10 йиллик қамоқ жазосига ҳукм килинди.

У қамоқ жазосини Ярославль вилояти Углич шаҳридаги лагерда ўтаётган пайтда Иккинчи жаҳон уруши бошланиб, душман қўшинлари шиддат билан Украина, Белоруссия ва Россиянинг гарбий районларини босиб олали ва Москва бусагаларига кириб келади. Бундан хавфсираган НКВД ходимлари 1942 йил 5 май куни бошқа маҳбуслар каторида Илҳом Одилийни ҳам отиб ташлайдилар.

Ажойиб инсон ва жонкуяр ўқитувчи Илҳом Одилий педагогик фаолиятининг айни гуллаган бир даврида ҳаётдан ўтади.

Илҳом Одилий сингари бутун ҳаётини маориф ва маданият равнақига бағишилаган сиймолар номи миннатдор авлодлар хотирасида узоқ йиллар давомида сакланади.

Лутфулла Олимий (1893-1969)

Лутфулла Олимий 1893 йили Наманган шаҳрида дунёга келган. У Намангандағы мадрасаларнинг бирида таҳсил кўрган. Сўнг дастлаб ота касби – дехқончилик билан шуғулланган. 1914 йили эса Крафт деган бадавлат кишига қарашли заводда олти ой ишлаган. Шундан кейин бир мунча муддат бошланғич мактабда дарс берган. 1916 йили Уфа шаҳрига бориб, таникли жамоат арбоби Абдулҳай Тожиев билан бирга машҳур мадрасаси “Олия”да таҳсил олган.

Лутфулла Олимий 1917 йил Февраль воқеаларидан кейин, март ойида, ўз юргига қайтиб, Наманган тараққийпарвар ёшлар жамия-

тига аъзо бўлиб киради ва, кўп ўтмай, мазкур жамиятга котиб этиб тайинланади. Сўнгра 1918-1921 йилларда Наманганда очилган “Намуна” мактабида ўқитувчи сифатида фаолиятни давом эттиради. 1922-1923 йилларда Наманган шаҳар-уезд халқ маорифи ва сиёсий оқартув бўлимларида мудир бўлиб ишлайди. Шу йилларда Наманганда Ҳамзанинг биринчи устози Абдулла Тўкмуллин, муаллим Дадамирза қори Шайхов, шоир Рафиқ Мўмин сингари таниқли сиймолар маориф соҳасида ибратли ишларни олиб бораётган эдилар. Л.Олимий шу ҳаммаслак дўстлари билан бирга ёш авлодни замонавий илм-фани эгаллаган, миллий ахлок ва одоб асосида тарбияланган кишилар бўлиб улғайини йўлида астойдил меҳнат қиласди.

Давр зиёлилардан шиддат билан кечаётган тарихий жараёнда кечани кеча, кундузни кундуз демай ишлашни, ўқитувчиларнинг янги авлодини тезкорлик билан етиштиришни талаб этар эди. Буни яхши ҳис этган Л.Олимий Акмал Икромов билан биргаликда Насридин Нуриддинов мудирлигида очилган ўқитувчиларни тайёрлаш беш ойлик курсида дарс бера бошлайди.

1918 йил 1 сентябрда Наманганда “Ишчилар қалқони” газетасининг 1-сони босилиб чиқади. Фарғона водийсида иккинчи бўлиб нашр этилган бу газетанинг муҳаррири Тоҳир Фатхуллин, котиби эса Лутфулла Олимий эди. У туғма журналист бўлгани туфайли мазкур газетанинг наманганликлар ўртасида эътибор қозонишига катта ҳисса кўшади. Газетанинг халқ оммаси ўртасида обрў-эътибори кундан-кунга ошиб бораётганини кўрган вилоят раҳбарлари 1924 йилда Л.Олимийни “Фарғона” газетасига масъул муҳаррир ўринбосари этиб тасдиқлайдилар. Шу вақтдан эътиборан у Кўкон шаҳрида яшаб ишлай бошлайди.

Фалакнинг гардишини қарангки, 1923 йили Андижонга “Дарҳон” газетасини нашр этиш учун борган Чўлпон ўша йилнинг охирларида газета ўз бурчини ўтаб бўлганлиги туфайли Кўконга бориб, дўсти Ашурали Зоҳирийнинг уйида яшаган ҳолда мазкур газетада хизмат қиласди. Бири Андижонда, иккинчиси эса Наманганда туғилган икки ажойиб инсон Кўконда учрашиб, дўстлашиб коладилар. Чўлпон Кўконда узоқ яшамайди. 1924 йили Москвада Ўзбек драма студияси ташкил этилиши муносабати билан у студияга адабий эмакдош этиб белгиланади ва Москвага кетади. Аммо студиячилар 1926 йили Фарғона водийсига ҳисбот спектакллари-

ни олиб келганларида Чўлпон санъаткор биродарлари билан бирга Л.Олимийнинг уйида меҳмон бўлиб, у билан мириқиб гурунглashingadi.

Л.Олимийнинг адабий фаолияти 1914 йили “Садои Туркистон” газетасида “Миллатим” шеъри билан бошланган. Шундан кейин “Садои Фарғона”, “Турон” ва бошқа даврий нашрларда унинг маърифатпарварлик гоялари билан йўғрилган шеър ва маколалари нашр этилган. У Наманган тараққийпарвар ёшлар жамиятида хизмат қилган йилларда ўзини гўё Оллоҳ йўлига бағишилаган, деб овоза тарқатган чаласавод муллалар ҳар қандай янгиликка, шу жумладан, мактабларда дунёвий фанларнинг ўқитилишига қарши чиқиб, кўпгина хайрли ишларга тўғонок бўлганлар. Л.Орифий шундай чаласавод муллаларга қарши қаратилиган ҳажвий шеърлар ёзиб, уларни “Тиканли гул” тўпламида эълон қиласди. Бу тўпламнинг нашр этилиши билан бояги кимсалар унинг ҳайтини бадтар заҳарлай бошлаганлар. Шундан кейин у ўзини кўпроқ маърифий ишларга сарфлаб, ёш авлодни эзгу мақсад йўлида тарбиялаш ва ўқитувчиларнинг янги авлодини шакллантириш билан бундай кимсаларга зарба беришга аҳд қиласди.

1927 йил 3 февралда Л.Олимий энди “Янги Фарғона” деб атала бошлаган ўша газетага масъул муҳарир этиб тайинланади. У шу вактда истеъодли ташкилотчи ва журналист сифатида газетани Фарғона водийси ҳайтининг кўзгусига айлантиради. У газета атрофига Ҳамза, Сўфизода, Рафиқ Мўмин, Собир Абдулла, Яшин, Шариф Ризо каби ёзувчи ва журналистларни тўплайди ва газета шу йилларда ўзбек матбуотининг байроқдор нашрларидан бири сифатида шуҳрат қозонади.

1930 йилда Мунаввар қори Абдурашидхонов раҳбарлигидаги “Миллий иттиҳод” ташкилотига озми-кўпими алоқадор ватандoshларимиз қамокка олина бошланди. Давлат Сиёсий Бошқармаси (ГПУ) мумкин қадар кўпроқ миллатпарвар кишиларни гумдон қилиш мақсадида Кўконда “Миллий иттиҳод” ташкилотининг Фарғона вилоят бўлимини ташкил этди. Органинг газетага ўнашиб олган одамлари Л.Олимий каби содда кишиларни авраб, “Ботир гапчилар” ташкилотини туздилар. Кўп ўтмай, бу ташкилотнинг икки сотқиндан бошқа барча аъзолари, шу жумладан, Л.Олимий ҳам ҳисбсига олинниб, 10 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилиндилар. Л.Олимий ҳисбдан барвакт озод этилиб, 1937 йил 2 август куни

Шоҳимардонда соғлиғини тиклаётган вактида иккинчи марта қамоққа олинди. 1947 йили 10 йиллик қамок муддатини ўтаб қайтган Л.Олимий 1949 йил 2 сентябрда учинчи маротаба қамоққа олиниб, жазо муддатини ўташ учун Красноярск ўлкаси Чулим шаҳридаги ўрмон кесувчилар лагерига юборилади. У факат Сталиннинг ўлимидан, шахсга сифинишнинг фожиали оқибатлари фош этилганидан кейингина она юртига қайтиб, 1969 йили Наманган шаҳрида вафот этади.

Биз бундан бир неча йил аввал Намангандаги Лутфулла Олимий маҳалласида атоқли журналистнинг 110 йиллигига бағишлиланган хотира кечасини ўтказган эдик. Шунда кўни-кўшнилар Л.Олимий билан бирга унинг укаси Файзулла Олимийнинг ҳам қатагон даври қурбони бўлганини айтиб колдилар. У 40-йиллар охирида озодликка эришиб, уйига қайтиб келганида, ота бўйи чўзилиб қолган болаларини, болалар эса эски ва йиртиқ телегрейка кийган скелет-оталарини танишмаган экан. Ҳатто покришка парчасини калиш килиб кийган скелетнинг ҳовлига кириб келишидан чўчиб, бир-бирларига йиғлаб-ёпишиб олган эканлар.

Эҳтимол, Л.Олимийнинг ўзи ҳам уйига омон-эсон кириб келганида бундан яхши аҳволда бўлмагандир. Ҳар қалай, бегуноҳ кишининг йигит кетиб, қари чол бўлиб қайтиши ўртасида у қанчадан-қанча азоб-уқубатларни, хўрликларни кўрган, ҳақоратларни эшигтан бўлади. Дўзах ичиде кечган ҳаёт ҳаёт эмас, балки ёнган, ёниб дудга айланган ҳаётдир.

Мустабид тузум ҳалқимизнинг қанчадан-қанча ажойиб ва пешқадам фарзандларини қатагон этди, уларга қўшиб Миллат-парварлик, Ватанпарварлик, Мехр-оқибат сингари буюк инсоний фазилатларни ҳалқимиз юрагидан сиқиб чиқаришга уринди.

Бугун Мустақил Ўзбекистонда қатагон қурбонлари хотирасининг эъзозланиши ва абадийлаштирилиши нафақат тарихий адолат, балки ўзбекона маънавият ва ахлоқ-одобнинг ҳам тикланишига кафолат бўлиб хизмат этажак.

Фози Олим Юнусов (1893-1938)

Ўзбек фани ва маданиятигининг ҳаётбахш илдизлари олис даврларга бориб тақалишига қарамай, ҳалқимизнинг илмий ва маданий

таракқиёти XVI-XIX асрларга келиб, турли тарихий силсилалар туфайли бошқа илғор ҳалқлардан орқада қолди. XIX аср охири – XX аср бошларида жунбишга келган миллий ўйғониш ҳаракати ҳалқни ана шу илмий-маърифий, маданий ва иқтисодий қолоқликдан олиб чиқишини ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Бу кутлуғ максадни амалга ошириш йўлларидан бири миллий таълим тизимини ислоҳ этиш, ёшларни илғор хорижий мамлакатларга ўқишига юбориши ва замонавий билимга эга бўлган янги авлодларни тарбиялаш эди. XX аср тонгида бошланган бу ҳаракат 1917 йилнинг суронли воқеаларидан кейин ҳам янги тарихий-ижтимоий шароитда давом этди. Шунинг натижасида 20-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб замонавий ўзбек фани ва техникасининг дастлабки қалдирғочлари етишиб чиқдилар. Шулардан бири янги ўзбек тилшунослик фанининг асосчиси Фози Олим Юнусовдир.

Фози Олим Юнусов 1893 йили Тошкент шаҳрининг Ширинкудук маҳалласида дунёга келган. Афсуски, Фози Олим Юнусов қатағон даврининг қурбони бўлғанлиги сабабли унинг таржимаи ҳоли ва илмий-педагогик фаолиятига оид маълумотлар бизга узук-юлук ҳолда стиб келган. Шунинг учун ҳам биз қўйида МХХ архивида сақланётган ҳужжатлар асосида олим ҳаёти ва фаолияти кираларини ёритишга ҳаракат киласиз.

Ғ.О.Юнусов Тошкентда дастлабки мадраса таълимини олгач, Вятка губерняси Сарапул уездининг шу номдаги қишлоғи (ҳозирги Татаристон Республикасида қарашли Агриз тумани)да жойлашган мадрасаси “Бубий”га ўқишига борган. Ушбу мадраса 1811 йили барпо этилган бўлиб, XIX аср охири – XX аср бошларида таникли татар маърифатпарвари Абдулла Бубий ва унинг сафдошлари туфайли, худди Татаристон ва Бошқирдистондаги “Олия” ҳамда “Ҳусайния” мадрасалари сингари, машҳур бўлган. Ғ.О.Юнусов 30-йилларда Самарқанднинг ижтимоий ва илмий ҳаётида фаол иштирок этган Абдулла Мустақаев (1890-1937) билан шу ерда ўқиб, араб, форс, татар, турқ, рус тилларини мукаммал ўрганганди. У нафақат истеъдодли, балки илмга чанқоқ ёшлардан бўлғанлиги сабабли, 1909 йилда мазкур мадрасаси тутатгач, 1913 йилга қадар дастлаб Истанбулдаги педагогика институтида, сўнгра Коҳирадаги “Ал-Азҳар” мадрасасида ўқишини давом эттирган. Ниҳоят, 1914 йилнинг июль ойида, Биринчи жаҳон уруши бошланиши арафасида Тошкентга қайтиб келган.

Ф.О.Юнусов Истанбулга борганида у ерда “Турон нашри Маориф” жамияти борлигидан хабар топади. Мазкур жамият “Идтиходи тараккӣ” ташкилоти билан якин алоқада бўлиб, Ф.О.Юнусовдан аввалроқ Туркияга борган Фиграт, Мазхар Бурхонов ва бошқа буҳороликлар шу ташкилотга раҳбарлик қилаётган эканлар. Чамаси, Фиграт Ф.О.Юнусовнинг истиқболи порлокэканлигин сезиб, уни “Иттиҳоди тараккӣ” ва “Турон нашри маориф” жамияти орқали Германияга ўқишига юбормоқчи бўлган. Аммо Биринчи жаҳон урушининг бошланиши Ф.О.Юнусовнинг келажаги билан боғлик ушбу режанинг рӯёбга чиқишига имкон бермаган.

Шу нарсани айтиш жоизки, ўтган асрнинг 20-йилларида Фози Юнус деган шоир, драматург ва журналист мапхур бўлгани учун Фози Юнусов матбуотда дастлабки мақолаларини эълон қила бошлаганида, Фози Юнусдан фарқланиш мақсадида, ўзига Фози Олим тахаллусини олган. У ҳатто расмий ҳужжатларда ҳам ўзини Фози Олим Юнусов деб юритган. Шунинг учун ҳам биз қўйида Фози Олим тахаллусидан фойдаланган ҳолда у ҳақда сўз юритишими зуринли бўлади.

Фози Олим Тошкентга келган вақтда “Турон” жамияти ташкил этилган, бу жамият фаолиятида эса Абдулла Авлоний ва Низомиддин Хўжаев сингари шу даврнинг таникли намояндлари пешкадамлик қилишмоқда эди. Фози Олим ҳам улар билан биргаликда жамият ишларида фаоллик кўрсатади.

1917 йил октябрида Тошкентда большевиклар ҳокимиятни қўлга олишлари билан тараккӣпарвар маҳаллий зисёлилар ўша ойнинг 26-29 кунларида Қўқонда Мусулмонларнинг фавқулодда курултойини чақириб, Туркистон Мухторият ҳукуматининг тузилганини эълон қиласидар. Фози Олим қурултой ишида қатнашибгина қолмай, Туркистон Мухториятини большевиклар ҳужумидан сақлаб қолни мақсадида генерал Дутов ва кадетлар партияси билан итифоқ тузишни таклиф этади. Мухторият тугатилгандан кейин эса Туркия ҳукумати ва “Иттиҳоди тараккӣ” ташкилоти билан алоқа ўрнатиш ҳамда Туркистоннинг мустакиллиги учун курашда улардан ёрдам олиш мақсадида Нуриддин Худобрхонов билан бирга Истанбулга боради. Мальумки, шу вактда ва айни мақсадда Самарқанддан Махмудхўжа Беҳбудий ҳам сафарга отланган эди. Беҳбудий Тошкентдан йўлга чиқсан таникли маърифатпарвар ва тадбиркор Сайдносир Миржалилов билан Бокуда учрашиб, у билан

бирга Антанта давлатлари раҳбарлари ҳузурига бормоқчи ва улардан Туркистонни большевиклардан ҳалос этиш масаласида ёрдам сўрамоқчи эди. Аммо Беҳбудий Қаршида ушланиб, катл этилгач, С.Миржалилов аввалги ниятидан қайтиб, Истанбулга боради ва у срда Фози Олим билан учрашиб колади. Улар Туркия ҳавфсизлик хизмати бошлиги Азизбей билан учрашиб, унинг ёрдамида Талъат пошонинг кабулида бўладилар. Талъат пошо эса шу кеча-кундузда Туркистон истиқтолчиларига ёрдам бериш Совет Россияси билан яхшиланиб бораётган алоқага раҳна солиши мумкинлигини эътиборга олиб, Женевага, Миллатлар Лигасига боришни уларга маслаҳат беради. У ҳатто бир неча хорижий тилни билган машҳур адабиётшунос ва шарқшунос Фуод Кўпрулузодани уларга ҳамроҳ сифатида қўшиб юбормоқчи ҳам бўлади. Аммо Фози Олим ҳам, С.Миржалилов ҳам Ф.Кўпрулузоданинг ҳамроҳлик қилишига эҳтиёж сезмай, Талъат пошонинг таклифини шарқона лутф билан рад этадилар.

MXX архивидаги ҳужжатлар орасида Фози Олим истиқтолчилик фаолиятининг кейинги даврини ёритадиган бирорта ҳам факт йўқ. Тахмин килиш мумкинки, Россия маҳсус хизмати ходимлари нафакат Беҳбудийнинг, балки С.Миржалилов ва Фози Олимнинг ҳам Женевага боришларига имкон бермаган: улар Тошкентга қайтиб келишига мажбур бўлганлар.

Туркия сафари бирор натижага бермаганига қарамай, Фози Олим Тошкентга қайтгач, ўз олдига ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш вазифасини қўйган “Турк ўчоги” қабилидаги уюшма ёки гуруҳни тузмоқчи бўлади. Аммо бунга ҳам имкон берилмагач, у 1923-1924 йилларда қандайдир савдо жамиятида раҳбар бўлиб ишлайди. Махбус ижтимоий фаолияти ҳақидаги анкета саволларига берган жавобида инкилобга қадар Тошкентда Волга-Кама тижорат банкида хизмат қилганлигини айтганки, юқорида тилга олинган савдо жамияти ана шу банк ёки унинг бир бўлими бўлиши мумкин.

Фози Олим ҳақидаги айрим манбаларда унинг шу йилларда республика Адлия ҳалқ комиссарлигида масъул ходим бўлиб ишлаганлиги ва ҳукукий ҳужжатларни рус тилидан ўзбек тилига таржима қилганлиги ҳам айтилган. Аммо шу нарса аниқки, Фози Олим Юнусов 1925 йили Самарқандга ишга таклиф этилиши билан унинг ҳаёти ва ижтимоий фаолиятида янги давр бошланади. У

Маориф халқ комиссарлиги ҳамда шу комиссарлик ҳузуридаги Тил ва терминология комитетида илмий котиб сифатида иш олиб бора-ди. Кейинчалик Ақмал Икромов номидаги Самарқанд педагогика институти (недакадемия)да ўзбек тили кафедрасининг профессори сифатида қизғин педагогик фаолият билан машғул бўлади.

Шу йилларда тил Совет давлати миллий сиёsatининг асосий қуролларидан бирига айланниб бораётган, давлат ва партияning таз-йики билан қатор республикаларда, хусусан Ўзбекистонда анъана-вий араб ёзувидан лотин ёзувига ўтиш тадорики кўрилаётган эди. Таникли тилшунос Собиржон Иброҳимовнинг хотирлашича, Фози Олим 1929 иили Самарқандда шогирдига шу ҳақда куйиниб сўзлар экан, бир ёзуводан иккинчи ёзууга ўтиш халқни саводсизликка, ўт-миш маданиятдан узоклашишга олиб келувчи, илмий жараённи из-дан чиқарувчи омил бўлишилигини айтган. Шундай пайтда тилшу-носларнинг республика худудларида жой, кабила ва элат ном-ларини ўрганишлари ва уларни тарих учун қолдиришлари зарур-лигини таъкидлаган. Ўзи ҳам қисман шу мақсадда республиканинг турли воҳаларига бир неча бор илмий экспедициялар уюштирган. Шу экспедицияларга Е.Д.Поливанов, И.А.Батманов, К.К.Юдахин, А.К.Боровков, Элбек, Қаюм Рамазон сингари тажрибали тилшунос ва фольклоршуносар билан бирга Наим Сайд, Турсун Иброҳимов, Собир Иброҳимов, Сафо Зуфарий сингари ёшларни ҳам таклиф этган.

Шундай экспедициялардан иштирок этган Сафо Зуфарий Фози Олимнинг юкорида номлари тилга олинган атоқли тилшунос олим-лар олдида ҳам катта ҳурматга эга эканлигини ва уларнинг устоз олдида ҳар бир сўзни обдон ўйлаб, чертиб, сўнг айтишларини тез-тез эслар эди.

Фози Олим шу даврда хизмат юзасидан Москва ва Ленинграддаги тилшунос олимлар билан яқин алоқа ўрнатиб, ўзбек тил-шуносарининг янги авлодини шакллантириш бўйича самарали ишларни амалга ошириди. Кейинчалик бу шогирдларнинг ўзлари ҳам устоз билан бирга хибсга олинганларида, унинг катта тил-шунос олим бўлғанилигини алоҳида таъкидлаганлар. Чиндан ҳам, Фози Олим Юнусов XX асрдаги биринчи ўзбек тилшуноси сифатида “Ўзбек уругларидан катагонлар ва уларнинг тили” (1930), “Юридик терминлар луғати”, “Ўзбек лаҗжалари таснифида бир тажриба”, “Ўзбек тили грамматикаси” (1936, сўнгги асар нашр

этилмай қолган) китобларини яратди. Олимнинг ҳам грамматика, ҳам шевашунослик, ҳам атамашунослик масалаларига бағишланган дарслик ва қўлланмалари унинг серқирра тилшунос олим бўлган-лигини яна бир бор тасдиклайди.

Агар биз Фози Олим қаламига мансуб мақолаларнинг тўла бўлмаган рўйхатига назар ташласак, унинг айни пайтда ўзбек халқ оғзаки ижоди, замонавий ўзбек адабиёти ва матбуоти ҳақида ҳам асосли билимга эга бўлганидан хабар топамиз. Дарвоҷе, Фози Олим ўзбек халқ эпоси – “Алпомиш” достонини биринчи бўлиб ёза ва ўр-гана бошлаган олимдир. У 1922 йилда ёзилган “Ўзбекларда эл та-ниш” мақоласида бошқа қатор халқ достонлари қаторида “Алпо-миш” достони тўғрисида ҳам илк бор маълумот берган бўлса, “Би-лим ўчоғи” журналининг 1923 йил сонида “Алпомиш” достонига муқаддима” номли мақоласи билан бирга достондан каттагина пар-чани ҳам илк бор эълон қилган. Кези келганда айтиш жоизки, у атоқли фольклоршунос олим Ҳоди Зарифда ўзбек халқ оғзаки ижо-дини ўрганиш ишига рағбат уйғотиб, у нашрга тайёрлаган “Шай-бонийхон” достонига муҳаррирлик қилган.

Бундан ташқари, Фози Олим 20-30-йилларда “Ўзбек матбуоти-нинг ҳоли”, “Энг сўнгти жавоб” (матбуот тўғрисида), “Болалар адабиёти тўғрисида бир фикр”, “Адабиёт тўғрисида хато назария”, “Ўғиз адабиётида синфий туйгулар”, “Лайли-Мажнун”, “Алла тўғ-рисида бир-икки оғиз сўз”, “Ўрта Осиё туркларининг янги алиф-беси”, “Ўзбек тилининг товушлари”, “Зиёлилар киму, зиёнилilar ким?” сингари қатор мақолалари билан ҳам тилшунос-лик, ҳам матбуот, ҳам адабиёт, ҳам фольклоршунослик учун муҳим аҳа-миятта молик масалаларни кўтарган.

Шу йилларда ижтимоий-гуманитар фанлар оламига кириб ке-лаётган ёшларни тарбиялашнинг, халқнинг умумий савиясини кў-таришнинг асосий шартларидан бири рус ва жаҳон олимларининг энг яхши асарларини ўзбек тилига таржима қилиш эди. Фози Олим ҳам шу масалага алоҳида эътибор берид, таникли рус шарқшу-нослари қаламига мансуб бир неча асарни, шу жумладан, В.В.Бартольднинг жаҳон тарихининг муҳим бир қисмини ташкил этган ислом тамаддуни тарихи ҳақида ҳикоя қилувчи “Мусулмон-чилик маданияти” китобини ўзбек тилига ўғирди. Аммо олимнинг илмий салоҳияти энди ўзининг ёрқин самараларини бераётган пайтда 37-йилнинг даҳшатли гулдираклари бошланиб кетди. Ўша

йилнинг 2 июлидан 3 июлига ўтар кечаси НКВД ходимлари олимни дала ҳовлисида қўлга олиб, уни қўлларини боғлаган ҳолда хотини билан шаҳардаги уйига олиб келдилар. Тинтуб эрталабга қадар давом этди. Сўнг Фози Олимни, 1 октябрда эса хотини Валентина Ивановнани маҳбусхонага олиб кетдилар. Олимнинг уйи ва молмулки мусодара этилиб, 12 яшар Эрик, 11 яшар Мирра, 10 яшар Оскар ва 8 яшар Камилла деган фарзандлари давлат ихтиёридаги етимхоналарга, меҳнат қобилиятини йўқотган бечора акаси Исмоил Юнусов эса ижтимоий таъминот ихтиёридаги мусофирихоналардан бирига жўнатилди.

Орадан бир йилу тўрт ой ўтганидан кейин Валентина Ивановна Совет давлати олдида гуноҳкор бўлмагани учун 1938 йил 7 февралда озодликка эришиди. Аммо у қанча ҳаракат қиласини, эрининг нағоят бой кутубхонасини, на эълон қилинмаган асарларининг қўллэзмаларини қайтариб ололмади.

Ўзек тилшунослик фанининг ёрқин юлдузи Фози Олим Юнусов 1938 йил 4 октябрда Абдулла Қодирий, Чўлпон ва Фитратлар билан бирга Тошкентда “халқ душмани” сифатида отиб ташланди.

Минг афсуслар бўлсинки, ҳозирги илмий интеллигенция Фози Олим Юнусовнинг ўзек тилшунослик фани олдидаги катта хизматлариниң яхши билғанларига қарамай, ҳанузгача унинг меросини тўплаш, ўрганиш ва нашр этиш ишига, унинг хотирасини абайдийлаштириш масалаларига лоқайдлик билан қараб келмоқдалар.

Элбек (1898-1939)

Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида Хумсон деган қишлоқ бор. Элбек тахаллуси билан ижод килган Машриқ Юнусов 1898 йили шу қишлоқда дунёга келган.

Элбек ўз қишлогини қанчалик севган бўлмасин, у тог ҳавосини симирган гўшада узок вақт яшамади. Ўн уч ёшли бола, бошқа ака-укалари қатори, оғир ва мешакатли турмуш орқасида Хумсонни тарқ этиб, Тошкентга кўчиб келишга мажбур бўлди. Лекин у ҳам, ака-укалари ҳам 1911 йилда Тошкент тупроғига илк бор қадам қўйганларидан кейин кимларнингдир эшигига хизмат қилиб, кун кечирдилар.

Элбек таржимаи ҳолида болалик йилларини бундай сўзлар билан эслаган: “Мен Тошкент уезди Искандар волости Хумсон қишлоғида 1898 йилда камбагал дехқон оиласида туғилдим. 1905 йилда (7 ёшидан) қишлоқ мактабига ўқишига кириб ўқидим ва мактабда 4 йил ўқиб, ўқув-ёзувни ўргандим. Отамнинг мендан бошқа болалари ҳам бўлгани учун бизни боқа олмасди. 1910-11 йилларда жуда қийналдик ва натижсада, бошқа ака-укаларим каби, мен ҳам уйни ташлашга мажбур бўлдим. 1911 йилда Тошкентга келиб, бир кишиникида қарол бўлиб ишладим. Шу вақтда Тошкентда жадид мактаблари кўп эди. Булар эски мактаблардан яхшироқ эканини англадим. Ўзимнинг қийналишим ва қаролликда калтаклар остида қолишим уй хўжайинидан мени қочишига мажбур этди. Шу йили Эски шаҳарда жойлашган Девонбеки маҳалласидаги “Хоний” мактабига ўқишига кирдим.

Ўқишига кириши мени жуда севинтириди, лекин моддий ёқдан кўп сиқилгандим, анча хафа қиларди, ҳатто қиши кунлари оёқяланг қолдим, ётар ер йўқ, баъзан уртоқларим уйида, кўпинча мактаб хўжрасида, эски намат орасида ўралиб ётиб, қиши ўтказдим. Ёзда қишлоққа кетардим. Шаҳарда қолган вақтларимда эса иморат усталиарига гишиш ташиб, мардикорлик қилардим”.

Мен Элбекнинг бундай ташвишли ва турмушнинг азоб-укубатларидан иборат болалик йилларини кўз олдимга келтирас эканмиз, шу даврда унинг мургак руҳи синмай қолганидан, шундай мешакатли йўлни босиб ўтган боланинг ўғри ёки йўлтўсар бўлиб эмас, юқори маданиятли инсон, ҳар томонлама истеъододли шахс бўлиб улғайганидан ҳайратга тушаман.

Болалиги Октябрь тўнтариши арафасида, оғир иқтисодий шароитда кечган Элбек сингари зиёлилар 1917 йил воқеаларига катта умид билан қараганлар. Уларнинг 20-йиллар арафаси ва бошларида етим-есирларга болалар уйлари, мактаб ва интернатлар очган совет ҳокимиятининг ҳар бир тадбирига, бу тадбир тўғрими ё нотўғрими демай, – қарсак чалгани, олкишлагани, факат некбин руҳ билан суғорилган асарлар ёзганининг сабаби шунда бўлса керак.

Элбек 1914 йилда, бир неча йиллик сарсон ва саргардонликдан кейин, Шайхонтахур даҳасидаги Тарновбоши маҳалласида очилган етти йиллик мактабнинг 6-синфига ўқишига кириб, икки йиллик таҳсилдан сўнг муаллимлик қила бошлайди. Шу йилларда у кўп ўқиб, адабиётга, бадиий ижодга ўзида секин-аста майл уйғона бошлаганини сезади.

“1917 йилдан бошлаб, – давом эттиради Элбек таржимаи ҳолини, – ёзувга берилдим, кўтингча шеърлар, баъзан ҳикоялар ёзардим. Кейинроқ тил ва имло масалалари, педагогика ишларига қизиқиб, шу тўғриди мақола ва асарлар ёза бошладим. 1919 йили Тошкент муаллимлари учун очилган 8 ойлик педагогика курсида эшишувчи бўлиб давом этдим. Менинг олган мъалумотларимнинг бир қисми кўпроқ китоб кўриш ва ёшликтан турли журнал, газеталарни ўқиши соясида қўлга кирди”.

Чиндан ҳам, XIX асрнинг сўнгги кунлари – XX асрнинг бошларида дунёга келган кайси бир олим ёки шоирни кўз олдимизга келтиргмайлик, унинг бирор дорилфунунда ўқимай, шу даражага эришганини кўриб, ҳайратга тушамиз. Фитрат ҳам, Чўлпон ҳам, Элбек ҳам, бошқа шоир ва адилларимиз ҳам асосан хусусий мутолаа йўли билан жаҳон маданияти хазинасидан баҳраманд бўлгандар. Элбек ҳам бундан истисно эмас.

Фитрат ва Чўлпонлар авлодига хос хусусиятлардан яна бири шунда эдики, улар қанчалик машаққатли турмуш кечирган бўлмасинлар, қўлларига қалам олганларида, шу машаққатли ва бевафо дунёнинг кирдикорларини фош қилишни эмас, балки ўзларига яашаш, ишлаш ва курашиш учун рух берган, ички оламларини нурлантириб юборган масалаларни кўтаришга жазм қилгандар. Элбек ҳам “Утмишим” (1929 йил) деган кичик достонида ўша машаққатли болалик йилларини қўмсаб: “Агар бир чопқир отим ёки қанотим бўлса, ёшлиқ диёрига учардим”, – деб ёзди. Элбек сингари шоирлар учун болалик ва ёшлиқ йиллари қанчалик изтиробли кечган бўлмасин, болалик ва ёшлиқ йиллари абадий соғинчлар мамлакати бўлиб колади. Ҳар бир инсон ана шу мамлакатда туғилади. Шу мамлакат ҳавосидан нафас олиб ўсади. Шунинг учун ҳам шоирлар болалик ва ёшлиқ деган мамлакатни ҳамиша ардоқлаб, куйлаб келадилар.

Элбек, бошқа қаламкаш дўстлари сингари, тарихнинг бурилиш даврида яшади. Тўғри, большевиклар идора этмоқчи бўлган тарих гилдираги етмиш тўрт йиллик мустабид тузум даврида бошқача бир йўналишида ҳаракат этди. Аммо 20-йилларда большевиклар бошлаган йўлнинг ҳалқ ва мамлакатни қаерга олиб бориши, уларнинг эса қандай каромат кўрсатиши масаласи номаълум эди. Шунинг учун ҳам Элбек сингари шоир ва ёзувчилар 1917 йилдан кейинги ҳаётни “янги ҳаёт” сифатида идрок этиб, аввалги турмушни “қора ўтмиш” сифатида тасвирлаганлар.

Элбекнинг 20-30-йиллардаги ижодий фаолиятини кузатар эканмиз, унинг назари тушибмаган соҳа йўқлигидан ҳайратга тушмай илож йўқ. У тил ва имло масалаларига бағишлиланган мақолалар билан бирга ўзбек тилшунослигининг мураккаб муаммоларини тадқиқ этувчи асарлар ҳам яратди. Мактаблар учун “Ёзув йўллари” (1921), “Ўрнак”, “Бошлангич мактабда она тили” (1923), “Ўзбекча ўқиш китоби” (Ф.Сайфий ва Фарифхонов билан ҳамкорликда), “Гўзал ёзгичлар” (1925) каби ўкув қўлланмалари ва мажмуаларни чоп этди. Ҳалқ оғзаки ижоди материалларини тўплаш максадида 1921-1922 йилларда Бўстонлик туманига, 1932 йилда эса Оҳангарон ва Чирчик туманлари ҳамда Фарғона водийсига илмий экспедиция уюштирди. Бу илмий сафарлар натижасида тўпланган ўзбек ҳалқ қўшиқлари, топишмоқ ва мақолларини “Билим” (1- ва З-сининфлар учун), “Ашулалар» (1934, 1935), “Лапарлар” ва “Эртаклар” (1935) тўпламларида эълон қилди. И.А.Крилов, А.С.Пушкин, М.Ю.Лер-Монтов, Л.Н.Толстой, Н.А.Некрасов, А.П.Чеховдан тортиб М.Горький, Д.Бедний, В.Маяковскийга қадар бўлган рус ёзувчиларининг асарларини ўзбек тилига таржима қилди. Аммо булар Элбекнинг оригинал бадиий ижоди олдида иккинчи даражали аҳамиятта молик ишлардир.

1921 йилда Элбекнинг “Армуғон” масаллар тўплами нашр этилади. 30-йилларнинг ўрталарида тугалланган “Тозагул” шеърий романни эса унинг энг сўнгги асари бўлди. Элбек 15-16 йилни ташкил этган ана шу вакт оралиғида “Ёлқинлар”, “Кузгу”, “Сезиллар”, “Бахор”, “Меҳнат куйлари” каби 9 та шеърий китобини, “Аноргул”, “Гўзал киз”, “Туркистан», “Утмишим” сингари 12 достонини, шунингдек, “Қўшчи Турғун”, “Дадамат” ҳикоялар тўпламини эълон қилди. Бу асарларнинг аксари ёш авлодга бағишлиланган. Болалик йиллари оғир кечган шоир ўз ҳаёти ва ижодининг бош максадини ёш авлодни ақлий, жисмоний ва маънавий тарбиялашда кўрди, унинг келажакда ҳалқ ва мамлакатни янги тараққиёт босқичига олиб чиқувчи кишилар бўлиб улғайишини орзу қилди ва ана шу орзунинг рўёбга чикиши йўлида қизғин фаолият олиб борди. У юқорида тилга олинган 9 та китобида ўзига яхши таниш ва кадрдан кишиларни, Чирчик бўйлари-ю болалик фасли кечган манзилларни, жамият ва кишилар ҳаёти манзараларини таъриф ва тавсиф этди. У ўз сўзи билан “янги ҳаёт”ни барпо этишга киришган ватандошларини илҳомлантиришга, улар кучига-куч, гайратига-гайрат қўшишга интилди.

Модомики, биз юкорида шоирнинг “Армуғон” масаллар тұлламини тилга олган эканмиз, уларға, қозаки бұлса-да, назар ташлаб үтиш фойдадан холи эмас. Негаки, одатда ўзбек адабиетидаги масал жаңыры тұғрисида сүз борганда ҳам, Элбек ижодига бағишлиңгандар да ҳам унинг масаллари умуман тилга олинмайды. Ҳолбуки, Элбекнинг ўз ижодини масал ёзишдан бошлаганлыги тасодиғий эмас.

Келинг, яхшиси, шу масаллардан бирини ўқиб күрайлик.

“Қайси бири бўри?” масалининг лирик сюжети қўйидаги оддий ҳодиса тасвиридан иборат: бўрининг кўлига тушиб колган қўй йиртқичдан раҳмдил бўлишини қанчалик сўрамасин, озод бўлишиликнинг имкони бўлмайди. Аммо шу пайт, кутимагандар, шовқин-сурон кўтариб бир киши келиб қолади. Бу шовқин-суронни эшигган бўри ўлжани ўз ёркига қолдириб, қочиб кетади. Қўй бўридан кутулганидан, жони омон қолганидан беҳад хурсанд бўлиб, сакрайди, суюнади, шодланади. Аммо...

Ул киши ҳам қўйни уйга келтириб,
Пичоқ билан қўйди уни тез сўйиб.
Мунга қўйнинг икки кўзи телмуриб,
Жони типирчилаб, экони ҳам куйиб,
Айтар эди ул кишига: «Эй киши,
Бўрими ё, айтгил, энди ким ваҳши?
Кутқардинг сен мени ўлим илгидан,
Ҳамда қўрқинч шу ўлимнинг ваҳмидан.
Энг сўнг ўзинг бўридан-да ўздирдинг,
Кўрдим, энди чин бўри ҳам сен бўлдинг».

Бу масал ёзилган 1921 йилда ўзбек халқи чор ҳокимиияти зулмидан қутулиб, большевикларга тутилган, большевиклар эса 1918 йил февралыда дашноқлар ёрдамида минглаб ватандошлари-мизни бўғизлаган эдилар. Элбек мазкур масалда ана шу тарихий воқеани мажозий образлар ёрдамида тасвирилаб, ким бўри эканлигини аниклашни китобхоннинг ўзига ҳавола этган.

Кўрамизки, шоир гўё болалар учун ёзилган шу беозоргина бир масалада тарихий даврнинг фожиали бир сахифасини очиб ташлаған.

Бундай катта ижтимоий мазмун билан тўйинган шеърлар Элбек ижодида оз эмас. Шунинг учун ҳам кекса авлод вакиллари Элбек ижодига, айниқса, самимий муносабатда бўлганлар.

Элбекнинг “Қўшчи Турғун” ҳикоясига ёзған муқаддимасида бундай сўзларни ўқиймиз: “Қўлингиздаги бу кичкина ҳикоя ер ислоҳоти муносабати билан ёзилшишdir. Мен гарчи ҳикоя ёзиши тұғрисида тажрибам бўлмаса-да, ўзимдаги табиии завқ билан ёзишига тутинидим. Түгилган ўрнимнинг дәхқонлар орасида бўлиши ва ўзимнинг-да шул дәхқонларга мансуб бўлишим бу ҳикояни ёзишига журъят эттируди. Мен бунда мода ҳолига кирган дәхқон отини ўзимга тақмоқ учун эмас, балки дәхқонларга муҳаббат ва уларнинг эзилишлари тұғрисида юрагимда ўрин олиб қолган ҳасрат юзасидан буни ёздим...”

Бу ҳикояда тасвириланган Турғун меҳнатсевар, қўли гул, кўзлари ҳаётга доим умид билан қарайдиган йигит бўлиб, ёзувчи бу образда ўзининг инсоний сифатларини, меҳнатга, ижодга ташналигини тасвирилаган. Ана шу дәхқон йигитдек куч-кувватга тұлган, ўзидаги бутун ғайрат ва шижаатни халқ манфаатига бағишлишаға тайёр бўлган Элбек жўшиб ва тошиб ижод килди, армонсиз ёзди. Унинг ёзмаслиги мумкин ҳам эмас эди. Зероки, у ҳаётнинг аччиқ-чучутини тоттган, катта ҳаётий тажрибага эга бўлган, эзгуликнинг ва эзгулик тимсоли бўлган кишиларнинг кадрига етган ижодкор эди. Шунинг учун ҳам унинг энг яхши шеър ва достонларида “ҳаёт суви” жонланиб туради:

Шеърим жонланади ҳаёт сувидан,
Мен унинг ичида бир томчи каби.
Сўзларим чиқади юрак тубидан,
Нега жилмаймайди гунчанинг лаби.

Бу шеър ёзилган кезларда Элбек мамлакатда олиб борилаётган маданий ишларда фаол иштирок этаётган эди. Шу пайтда у ҳаёт карвонининг тўғри йўлдан бораётганига ва эртакларда тасвириланган Сусамбилиларга – баҳт ва саодат манзилига стиб боришига, ҳаттоқи, теварак-атрофдаги ғаразли кучларнинг ҳам харитадаги кизил рангга бўялган мамлакатга раҳна сола олмаслигига ҳаддан зиёд ишонган. Ва хатто:

Табиатнинг кучли қўли орқали
Ер остидан қайнаб чиққан булоқшинг
Қаршисига турли кучлар келтириб
Қўйган билан ҳеч тұхтатиб бўларми?

сингари сатрларни ёзган. Лекин ҳаётининг маълум бир даврида совет воқелигига кўзларини катта-катта очиб караган ва большевиклар олиб бораётган мустамлакачилик сиёсати натижаларини кўрган бўлса керакки, “Қуролга” деган шеърини ёзган. Чўлпонона руҳ билан тўйингта бу шеърда Элбек, ўзи ҳаттоқи истамаган ҳолда, ватандошларини большевизмга карши курашга чорлагандек бўлади:

*Қурол, оҳ! Қандайин гўзал бир сўз,
Ол қўлингга сен уни, эй бойқиши!
Сен йиқилдинг бу кун, заволли ийигит,
Сабабин билмас эсанг, тингла, эшим!*

*Дунёда борлигинги сақлар эсанг,
Хўр бўлуб тепки ичра қолмас эсанг,
Ол шуни қўлга, турма, тезда ол!
Шундадир баҳт, шундадир иқбол.*

Элбекнинг “Тилак” ва “Қуролга” деган шеърлари гоявий жиҳатдан бир-бирига яқин. Ҳар иккала шеърда ҳам баҳт ҳаётнинг бирдан-бир маъноси тарзида талқин этилган. Унга эришиш учун ҳаракат қилиш, билак ва мияни ишлатиш лозим, деган фикр шоирнинг нафакат ушбу шеъри, балки бутун ижоди оша “қизил ип” бўлиб ўтиб туради.

Элбекнинг адабий, педагогик ва ижтимоий фаолияти турли туман кирраларга эга бўлганидек, унинг бадиий асарлари ҳам турли мавзуларга бағишлиланган. Элбек қандай мавзуларда асар ёзган бўлмасин, улар шеърий, насрий ёки илмий бўладими, бундай катъий назар, у ўз асарлари билан кенг ҳалқ оммасининг ич-ичига кирмоқчи бўлган. Шунинг учун ҳам бу асарлар ўта содда тилда ёзилган. У болаларга бағишлиб асарлар ёзганида, Авлоний сингари, болалар адабиётининг жанр хусусиятлари ва тасвир воситаларидан самарали фойдаланган. Аммо бу болаларни келажакда кутаётган муаммоларни кўз олдига келтирганида унинг руҳидаги чўлпонона туйғулар жунбишга келиб, соддалик ўз ўрнини ўй ва хаёлларга, фалсафийликка бўшатиб берган.

Чўлпон ва Фитратлар авлюдининг қайси бир вакилига назар ташламайлик, уларнинг ҳар бири ўз овозига, ўзининг ижодий услубига эгалиги, факат ўзига, дунёқарашига, ижодий кредитосига яқин

мавзуларда асарлар ёзганлиги кундек равшан бўлади. Шу маънода Элбек миллый уйғонини даври адабиётининг ўзига хос намояндаларидан биридир.

Заҳматкаш шоир 1937 йилнинг мудҳиши кунларида “ҳалқ душмани” сифатида қамоққа олиниб, 12 йиллик қамоқ муддатини ўташ учун Колимага юборилган ва 1939 йил 11 февралда Магадандаги Ногиронлар шаҳарчасида вафот этган.

Наим Сайд (1902-1939)

Наим Сайд 1902 йили Қўқонда дэҳқон оиласида туғилган. Ота-онаси 1917 йил воқеаларига қадар вафот этиб кетишган. Шунинг учун ҳам дастлабки таҳсил ва таълимни Қўқон мадрасасида олган Наимжоннинг мустақил ҳаёт йўли барвакт бошланган. У 1919 йилда ўқитувчиларни тайёрлаш курсларини тутатиб, Қўқон атро-фидаги бошланғич мактабларда тил ва адабиёт фанларидан дарс берган. Сўнгра, бизга номаълум сабабларга кўра, Бухорога бориб, 1921 йилга қадар Маориф уйида хизмат қилган. Шундан кейин Наимжон бир мунча муддат Тошкентда ўқитувчилик билан машғул бўлгач, 1922 йилнинг ноябрь ойида Туркистон Республикаси Маориф ҳалқ комиссарлигининг йўлланмаси билан бир гурух ёшлар каторида Москвага боради. Шу вақтда марказий ўкув юртларига кириш мавсуми тугаганлиги сабабли у 1923-1924 йилларда Москва районларидан биридаги ҳалқ маориф бўлими хузурида ташкил этилган ишчилар факультетида ўқийди. Ниҳоят, 1925 йилда Журналистика институти ижтимоий-сиёсий факультете-тининг таржима бўлимига ўқишига киради. Шу йилларда Москва-даги турли ўкув юртларида Анқабой, Турғунпўлат Қирғизов, Мўмин Усмонов, Собира Холдорова, Саидаҳмад Назиров сингари кейинчалик давлат идораларида турли масъул лавозимларда ишлаган ва 1937 йил тегирмонида мажакланиб ташланган истеъододли ёшлар ўқишиган. Уларнинг аксари Москвага ёш рафиқалари билан, шу жумладан, Наим Сайд хотини Амалияхоним билан боргандилиги сабабли улар оиласи учрашувлар ўтказишган ва бу учрашувларда Ўзбекистоннинг келажаги, илм-фани, саноати ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш масалалари ҳакида баҳс ва гурунглар бўлиб турган.

Наим Саид 1925-1928 йилларда мазкур институтда ўқир экан, маълум муддат Чўлпон билан бир хонада яшади. Ҳам институтда москвалик машҳур домлалардан лекция тинглап, ҳам Чўлпондек ажойиб инсон ва ута билимли-маданиятили сиймо билан бирга яшаш Наим Саид учун катта дорилғунун бўлди, унинг кейинги ҳәтини бойитиб-нурлантириб турди.

Наим Саид она юртига қайтгач, 20-йиллар охирида араб ёзувидан лотин ёзувига ўтиш муносабати билан бошланган саводсизликка қарши кураш компаниясига жалб этилди. У шоир Шокир Сулаймон ва педагог Абдураҳим Йўлдошев билан ҳамкорликда “Қизил тамға” номли дарслик-варакалар чикарди. У кейинчалик ҳам маърифатпарварлик фаолиятини давом эттириб, А. Йўлдошев билан ҳамкорликда “Катталар учун алифбе” (1929), “Саводсизлар учун алифбе” (1936), “Кам саводлилар учун ўкиш китоби” (1936), “Кўрлар учун алифбе” (1937), “Янги қишлоқ” (1936), “Грамматика” (2-китоб, синтаксис; 1936) сингари қатор ўкув қўлланимлари ва китобларнинг яратилишида иштирок этди.

Афсуски, унинг шу вақтда қаерда хизмат қилганилиги тўғрисида бирор маълумотга эга эмасмиз. Аммо у 1930 йили Кўқон шахрига юборилиб, у ерда нашр этилган “Янги Фарғона” газетасига муҳаррирлик қилади. 1931 йили эса яна Тошкентга чақириб олинида ва Ўзбекистон Давлат нашриётига бош сиёсий муҳаррир этиб тайинланади.

Шу даврда партия раҳбарларининг, биринчи навбатда Сталиннинг асарлари ўзбек тилига таржима этила бошланди. Наим Саид малакали таржимон ва муҳаррир сифатида мазкур масъул ишга сафарбар этилади. Республика раҳбарияти бу масалага ўта сиёсий тус берганлиги сабабли “дўстлар” Наим Саид муҳаррирлик қилган таржималарни микроскопга кўйиб, текшира бошлайдилар. Улар сиёсий адабиёт таржималаридан “қўпол сиёсий хатолар”ни топиб, 1932 йилнинг январидаёқ Наим Саидни партиядан ўчирадилар. Аммо маълум бўлишича, Наим Саид шу вақтда илмий командировка билан Фарғона вилоятига кетган экан. У сафардан қайтиб келгач, топилган хатоларнинг техник хатолар эканини исбот этиб, партияга аъзоликда тикланади. Бироқ кўп ўтмай, 1933 йили марксизм-ленинизм классиклари асарлари таржимасини кечикириб юборганлиги учун у иккинчи марта партиядан ўчирилади. Наим Саид бу сафар ҳам ўзининг айбиз эканлигини асослашга муваффак бўлади.

Нихоят, 1937 йил 13 сентябрда у “халқ душманлари” Мўмин Усмонов, Қурбон Берегин ва Абдураҳим Йўлдошев билан яқин алокада бўлганлиги учун учинчи маротаба партия сафидан ҳайдалади. Бу, Наим Саидни ёруғ дунёда яшовчилар сафидан ўчириш билан баравар даҳшатли воқеа эди.

Наим Саид ўша йилнинг 17 сентябрида ишдан ҳайдалади. 1938 йил 30 январь куни ярим кечада эса НКВД ходимлари уни кишсанланган ҳолда олиб кетадилар.

У НКВД ертўласида ҳам, Тошкент қамоқхонасида ҳам ўзига кўйилган туҳматдан иборат айбларнинг бирортасини тан олмай, шафқатсиз терговчилар олдида ўзини мардларча тутади. Аммо айрим “дўстлар” ундан “холис хизматлар”ларини аямайдилар.

Гариф Амиров исм-шарифли ўша вақтда ҳеч қаерда ишламаган бир кимса терговчининг: “Наим Саидовнинг аксишшуроий фаолияти тўғрисида нималарни биласиз?” деган саволига, жумладан, бундай жавоб беради: “Наим Саидовнинг аксишшуроий фаолияти тўғрисида менга кўйидаги фактлар маълум. Саидов рус ва ўзбек тилларини ўзаро яқинлаштириш масаласига принципда қарши чиқкан, ўзбек тилига рус тилидаги терминларни олиб киришга каршилик кўрсатган. 1935 йилда “Қизил Ўзбекистон” газетаси редакциясида адабий ходимларнинг умумشاҳар йигилиши ўтказилганида Саидов Ўзбекистон янги алфавити ва терминология комитетининг ходимлари терминологик лугатларни тузишда нотўғри йўлдан бормоқдалар, деб чиқди. У шундай деганда “Ҳарбий терминларнинг русча-ўзбекча лугати”ни назарда тутган эди. Ваҳолонки, бу лугатда ҳеч қандай хато бўлмаган...”

Наим Саиднинг бошқа айрим хизматдошлари ҳам маҳбуснинг миллатчи бўлганлигини, нафақат марксим-ленинзм класиклари асарлари, балки “Пўлат қандай тобланди” романининг таржимасини таҳрир қилишда ҳам кўп сиёсий хатоларга йўл қўйганлигини таъкидлашган.

Наим Саиднинг “миллатчилиги” шундан иборат эдик, у журналист дўстлари Аъзам Аюб ва Саидғани Валиев билан бирга “революция” сўзини инқиlob, “практика”ни амалия, “проект”ни лойиҳа, “комментарий”ни тафсир, “документ”ни ҳужжат, “абстракт”ни мавҳум, “процесс”ни жараён, “ударный”ни зарбдор... сўзлари билан таржима килган, русча сўз ва атамаларнинг ўзбекча мукоабилини топишни таржима санъатининг бош тамойили, деб хисоббилини топишни таржима санъатининг бош тамойили, деб хисоб-

лаган эди. Лекин миллий тилларни руслаштириш совет давлати миллий сиёсатининг тамал тошини белгилаган бир вактда Наим Сайднинг “революция” сингари сўзларни ўзбекчалаштириши инқи-лобга, советларга қарши чикиш билан баравардек туюлди.

1939 йил 7 январь куни имзоланган Айбномага қўра, Наим Сайд, биринчидан, аксиликилобий “Миллий иттиҳод” ташкилотининг аъзоси бўлганлиқда ва шу ташкилотнинг топшириғи билан Москвада таҳсил олган ёшлар ўртасида миллатчилик уруғини сеп-ганлиқда, иккинчидан, Кўқондаги “Қизил қалам” адабий жамияти иштирокчилари даврасида аксиликилобий “Миллий иттиҳод” ташкилоти ячейкасини ташкил этганлиқда, учинчидан, сиёсий адабиётни ўзбек тилига таржима килишида зааркунандалик ишларини олиб бориб, таржима матнини қасдан бузганлиқда, тўртнинчидан, Берегин, Усмонов сингари фош этилган “душманлар” билан бирга адабий жабҳада зааркунандалик ишларини олиб борганлиқда, бешинчидан эса, шундай йўллар билан давлатга 275 минг 300 сўм 56 тийин зарар келтирганлиқда айланган эди.

Холбуки, Наим Сайд ҳалол ва покиза инсон сифатида давлатнинг бир тийинига ҳам хиёнат кильмаган. Аксинча, душманлар айrim сиёсий адабиётларда қўпол хатоларга йўл қўйилган, деган баҳона билан айrim китобларни китоб дўконларидан йигиштириб, ёқиб юборишлари билан давлатга катта моддий зарар етказганлар.

“Наим Сайд, – деб хотирлаган эди унинг ҳамشاҳари адабиёт-шунос Насрулла Даврон, – ҳар бир яратган китоб ва асарига ижодкорлик билан ёндашиб, ўзига хос ҳикоя ва ривоятлар, замон руҳига мос мисоллар топа олувчи ўткир зеҳнли олим эди. Рус тилига ниҳоятда чечан, ўзбек тилида нотик, ўша давр она тили талафузини яхни эгаллаган, тузилиши ва кўриниши кўркам, алп қомат йигит эди”.

1939 йил 19 июлда бўлиб ўтган Тошкент вилоят судида айбланувчи Наим Сайдовнинг ҳам иши кўриб чиқилган. Лекин ҳайратланарли томони шундаки, “тузилиши ва кўриниши кўркам, алп қомат йигит” мазкур суддан бир ярим ой аввал, 1939 йил Тошкент қамоқхонасида чеккан қийнок ва азблардан 2 июнда, шу ерда вафот этган эди.

Наим Сайд сингари ажойиб аждодларимиз ўз диёрининг озод булиши, ўзбек ҳалқининг ҳурлик ва эркинлиқда яшашини орзу қилган эдилар. Уларнинг бирдан-бир айблари худди шунда эди.

Бугун биз уларнинг орзу-умидлари ушалган даврда яшаб, улар хотирасини ёд этиб турибмиз.

Мўмин Усмонов (1903-1938)

1917 йил октябрида дунёга келган совет ҳокимияти 1927 йилга келиб жамоалаштириш компаниясини бошлиши ва “эски” зиёлиларни кувғин килиши билан ҳалқ манфаатларини поймол этувчи давлат эканлигини тўла ошкор қилди. Орадан ўн йил ўтгач, 1937 йилда эса, юз минглаб бегуноҳ кишиларни қатағон этиши билан унинг XX асрдаги энг мустабид давлат тузуми эканлиги бутун дунёга кундек равшан бўлди. Шу йили у нафакат колхоз далалари ва саноат корхоналаридағи “зааркунандалар”, собик бойлар ва дин арбобларига, балки кўзга кўринган барча давлат, партия ва жамият арбобларига, саркардаларга, катта-кичик корхоналарнинг раҳбарларига, адабиёт, санъат, фан, таълим ва матбуот ходимларига, хуллас, жамиятнинг барча фаол аъзоларига қарши қақшаттич кураш бошлади.

Кимdir бу курашни ўша йилларда кучая борган сиёсий ва иктисадий бухрондан чикиш йўли, деб атайди. Кимdir бу курашни ҳокимият учун кураш, деб талқин этади. Агар мабодо сўнгига талқин хақиқатга яқин бўлса, у ҳолда бу курашнинг мантиқизлиги шунда эдики, Ўзбекистонда шу йилларда катағон этилган раҳбарларнинг бирортаси на партиянинг сиёсий йўлига ошкорда ҳаракат чиқкан, на Ўзбекистонни СССРдан ажратиб олиш йўлида ҳаракат килган, колаверса, уларнинг аксари Москвада ўқиб, совет давлатига садоқат руҳида тарбияланган кишилар эди.

Шундай кишилардан бири 1903 йили Кўқонда косиб оиласида туғилган Мўмин Усмоновdir.

Мўминжон Усмонов 1910-1912 йилларда Кўқонда очилган янги усул мактабларининг бирида, Муҳаммаджон Холиқий ва Ашурали Зохирий сингари машхур маърифатпарварлар кўлида, 1912-1915 йилларда эса рус-тузем мактабида ўқиди. У шу орада мадраса “тупроғини ҳам ялаб ултурған”и учун Сўфи Оллоёр сингари сўфий шоирларнинг кўплаб шеърларини ёд билар эди.

1917 йил воқеаларидан кейин Мўминжон дастлаб Кўқондаги янги очилган мактабларнинг бирида ўқиди. 1919 йилда ёшлар таш

килотига аъзо бўлиб кирди ва шу ташкилотда фаолият олиб борди. 1924 йилда эса Москвадаги Журналистика институтининг таржима ва таржима назарияси бўлимiga ўкишга юборилди. М.Усмонов мазкур институтда Наим Сайд, Саидаҳмад Назиров, Мавлонбеков, Иброҳим Эшонхўжасв ва бўлажак хотини Собира Холдорова кабилар билан бирга таҳсил ола бошлади. У иккинчи курсни тугатганидан сўнг республика раҳбариятининг тавсияси билан ўкишни Москвадаги Шарқ халқлари коммунистик университетнинг маориф ва маданият бўлимiga кўчирди. 1930 йили шу университетни тугатиб, она юртига қайтган Мўмин Усмонов “Қизил Ўзбекистон” газетасига муҳаррир этиб тайинланди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Сулаймон Азимов ўз хотираларида Мўмин Усмонов муҳаррирлик, Аъзам Аюб эса котиблик қилган вактда “Қизил Ўзбекистон” газетаси атрофига республиканинг барча пешқадам ижодий кучлари тўшлангани ва газета улар ёрдамида ўқимишли бўлганини айтиб, яна бундай деган эди: “Мўминжон Усмонов яхши ташкилотчи бўлиб, муҳбирлар билан ишлашга алоҳида аҳамиятга берган. Газета саҳифаларида республика ҳаёти кенг ёритилиган, ўшанда. У адабиёт ва санъатта кизиқкан киши сифатида газетхонлар оммасини шу соҳалардаги янгиликлар билан мунтазам равишда таништириб борган. Унинг ўзи ҳам бош мақолалардан ташқари, маданий мавзуларда кўпгина мақолалар ёзган”.

Камина “Қизил Ўзбекистон” газетасининг 30-йиллардаги тахламларини вараклаганимда, унинг “Яна “Тарих тилга кирди” ҳакида”, “Байналминал пролетар ёзувчилар билан ўртоқларча ўлтириш”, “Демъян Бедний – большевик шоири” (1931), “Маданий инкилоб фронтида янги ғалабалар сари” (1932), “Пушкин ўзбек тилида” (1937) сингари мақолаларини кўриб ўқиганман.

М.Усмонов уч йил давом этган муҳаррирлик фаолиятидан кейин дастлаб Ўзбекистон маориф халқ комиссари (1933-1934), Ўзбекистон компартияси Марказий комитетида маданият ва пропаганда бўлими мудири (1934-1935, 1937), Ўзбекистон Олий қишлоқ хўжалиги коммунистик мактаби ректори (1935-1937) лавозимларида хизмат киласди. У Ўз КП(б) МК бўлим мудири сифатида марксизм-ленинизм асосчиларининг асарларини ўзбек тилига таржима килиш ишларига раҳбарлик қиласди.

М.Усмонов шу даврда Сталин асарларини гўё қасддан бузиб таржима килганлиги ва бошқа сиёсий хатоларга йўл кўйганлиги

учун 1937 йил 30 август куни қамоққа олинади. 1938 йил 4 октябрда бошқа жабрдийда ватандошлари билан бирга Тошкентда отиб ташланади.

Муҳаммад Ҳасанов (1904-1938)

30-йилларнинг ўрталарида “Қизил Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталарида муҳаррирлик қилган Муҳаммад Ҳасанов (Муҳаммад Ҳасан) 1904 йили Тошкентда ўқитувчилар оиласида дунёга келди. Унинг отаси Фаттоҳ ака ҳам, онаси Тоибахоним ҳам Янги шаҳардаги мактабларнинг бирида болаларга таълим беришган. Муҳаммад Тошкентдаги энг нуфузли билимгоҳлардан бири – Песталоцци номидаги мактабда ўқиб, шу мактаб деворий газетасида шеър ва мақолалари билан қатнашган ва шу кезларда ёнинг ёзув-чизувга лаёқатли экани маълум бўлган. Аммо 1922 йилда отаси вафот этгач, унинг журналистлар тайёрлайдиган ўкув юртига кириш орзуси хубоб бўлди. 18 ёшли йигит 5 кишилик оиласи боқиши учун онаси билан бирга барвақт меҳнат фаолиятини бошлашга мажбур бўлди.

Муҳаммад меҳнат фаолиятини Россия телеграф агентлигининг Эски шаҳарда тарқатилган “ТашРоста” газетасида ишлашдан бошлади. Ўзбек тилини яхши билмаган йигит рус тилидаги телеграф хабарларини дастлаб луғат ёрдамида ўзбекчага ўтиради. Кейин Абдулла Қодирий ва Мирмуҳсин Шермуҳамедловларнинг ёрдамида ўзбек тилини пухта ўрганди. 1924 йилдан бошлаб “Туркестанская правда”, “Қизил байроқ”, “Туркистан” газеталарида адабий ходим, бўлим мудири бўлиб ишлади. Шу даврда у рус тилидаги кўплаб расмий материалларни ўзбек тилига таржима қилиш билан бирга сиёсий-ижтимоий мавзуларда мақолалар ҳам ёзди.

Ўрта Осиёда миллий чегараланиш ўтказилгандан сўнг М.Ҳасанов “Қизил Ўзбекистон” газетасида ишлай бошлади. Тарихий давр такозоси билан 1925 йил февралида мазкур газета қошида “Камбагал деҳкон” деган кичик газета чиқа бошлайди. “Газетани чиқаришда, – деб ёзган эди Зиё Сайд “Ўзбек вактли матбуоти тарихига материаллар (1870-1917)” деган китобида, – унинг ҳозирги муҳаррир ўриибосари ўрток М.Ҳасан кўп жонбозлик кўрсатди. Бу ойдан-ойга, йилдан-йилга қишлоқ оммасининг маданий-маориф даражаси

кўтарилиши билан бир каторда ўсиб келди... Бу газета ҳар бир кадамида камбағал ва ўрта ҳол деҳқонлар манфаатини кўзлаб, уларга ҳар жиҳатдан маслаҳат бериб келди".

М.Ҳасановнинг журналистик фаолиятидан мамнун бўлган республика раҳбарияти уни 1927 йилда марказкомга ишга таклиф этиб, янги ташкил этилган матбуот бўлимига мудир ўринбосари этиб тайинлади. Журналист Холбек Ёдгоровнинг "Нурли йўл" китобида ёзилишича, М.Ҳасановнинг матбуот бўлимидаги ишлаган пайтлари ўзбек матбуотининг гуриллаб ўса бошлаган йиллари бўлган. Шу йилларда республикада янги-янги газета ва журналлар ташкил этилган. М.Ҳасанов "Аланга", "Мухбирлар йўлдоши", "Ёрқин ҳаёт" каби журналларнинг вужудга келиши ва ҳалқ ўртасида обрў-эътибор қозонишига муносиб хисса кўшган.

М.Ҳасанов 1930 йилда "Қизил Ўзбекистон" газетасига муҳаррир этиб тайинланади. Аммо кўп ўтмай, 1931 йилда Москвага ўқишига юборилади. У ўқишини тугатиб, Ярославль вилоят газетасида қисқа муддат ишлаганидан сўнг ВКП(б) Марказий Комитетининг матбуот бўлимига инструктор этиб тайинланади.

1932 йил охирида республика раҳбариятининг таклифи билан она юртига қайтиб келган М.Ҳасанов яна "Қизил Ўзбекистон" газетасида масъул муҳаррир лавозимида хизмат кила бошлайди. У 1934 йилдан эътиборан "Муштум" журналига, 1936 йилнинг декабрь ойидан эса "Правда Востока" газетасига ҳам раҳбарлик килиади. У республиканинг иккى етакчи газетасини бошкарган йиллар собиқ шўро мамлакатининг сиёсатлаша бошлаган, муҳаррирлардан "ички душман"ни ва улар "жойлашиб олган" муассасаларни кескин фош этувчи маколаларни босиш, яъни жамиятни 1937 йил даҳшатларига тайёрлаб бориш талаб қилинган йиллар эди. Шундай оғир ва мушкул йилларда Мухаммад Ҳасанов сингари виждонли муҳаррирларга осон бўлмаган. Унинг шу даврдаги фаолиятидан яхши хабардор бўлган журналистлардан бири Тўлқин Рустамов дил сўзларини бундай ифодалаган эди: "У ишдан ҳеч ҳам чарчамасди, куни тунга улаб, эртага чиқадиган газетанинг саҳифаларини ўкиб, имзо чекар, баъзан уйида озгина хордик чиқариб, яна редакцияда ҳозир бўлар, ўзини дадил тутиб, ишга кўмилиб кетарди. Унинг гайратига, чидамига қойил қолардик. Уни мамлакатимизда содир бўлаётган ва сабаби нималигига киши ақли бовар қилмайдиган иғво, гийбатларга тўла воқсалар адойи тамом этаётган

нини сезардик. Яқиндагина "Қизил Ўзбекистон"дан "Правда Востока" газетасига редактор қилиб тайинланган эди. Иккала газетада ҳам, расмий материалларни мустасно этганда, "ҳалқ душманлари", "буржуа миллатчилари" ҳақида уйдирма материалларнинг чиқишига анчагина чек кўйган, баъзиларини юкоридан тазиқ бўлса-да, чиқартирган эди".

Республикаларини кипилар партия ва хукуматнинг "юксак ишонч"ини оқламаётган муҳаррир тўғрисида тегишили идораларга, Москвага хат ёзадилар. 1937 йил 3 сентябрда "Правда" газетасида "Буржуа миллатчиларининг ҳомийлари ва шериклари" деган мақола эълон қилинади. Унда "Правда Востока" газетаси ва шахсан унинг масъул муҳаррири кескин танқид остига олинган, ўзбек маданияти ва матбуотининг Абдулла Қодирий, Аъзам Аюб, Зиё Саид, Мўмин Усмонов сингари вакилларига "ҳалқ душманлари", "буржуа миллатчилари" тамғаси ёпиширилган, Мухаммад Ҳасанов эса бу миллатчиларнинг ҳимоячиси сифатида қаттиқ қораланган эди. "М.Ҳасанов, – деб ёзилган эди газетада, – совет турмушини бузиб кўрсатган "Обид кетмон" романига қарши ёзилган тақризни юмшатиб, силлиқлаб чиқарди. Курбон Берегин ва Мўмин Усмоновлар ҳақидаги мақолани эса босиб чиқармади..." ва ҳоказо.

Мухаммад Ҳасанов мазкур мақола босилган кунларда Ессентукидаги санаторийларнинг бирида даволанаётган эди. У ўша куннинг эртасига ёк "зудлик билан етиб келинг", деган телеграммани олиб, Тошкентга учеб келди. Муҳаррир шу куни ёк партиядан учирилиб, ишдан олинди. Куни кеча ўзи муҳаррирлик қилган газеталар унинг "ҳалқ душмани" Чўлпоннинг "Кеча ва кундуз" романига муҳаррирлик қилгани, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Аъзам Аюб, Санжар Сидик сингари "унсурлар"ни "Қизил Ўзбекистон" газетасига, "Ер юзи", "Муштум", "Ёрқин турмуш" журналларига жалб этгани, "марксизм классиклари"ининг асарларини ўзбек тилига бузиб ўғирган Мўмин Усмонов, Воис Раҳимий, Отажон Ҳошим, Наим Сайдларни ўз паноҳига олганини фош эта бошладилар.

М.Ҳасанов мудхиш йилнинг 26 сентябрь куни қамоққа олиниб, 1938 йилнинг 4 октябрида Абдулла Қодирилар билан бир кунда отиб ташланди.

Катағон тўлкини авж олган кезларда сиёсат оламидан узоқ санъат арбоблари ҳам қамоққа олинган эди. Шулардан бири – Навоий портрети муаллифи Ўзбекистон ҳалқ рассоми В.Кайдалов

бўлиб, у ўша йилларда бир неча кун М.Ҳасанов билан бир камерада ётган. В.Кайдалов М.Ҳасанов оқланганидан сўнг, унинг фарзандлари га шундай деган экан: “Отангиз билан қамоқхонада бир камерада ўтказган уч кечак ю уч кундузни асло унутмайман. Отангизнинг темир иродаси мени ҳайратга соглан. Қамоқдаги маҳбуслар руҳи синик, дилхаста бўлиб, айримлари йиглагани йиглаган эди. Ҳасанов эса ҳаммамизнинг кўнглими зни кўтиришга уринарди. “Қандайдир янгишиши рўй бераяпти, сабр қиласлик. Сабрнинг таги олтин, дейдилар”, – деб таскин берар, тинимсиз сўроклардан қайтгандан кейин эса: “Буни қаранг, бизнинг гарданимизга ҳам, биз билаш бирга ишлаган, бизга ҳамлард, ҳаммаслак, партия ва Ватанга содиқ кишилар гарданига ҳам тухматдан иборат қофозларга кўл қўйишга мажбур этишапти!” – деб ғазабланарди. У норозилик билдириб, очлик ҳам эълон қилди. Биз бирга бўлганимизнинг учинчи куни, кечаси: “Ҳасанов, нарсаларингни йигиштириб, бу ёкка чиқ!” – деб буйруқ беришиди. Шундан кейин унинг тақдиди нима бўлганини билмайман”.

Холбек Ёдгоров сабиқ касбдошлари ҳақидаги мақолаларининг бирида у ҳақда бундай самимий сўзларни ёзган: “Муҳаммад Ҳасанов ҳаётда, турмушда ўзининг юксак маданияти, оқилона фикр юритишлари, доноларга хос синчковлик таланти, ниҳоятда камтарин, мулоим ва меҳрибонлиги билан кўпчиликнинг ҳурматига, ишончига сазовор бўлган эди. Унинг ўз касбдошлари, дўстлари билан самимий муносабатда бўлиши етук кишиларда, чин инсонда учрайдиган ноёб фазилатлардир.

У ҳаётни, оиласини, дўстларини, ўзини тарбиялаб етказган жонажон ватани ва халкини шундай севар ва садоқат изҳор этардики, бу унинг жўш уриб турган фаолиятига сингиб кетган одатлар эди”.

Бугун мустакиллик даврининг ҳаётбахш шабадалари эсиб юрган дориломон кунларда қатағон даврининг бошқа бегуноҳ курбонлари қатори атокли журналист Муҳаммад Ҳасановни ҳам ҳурмат билан ёд этамиз.

Аъзам Аюб (1904-1938)

20-30-йиллар ўзбек матбуотида Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ғози Юнус, Мирмуҳсин Шермуҳамедов, Комилжон Алимов син-

гари машҳур журналистлар фаолият олиб борган даврда улар билан бир сафда қалам тебратиб, шуҳрат қозониш осон эмас эди. 20-йилларнинг ўрталарида улар билан изма-из миллий матбуотга кириб келган бир журналист бу машакқатли ишнинг уддасидан чиқди. Бу Аъзам Аюб эди.

Аъзам Аюб бундан роса 110 йил муқаддам, 1904 йил 21 августанда Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида дунёга келган. Унинг отаси 1915 йилга қадар 13 йил давомида тошкентлик бир бойнинг кўлида приказчик – гуманит бўлиб хизмат қилган ва газмол савдоси билан шуғулланган. У 1917 йили ҳаётдан кўз юмгач, ёш Аъзамжон ҳаётининг етимлик-есирлик йиллари бошланган. Ота ўрнида онасига ёрдам бериш, укаларининг бошини силаш эски мактабда таҳсил кўраётган Аъзамжоннинг зиммасига тушган. У мактабни ташлаб, онасига ёрдам бериш чораларини ахтарган. Аммо янги тарихий даврнинг бошланганинг сезган йигитча ҳар қандай оғирликка бардош бериб, Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг Хадрадаги етти йиллик “Намуна” мактабида ўқишини давом эттирган. 1919 йили эса устознинг маслаҳати ва тавсияси билан “Турон” кутубхонасига китоб ташувчи бўлиб ишга жойлашган.

Аъзамжон кутубхонада хизмат қилар экан, китобнинг маърифат чашмаси эканини юракдан ҳис қиласди, китобга меҳр туйиб, билим хазинасини тўлдиришга интилади. Шиддатли даврда рўй беряётган воқеа ва ҳодисаларни билиш ва тушуниш иштиёқида Россия Телеграф агентлиги Туркистон бўлими томонидан нашр этила бошлаган “РўстО” девор газеталарининг битта ҳарфини ҳам қолдирмай ўқиуди.

Кунларнинг бирида газетада берилган эълон унинг ҳаётини тубдан ўзгартириб юборди. Бу эълонда эса ўқиши-ёзиши билувчи кишилардан газетага хабар ёзиб туриш илтимос қилинган эди. Аъзамжон ўша куни ёк биринчи хабарини ёзиб, газета идорасига элтади. Кўп ўтмай, у «РўстО»нинг фаол мухбирларидан бирига айланади. Ҳатто Эски Жўвадаги босмахонага бориб, газетанинг чоп этилишидек сирли ва мафтункор жаравён билан яқиндан танишади. Ана шу тарзда унда газетачиликка, нашр ишларига сўнмас муҳаббат уйғонади.

Туркистон Миллий ишлар комиссарлигининг 1918 йил июнида нашр этила бошлаган “Иштирокион” газетаси 1920 йил 19 декабрдан эътиборан “Қизил байроқ” номи билан чоп этила бошлади. Уз

ҳаётини газетасиз тасаввур этмай қолган Аъзамжон шу йилнинг охириларида мазкур газета таҳририятига корректор ёрдамчиси бўлиб ишга киради.

Газета Туркистон жумхуриятининг ўзбек тилидаги ягона нацири афкори бўлишига қарамай, таҳририят ходимлари беш кишидангина иборат эди. Шу сабабдан Аъзамжон корректоргага ёрдамчилик вазифаси билангина кифояланиб қолмай, корректорлик, газета чиқарувчилик, техник мухаррирлик ишларини ҳам бажаради, ҳатто шаҳар бўйлаб зир югуриб, навбатдаги сон учун янги хабарлар ахтаради. У ҳаётнинг ана шундай қайноқ оқимида ҳаракат эта туриб, кишини ҳамиша янгиланиб туришга мажбур этувчи, Дунедаги энг зарур ва қизиқарли касблардан бири – журналист касбини мукаммал эгаллаб боради.

1922 йил сентяброда “Қизил байроқ” газетаси энди “Туркистон” номи билан чиқа бошлади. Аъзам Аюб қисқа муддат ичидагазеталик мактабини ўтаб, муайян тажриба ҳосил қилганлиги учун дастлаб бўлим мудири, кейин масъул котиб ўринбосари лавозимларига кўтарилди. Туркистон жумхурияти Ўзбекистон республикасига айлантирилиши муносабати билан газета 1925 йил дескабрида “Қизил Ўзбекистон” номини олди. Аъзам Аюб 1937 йилга қадар мазкур газетада масъул котиб ўринбосари бўлиб хизмат қилди.

1925 йили “Қизил Ўзбекистон”дан янги газета ва журналлар тармоқланиб ажrala бошлади. Миллий журналистикамизнинг тарихчиси Тоҳир Пидаев берган маълумотга кўра, Аъзам Аюб отахон газета заминида пайдо бўлган “Камбағал деҳқон” газетасининг шаклланишида фаол қатнашиб, унга бир йил (1925, июль – 1926, июль) давомида масъул котиблик қилган. Айни вактда у “Ер юзи” журналида масъул котиб (1926-1928), “Гулистон” журналида эса мухаррир ўринбосари (1931-1937) лавозимларида ҳам ишлади. Агар шу йилларда “Қизил Ўзбекистон” газетаси ҳам, “Ер юзи” ва “Гулистон” журналлари ҳам республика ҳаётини акс эттирувчи қизиқарли материаллари билан эл-юрт эътиборини ўзига тортган ва катта довруғ қозонган бўлса, бунинг учун, биринчи навбатда, Аъзам Аюбдан миннатдор бўлиш ўринлидир.

Аъзам Аюб 20-йиллар охири – 30-йилларнинг биринчи ярмида шу қадар қайнаб ва жўшиб меҳнат қилди, ҳатто “Аъзам”, “Газетхон”, “Томошачи”, “Тошкентли”, “А.А.” сингари таҳаллус-

лардан фойдаланишга мажбур бўлди. Унинг шундай таҳаллусли асарлари, юкорида тилга олинган нащрлардан ташқари, “Муштум”, “Машъала” сингари журналларда ҳам эълон қилинди.

Аъзам Аюб фақат мактаб ва маориф, ҳуқук ва маданият, сиёсат ва иқтисод, хотин-қизлар озодлиги учун ва феодал ўтмиш Саркитларига қарши курашгина эмас, балки План институтини тутатганини сабабли шаҳар ва қишлоқ қурилиши каби масалалар бўйича ҳам билимдонлик билан ёзди. Унинг шу йилларда эълон қилган мақолаларида 20-30-йиллар ҳаёти ўзининг ёрқин ва ҳаққоний информациининг топди.

Атоқли журналист фаолиятини қарийб илк давридан бошлаб ўйибона кузатган кекса матбуот ходимларидан бири Холбек Ёдгоров ҳамкаси ҳакида бундай ҳароратли сўзларни ёзган эди:

“Тер тўкканга ер тўқади, деганларидек, Аъзам Аюбнинг зеҳни-аклидан, қалб қўри – меҳридан тўклилган меҳнат нишоналари кундалик газета сахифаларида кўринарди. У газета ишининг нозик, сермаشاқкат ҳамма томонларини яхши биларди. Секретарь сифатида газетанинг ҳар бир сонига сайқал берарди, мухбир каби шаҳар ва қишлоқларни кезарди, рассом бўлиб ҳаётдаги энг яхши нарсаларни суратга оларди, журналист бўлгани сабабли ҳамма жанрларда мазмундор мақолалар ёзарди, зарурият туғилиб қолса, босмахонага тушарди-да, полосаларни вёрстка қиласади, йирик ҳарфлардан чиройли сарлавҳалар терарди...”

Холбек Ёдгоровнинг эътироф этишича, Аъзам Аюбнинг иш услубига оид бундай самимий сўзларни у билан бирга газетада хизмат қилган кекса ва ёпи ходимлардан эшифтган.

Юкорида номи тилга олинган Тоҳир Пидаев Аъзам Аюбнинг журналистилик фаолиятини маҳсус ўрганиб, унинг ёзиш маданияти тўғрисида бундай фикрларни баён қилган:

“Аъзам Аюбов каламкашлик маҳорати билан ҳам ўз давридаги кўпчилик журналистлардан ажralib турарди. У содда, тушунарли ёзишга интилар, умумий сўзлардан иборат тумтароқли жумлаларни ёктиргасди. У ҳатто энг чигал ва мураккаб масалалар мөҳиятини ҳам содда, ихчам ва таъсирили ифодалай оларди. У ёзган асарларининг мазмуни ҳақидагина эмас, шакли тўғрисида ҳам жиддий бош котирап, тилининг тушунарли, таъсирили, жонли бўлиши учун кўп меҳнат сарфларди. Сарлавҳа қўйишдаги унинг маҳоратига кўпчилик тан берган”.

Аъзам Аюб 20-йилларнинг ўргаларидан бошлаб адабиёт оламида, театр ва кино санъатларида пайдо бўлган янги асарлар ҳақида такриз ва мақолалар ёзиб, адабий танқид, кино танқидчи-лиги ва театр танқидчилигининг ҳам шаклланишига камтарона бўлса-да хисса қўшди.

Тиниб-тинчимас журналист рус ва жаҳон адабиётидан яхши хабардор, ўз даврининг ҳар томонлама билимли ва маданиятли кишиларидан эди. Шунинг учун ҳам у сиёсий ва бадиий таржима билан фаол шугулланиб, Л.Н.Толстойнинг “Кавказ асири” киссанни, А.П.Чехов, А.М.Горький, М.А.Шолохов сингари рус ёзувчиларининг ҳикояларини ўзбек тилига таржима қилди. К.Голдонининг “Меҳмонхона бекаси”, Ф.Шиллернинг “Макр ва мухаббат”, Н.В.Гоголнинг “Ўйланиш” асарлари Ҳамза номидаги театр (ҳозирги Ўзбек Миллий академик драма театри) саҳнасида Аъзам Аюб таржимасида узок йиллар давомида муваффақият билан намойиш этилди. Афсуски, Аъзам Аюб Сервантеснинг олтин қаламига маннисуб “Дон-Кихот” романи таржимасини охирига етказа олмади.

Аъзам Аюб, юкорида баён қилинган хизматларидан ташқари, бир гурӯҳ истеъоддли журналистлар ва таржимонлар авлодини ҳам тарбиялаб етиштириди.

Аъзам Аюбнинг яқин ўтмишнинг кўпгина савдоларини бошидан кечирган жабрдийда хотини Сожида Носирова турмуш ўргони эслаб, бундай деган эди: “У ҳеч вакт ўзи тўғрисида ўйламасди, бошқалар ҳақида кўп қайғиради. Ҳамма уйқуга кетгандан ҳам милт-милт ёниб турган чироқ нурида узок тунларгача ишларди, кечалари чироқ тагдонини керосин билан тўлдиришга тўғри келарди. Уйқусизликдан кўзининг жияклари кизариб кетса ҳам, чарчоқликдан нолимасди, бир оз мизғиб оларди-да, калб меҳри билан битган қофзларини, ўқиб тугалламаган китобларини, газсталарини кўлтиқлаб редакцияга йўл оларди”.

Аъзам Аюб ана шундай бедор кечаларда умумбашарий аҳамиятта молик асарларни ўқиш ва таржима қилиш, ҳалкнинг миллий манфаатига хизмат қиласиган масалалар тўғрисида маколалар ёзиш билан бирга марксизм классикларининг асарларини, партия съездлари ва конференцияларининг материала-рини ҳам таржима қилишга мажбур бўлди, хабар ва мақолалари билан совет воқеалигига рўй берган ўзгаришларни ижобий ҳодисалар сифатида тарғиб қилди.

Аммо 1937 йилнинг қонли бўрони кўтарилиганда Аъзам Аюб ҳам четда қолмади. Мудҳиши йилнинг 15 октяброда у қамоқка олинди. У 1918 йилдан “Ёш юраклар” аксилиниқолбий-миллатчилик ташкилотининг раҳбари, 1929 йилдан эса “Миллий истиқлол” аксилиниқолбий-миллатчилик ташкилотининг аъзоси бўлганликда айбланди. У ўзига кўйилган айбларнинг бошдан-оёқ тухмат эканлиги ҳақида ҳатто “темир нарком” В.Ежов номига ариза ёзмасин, бўйинни тобора сиқиб келаётган сиртмоқдан чиқа олмади.

Аъзам Аюб бошқа қаламкаш устозлари ва дўстлари катори, 1938 йил 5 октябрда отишга хукм қилинди. Хукм НКВД Ҳарбий Коллегиясининг шу ҳақдаги қарори чиқмасдан бир кун аввал, 4 октябрь куни Тошкентда ижро этилди.

Отажон Ҳошим (1905-1938)

Ўзбек фани ва маданиятининг йирик арбобларидан бири Отажон Ҳошим 1937 йили қамоқقا олинганида, эндиғина 32 баҳорни қаршилаган азamat бир йигит эди. Аммо у фожиали умрининг шу навқирон фаслидаёқ Ўзбекистондаги ижтимоий фанларнинг кўзга кўринган намояндаси, йирик фан ташкилотчиси, ҳозирги Ўзбекистон Фанлар академиясининг пойдевори – Фанлар қўмитасининг раиси, Тил ва адабиёт институтининг директори сифатида кизғин фаолият олиб бораётган эди.

Отажон Ҳошим 1905 йили Тошкентнинг Пушти ҳаммом маҳалласида дехқон оиласида дунёга келди. 1918 йилга қадар отаси билан бирга дехкончилик қилди. Дастилаб мадрасада, кейин икки йил рус-тузем мактабида, 1918-1921 йилларда эса ўзбек ёшлари учун очилган Маориф институтида таҳсил олди. Сўнгги ўкув юрти гарчанд Маориф институти – Инпрос деб аталган бўлса-да, аслида ҳозирги умумтаълим мактабларининг юқори синфлари даражасида маълумот берувчи сабоқхона бўлган. Отажон Ҳошим мазкур ўкув юртида таҳсил олар экан, тиришқоклиги, билимга чанқоклиги ва истеъоди билан ўқитувчилар эътиборини қозонади. Рус тилини бир оз бўлса-да билгани учун 1922 йилда устозларининг маслаҳати билан Москвага бориб, Бухарин номидаги ишчилар факультетидаги ўқишини давом эттиради.

Даҳшатли 1937 йилда НКВД ходимлари томонидан қамоқка олинган ватандошларимизнинг бирортаси советларга қарши акси-

линқилобий ташкилотнинг аъзоси бўлмаган. Лекин шунга қарамай, улар инсон зоти чидаи олмайдиган кийинклар остида ўзларининг яширип аксилинқилобий ташкилот аъзоси бўлғанлик-лари ҳақида маълумот беришга мажбур бўлғанлар. Ўрта мактаб ҳажмида ҳам саводи бўлмаган НКВД ходимлари Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов сингари давлат ва партия арбобларини, Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон сингари алломаларни истаганларича кийнаб, уларнинг инсоний шаънларига мутлақо муносиб бўлмаган жазоларни кўллаганларки, жабрдийдаларнинг аксари бу дунёдан ўлиб бўлса ҳам нажот топиш учун ҳар қандай сўрокномаларга имзо чекишига мажбур бўлғанлар.

“Литературная газета”нинг 1988 йил 23 ноябрь сонидаги бир мақолада собиқ махбусалардан бирининг бундай хотираси келтирилган эди: “Мен билан бир камерада немис аёли ётган. Мен илгари у билан Коминтернда бирга ишлагманман. Қарийб ҳар куни кечаси уни сўроққа олиб чиқишиар эди. Кунларнинг бирида у эрталаб камерага кириб келди-да, менинг ёнимга келиб чўкди ва Коминтернда ишлаган ходимларимиздан бирининг исм-шарифини айтиб, шундай деди: “Биласанми, агар имкони бўлса, мен уни шу кўлларим билан бўғиб ташлаган бўлардим. Бугун менга унинг кўргазмасини ўқиб беришди. У нималар ҳақида гуллаганини тасаввур ҳам этолмайсан!”. Орадан бир мунча вақт ўтгач, уни яна тунги сўрқдан олиб келишди. Унинг башараси мутлақо бошқача эди. “Қандай журъат этдим, – дерди у. – Қандай журъат этдим-а! Бугун мени у билан юзлаштиришди, мен тирик одамни эмас, мурдани кўрдим”.

Немис аёли шу куни уриб, қалтаклаб, давбала қилинган ва бир халта ҳом гўштга айланган Коминтернинг собиқ ходими билан юзлаштиришди.

Мен 1937-1938 йилларда қатагон этилган ҳалқимизнинг юксак маънавиятли фарзандлари – олимлар, ёзувчилар, давлат ва жамоат арбобларининг аксилинқилобий ташкилотга аъзо бўлғанликлари ҳақидаги сўроқномаларини ўқиганимда шу воқеа хотирамга келади. НКВДнинг зиндан ва қамоқхоналарида азобланган қатағон курбонлари иложисизлик орқасида, XX асрнинг ваҳший кишилари қўлига тушиб қолганликлари орқасида ўзларига ҳам, бошқаларга ҳам тухмат қилишга мажбур бўлғанлар.

Отажон Ҳошим бошқа касбдош дўст-ёрларини согмади. Лекин ўзининг аксилинқилобий ташкилотнинг раҳбарларидан бири бўл-

ганини айтиб, ўзига-ўзи тухмат қилди. У Москва ва Ленинграддаги маърифат масканларида таълим олганлиги учун унда совет давлатига нисбатан заррача ғаразли ният бўлмаган. Лекин совет давлати учун бунинг ҳеч қандай аҳамият йўқ эди. У миллий республикаларда ўсиб келаётган фан ва маданият арбобларини ўқтин-ўқтин қириб йўқотиши билан ўзининг мустамлакачилик сиёсатини давом эттирмоқчи эди, холос.

Шу нарса ҳақиқатки, ҳеч қандай сиёсий тузум зулм-зўравонлик орқасида узоқ вақт яшамайди. Аксинча, ҳалқ кўллаб-куватламаган ҳар қандай сиёсий тузум вақти келиб, чириган дараҳтдек кулади.

Совет салтанатининг вайронларидан самандар сингари пайдо бўлиб, қадди-қоматини тиклаган, дунёнинг энг гўзал мамлакатларида бирига айланниб бораётган Ўзбекистон бунинг ёрқин мисолидир.

Отажон Ҳошим ва унинг тақдирдош биродарлари шундай мамлакатнинг илмий салоҳиятини, фани ва маданиятини юксалтиришини ўз олдиларига мақсад қилиб қўйган эдилар. Уларнинг бу хайрли ниятлари букун, Мустақил Ўзбекистон шароитида амалга ошилоқда.

Асил Мансуров (1905-1937)

1937-1938 йиллардаги сиёсий қатағон Наманган вилоятида истиқомат қилган маориф ва маданият ходимларининг катта бир гурӯхини ўз гирдобига тортган. Эндиғина 32 ёшга қадам қўйган, адабиёт ва журналистика соҳасидаги ишлари билан эл оғзига туша бошлаган Асил Мансур 1937 йилнинг бегуноҳ курбонларидан биридир.

1912 йили отаси вафот этганида, Асил ҳали 8 ёшга ҳам тўлмаган эди. Орадан бир-икки йил ўтмай, онаси ҳам бандаликни бајо келтириди. Уч қиз ва бир ўғил қип-қизил етим бўлиб қолди. Улар отадан мерос бўлиб қолган уч таноб ерни ўзаро бўлиб яшашга мажбур бўлдилар. Асил ернинг ўзига тегишли қисмини сотиб, дастлаб Фахриддин, кейин Муҳиддин исмли амакиларининг қўлида тарбияланга бошлади. Ниҳоят, 1918-1919 йилларда маҳаллий йирик сармоядорлардан бири, маърифатпарвар Гафурхўжа Саидов Асилни ўз паноҳига олди.

Асил 1914-1915 йилларда Дадамирза Шайхов мудирлик қилган жадид мактабида озми-кўпми таълим олган эди. Амакиси Ғафурхўжа Сайдовнинг қарамогига ўтганидан кейин унинг қаршисида катта имконийтлар очилди. У 1919 йили “Нашри маориф” жамияти Наманган шаҳар бўлимининг муассисларидан бири бўлган амакиси ёрдамида Тошкентга ўқишга юборилди. Асил 15 нафар ёш йигит ва кизлар билан бирга Тошкентдаги Маориф институтида уч йил давомида таҳсил олди. 1922 йили эса “Нашри маориф” жамияти Наманган бўлимининг саъй-ҳаракати билан Асқар Раҳмонов, Холқузиев, Абдуваҳоб Ҳамроқулов, Усмон Аминов, Ҳошим Сатторов, Мамажон Мўминов ва бошқа тенгдошлари билан бирга Москвага бориб, Калинин номидаги ишчилар факультетига ўқишга кирди. 1925 йили ишчилар факультетини муваффақият билан тугатган Асил Мансуров Плеханов номидаги Халқ ҳўжалиги институтида олий таълим олишга киришди. Аммо бор-йўғи беш ойгина ўқигач, сил хасталигига йўлиқиб, Наманганга қайтиб кетишга мажбур бўлди.

Асил Мансуров Наманганга қайтиши билан Наманган тумани маориф бўлимида хизмат кила бошлайди. Ўша йилларда ёш мутахassislarга эҳтиёж ғоят катта бўлганилиги сабабли уни бир жойдан иккинчи жойга, бир соҳадан бошқа соҳага мунтазам равишда юбориб туришади. У 1927 йилдан 1937 йилга қадар бўлган ўн йиллик мuddатda Наманган шаҳар советида масъул котиб, ўқитувчи, тарғибот ва ташвиқот бўлими мудири, Андижон округ ижроия қўмитасида масъул котиб, Норин туманида тарғибот ва ташвиқот бўлими мудири, “Марғilon ҳақиқати” газетасида масъул мухаррир, “Пахта фронти” (Андижон) газетасида масъул мухаррир, Наманган шаҳар совет ва партия ходимларини тайёрлаш мактабида директор лавозимларида халол хизмат қилади. Ниҳоят, 1936 йилнинг август ойидан бошлаб Наманган шаҳар совети ва шаҳар ижроия қўмитасининг “Ударник” газетасига масъул мухаррир этиб тайинланади.

Асил Мансуров қиска мuddатда таҳририятдаги меҳнат интизоми ва иш услубини кескин ўзгартириб, газетани Наманган шаҳри ҳамда вилоятидаги ижтимоий ва маънавий ҳаётнинг ёрқин кўзгу сига айлантиради. Таниқли шоир ва журналистлардан иборат муаллифлар гурухини барпо этиб, Наманганда кечеётган жўшкин ҳаёт манзараларини газета сахифаларида акс эттиришга шавқ билан киришади. Ўзи ҳам шу давр руҳи билан тўйинган шеърлар ёзади.

Одатда шаҳар ёки вилоят миқёсида бирор тадбир ўтказиладиган бўлса, шу шаҳар ёки вилоят газетаси мухаррири шу тадбирдан четда тура олмайди. 1937 йилнинг январь ойида Наманган шаҳрида ўтказилиши режалаштирилган тадбир эса шаҳаргина эмас, балки республика аҳамиятига молик мухим воқеа эди. Ўзбекистон стахонвчи-колхозчилари республика слётининг Наманганда ўтказилиши “гуллар шаҳри” ҳаётида фавкулодда катта воқеа эди. Шунинг учун ҳам бу тадбирнинг ўтказилишига шаҳар партия қўмитасининг биринчи котиби Муҳиддин Эрматов шахсан раҳбарлик килади. У Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Наманган бўлимига маҳаллий шоирларнинг слётга бағишлиланган шеърлар тўпламини тайёрлаб, нашр этиш ва уни слёт қатнашчиларига совға сифатида тарқатиш вазифасини топширади. “Ударник” газетасининг масъул мухаррири Асил Мансур “Фалаба” деб номланган мазкур тўпламнинг таҳрир ҳайъатига раис этиб тайинланади.

1937 йил январь ойи бошларида тўпламнинг “сигнал” нусхаси тайёр бўлади ва Наманган шоирларининг бу ҳадяси слёт кунларида қатнашчиларга бошқа совғалар билан бирга тарқатилади. Асил Мансур бу совғани ўз вактида ва сифатли тайёрлаб бсрғани учун шаҳар раҳбарининг самимий миннатдорчилик сўзларини эшитишга мусассар бўлади.

Бироқ орадан кўп ўтмай, Наманганда “қама-қама” васвасаси авж олиб кетади. Биринчилардан бўлиб шоир Рафиқ Мўмин ҳибсга олинади. Кимdir слёт қатнашчиларига тарқатилган тўпламда унинг бир эмас, балки уч шеърининг босилганига хушёр жамоатчиликнинг эътиборини қаратади. Айниқса, “Ўлка гуллаганд” деган шеърининг босилиши “Ударник” газетаси мухаррирининг катта сиёсий хатоси сифатида баҳоланади.

Тўпламдаги барча шеърлар шўро давлати раҳбарларини, илғор паҳтакорлар ва теримчи ёшларни олқишлишга қаратилган бўлиб, “Ўлка гуллаганд”нинг улардан фарқланувчи бирор хусусияти бўлмаган. Узундан-узок бу шеър бундай сатрлар билан бошланган эди:

Кўл-оёғи Ҳиндистондай боғланган,
 Бели буқри, буйни қилдай қаралган,
 Оғир юқда суяқ қолган, олайған,
 Очлик юки билан ҳорган, сулайған,
 Шарақ-шуруқ кишинларга уралган,
 Қамчин ўйнап қобиргада – елкада,
 Қора булут ўйнап эди ўлкада...

Чамаси, ўзбек диёрининг чор ҳокимияти давридаги бундай мунгли тасвири, унинг инглиз мусламлакачилар зулми остида эзилган Ҳиндистонга муқояса килиниши кимларнидир чўчитиб юборган. Ҳолбуки, шоир шеърнинг кейинги сатрларида ҳатто шу қиёс орқали ҳам Ўзбекистоннинг шўролар даврида гуллаб-яшнаётганини айтмоқчи ва шўролар даврини куйламоқчи бўлган эди. Аммо нафақат шу шеър муаллифини, балки унинг теварак-атрофидаги кишиларни ҳам йўқ килиш мақсади ҳукмронлик қилган бир даврда шундай шеърларни эълон қилган муҳаррирнинг омон қолиши амри маҳол эди.

Биз юқорида Асил Мансурнинг унча-мунча шеърлар ёзганини айтиб ўтган эдик. Афсуски, Наманган шаҳар газетасининг 1936-1937 йиллардаги тахламлари пойтахт кутубхоналарида бўлмаганилиги сабабли биз унинг мазкур нашрда эълон қилинган шеърлари хусусида фикр юрита олмаймиз. Аммо унинг “Олқиши” деб номланган бир шеъри бояги “Ғалаба” тўпламидан жой олган. Мамлакатимизнинг ўша йиллардаги раҳбарларидан бирига бағишлиланган шу шеърда бундай сатрлар бор:

*Кечакундуз чарчамасдан ишладинг сен, қаҳрамон,
Чин тилак, мақсад эгаси, доимо бўл сен омон,
Тарихимиз мақтанар номингла бирдек ҳар замон,
Пахтанинг бош агрономи, сенга ҳурматли салом...*

*Янги йўл, янги ҳаётни порлатиб, равшан юзинг,
Иичи-колхозчи турмушин тўқлик сари элтдинг ўзинг,
Кўпчилик баҳтинар фаровон айлади ўткир сўзинг,
Пахтамизнинг агрономи, сенга ҳурмат ва салом...*

*Биз сафарбар атрофингда, биз ҳамон кучли билак,
Сен билан доим бўлурмиз, сен ва бизлар – соф юрак,
Кўкрагингда у нишон кўп порлагай – биздан тилак,
Пахтамизнинг агрономи, сенга ҳурмат ва салом...*

Бу шеър 30-йиллар шеърияти руҳидаги қўтариинки-романтик бўёклардан холи эмас. Бироқ шуниси ҳам борки, барча шоирлар “халқлар доҳийси”ни яқдиллик билан улуғлаётган бир вақтда мазкур сатрлар муаллифи ўз юртига раҳбарлик қилган кишилардан

бири – “пахтамиз агрономи” шарафига олкиш сўзларини айтган. Бу эътиборга молик ҳодисалардан бўлса ажаб эмас.

Агар Асил Мансур 37-йил тегирмонидан омон чиққанида, балки яхшигина шоир ёки журналист бўлиб улғайган, ўз асарлари билан ўзбек адабиёти ва журналистикаси тарихида маълум из қолдирган бўлармиди. Аммо мудхиш даврнинг темир қўллари уни 1937 йил 28 майда маҳкам ушлаб олиб, ўша йилнинг 2 декабряда бўгиб ташлади.

Истеъоддли шоир ва журналист Асил Мансур ёруғ дунёни тарк этганида рафиқаси Шарофатхон Мансурова эндиғина 25 ёшга тўлган, Ҳақиқат деб аталган фарзанди эса 4 ойлик чақалоқ эди. Агар Ҳақиқат ҳозир ҳаёт бўлса, билсинки, унинг отаси нафақат яхшигина шоир ва журналист, балки камтар ва олижаноб инсон ҳам эди.

Саттор Жаббор (1905-1938)

Шундай шахслар бўладики, бу шахсларнинг ҳаёти ва тақдира бутун бир ҳалқнинг муайян тарихий даврдаги ҳаёти ўз аксини топади. Бутун бир тарихий давр барча мураккабликлари, тантанавор воқеалари ва фожиали йиллари билан шу шахслар ҳаётида марказлашган бўлади. Назаримда, шундай шахслардан бири XX асрда етишиб чиқкан Европа андозасидаги биринчи ўзбек кимёгар олими Саттор Жаббордир.

1918 йил февралялида Туркистон Мухторият ҳукумати шуро қўшиллари томонидан тор-мор этилиб, Туркистон узил-кесил большевиклар қўлига ўтган эди. Энди ўз Ватанларининг озодлиги ва мустақиллигини орзу қилган ва шу қутлуғ йўлда фаолият олиб борган ўзбек зиёлилари олдида факат бир имконият қолган эди. Бу имконият эса истеъоддли йигит ва қизларни хорижий мамлакатларга ўқишига юбориб, ўзбек ҳалқининг нурли келажаги учун фан ва техника, саноат ва қишлоқ ҳўжалиги бўйича юзлаб юқори малакали кадрларни тарбиялаш эди. Шундай кадрлар етишиб чиққандан сўнггина Туркистондаги барча муассаса ва корхоналарни миллий кадрлар билан таъминлаш ва улар ёрдамида давлат тизимидағи барча идора ва ташкилотларни миллийлаштириш мумкин эди. Бу, пешқадам ўзбек зиёлилари назарида, янги тарихий шароитда мустақиллик учун курашининг биринчи ва зарур босқичи эди.

1921 йил 23 апрелдда Ўзбек илмий комиссиясининг Тошкентда бўлиб ўтган йиғилишида илк бор ўзбеклардан хорижга талабалар юбориш масаласи муҳокама қилинади. Ўша йилнинг 7 майида бўлиб ўтган Маориф комиссарлиги коллегияси йиғилишида яна шу масала кўтарилиб, маҳаллий миллат вакилларини хорижга ўкини учун юбориш зарурлиги таъкидланади ва республика Халқ Комиссарлари Совети олдига ўзбеклардан 10, кирғизлардан 10, туркманлардан эса 5 нафар кишини юбориш масаласи қўйилади. Шу йилларда Европадаги давлатлар орасида Германия фан ва техника соҳасида катта ютуқларга эришгани сабабли ўзбекистонлик талабаларни Германияга ўқишига юбориши лозим, деган фикрга келинади.

Тошкентлик зиёлилар гарчанд шу воеа арафасида хорижий мамлакатларга борувчи ёшларга моддий ёрдам кўрсатиш максадида “Кўмак” жамиятини тузган бўлсалар-да, бу жамият ўнлаб ёшларни Германия ёки Францияга юбориш ва уларни доимий стипендия билан таъминлаб туриш иқтидорига эга эмас эди. Шунинг учун ҳам хали шўро давлати томонидан хонавайрон қилинмаган Бухоро Халқ Жумхурияти маҳаллий ёшларни Германияга ўқишига юбориши билан боғлик барча сарф-ҳаражатни ўз зиммасига олади. Файзулла Хўжаев ва Фитрат бу ишга бош-қош бўладилар.

Фитрат Германияга ўқишига боражак ўзбек ёшларини шахсан ўзи танлайди. У гарчанд шу вақтда Бухорода хизмат вазифасини ўтаётган бўлса-да, Тошкент ва бошқа шаҳарлардаги истиқболли йигитлар ҳақида озми-кўпми тасаввур эга эди. Унинг назар-эътиборини қозонган шундай ёшлардан бири тошкентлик Абдусаттор Абдулжаббор ўғли – Саттор Жаббор эди.

“Мен, Абдусаттор Абдулжаббор Отахўжаев, – деб ёзади Саттор Жаббор таржимаи ҳолида, – 1905 йил 8 сентябрда Туркистон Республикаси пойтахти Тошкентда тижоратчи Абдулжаббор Отахўжаевнинг ўғли сифатида туғилдим. 1911 йил 18 майда, 6 яшар пайтимда “Навоий” гимназиясига ўқишига кирдим. Мен бу мактабда физика, кимё, математикани, туркча, немисча, русчани ўргандим. 9 йилдан кейин^{*} (уни) тутатганлигим ҳақида гувоҳнома олдим.

^{*} Саттор Жаббор Тошкентдаги эски мактаб, рус-тузем мактаби, 1918-1921 йилларда эса Навоий номидаги таълим ва тарбия техникумида ўқиган. Саттор Жаббор ушбу таржимаи ҳолида ҳам мактаб, ҳам техникумда ўқиган йилларни қўшиб юборган.

Оtam менинг Германияга бориб, тиббиётни ўрганишимни истарди. Мен мактабни тутатишим биланоқ инқилобий воеалар рўй бергани туфайли, Германияга бора олмадим. Ниҳоят, орадан бир йил ўтгач, мен Тошкентдаги Туркистон давлат универсиитетидаги бир семестр ўқиганимдан сўнг Германияда илмий таълим олиш учун Бухоро Республикасидан паспорт олишга муваффақ бўлдим.

Поездда Москва билан Оренбург оралиғида кетаётган пайтимда “Навоий” гимназиясини тутатганим ҳақида ҳужжатнинг асл нусхаси солинган жомадонимни ўқотиб қўйдим. Шу ҳодисани ҳабар қилганимдан кейин Тошкентдаги мактабдан тасдиқловчи хатни олдимки, буни илова қилаёттирман. Тошкентдаги универсиитетнинг бир семестрини тутатганим ҳақида гувоҳномани ҳам илова қиласаман”.

Фитрат Бухородан Саттор Жабборга хат ёзид, ундан бир неча истеъоддли, хорижда ўқишига ишитёкманд ўртоқлари билан бирга Бухорога етиб келишини сўраган эди. Саттор Жаббор Фитратнинг шу таклифига биноан, бир неча сафдошларига Бухорога етиб боришини таклиф қиласди. Саттор Жаббор, Аҳмад Шукрий, Саидалихўжа, Вали Қаюмхон ва яна бир неча ёшлар Бухорога етиб борганларидан сўнг, Фитрат уларни қабул қиласди ва Бухоро Халқ Жумхурияти уларни улуғ мақсад билан Германияга ўқишига юбораётганини, улар немис диёрида ўйин-томушага берилмасдан, немис тилини пухта ўрганиб, Германиядаги нуфузли ўкув юртларида қунт билан таҳсил олиб, ўта юқори малакали муҳаассислар бўлиб келишлари лозимлигини айтади. Шундан сўнг уларни Самарқандга, Амир Темур сағанасига олиб бориб, Германияда ўқишини тутатгач, Туркистонга қайтиб келиб, ўзбек ҳалқининг миллий тараққиёти йўлида сидқидилдан хизмат қилиш ҳақида тиз чўқдириб, қасам иҷдиради.

Туркистонлик ёшларнинг Европага ўқишига боришларидан шўро давлати манфаатдор эмас эди. Файзулла Хўжаев ёш ватандошларини Германияга ўқишига юбориши учун шўро давлатининг канчадан-канча тўсиқларни снгиб ўтишга мажбур бўлган. Аммо буни қарангки, 1917 йил октябрь тўнгаришидан сўнг ўз ватанидан кувилиб, Германиядан бошпана топган рус муҳожирлари туркистонлик ёшларни “кутиб олиш” учун Берлин вокзалига чиққанлар. Аммо улар: “Ўрта Осиёдан гуялар, ҳуқизлар келаётир. Улар Германиядаги олий ўкув юртларида таълим олармишлар! Ха-ха-ха!”

деган транспарантлар күтариб, вокзал перронида шарманда-ларча бакириб юрганлар. Бу ашаддий миллатчиларнинг мурод-мақсади туркистонликларни Германиядаги илм ўчоқларига яқинлаштирмаслиқ, немис халқида уларга нисбатан нафрат туйгуларини уйготиши эди. Аммо немислар улар найрангига учмаган.

“Рус миллатчиларининг, – деб ёзган эди Саттор Жаббор “Урта Осиё талабаларининг иккинчи йили” деган мақоласида, – бу совук ва қўнол қарашларига карши германлар томонидан яхши кутиб олиндик. Матбуот: “Туркистон уйғонди, уйғонди!” каби ундовлар билан қизғин мақолалар ёзиб ўтди. Ҳар кандай немис бизни оиласига қўшиб олиш учун эшикларини очиб қўйди. Оддий муаллимликдан тортиб, доктори, профессори тил ўрганишимиз учун қўлидан келган ёрдамини аямади”.

Бошқа талабалар қатори, Саттор Жаббор ҳам дастлаб немис хонадонида, сўнгра тил ўрганиш курсларида немис тилини ўрганиди, Ҳёте ва Шиллер тилида бемалол сўзлашадиган ва ёзадиган бўлади. Шундан сўнг у 1924 йил нояброда Ҳайдельберг шахрига боради ва кириш имтиҳонини муваффакият билан топшириб, шу ердаги дорилфунуннинг кимё факультетига ўқишга киради. 1928 йили Берлин университетининг кимё факультетида ўқишни давом эттиради.

Саттор Жаббор Ҳайдельберг университетида таҳсил олган йилларида ҳам, Берлин университетида билим олишни давом эттирганида ҳам Амир Темур сағанасида, устози Фитрат хузурида қасам ичганини доим ёдда тутди. У нафакат кимё, балки шу фанга туташ соҳалар бўйича ҳам кенг ва чуқур билимга эга бўлиш учун кечани кеча, кундузни кундуз демай китоб ўқиди, кутубхоналар ва амалий машгулотлар хонасидан чиқмади.

У гарчанд бутун ҳаётини кимё фанига бағищлаган бўлса-да, ўтган асрнинг 20-йилларида бошқа ўзбек зиёллилиари сингари, баддий ижоднинг ихлосмандларидан, Фитрат ва Чўлпоннинг ашаддий мухлисларидан бири эди. Саттордаги адабиётта бўлган майл Берлинда ўқиб юрган кезларида ҳам унинг қалбини тарқ этмади. У “Арт-Европа”, “Дойче Альгемейне Цайтунг” ва бошқа нашрларда “Туркистон шоирлари ва шеърияти”, “Туркистон аёллари”, “Республикада пахта учун кураш”, “Бугунги Туркистон” сингари мақолаларини чоп этди. Тошкентда нашр қилинган “Маориф ва ўқитувчи” журналига ҳам “Суюк кўмир ва сунъий нефть”, “Янги

алифбо” сингари мақолаларини юбориб турди. Бу мақолалардан тушган қалам ҳакининг бир қисмини моддий масалаларга ажратган бўлса, иккинчи қисмига китоб сотиб олди.

Туркистонлик талабалар Германияга ўқишига борган йилларида бу ердаги олий ва ўрта ўқув юртларида 4 минг нафар япон, 2 минг нафар турк, 700 нафар араб, 500 нафар форс, 500 нафар афғон, 500 нафар ҳинд ёшлари таълим олаётган эди. Файзулла Хўжаев, Турор Рисқулов сингари раҳбарлар ёш ватандошларидан хабар олиш учун Берлинга борганларида, бундай вазият билан танишиб, яқин йиллар орасида туркистонлик ёшлар сонини кўпайтириш лозим, деган фикрга келдилар. Аммо бу масалада шўро давлатининг фикри ўзгача эди. 1925 йилда Берлинга махсус топшириқ билан борган Урта Осиё давлат университети ректори Мейерсон талабаларни Ўзбекистонга қайтиб, ўқишини маҳаллий олий ўқув юртларида давом эттиришини катъий тараб қилди. Талабалар унинг бу таклифини рад этгандаридан сўнг, шўро давлати уларни иқтисодий жиҳатдан сиккувга ола бошлади. Ватанга қайтиш ҳақидаги талабага риоя кильмагани учун 1930 йили Саттор Жаббор ҳам стипендия олишдан маҳрум этилди.

Саттор Жаббор 1925 ва 1927 йиллардаги ёзги таътил кезларида Тошкентга келиб, оиласидан хабар олиш билан бирга республика-нинг ижтимоий ва маданий ҳаётида рўй берадиган воқеалар билан ҳам танишади. У, айниқса, 1927 йилда Самарқандда бўлиб ўтган зиёлилар курултойида таникли мунаққид Вадуд Махмуднинг ҳайдаб чиқарилганини, маърифатпарвар Мунаввар кори Абдурашидхонов ва шоир Чўлпоннинг эса ғанимлар томонидан таҳқирланганини ўз кўзи билан кўради. У бундай шармандали воқеалар шўро давлати гайримиллий сиёсатининг самараси эканлигини сезади. Шунинг учун ҳам у илмий-техник салоҳиёти бекиёс даражада баланд Германияда ўқишини якунлаб, Ватанига том маънода олий тоифадаги мутахассис бўлиб қайтишга жазм қилади. Кийин ахволда колган талаба Берлин университети қошидаги Александр Гумболт фонди томонидан ажратилган таъминот хисобига яшайди.

Саттор Жаббор 1931 йили Берлин университетини муваффакият билан тутатиб, она юртига, оиласи бағрига эзгу ниятлар ва буюк режалар билан қайтади.

Тиббиёт масаласи XX асрнинг 20-йилларидағи Туркистон учун фавқулодда муҳим ҳаётий масала эди. Аҳолига тиббий хизматни

яхши йўлга қўйиш мақсадида 1920 йили Туркистон давлат университети қошида тиббиёт факультети очилган эди. Саттор Жаббор 1931 йили она заминга қадам қўйганида, шу факультет Тошкент Тиббиёт институтига айлантирилган эди. У шу институтнинг биокимё кафедрасида асистент сифатида иш бошлайди. Орадан бир йил ўтгач, шу кафедрага (1934 йилгача) мудир этиб тайинланади. Айни пайтда анорганик кимё кафедрасига раҳбарлик қиласди. Махаллий кадрлар орасида бошқа малакали кимёгарлар бўлмагани учун у Тошкент политехника ва тўқимачилик институтларида ҳам кимё бўйича маъruzalар ўқиб, амалий машғулотларни олиб боради.

Замондошларнинг ҳикоя қилишларича, Саттор Жаббор ўзбек ва рус ёшлидан иборат аудиторияларга кирганида, рус тилини яхши билмаганини сабабли талабаларнинг хоҳиш-истакларига қараб ўзбек ёки немис тилларида маъruzalар ўқиган; ўзбек тилини яхши билган асистентлардан бири эса унинг маъruzalарини рус талабаларига таржима қилиб турган. У талабаларнинг кимё фани бўйича мукаммал билим олиб, кимёвий асбоб-ускуналардан фойдалана билишлари учун маъruzalар ўқиш билан бирга амалий тажрибаларга ҳам алоҳида аҳамият берган. Бундан ташқари, олим кимё лабораториясини Германиядан келтирилган янги асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга катта куч сарфлаган. Шунингдек, у немис кимёгари А.Вернернинг “Комплекс бирикмалар” асарини, Ф.Энгельснинг “Табиат диалектикаси” китобини немис тилидан, “Коллоид кимё” дарслигини эса рус тилидан ўзбек тилига таржима қилди. Айни пайтда русча-ўзбекча, немисча-русча-ўзбекча кимё атамалари луғатини яратиш устида иш олиб борди.

Саттор Жаббор қиска илмий-педагогик ҳаёти давомида 24 та илмий тадқиқот яратиб, кимё фанлари номзоди илмий даражасини олишга муваффақ бўлди; юзлаб талабаларни кимё сирларидан ошно этиш билан бирга Ёлқин Тўракулов, Малик Набиев, Карим Аҳмедов, Хусни Рустамов, Жалол Мақсумов, Усмон Мираҳмедов сингари ўнлаб кимёгар, фармаколог, рентгенолог, дерматолог олимларнинг шаклланишига катта ҳисса қўшди.

Саттор Жаббор, Германияда таълим олган болика талабалар сингари, шўро давлати маҳфий хизматининг қора рўйхатида бўлган. Унинг немис фани ва техникасининг, Германиядаги тартиб-интизомнинг, иқтисодий ва маданий ҳаётнинг ҳавас қиласди дара-

жада эканлиги ҳақидаги сўзлари шу идоранинг қулоғига етиб бормаслиги амри маҳол эди. Бундан ташқари, у 1931 йилда немис олими Энглянд Германияга қайтиб кетгунига қадар у билан яқин муносабатда бўлган. Булар ҳаммаси йўқ жойдан катта-катта айб топа оладиган НКВД ходимлари учун “эркин ижод” майдони эди.

Хуллас, Саттор Жаббор 1937 йил 8 январда Германиянинг жосуси сифатида қамоққа олинади. Унга қўйилган айблар оз бўлмаган. Шулардан бирида айтилишича, Саттор Жаббор 1931 йилда жосуслик ишларини олиб бориш учун Германиядан СССРга махсус юборилган. У гўё Ўзбекистонга қайтганидан бери Шўрсу конларидаги олтингутурт ва Олмалиқ конларидаги руда заҳираларининг миқдори, шунингдек, Чирчиқдаги бир қатор саноат корхоналари, Марғилон ва Намангандаги пиллачилик фабрикаси, Тошкентдаги кислород заводи ҳақидаги маҳфий маълумотларни воситачилар орқали Германияга етказиб турган.

Махбуснинг бу аҳмоқона айбларни рад этиши осон бўлмади. У 1938 йил 9 октябрда отувга ҳукм қилинди ва ҳукм зудлик билан ижро этилди.

Саттор Жаббор институт педагогларига ажратилган уйда яшагани учун бу уй тортиб олиниб, унинг хотини Маҳбуба Муҳамедова (Текстил институти талабаси), 57 яшар онаси Камолаҳон Жабборова, Ғаффор, Элхон, Дилбар, Урхон ва Ўзхон исмли 14, 8, 4, 3 ва 1 ёшли фарзандлари аросатда қолдилар.

Ўтган асрнинг сўнгги йилида ушбу сатрлар муаллифига Берлин университетига илмий сафар билан бориб, кутубхоналарда ишлаш, туркистонлик талабалар бўлган жойларни зиёрат қилиш имконияти яратилган эди. Сафар кариган кунларда шаркшунос немис олимасининг столи устида бир пакет пайдо бўлиб қолди. Пакет ичидан муковасига “Сеттер Жеббер” сўзлари ёзилган китоб кўриниб турарди. Иккинчими ё учинчи куними, камина чидай олмай, олимадан сўрадим: “Бу қайси Сеттер Жеббер?” деб. Олима азбаройи ишлари йигилиб қолгани боис пакетга эътибор бермай қўйган экан. У шу заҳоти очиб қараса, бу бизнинг Саттор Жабборимизнинг асари экан.

У Германияга ўзи билан бирга Фитратнинг “Ҳинд ихтиолочилари” пъесасини ҳам олиб бориб, уша ерда илк бор нашр эттирган эди. Маълум бўлишича, у стипендиасиз қолган кезларида ўзбек шоирларининг ижоди ҳақида Берлин газеталарига мақолалар ёзиб,

озгина қалам ҳаки олар экан. Саттор Жабборнинг шу мақолаларидан хабардор бўлган туркиялик бир талаба унга эркесвар ўзбек шоирлари ҳакида китоб ёзишни таклиф этади. Саттор Жаббор Берлиндаги қаҳвахоналардан бирида китоб бобларини унга “диктовка” килади, бояги талаба эса ёзив, машинкалаб келади.

Саттор Жаббор Тошкентга қайтганидан сўнг “Куртилиш йўлида” (“Нажот йўлида”) деб номланган бу китобни нашр этиш имкони бўлмади. Тинтув пайтида эса олиб кетилиб, ёндириб ташланди. Аммо Ҳоди Тўқай деган бояги талаба китобнинг иккинчи нусхасини Туркияга олиб кетган экан...

Турк ва немис олимлари томонидан аслияти ва таржимаси билан бирга нашрга тайёрланган бу китоб нафақат камина, балки бошқа адабиётшунослар учун ҳам катта янгилик эди. Бу китобнинг ҳар бир варагидан Фитрат ва Чўлпонлар сингари ўз Ватанининг озод ва обод бўлишини истаган Саттор Жаббор мўралаб тургандек эди...

Марям Султонмуродова (1905-1972)

1965 йил... Марям опа “Саодат” журналининг янги сонини вараклар экан, кўзи ёш шоира Ойдин Ҳожиеванинг “Армон бўлиб қолади” деган шеърига тушиб қолади. Шеърни бир эмас, бир неча маротаба ўкиб, Сибирь изғирилларидан корайган яноклари узра маржон бўлиб тўкилаётган кўз ёшларини артади. У кейинги пайтларда “армон” сўзини эшитиши биланоқ бутун баданига электр нури юргургандек бўларди. Ўзининг армонлари, тегирмон тошлари орасида унга айланган буғдой бошоқлариdek, чилпарчин бўлгани ва Оллоҳ берган умрининг зое кетгани, зое кетибигина колмай, азоб-уқубатлар ичida ўтганидан қаттиқ изтироб чекар эди. Шунинг учун ҳам у шеърни қайта-қайта ўкиди. Ўқигани сайин кўз ёшлари маржон-маржон бўлиб тўкилди. Аммо мана бу сатрлар, бир оз бўлса-да, юпанч бергандек туюлди, унга:

Инсон шундай бир юлдуз,
Изиз кетмас ўча ҳам.
Ҳаётдин, муҳаббатдан
Нишин бўлиб қолар у.

Ҳеч бўлмаса бир қалбда
Армон бўлиб қолар у...

У шеърни ўқир экан, хаёллари олис-олисларга учди.

...1921 йилнинг куз ойлари. Россиянинг Хивадаги вакили Сафар Бик Хоразм фирмаси Марказий Кўмитаси қошидаги хотин-қизлар билан ишлаш бўлими мудири Марям Султонмуродовани хузурига чакириб, унга бундай деди:

– Марямхон, биз отангиз Жуманиёз Султонмуродовнинг совет хокимияти душман эмаслигини текшириб аниқладик. Сизни чакиришдан мақсад – шуну сизга билдириш. Энди отангиз яна ўз ишига қайтиб келиб ишласа, биз учун ҳам, ўзи учун ҳам яхши бўлади.

– Сизлар, янги ҳукуматни бошқараётган раҳбарлар, отамнинг бошига не-не кулфатларни солмадинглар. Шунча жабру жафони кўрган отам яна сизлар билан бирга ишлаш учун келармикин?! – жавоб берди Марям.

Сафар Бик ўзига каратишган зарбага чап бермоқчи бўлиб, деди:

– Отангизга биз эмас, ҳукумат таркибидаги душманлари – мутаассиб унсурлар озор беришган. Биз бу нарсани Ота Махсумчиларниң тарафдорлари фош бўлганларидан кейин аниқладик.

– Ну... тушунарли. Аммо сиз отамини яқин келажакда яна бирор айб қўйиб, қамамаймиз, дея кафолат бера оласизми?.. – бўш келмади Марям.

Шу сухбатдан кейин Жуманиёз Султонмуродов бир неча йил мобайнида Хоразм республикасининг зироат назоратида ер ислоҳоти шўъбасининг мудири бўлиб ишлади ва, кўп ўтмай, қизи Марямни Тошкентга ўқишга олиб келди.

Марям Хоразм аҳолиси орасида Тошкентга ўқишга юборилган биринчи қиз бўлди.

Марям Карим нўғойнинг невараси эмасми, Тошкентга келиб, дастлаб татар педагогика билим юртида, кейин Оренбургга бориб, ўша ердаги педагогика институтида маълум муддат таҳсил кўрди.

...1922 йилнинг куз ойлари... Бухоро Ҳалқ Шўро Республикаси раҳбарлари бухоролик ва туркистонлик ёш йигит ва қизларни Германияга ўқишга юборишга қарор килдилар. Эндинга оёккабура бошлаган ёш республикаларга замонавий билим ва дунёқарашга эга бўлган ёшлар сув билан ҳаводек зарур эди.

...Марям 63 нафар тенгдошлари билан бирга Германияга кетар экан, ҳали бирор ўзбек қизи туймаган ҳиссиятга берилиди. Унинг

назариди, бу ўнгдаги воқеа эмас, балки туш, шириң туш эди. Ахир, у туғилиб усган Чондир Қиёт қишлоғи қаёқда жаҳонга илғор замонавий техникаси ва илмий қашифиётлари билан машхур бўлган Германия қаёқда?.. Агар у билан бирга бораётган йигит ва қизлар бир неча йилдан кейин она-юртларига юқори малакали мутахассислар бўлиб қайтиб келишса, Ўзбекистон тез орада қанчалик равнак топиб кетади-я!.. У бошланаётган ана шу ажойиб жараённи кўрибгина қолмай, унда ўзи ҳам яқиндан иштирок этади.

Марям 1922 йил ноябридан 1924 йилнинг бошларига қадар Берлинда яшаб, немис тилини пухта ўрганди. Сунгра Дармштат шахрига бориб, 1926 йилга қадар ўқитувчилар семинарийсида ўқиди. Берлинга қайтгач, 1926–1927 йилнинг киш ойларida семинарийда олган билимини амалда синааб кўриш учун Берлин яқинидаги Потсдам шахрига – “Фрауншулла” мактабига қатнади. 1927 йили эса проф. Финкельштейн номидаги болалар шифохонаси қошида ташкил этилган тиббий ҳамшираларнинг олти ойлик курсида ўқиб, яна бир мутахассисликни эгаллади.

Германия – Европанинг нақ юрагида жойлашган мамлакат. Бу ерга бориб қолган киши Прага ёки Венага, Женева ёки Парижга бир неча кунга бориб, томоша килиб, бутун дунёга машхур меъморий обидалар ва боғ-роғларни кўриб келиши мумкин... Фалакнинг гардиши билан Германияга бориб қолган икки ўзбек қизида, келажакда, Парижни, Европанинг бошқа зиёратгоҳларини ўз кўзлари билан кўриш имконияти бўладими ё йўқми, – буни ёлғиз Яратганинг узи билади. Шунинг учун ҳам улар маврутдан фойдаланиб, Баден-Бадендаги истироҳатгоҳларни бориб томоша қилишган эди. Мана энди улар Парижга саёҳатга боришга аҳд қилдилар.

Икки ўзбек қизининг Парижга бориши учун у ерда бирор таниш киши булиши лозим эди. Марям шу ҳақда ўйлар экан, дугонаси Хайриниса Мажидхонова Аҳмад Наимнинг ўша йилларда Парижда истиқомат қилаётганини айтиб қолди ва отаси, ҳар эҳтимолга қарши, Аҳмад Наимнинг Париждаги адресини берганини эслади. “Агар Парижга борсак, Аҳмад aka уй-жой масаласида бизга, албатта, ёрдам беради”, деди Хайриниса. Шундан кейин улар маслаҳатни бир жойга қўйиб, поездда Парижга йўл олдилар. “Астория” меҳмонхонаси шундоқкина вокзал яқинида экан, Марям меҳмонхонада қолди-ю, Хайриниса Аҳмад Наимни ахтариб кетди.

Кўп ўтмай, Хайриниса бир француз бева аёлига қарашли уйнинг адресини олиб келди. Икки сайд ўша уйни излаб толиб, жойлашиб ҳам олди. Кўп ўтмай, Аҳмад Наимнинг ўзи уларнинг қандай ўрнашганликларини билиш учун келиб кетди.

Парижнинг осори атикалари ва истироҳатгоҳларини кўрган одамнинг француз операсини ҳам тинглагиси келади. Парижга келганларининг саккизинчи ё тўққизинчи кунимикан, Марям билан Хайриниса опера театрига боришга аҳд қилишиб, уй эгасига кечроқ келишларини айтишди ва кечки овқатни қолдиришни илтимос қилишди. Улар ижара уйдан ҳали кўчага чиқиб ултурмаган ҳам эдиларки, Аҳмад Наим билан “қозоққа ўхшаш бир киши”нинг келаётганини кўриб қолдилар. Бу, Туркистон Мухторият ҳукуматининг собиқ раиси, Парижда муҳожирликда яшаётган Мустафо Чўқаев эди...

...Марям 1928 йили Германиядан она-ватани Ўзбекистонга, Тошкентга қайтди. Нима учундир раҳбарлар сиёсатдан ҳоли, эркин мамлакатда ўқиб келган ва бошқа идеаллар асосида шакллана бошлаган қизни Эски шаҳардаги кечки Коммунистик университетнинг ўкув бўлимига мудир этиб тайинладилар. Аммо Марям учун қандайдир бир муассасага мудирлик килиш эмас, балки шаҳар мактабларида немис тилидан дарс бериш завқли ва шавқли эди, ўшандা.

Зарифа Сайдносирова “Ойбегим менинг” деган китобида севимли турмуш ўртоғининг 1928 йил декабрь ойининг сунгги кунларида Ленинграддан таътилга келгани тўғрисида сўзлаб, қўйидаги марокли воеани ҳикоя қилган:

“...Орадан бир неча кун ўтгач, Сайдвали Шарафиддинов, Ойбекнинг техникиумдош дўсти, бизни меҳмонга таклиф этди. Мен синфдошлар зиёфатида Ойбек билан ёлғиз қолмаслигим учун дугонам Марянни ҳам эргаштириб бордим. Марям хоразмлик қиз бўлиб, Берлинда таҳсил кўриб қайтган ва ўша йилларда “Зебуннисо” мактабида немис тилидан дарс берар эди.

Биз Сайдвалининг уйида ўйин-кулги билан ўтиридик. Ойбек менинг кўлимга дутор тутқазди - аллақандай мақомларни чертган киши бўлдим. Кимдир ўйнади, кимдир қўшиқ айтди. Ўртада шодон бир кайфият ҳукмронлик қилди. Аммо шу пайт Ойбек пастда ёзилган қўрпача устига келиб чўқди. Мен келиб, унинг ёнидан жой олганимга қарамай, паришон бир ҳолда оғир сукутга чўмди. Ойбекнинг хаёлчан ҳолатини кўрган Марям ҳам ёнимга келиб:

– Сизга нима бўлди, Ойбек ака? Кайфиятингиз яхши эмас. Бизга қўшилиб, ўйнаб-кулиб ўтириш. Зарифа хафа бўлмасин, – деди.

Лекин Ойбек ўз бошидан нима кечачётганини бизга сездирмасликка уринар, чамаси, хасталигидан ташвишланар ва ўз ҳолатини менга қандай қилиб айтишини билмас, мени кайғуда қолдиришни истамас эди.

Шу кеча Ойбек Сайдвалиницида тунаб қолди. Мен билан Марямни кузатиб қўйишни эса Темучинга топшириди. У бирор кимсанинг менга қўл қўттармаслигини билгани ва мендан қўнгли тўқ бўлгани вожидан Темучинни четга имлаб, Марямни хафа қилмасдан, уйига қадар элтиб қўйишни илтимос қилди…”

Марям 1935 йилдан эътиборан журналистика соҳасига ўтиб, “Гулистон” ва “Ёркин турмуш” журналларида адабий ходим бўлиб хизмат қилди, шу журналларда турли адабий-танқидий мақолаларини, рус ва немис мумтоз адабиётидан қилган таржималарини ёълон қилди.

Марям Германиядан эркин фикрсиз, ижодий фикрсиз ҳеч қандай тараққиётнинг бўлиши мумкин эмас, деган хуроса билан келган ва шу хуросаси асосида ҳаёт ва иш тарзини белгилаб ишлаётган эди. Аммо унинг ҳаёт тарзини ҳам, ижодий режаларини ҳам 37-йилнинг бўрони остин-устун қилиб юборди.

Германияда ўқиб келган собик талабалар орасида биринчи бўлиб Абдуваҳоб Муродий “Миллий иттиҳод” ташкилотининг аъзоси сифатида 1930 йил 25 апрелда, Саттор Жаббор 1937 йил 8 январда, Марям Султонмуродова билан Хайриниса Мажидхонова 1937 йил 13 сентябрда, Солиҳ Муҳаммад эса 1937 йил 11 октябрда хибсга олиндилар. Хорижда жон саклаб қолганлардан бошқа барча собик талабалар Германия фойдасига жосуслик қилганлиқда айбланиб, қамоққа олindi.

Марям Султонмуродова гўё Германияда Мустафо Чукаев ва Олимжон Идрисий томонидан тузилган “Озод Туркистон” аксилиниклобий жосуслик ташкилотининг аъзоси бўлганлиқда, Тошкентда проф. Энгелгардт орқали Германияга жосуслик материалларини берib турганлиқда, “Гулистон” ва “Ёркин турмуш” журналларида аксилиниклобий-миллатчилик йўналишини олиб борганлиқда ва ҳ.к.ларда айбланди.

Шу вақтда у камерада ҳали 5-6 ойга тўлмаган қизи Анора билан ётди. Терговчи ва назоратчилар уни қизидан жудо этмаслик-

лари учун қандай сўрокномани олиб келган бўлсалар, шуларга қўл кўйди. Сирасини айтганда, 37-йил жаллодлари унинг қўл кўймаслигига йўл қўйишармиди? Қўйишмасди, албатта. Шунинг учун ҳам Марям қилмаган, ҳатто етти ухлаб тушига ҳам кирмаган гуноҳларни бўйнига олиб, 10 йилга кесилди.

Анора 2 ёшга тўлгунига қадар Марям Тошкент қамоқхонала-рининг бирида ушлаб турилди. Анора қамоқхонада азоб чекаётган маҳбусалар учун бир ярим йил давомида юпанч ва таскин манбаи бўлиб хизмат этди. Марямни терговга олиб чиқсан пайтларида у неча-неча аёлларнинг бағрига ҳарорат бағишлаб, уларнинг бу дунёдаги энг мўътабар зот – она эканликларини эслатиб турди…

Ниҳоят, 1939 йил 10 март куни Марям Анорани сўнгги марта упа-упа, йиғлай-йиғлай, қайноаси Хосият Иброҳимовага топшириди-да, жазо муддатини ўташ учун қизил вагонга ўтириб, Қозон шаҳрига кетди. Ундан Суздалъ қамоқхонасига кўчирилди. Кейин канчадан-канча азиз бошларни ўз жаҳаннамида қовуриб ташлаган Колимага этап билан юборилди.

Марямнинг отаси Жуманиёз Султонмуродовнинг пайига тушган кишилар уни 1926 йилда, Марям Германияда ўқиб юрган, ҳаётининг бирдан-бир ширин ва сермазмун кунларини кечираётган вақтда ўлдириб кетишган эди. Севимли қизининг Германияда ўқиб келганидан кўкраги тоғ бўлиб юрган Дуржон ая учун Марямнинг қамалиши Мулла Жуманиёзнинг фожиали ўлимидан кейинги тасвир этиб бўлмас даражада оғир зарба бўлди. “Халқ душмани”нинг Султонмуродов фамилияли барча қариндош-уруғлари хузур-ҳаловатларини йўқотдилар. Марямнинг укаси Иброҳим НКВДнинг Хоразм секторидаги тергов қийноқларга чидай олмасдан, ўзини ўзи отиб ўлдириди. Синглиси Гулчехра руҳий хасталикка чалиниб, бир йилга якин жиннихонада даволанди. Бошқа қариндошлар фамилияларини узгarterиб, Марямни танимаймиз-бilmaymiz, деб туриб олдилар. Қуни-қўшнилар, таниш-билишлар эса Дуржон аянинг эшигини четлаб утадиган бўлдилар.

Марям Султонмуродова 1947 йили, 10 йиллик қамок жазосини ўтаб, совет давлатининг бу дунёда барпо этган дўзахларини кўриб ва шу дўзахларда ёниб-қоврилиб, ахийри, она юртига қайтиб келди.

У озод бўлдим, азоб-укубатлардан ҳолос бўлдим, энди тинч ижодий иш билан шуғулланаман, деб ўйлади. Аммо унинг йўлига кўйилган тиканли симлар метиндан булиб, унинг шу ўрама симларни кесиб-парчалаб чикиши амри маҳол эди.

Марям Султонмуродова ўз хотираларида шу мусибатли йилларни эслаб, бундай ёзади:

“...Минг азоб-укубатлар исканжасида ўн йил муддатлик қамоқхонадан қайтіб келиб, Янгибозорда ишлай бошлаган кунларимдан қ теварагимдаги ҳамкасбларим менинг толеим пастлигидан, нөчорлигимдан күлган бир ҳолатда менга зулм қилиш пайига туша бошлаши. Кейинчалик билсам, уларга бу хукуқни давлат хавфсизлиги органидаги одамлар бериб қўйишган экан. Буни менга уларнинг ўzlари рўйи рост айтиб бериши. Ҳаттоқи улар, ўз навбатида, мени эҳтиёт бўлишга ҳам ундан қўйишди...”

Мустабид давлатнинг қўзига Марям чеккан ва чекаётган азоблар оз кўринди. 1949 йил 29 март куни уни яна камоққа олиш ҳақидаги хужжатга имзо чекилди. 30 март куни НКВД ходимлари Марям Султонмуродовани ахтариб келиб, у яшаётган ва ишлаётган жойларда тинтуб ўтказдилар.

“Марямнинг жуда қариб қолган онаси, – деб ёзган эди кекса журналист Саодат Шамсиева ўша мудхиш кунни эслаб, – “Қизимни олиб кетманглар. Болалари онасиз қандай кун кўради?” – деб ҳар қанча зорланмасин, унинг додига ҳеч ким кулоқ солмади. Бунга чидоммаган она юрганича бориб, Марямни олиб кетишаётган машина тагига ўзини ташлаб, жон берди”.

Қамоқхоналарда кечган ўн йиллик азоб-укубатлар изсиз кетмаган эди. Марям юрак хасталигидан ташқари, пневмо-склероз деган балога ҳам чалингланлиги сабабли ҳатто НКВДнинг тошбағр врачлари ҳам 1949 йил 12 апрелда ўтказилган тиббий кўрикда уни жисмоний меҳнатга лаёкатсиз, деб топдилар. Шунга қарамай, Марям Султонмуродова 15 йилга ҳукм этилиб, Красноярск үлка-сига сургун килинди. Пневмо-склероз хасталигига мубтало бўлган аёл абадий музликлар үлкасига юпун кийинган ҳолда кетгани учун кўп ўтмай, саратон касаллигига йўлиқиб, бадтар азоб-укубатларни бошидан кечирди. Унинг адолат килишларини сўраб Москвага ёзган ариза ва хатлари унсиз-жавобсиз қолди. Фақат қатағон даҳоси Сталиннинг ўлимидан кейингина унинг боши узра озодлик қушлари уча бошлади.

1954 йил октябрь ойининг сўнгги – ноябрь ойининг бошлари бўлса керак, Марям Султонмуродова маҳбусалик ҳаётига нуқта қўйиб, Тошкентга етиб келди. Лекин у на Тошкентда, на ўзи туғилган Чондир Қиёт қишлоғида хурмат ва эътибор топди. “Ватан хонни”,

“Германия жосуси”, “халқ душмани” деган сўзларни эшишиб яшашдан ўлимни афзал кўрган кунлари қўп бўлди. Аммо ҳеч нарсага, ҳатто ўзини камситишларига қарамай, олис қишлоқда ҳамшира бўлиб ишлаб, қанчадан-қанча кишиларга меҳр узатиб, қанчадан-қанча кишилар дардига малҳам бўлиб яшади.

Раҳмат Мажидий (1906-1983)

Хоразмлик таникли маданият арбобларидан бири Раҳмат Мажидий 1906 йили Хива шаҳрида руҳоний оиласида дунёга келди. Ўша вактда Хоразмда “ёш хиваликлар” маърифатпарварлик харакати туфайли йигит ва кизларни Тошкент, Боку, Қозон сингари шаҳарларга ўқишига юбориш расм бўлган эди. Эски мактабни тутгатганидан кейин Раҳматнинг отаси ҳам ўглини 1917 йилда Оренбургтга – машхур “Ҳусайния” мадрасасига ўқишига юборди. Раҳмат 1917-1918 ўкув йилини тутатиб, Хивага таътилга келади. Аммо у Россияда рўй берган инқиlob туфайли Оренбургга кайтиб бормайди. 1920 йили, Хоразм инқиlobидан кейин, Тошкентга келиб, “Иқбол” интернат-мактабида таълим олади. У шу ерда ҳам атиги бир йилгина ўқииди, сўнгра таътилга чиқиб, Хивага боргач, ёшлар туман ташкилотида котиб бўлиб ишлайди-қолади.

Аммо тақдирнинг кўринмас иплари уни бир умрга Тошкент билан боғлаган эди. У 1922 йилнинг кузида яна Тошкентга келиб, бир йил мобайнида Наримонов номидаги мактабда ўқиди. Кейин ўқишини Ўрта Осиё Давлат университетининг ишчилар факультетига кўчирди. 1925 йили мазкур факультетни тутатиб, Москвага йўл олди. Бироқ иссиқ үлкалардан келган ёшларнинг Москва ва Ленинград сингари совуқ шаҳарларда ўқиши осон кечмади. Раҳмат ҳам 1928 йилда, бошка айrim ватандошларидек, сил хасталигига йўлиқиб, она юртига кайтиб кетишига мажбур бўлди. Уни, Москвани кўрган ёш йигитни Хоразм округ партия комитетининг қишлоқ хўжалиги бўлимида инструктор килиб ишга олишиди.

Агар ўтган асрнинг 20-30-йилларида меҳнат фаолиятини бошлаган аксар ватандошларимизнинг таржимаи ҳоли билан танишсангиз, уларнинг бирор жода қўйим ишламасдан, бир музассасадан иккинчи муассасага, бир шаҳардан иккинчи шаҳарга сакраб юрганларини кўрмай иложингиз йўқ. Раҳмат Мажидий ҳам қишлоқ

хўжалиги соҳасидан секин-аста тарғибот ва ташвиқот соҳасига ўтиб, “Инкилоб куёши” округ газетасида муҳаррир бўлиб ишлади. Хоразм республикаси тутатилганидан сўнг Самарқанд шаҳрига бориб, бир йил республика Олий суди аъзоси ва “Ленин йўли” газетаси муҳаррири бўлиб хизмат қилди. 1931 йилнинг ёзида эса Тошкентга чақириб олиниб, “Қизил Ўзбекистон” газетасининг партия бўлимига мудир этиб тайинланди.

Ўша йилларда шўро ёзувчиларининг ягона уюшмасини ташкил этишга қаратилиган сайд-харакат бошланди. 1932 йил 6 июня ӯтказилган Тошкент ва Самарқанд ёзувчиларининг биргалиқдаги кенгайтирилган мажлисида Раҳмат Мажидий ўриндошлиқ асосида Шўро ёзувчилари уюшмаси ташкилий кўмитасига раис, Ойдин эса котиб этиб сайланди. Ўша кунга қадар Ўзбекистон Йўқсил ёзувчилари уюшмасининг “Курилиш” номи билан чиқиб турган журнали энди “Ўзбекистон шўро адабиёти” номи билан Раҳмат Мажидий муҳаррирлигига нашр этила бошлади. У 1933 йил февралида Бутуниттифоқ шўро ёзувчилари Ўрта Осиё бюросининг, шу буру нашрлари – “Советская литература народов Средней Азии” Журнали ва “Литература Средней Азии” газетаси таҳрир ҳайъатларининг аъзоси этиб тайинлайди. Ниҳоят, 1934 йилда Ўзбекистон Шўро ёзувчилари уюшмаси ташкил этилиб, Раҳмат Мажидий мазкур уюшмага раис этиб сайланди. У раис бўлган ижодий уюшмада адабий жараён, адабий алоқалар билан боғлиқ ишлар, айниқса, авж олиб кетди. Раҳмат Мажидий 15 августда Москвада тантанали суратда очилган Бутуниттифоқ ёзувчиларининг биринчи қурултойига ўзбек ёзувчиларининг сардори бўлиб борди ва М.Горькийнинг машҳур маъruzасидан кейин ўзбек адабиёти бўйича қўшимча маъруза билан сўзга чиқди. Бу, Раҳмат Мажидий ҳаётининг юлдузли дақиқалари эди.

“Съезд кетаётган кунларнинг бирида, – деб эслаган эди Раҳмат ака, – менда Алексей Максимович билан яқиндан сұхбат килиш имконияти туғилиб қолди. Сұхбатнинг дастлабки пайтида менда ҳозир ифода қилиб бериш мумкин бўлмаган ажойиб бир туйғу пайдо бўлди. Албатта, ҳаяжон... Лекин гап мавзуи иш борасига ўтиши билан вазият ўзгариб, бир-бирига тенг икки киши ўртасидаги расмана сұхбатга айланди. Бу вазиятни Алексей Максимович тутдирган эди. Мен Ўзбекистондаги адабиётнинг аҳволи ва ўсиб келастган ёш кадрлар хақида қисқача гапириб бердим. У киши ме-

нинг сўзларимни зўр эътиқод билан тинглади, сўнг фольклор материаларидан фойдаланиш ва ҳалқ шоирлари ўртасида бораётган ишлар ҳакида саволлар берди. Мен қисқача жавоб кирадим. Сұхбат охирида Горький:

– Ҳалқ ижоди ниҳоятда бой. Биз, ёзувчилар, ҳалқ ижодидан фойдаланамиз. Сизда, умуман, Ўрта Осиё ҳалқларида ҳалқ оғзаки ижоди бой. Шу соҳага, айниқса, эътибор беришингизни сўрайман, – деди. Сўнг ҳалқ шоирлари томонидан ижод қилинган ва узоқ вакт ўз кучини саклаб келаётган асарларни эслатиб ўтди. Бу қисқа, лекин мазмундор сұхбат бир умрга хотирамда колди”.

Ўша вактда ёзувчилар уюшмаси олдида турган муҳим вазифалардан бири насрый жанрларни ривожлантириш эди. Раҳмат Мажидий шу мақсадда А.Қодирий, С.Айний каби тажрибали адилар билан учрашиб, ўзбек насрини ривожлантириш учун, аввало, ёзувчиларга ижодий шароит яратиш, атоқли ёзувчилар билан мулоқотлар, семинарлар ташкил этиш, энг яхши асарлар учун танловлар эълон қилишга киришди. Р.Мажидий ташаббусларини қўллаб-куватлаган марказқўм ёзувчилар учун Тошкент шаҳрининг Инжи-обод деган чекка жойидан боғ ажратиб берди.

“Богни обод қилиш, – деб эслаган эди Р.Мажидий, – уни ёзувчилар дам оладиган ва ижодий иш қиласиган илҳомбахш гўшага айлантириш зарур эди. Мен Тошкентнинг Самарқанд дарвоза гомонида Абдулла аканинг нашъали боғи борлигини ва уни ёзувчи ўз қўли билан меҳр қўйиб обод қилганини эшитган эдим. Шу эсимга тушиб, мазкур боғни кандай обод қилиш хусусида Абдулла ақадан маслаҳат сўрадим”.

А.Қодирий уюшма раисига маслаҳат берибгина колмай, боғни обод қила оладиган бирдан-бир миришкор боғбон ва шоиртабиат инсон – Иноғом отани ҳам топиб берди. Ва бу боғ тез орада ёзувчилар ўртасида машҳур бўлиб кетди.

Р.Мажидийнинг ташаббуси билан ташкил этилган танлов 1935 йил октябрь ойининг бошларида якунланиб, С.Айнийнинг “Куллар”, А.Қаҳҳорнинг “Сароб” романларига иккинчи, Ҳ.Шамснинг “Хукуқ” романига учинчи мукофот берилди, А.Қодирийнинг “Обид кетмон”, Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романлари нашрга тавсия этилди. Аммо бу вактда Раҳмат Мажидий нима сабабдандир Москвадаги Қизил профессорлар институтига ўқишига юборилган эди. У икки ярим йил давом этган ўқишини тутатгач, 1940 йилга ка-

дар Москва шаҳри Фрунзе туманидаги Молотов номли фабрика қошида катталар учун очилган мактабда аввал ўқув бўлими мудири, кейин эса директор бўлиб ишлашга мажбур бўлди.

Рахмат Мажидий 1940 йили Москвага хизмат сафари билан борган Усмон Юсупов билан учрашиб, ундан ўз ватанига қайтишига ёрдам беришни сўради. Сўнгра саркотибнинг илтифоти билан Тошкентга келиб, ўз ФА қошидаги Тарих, тил ва адабиёт институтида илмий ходим бўлиб ишлай бошлади.

1937 йилнинг даҳшатли воқеалари бошланганида Раҳмат Мажидий Москвада эди. Балки шу сабабданadir қатағон қиличи унинг юрагига санчилмай қолган. Аммо 1941 йилда қизил армия шиддат билан Москва сари чекина бошлаганида у ҳам, айrim Кишилар сингари, хавотирга тушган. Некин кайфиятли дўстлар: “Бу вақтингчалик чекиниш”, деганларида, у бундай жавоб қайтарган: “Нималар деяпсиз, биз ҳамма нарсани вақтингчалик, вақтингчалик, деб келмоқдамиз. Биз бундай гапларни 23- йилдан бери эшишиб келмоқдамиз. Бундай ҳолат кейинчалик ҳам давом этади, ҳатто авлодларимиз даврида ҳам. Айтишларича, олдинги замонларда сотқинларни жазолашган бўлишса-да, уларнинг оиласига тегишимаган. Ҳозир эса шўро давлати уларнинг оиласига ҳам тинчлик Бермаяпти”. Бошқа бир сафар эса у бундай деган: “Германия билан уруш бизнинг хукуматимизнинг провокацияси билан содир бўлди. Агар сиз ҳозир менга ишонмасангиз, эртага тарих шу гапни айтади”.

Рахмат Мажидий ана шундай ҳақ гаплари учун 1941 йил 18 декабрда қамоққа олинди. У 8 йилга кесилиб, Тошкент тақсимот қамоқхонасига қарашли 7- ва 3-мехнат-тузатув колонияларида азоб-укубат чекди. 1949 йил 22 декабрда озодликка чиқкан Раҳмат Мажидий оиласи истиқомат қилган Урганч тумани Чандир Қиёт қишлоқ советига қарашли колхозга бориб, сувчи, кетмончи ва табелчи бўлиб ишлади. Аммо бу озодлик, ўзи башорат қилгандек, вақтингчалик озодлик эди.

1950 йил 22 июнда Раҳмат Мажидий иккинчи маротаба қамоққа олинди. Энди уни нафақат 1941 йилда айтган сўzlари, балки Москвада таҳсил курган 1937-1938 йилларда Ўзбекистондаги “халк душманлари”нинг фош этилишига ёрдам бермагани ва гўё советларга қарши аксилиниқилобий ташкилотнинг аъзоси бўлгани учун Красноярск ўлкасига номаълум муддатга бадарға қилинди.

Яхшиямки, золимлар ҳам ҳаётдан ўтади. Яхшиямки,adolat баъзан-баъзан жабрдийдалар тирик пайтида тикланиб қолади. Акс

холда қанчадан-канча кишилар Мажидийдай бу дунёдан “дод” деб ўтишган бўларди.

Раҳмат Мажидий Сталин вафотидан кейин сургунгоҳдан қайтгач, Тошкентда оиласи билан яшаб, Тил ва адабиёт институтида хизмат қилди. 1960 йилда Оғаҳийнинг “Таъвиз ун-ошиқин” девонини катта сўзбоши билан нашр этди. 1961 йилда “Оғаҳий лирикаси” деган мавзуда номзодлик диссертациясини ёқлаб, 1963 йилда уни монография тарзида эълон қилди. Бундан ташқари, “Ўзбек шеърияти антологияси”нинг 5-жилдини, 15 жилдлик Алишер Навоий “Асарлар”ининг 1-4-жиллари, шунинг-дек, рус тилидаги 10 жилдлик Навоий “Асарлар”ининг 3- ва 5-жилларини нашрга тайёрлаш ва таҳrir этишда фаол қатнашди. У узлатда кечган ва бехуда ўтган йиллар эвазига ҳам ишлашга, ўзидан ёрқин из қолдиринга уринди.

Аммо куч, сиҳат-саломатлик уни тарқ эта бошлаган эди. Ёзувчilar уюшмасининг биринчи раиси 1983 йил декабрида 77 ёшида вафот этди.

Собира Холдорова (1907-?)

Собира Холдорова 1907 йили Наманган вилоятининг Чуст туманида камбагал дехқон оиласида туғилган. Оила бошлиғи вафотидан кейин онаси Нурсратбиби бир ўғил билан икки қизини Кимларнингдир кир-чирини ювиш, идиш-товоркларини тозалаш билан боқди. 1919 йилда авж олган очарчилик уни болаларини олиб, Кўқонга бош олиб кетишга мажбур этди. Собирани шу йили етимесирлар учун очилган интернатга жойлаштириб, ўзи ҳам ўша ерда хизмат қила бошлади. Собира интернатни тутагтагч, муаллимларни тайёрлаш қисқа муддатли курсларда ўқиб, Чорсуда очилган кизлар мактабида ўқитувчилик қилди. Ҳаёти изга тушиб, маърифатнинг хушбўй гулларидан завқ-шавқ олган 16 яшар киз 1923 йили қўқонлик 6 нафар дугонаси билан Тошкентга келиб, Улка хотин-кизлар билим юртида ўқий бошлади. Шу ерда Абдулла Қодирий ва Чўлпон асарлари билан танишди, деворий газетада, ёшлар ташкилоти ҳаётида фаол иштирок этди, баҳс ва мунозара-ларда жўяли гапларни айта оладиган киз бўлиб улғайди.

Орадан бир йил ўтар-ўтмас, Собира Туркистон Иштирокион фирқаси марказқўми қошидаги хотин-кизлар бўлнимининг фикр

тарқатувчиси – “Янги йўл” газетасига муҳаррир этиб тайинланди. 1925 йили эса республиканинг ўша вактдаги марказий газетасига хотин-қизлар бўлими мудири бўлиб ишга ўтди. У газета муҳаррири Комилжон Алимов ва унинг ўринбосари Мирмуҳсин Шермуҳамедовдан журналистика сирлари билан бирга муаллифлар билан ишлаш маданиятини ҳам ўргана бошлади.

“1926 йилда, – деб ёзган эди у таржимаи холида, – мени Москвага – Журналистлар институтига юбордилар. Институтда ўкиш билан бирга почта ва телеграф орқали “Қизил Ўзбекистон”га турли хабарлар, мақолаларни йўллардим…”

Институтни битиргач, 1930 йилнинг охирларида яна ўз севимили редакциям бағрига келдим. Дастрраб партия турмушки бўлимининг мудири, сўнгра муҳаррир ўринбосари бўлиб ишладим…”

Ўша вактда хотин-қизлардан етишиб чикаётган кадрларга катта эътибор берилгани учун Собира Холдорова ҳали ўқишни тугатиб улгурмаганига қарамай, 1929 йилнинг март ойида Самарқандда бўлиб ўтган Ўзбекистон шўроларининг III қурултойида хукумат аъзоси этиб сайланади.

Бундай катта ишонч ва хурматга сазовор бўлган Собира ватанга астойдил хизмат қилиш нияти билан яшайди. Эри Мўмин Усмонов билан бирга сиёсий адабиётни таржима қилишда яқиндан иштирок этади. Аммо 1937 йили С.Холдорова Тошкент шаҳар Киров гумани партия ташкилотининг котиби лавозимида хизмат қилаётган кунларда қамоққа олиниб, унинг нурли ҳаёт йўли қўпориб ташланди.

Жисмоний ва руҳий тазииклар остида ўтган терговда С.Холдорованинг “Ўзбекистонда тугатилган Ақмал Икромов раҳбарлигидаги аксишшўровий ўнг троцкийчи ташкилотнинг аъзоси” бўлганлиги, шу ташкилотнинг топшириғига кўра, “зараркундадлик қилгани”, “марксизм-ленинизм классиклари асарларини ўзбек тилига таржима қилиш ишига зарар етказиш ниятида 1932-1934 йилларда эри Усмонов билан Сталининг “Ленинизм масалалари” асарини бузиб таржима қилгани”, натижада давлатга 144 782 сўм 82 тийин зиён етказилганлиги “аниқланади”.

Бир ярим йил давом этган тергов жараёнидан кейин бечора Собира Холдорова 1940 йилда 5 йилга озодликдан маҳрум этилади ва жазо муддатини ўташ учун СССР НКВДси Махсус йиғилишининг қарори билан Якутия (Ёкутистон)га жўнатилади. У Тошкент

қамоқхонасидан туриб ҳам, Якутияда ўзига ўхшаш бегуноҳ маҳбуслар орасида яшаб ҳам ноҳақ жабрланганлиги ҳақида турли идораларга хат ёзади. Шулар натижасида у 1942 йили озодликка эришади. Лекин кўп ўтмай, НКВД ходимлари уни яна олиб кетадилар. Жабрдийда аёл руҳий хасталар касалхонасига тушиб, уч ой даволанади. Шундан кейин ҳам унинг болалари бағрида яшашига имкон бермай, Тошкент шаҳридан 50 километр четга чиқариб юборадилар.

Якинда “Халқ сўзи” газетасида эълон қилинган мақолада айтилишича, Собира Холдорова урушнинг машаққатли йилларида Шаҳрихондаги колхозларнинг бирида ишлаган. “Халқ душманлари”га нафрат руҳида тарбияланган кишилардан бири ўша кезларда ҳатто у терган пахтани олишни истамай, “Халқ душмани”нинг пахтаси керак эмас!”, деб унинг кўзи олдида иргитиб юборган экан. Куни кеча ҳурмат ва иззат иқлимида яшаган аёлга нисбатан бундай ўта ҳакоратли муносабат, афсуски, унинг бутун кейинги ҳаётини заҳарлаб ташлади.

Истеъодди, билими ва юксак маданияти билан ўзбек хотин-қизлари орасидан ажralиб чиқкан ва миллатнинг диккат марказида, кўз қаросида турган аёлнинг қатағон этилиши, бунинг устига, жазо муддатини ўташ учун абадий музликлар ўлкасига юборилиши, у ерда очликдан ҳишиб, совуқдан музлаб ўлган одамларни кўриши даҳшатдан бошқа нарса эмас. Эрини отиб ташлаб, ўзини дўзах азобларига гирифтор этган, болаларини етимхонага юбориб, уй-жойини, мол-мулкини тортиб олган, онасини эса қон қақшатган давлатни қандай давлат, деб аташ мумкин? Шундай давлат тузумини соғиниш ва қўмсанг мумкинмикан?..

Сулаймон Амирор (1907-1969)

1929 йилнинг куз ойларида Мунаввар қори Абдурашидхонов раҳбарлигидаги “миллий иттиҳодчилар”, 1930 йилнинг ёз ойларида эса Боту бошлилигидаги Маориф ҳалиқ комиссарлиги ходимларидан иборат ўзбек зиёлиларининг икки катта гурухи қамоққа олиниди. Барча маҳбуслар Москвага олиб борилиб, мудҳиш Бутирка камоқхонасига ташланади. Боту сингари Москва давлат университетида таълим олган, рус кизига уйланиб, ўзининг “миллатчи”

эмаслигини ошкора намойиш этган, ҳатто устозларини қоралаб шеърлар ёзган ёш шоирнинг қамалиши Чўлпон ва Фитрат сингари кекса авлод вакилларини ташвишга солади. Үз тақдиридан хавотирга тушған Фитрат, Чўлпоннинг илтимосига кўра, Файзулла Ҳужаевнинг ҳузурига бориб, ундан нима қилишликни сўрайди. Чўлпон Ҳалқ Комиссарлар Кенгаши раисининг маслаҳати ва ёрдами билан 1931 йили Москвага кўчиб бориб, ўша ерда жон сақлади.

1932 йилнинг ёз ойларида ОГПУ (Бирлашган Давлат Сиёсий Бошкармаси) ходимлари республиканинг ўша вақтдаги пойтахти Самарканда яна қамоққа олиш ишларини бошлаб юбордилар. 9 август куни Фулом Зафарий, Миртемир, Олимбек Қодиров, Ҳаким Қодиров, Раҳмонкул Жумақулов, Ҳамид Қодиров, 12 августа эса Сулаймон Амиров ва бошқалар ҳибсга олиндилар. Фақат Мухаммаджон Собировгина 1933 йил 22 май куни бўлиб ўтган ОГПУ коллегияси йигилишида озод этиб юборилди. Қолган барча маҳбусларга З йиллик қамоқ жазоси берилди. Шундай жазога маҳкум этилган маҳбуслар орасида Сулаймон Амиров ҳам бор эди.

Сулаймон Амиров 1907 йилда Туркистон шаҳрининг Қарноқ қишиюғида, дурадгор оиласида дунёга келган. Дастреб қишлоқ мадрасасида таҳсил кўрган. 1919 йили эса янги очилган шўро мактабига ўқишга кирган. Аммо ёзги таътилдан кейин отасининг тазъики билан мактабни ташлаб, яна мадрасада ўқишини давом эттирган. 1923 йилга келиб, мадраса таълимининг истиқболсиз эканини кўрган отаси яна ўғлининг шўро мактабида ўқишига розилик беради. 1924 йилнинг август ойида эса Сулаймон Самарканда ўқитувчилик қилаётган кариндоши Парфи Азизовни қора қилиб Самарканда ўқишга боради. Бирок Сулаймон бошқа жумхуриятдан келганилиги сабабли умумтаълим мактабига қабул қилинмайди. Шундан кейин у совет-партия мактабига ўқишга киришга мажбур бўлади ва 9 ойдан кейин шу мактабни тугатгач, Булунғур туманидаги Жомбай қишилогидаги биринчи босқич мактабга мудир этиб тайинланади.

Ўқитувчилик шундай ғаройиб бир касбки, бу соҳани танлаган кипининг ўзи устида ишламаслиги, билим ҳазинасини мунтазам равишда ошириб турмаслиги асло мумкин эмас. Бу ҳақиқатни тушунган Сулаймон 1927 йилда собиқ мактабдошлари Алимбек ва Ҳамид Қодировлар билан бирга Қозон шаҳрига бориб, Татар пе-

дагогика техникумига ўқишига киради. Бегона шаҳарда мусофирикка яшаш машаққати Сулаймон ва унинг биродарларини техникиумнинг 3-курсини тугатибоқ она-юртларига қайтишига мажбур этади. Қолаверса, улар назарида, 4- ва 5-курсларда ўтилајак методика ва педагогика амалиётисиз ҳам ўқитувчи бўлиш мумкин эди.

Қозонда иқтисодий кийинчиликни бошидан кечирган Сулаймон Самарканда қайтиб, дастреб маддий аҳволини ўнглаб олмоқчи бўлди. Шу ниятда маълум муддат турли курсларда ўқитувчилик қилиб, сўнг Педагогика академияси (ҳозирги Самаркан давлат университети)га ўқишига кирди. Аммо, баҳтга қарши, стипендияягя илинмай, бунинг устига, отаси вафот этиб, ўқишини тарқ этишдан бошқа иложи қолмади. У 1930-1931 ўкув йилида қишлоқ ҳўжалик техникумига ишга кириб, она тили ва адабиётдан дарс бера бошлади.

Сулаймон Амиров Жомбай туманида хизмат килган кезларида шу туманлик ўқитувчи Мулла Раҳмонкул Жумақулов билан танишиб, у билан бўлган мулоқотларда Чўлпон шеъриятини кашф этди. Мулла Раҳмонкул билан биргаликда Чўлпон шеърлари мағзини чақиб, бу шеърларнинг ҳам бадиий гўзаллигидан, ҳам кучли миллатпарварлик руҳидан ҳайратга тушди. “Маориф ва ўқитувчи” журналида эълон қилинган адабий ва публицистик асарларни ўқиб, теварак-атрофда рўй берадиган воқеа ва ҳодисаларга ўзгача нигоҳ билан қарай бошлади. Мулла Раҳмонкул ўзбек тилидаги журналлардан ташқари, Озарбайжонда нашр этилган “Маориф ва маданият” журналини, Ҳусайн Жовид ва бошқа озар ёзувчиларининг асарларини ҳам олиб турар экан. Сулаймон Азимов озар адабиёти орқали секин-аста турк ёзувчилари ижоди намуналари билан ҳам ошно бўлиб борди.

Сулаймон Амиров Қозонга ўқишига борганида Суннатилла Муқимов деган ҳамқишилогини учратиб, у билан яқиндан танишибди. Ўша ердаги Шарқ педагогика институтида таҳсил кўраётган бу талаба бир-икки кўйлакни ортиқ йиртгани ва Қозонга бир-икки йил аввал келиб ўқиётгани сабабли Сулаймон Амировга нисбатан кўп нарсани билар ва хаётга хушёр кўзлар билан назар ташларди. У Сулаймон Амиров билан бўлган учрашувларда унинг хаёлига келмаган бундай гапларни айтади: “Совет ҳукуматининг миллий республикаларда олиб бораётган сиёсати – хато сиёсат. Москвада миллион-миллион пуллар сарфланиб, ҳар йили қанчадан-қанча заводу

фабрикалар курилаётган бўлса, Ўзбекистонда кўзга чалинадиган бирорта ҳам ўзгариш йўқ. Ҳолбуки, Ўзбекистон бутун СССРни пахта билан таъминламокда...”

Бундай сўзлар, ўқилган китоблар Сулаймон Амировнинг дунёқарашини секин-аста ўзгартира бошлади.

Сулаймон Амиров ўқиган техникумнинг яқинида “Шарқ” кутубхонаси бўлиб, унда турк, ўзбек ва татар тилларида истаган китобни топиш мумкин эди. Сулаймон Амиров якшанба кунлари шу кутубхонага бориб, турк ёзувчилари асарларини ўқишига киришиди, замонавий ўзбек адабиётида қарийб бўлмаган ё ўзи сезмаган, аммо шу асарларда ўз ифодасини тоғган миллий руҳни, миллий мақсадни, миллий ғояни кўргандек бўлди.

Хуллас, у Самарқандга қайтиб, дастлаб мактабгача курсларда дарс берганида айрим ўқитувчиларнинг маҳаллий ёшлиарга истеҳзали муносабатини, академияда ўқий бошлаганида эса ректорнинг хўжалик бўйича ўринбосари Введенскийнинг маҳаллий талабаларга нисбатан ошкора шовинистик хатти-ҳаракатини кўрди ва миллий ғурури ҳақоратланганидан қаттиқ изтироб чекди.

Шу йилларда Самарқандца яшаётган бошқа ёшлар қатори, туркестонликларнинг ҳам ўз гап-гаштаклари бор эди. Сулаймон Амиров шундай “гап”ларда ўзини қийнаган масалаларни четлаб утолмади – Совет давлати миллий сиёсатининг нотўтри ўзанда кетаётгани, шовинизм шу сиёсатнинг таркибий кисми бўлиб бораётгани, Боту сингари ёш зиёлиларнинг бекордан-бекорга қамоқقا олингани ва шунга ўхшаш масалалар ҳақида сўзлайдиган бўлди.

“Тилим бор деб сўйлайверма, деворнинг ҳам қулоғи бор”, деган нақл шу йилларда пайдо бўлган бўлса ажаб эмас. Ҳар уч кишидан камида бирини ёллаган ГПУ-ОГПУ-НКВДнинг кулоклари Сулаймон Амиров сингари кишиларнинг ҳар бир сўзини тинглаб-эшишиб-қайд этиб борган, ўша замонларда. Уларнинг шўроларга қарши бирор ташкилот тузиши ва бу ташкилотнинг шўроларга қарши бирор хатти-ҳаракат қилиши шарт эмас, шундай фикрга, хаёлга борганликнинг ўзи ГПУ-ОГПУ-НКВД назарида оғир жиноят эди. Шунинг учун ҳам Сулаймон Амиров юкорида тилга олинган сафдошлари билан бирга 1932 йилнинг 9-12 август кунларида камоққа олинди.

Бу вактда у эндигина 25 ёшга қадам қўйган эди.

Ёш “жиноятчилар” Тошкентга этап килиб юборилгунларига қадар Самарқанддаги қамоқхонада сақланди. Шу ерда терговга

чакиришларини, кейин суд бўлишини кутиб ёғди. Унинг шу вактда қандай шароитда яшагани, қандай изтироблар қуюнида ўртангани ва қандай хаёлларга боргани ҳақида, эҳтимол, унинг мана бу сатрлари тасаввур берар, бизга:

...Аста-аста тарқалар маҳорканинг тутуни,
Тутун каби қолмади юрагимнинг бутуни.
Пага-пага тутунлар парчаланиб учадур,
Менинг қайгум кунбабуна лаҳад каби қучадур.

Қабр каби тор, қоронеу турмада
Неча ойлар ёлгиз ётиб турман.
Ўртоқларим – қандалалар ва жинлар,
Улар билан ёлгиз сўхбат қураман.

Қандалалар қизганмасдан туну кун
Оч танимдан суюқ қонимни ичар.
Қандаладек менга ёпишган ўлим,
Билмам, қай кун кафан-тўнимни бичар.

Жон аямас, деб ишонган дўстларим
Бир қарамай, қиё бокмай кетдилар.
Олдимдаги оқ кунларим тугалгач,
Қаро тунга мени қурбон этдилар.

Ёлгиз ўғлинг ёлгиз ётар турмада,
Кўзи ёшли, мунис онам, қайдасан?
Мени тузиб, роҳат юзин кўрмаган,
Бахти қаро, оқсоч онам, қайдасан?

Биламан, сен бир қоронигу қишилоқда
Қон-ёш тўкиб, юрак-базринг узасан.
Вайронада ёлгиз ўзинг инграбин,
Ҳар нафасда янги мотам тузасан...

Бир ўйноки қўзичоқдек Ойшажон,
Қаро қўзинг жиққа ёшга тўлдими?
Эсга тушсанг, кўзга тўлар қизил қон,
Ғунча юзинг очилмасдан сўлдими?

Ўртоқларинг роҳат-роҳат ухларкан,
Эрта саҳар туриб ўксиб йигларсан.
Қандай қилай, маъсум синглим, начора,
Беш-олти кун ёш жонингни тигларсан.

Оёғимдан оғир кишин узилса,
Елиб-югриб тезроқ сенга етарман.
Оқ қанотли сўзларингни эшишиб,
Учқун сочар кўзларингдан ўпарман...

1932 йилнинг октябрь ойида Самарқанддаги турманинг якка хонасида юрак қони билан битилган бу сатрлар факат Сулаймон Амиров қалбининг оҳу фарёдигина эмас, балки мудхиш йилларнинг тарихий хужжати ҳамdir.

Сулаймон Амиров жазо муддатини Тошкент ва Карагандадаги лагерларда ўтказиб, 1935 йилнинг ёз ойларида озодлик офтобини кўрди. Шундан кейин Самарқанд вилоятининг Жомбой, Булунғур ва Зомин туманларида мактабларда ўқитувчилик қилди. Аммо унинг сиёсий модда билан айбланиб, қамалиб чиқканини эшигтан одамлар ундан мумкин қадар узокрок юришга уринган бўлсалар, унинг пайига тушган хуфялар эса, аксинча, соя сингари унинг изидан бир қадам ҳам узилмадилар. Бунинг устига, “сиёсий идора” уни дамма-дам чакириб, тергаб, шубҳа остидаги бошқа кишиларнинг гап-сўзларини стказиб туришни талаб этди.

Хуллас, 1937 йил даҳшатлари бошланганида Сулаймон Амиров Самарқандда ортиқ яшаш ута хавфли эканлигини сезди ва Чимкент шаҳрига кўчиб бориб, ўша ердаги ўзбек педагогика билим юртида ўқитувчилик фаолиятини давом эттириди. Аммо бу ерда ҳам унга тинчлик беришмади. Сулаймон Амиров бу сафар Туркистон шаҳрига бориб, Сайдносир Миржалоловнинг ҳовлисида барпо этилган ўрта мактабда тил ва адабиётдан дарс берди.

1939-1940 йилларга келиб, “ички душман” тор-мор этилган мамлакатга ташки душман кўз олайтира бошилади. Қатағоннинг асов дарёси сокинлашгандек бўлди. Сулаймон Амиров педагогик билимини ошириш мақсадида Тошкентга келиб, ўқитувчilar малакасини ошириш курсларида ўқиди. 1941 йилнинг ёз ойларида эса армия сафига олиниб, Москва остоналаридаги қаҳшатгич жангларда оғир ярадор бўлди. Узоқ вақт госпиталларда даволанди. Сўнгра

1944 йилнинг апрель ойида ота юртига – Қарноқ қишлоғига уруш ногирони сифатида қайтиб келди. У 1968 йилга қадар шу ердаги мактабларнинг бирида ўзбек тили ва адабиётидан ташкари, рус тили ва адабиёти фанларидан ҳам дарс берди. Она тилидан бўлак яна олти-етти тилни билган Сулаймон Амиров Қарноқдан кўплаб юкори билимли, турли соҳалар бўйича истеъоддли кишиларнинг стишиб чикишига катта хисса кўшди.

Сулаймон Амиров 1969 йилнинг 21 январида юрак хасталиги туфайли вафот этди.

Сожида Носирова (1909-?)

Утган асрнинг 30-йилларида машҳур бўлган ўзбек хотин-қизлари орасида Сожида Носирова исмли аёл ҳам бўлган. 1909 йили Тошкентдаги маърифатли оиласаларнинг бирида дунёга келган бу ажойиб аёл тўғрисида мақола, ҳаттоқи хужжатли қисса ҳам эмас, балки роман ҳам ёзиш мумкин. Сожидахон мураккаб тарихий даврда туғилган ва шу даврнинг азоб-уқубатлари билан ўргакланган аёллардан. Аммо шунга карамай, у даврнинг гирдобли оқимини енгиб ўтиб, ўзининг фидойилиги билан тенгдошлари ва ватандоллари ҳаётига бир тутам нур олиб киришга, улар юкини енгил килишга уриниб яшади.

Умри узоқ йиллар давомида совет давлатининг қамоқхона ва лагерларида ўтган шарқшунос олим Лазиз Азиззода Сожида Носировани яхши билган кишилардан бўлиб, у ҳақда бундай ғаройиб хотира сўзларини ёзиб қолдирган: “Совет ҳокимияти янги ташкил топган кунларда Хадрадаги “Намуна” мактабига тасодифан кириб қолдим. Бу мактаб бошқа ўкув юргларига қараганды анчагина кўркам парта, стол, стуллар билан бир мунча жиҳозланган эди. Муаллим ҳали дарсга киргунча йўқ экан, партада ўтирган болаларга кўзимнинг кирини ташладим. Негадир ҳали ўзбеклар ичида одат бўлмаган бир нарсани кўрдим: ўғил болалар ичида ўн бир ёшлилар чамасида кўзи чақнаб турган бир кизча ўғил бола кийимини кийиб ўтирас эди. Бу холга ҳайрон бўлиб турганимда менга таниш бўлган ўқитувчи кириб келди. У билан сурошиб бўлғач, таажжу бимни сўзладим. Муаллим менга эркакча кийинган қизни ўқувчи ларнинг тиришқоқ ва хуш зеҳниларидан Сожида Носировадир, деди.

Қизнинг қайси оиласдан эканини яхши билганим учун менда дарров муайян фикр ҳосил бўлди-да, Сожиданинг эркаклар кийимини кийиб олганининг сабабини тушуниб олдим. Носирова-нинг оиласи инкилобдан олдин тараққийпарвар ва маълумотли эканлигини Тошкент маърифатпарварлари яхши биладилар. Бу оила азоларининг ҳаммаси бир ёқадан бош чиқариб, маданиятга интилганлари ҳолда Сожиданинг катта акаси Шўрчи масжидининг имоми Абдулла ака ҳар бир янгиликка, замонавий маорифга тиш-тироғи билан қарши турад эди...

Юқоридаги сатрларда тилга олинган Абдулла ака нафакат Сожидани, балки унинг опаси, келинойиси ва ҳатто онасини ҳам дўзах азоблари билан қўркитавериб, улардан паранжига үралиб юришин қатъий талаб килган. Катта ўғлининг бемаъни дўқ-пўпичаларини эшитавериб кулоги яғир бўлган она бир куни Сожидани чакириб, унга бундай деган: “Қизим, билиб турибман, ҳозир паранжи ёпинишнинг вақти эмас. Агар паранжи ёпинишни истамасанг, майли, ёпинма. Аммо ўғил болалар билан бир мактабда ўқимоқчи бўлсанг, ўғил болача кийин! Биз, бечора асллар, баъзан шундай қилиб яшашга мажбур бўлганимиз. Бошқа чора йўқ”.

Сожида онасининг шу гапига амал қўлган ҳолда ўғил болалар кийимини кийиб, “Намуна” мактабида ўқий бошлади. Аммо она топиб берган ҳийлаи шаръий ҳам иш бермади. Бир томондан, Сожида мактабга бораётган ва ундан қайтиб келаётган пайтда масжид олдида тўпланган мутаассиб кишилар унга ва унинг отонаси шаънига маломат тошларини ёғдирган бўлсалтар, Абдулла ака бадтар авжга чиккан: “Бирорнинг хасми бўлган киз болани ўғил болалар орасига қўшиб қўйиш гуноҳи азим бўлади. Буни Оллоҳ бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам асло кечирмайди!”

Шу вактда Сожиданинг “отин келинойи” номи билан машхур бўлган опаси Робиа Тошкентнинг ўқчи маҳалласида очилган хотин-қизлар билим юртига директор этиб тайинланган эди. Синглиснинг оғир вазиятда қолганини қўрган Робиа Носирова уни билим юртининг тайёрлов бўлимига қабул қилиб, ўзини билим юртининг ётоқхонасига жойлаштиради.

Үйи ва маҳалла-қўйидаги латтачайпар кишилар дастидан кутулган Сожида завқ-шавқ билан ўқишига киришади. Аммо ўзининг гўё Оллоҳ олдидаги “бурчи”ни унутмаган акаси ҳамон тинчланмайди. У Сожидани “дўппи билан урса йиқилмайди”ган бўлиб қол-

гани, энди “камсомон болалар” орасида бузилиб кетиши мумкинлигини каромат қилиб, тошкентлик бойлардан бири – Худойкулдан келаётган совчиларнинг раъйини қайтармасликни талаб қиласди. Боши узра тўпланаётган булутдан дарак топган Сожида Москвада Акмал Икромов, Давлат Ризаев, Мирмуҳсин Шермуҳамедов сингари бўлажак давлат ва маданият арбоблари билан таҳсил кўраётган акасига “дод” деб хат ёзди. Акаси Асад Носиров ёр-дўстларининг маслаҳати билан Тошкентга келиб, синглиснини яширин равиша Москвага олиб кетади. Сожида рус тилини Асад ака ёрдамида қунт билан ўрганиб, Калинин номидаги ишчилар факультетига ўқишига киради. Афсуслар бўлсинки, 1924-1925 ўкув йилининг биринчи чорагини тугатиш арафасида у оғир хасталикка чалиниб, врачлар маслаҳати билан она бағридек иссик шаҳрига қайтиб келишга ва ўқишини шу ерда давом эттиришга мажбур бўлади.

Бирок масаланинг чигал томони шунда эдики, у Тошкентда Абдулла акаси билан бир хонадонда, уни бадном этган ғаламис кимсалар билан эса бир маҳаллада яшashi лозим эди. Сожида Тошкентга кетиши арафасида, унинг баҳтига, Москвага республика оқсоқоли келади ва воқеадан хабар топиб, Тошкентдаги “Советлар уйи”дан Сожида учун бир хона ажратиш ҳақида хат ёзиб беради.

Хуллас, Сожида 1929 йили ишчилар факультетини муваффакият билан тугатиб, Ўрта Осиё Давлат университети қошидаги ўшлар ижроия бюросида бир неча йил хизмат қиласди. Лекин доимо олга интилиб яшаган қизнинг ўрта маълумот билан чекланиб қолиши кийин эди. У 1932 йили Ўғит ва агротупроқшунослик илмий тадкиқот институти Ўрта Осиё бўлимининг агрокимё факультетига ўқишига киради. Айни пайтда Янгийўлдаги З-“Қовунчи” совхозида агротехник (1932, март-июнь), Ўрта Осиё олий қишлоқ хўжалик мактабида асистент (1932, декабрь – 1933, июль), Халқ Комиссарлари Кенгашида қишлоқ хўжалиги сектори мудири (1933, июлдан) лавозимларида ишлайди. У қолган ҳаётини пахтачиликни ривожлантириш ишига бағишлиб, кечани-кеча, кундузни кундуз демай меҳнат қиласди.

Сожида шу йилларда таниқли журналист, “Ер юзи” журналининг масъуль котиби Аъзам Аюбга турмушга чиқиб, баҳти ҳаёт кечира бошлайди. Аъзам Аюб яшаш маъносини ижодий ишда курган, тошкентлик ўта маданий зиёлилардан бўлиб, рафиқасининг халқ ва ватан олдидаги бурчини ўташига катта шароит яратиб бер-

ган эди. Аммо 1937 йилнинг қора бўрони увлаб келганида, уни ҳам ўз қуюнига ўраб олиб кетади. Бу мудҳиш воеа ўша йилнинг 15 октябрида содир бўлади. Кўп ўтмай, “халк душмани”нинг аксилини-килобий фаодияти тўғрисида тегишли идораларга хабар берманганликда, бинобарин, эрининг советларга қарши аксилинки-лобий ишларига шерик бўлганликда айбланиб, Сожида Носирова-нинг ўзи ҳам қамоққа олинади. Ота-онаси қамоққа ташланган, уй-жойи тортиб олинган кизалоги сарсон-саргардонликда қолади. Сожиданинг ўзи эса бу ёргу дунёда қамоқ деган дўзаҳнинг борлигини, бу дўзаҳда инсон зотини азоблаш ва таҳқирлашнинг минг бир хил усули мавжудлигини ўз қўзи билан кўриб, ўз бадани билан сезади. Бир ярим йил давом этган қамоқ азоблари унинг қолган бугун умрини заҳарлаб ташлайди.

Нихоят, 1939 йилда айбсиз эканлиги исботланиб, озодликка чиқади. Аммо эри отиб ташланган, хўрланган ва таҳқирланган Сожидани ҳеч қаерга ишга олишмайди. У елиб-югуриб, Калинин туманидаги машина-трактор станциясига участка агрономи бўлиб ишга киради. 1937-1938 йилларда рўй берган даҳшатлар натижасида нафақат энг яхши мутахассислар кирилган, балки далалар ҳам ишдан чиқсан эди. Қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаш самарасиз эканини кўрган Сожида Носирова Тошкент Тиббиёт институтига ўқишига кириб, янги ихтисосликни эгаллайди. У ўқиши жараёнида ўзига хос характерини кўрсатгани учун, ҳали ўқишини тугатмай турибок янги очилган Республика трахоматозлик касалхонасига бош врач этиб тайинланади. У 1947 йилга қадар шу ерда ишлаб, касалхонани оёққа қўяди. Сожида Носированинг ташкилотчилик қобилиятини яхши билган кишилар уни Қишлоқ хўжалиги вазирлигига чақириб оладилар. У нафақага чиққунига қадар мазкур вазирликда халол хизмат қиласди.

У кейинчалик қаерда хизмат килган бўлмасин, қамоқхонада рўй берган воқеалар ҳақида бирор кимсага чурқ этмаган. Фақат унунтимас машъум воқеалар худди даҳшатли туш каби ёдига келганида, оқ соchlари ҳам тўкилиб, юрагида янги чандиқлар пайдо бўлиб турган, холос.

Юнус Латиф (1910-1941)

Юнус Латиф 1910 йилда Тошкентнинг Эски шаҳаридаги Хонобод маҳалласида тижоратчи оиласида дунёга келган. Унинг отаси белига меҳр ва муруват камарини маҳкам боғлаган, ёшларга панд-насиҳат бериб, уларни ҳидоят йўлидан етаклаган киши бўлганлиги туфайли маҳалла аҳли ўртасида катта обрў-эътибор қозонган эди. У фарзандларини ҳам нафакат одобли ва меҳр-муҳаббатли, балки янги тарихий даврнинг илғор кишилари қилиб ҳам тарбиялашга уринган.

Юнусхон 1917 йилнинг октябрь ойида Фузулий номидаги бошланғич мактабга ўқишига кириб, уни 1922 йили тутатган. Сўнgra ўқишини Навоий (кейинчалик Наримонов) номидаги таълим ва тарбия техникумida давом эттирган. 1933 йили техникумни муваффақият билан тутатиб, Тошкент педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетига ўқишига кирган ҳамда уни 1938 йилда битириб, олий маълумотли ўқитувчи деган шаҳодатномани олган.

Маълумки, шуро давлати 20-йиллардан бошлаб бойларнинг мол-мулкларини тортиб олиш билангина кифояланиб қолмай, уларнинг ўзларини ҳам сиқиқка ола бошлаган. “Йўқсиллар давлати”нинг бу гайриинсоний сиёсати Латиповлар оиласини ҳам четлаб ўтмади. Унинг отаси мол-мулкини давлатга топширганига қарамай, доимий тазиик ва таъқиб остида қолди. Шу боис Юнусхон таълим ва тарбия техникумини тутатиши билан ишлашга мажбур бўлди. У 1938 йилгача, яъни педагогика институтида таҳсил олган даврида ҳам, ўрта ва олий ўқув юргларида тил ва адабиёт фанларидан дарс бериб, отасини кундалик рўзғор ташвишларидан фориғ қилди. Юнусхон худди шу даврда ўрта мактаблар учун замонавий дарслек ва мажмуналарнинг етишмастганини, мавжудлари эса йилдан-йилга ўсиб бораётган талабга жавоб бера олмаётганини кўриб, ўзининг адабиёт муаллими сифатидаги вазифаларини белгилаб олди. Кейинчалик у танқидчи ва адабиётшунос сифатида муайян тажриба ҳосил қилгач, Юсуф Султон билан бирга ўрта мактабларнинг 10-синфи учун “Адабиёт дарслиги” ва “Ҳозирги замон адабиёти” мажмуасини нашрга тайёрлади. 1938 йили илк бор босмадан чиқсан бу китоблар 1941 йилга қадар уч марта нашр этилди.

Шу даврда қалам тебратга бошлаган Юнус Латиф сингари ёш шоир ва адабиётшунослар учун адабиёт мўъжизалар олами эди.

Улар шу мұжизалар оламига дахлдор бұлғанларидан үзларини бағтли хисоблаб, адабий жарайнда фаол иштирок этишга ҳаракат қылғанлар. Юнус Латиф үқитувчилік фаолияти билангина чегараланиб қолмай, шеърият билан ҳам, адабий тәнқид ва адабиётшунослық илми билан ҳам шуғулдана бошлади. У 1925 йилдан бошлаб газета ва журналларда “Бу кунги шеъриятимиз ва “Шуылалар күйнида” (Миртемирнинг шу номдаги тұплами ҳақида), “Янги адабиёт атрофида” (1928), “Рамакијон”, “Ойдин” (Жаъфар Жабборлининг драмаси ҳақида), “Хандон лолалар” (А.Мажидийнинг шу номдаги асари ҳақида), “Янги адабий вазифалар ҳақида” (1929), “Болалар адабиёти ҳақида” (1931), “Зафар Диёрнинг ижоди ҳақида”, “Улуг ёзуви ва устоз”, “Оташин санъаткор” (М.Горький ҳақида), “Муқимиң ҳақида” “Навоий афоризмлари”, “Генрих Гейне”, “Фольклорда ёшлар” (1938), “Дохий шоир, буюк гуманист” (Навоий ҳақида), “Навоий”, “Тарас Григорьевич Шевченко”, “Махбуб ул-кулуб” ҳақида”, “В.В.Маяковский”, “Анна Каренина”, “Бахшининг янги асари”, “Хотирадардан” (Коста Хетагуров ҳақида), “Тарихий спрэвкалар” (Торобий, Форобий, Ибн Сино, Улугбек, Бобур, Турди, Гулханий, Нодира ва Фурқат ҳақида) (1939), “Уч шоир” (Мунис, Огахий, Аваз), “Алишер Навоийга багишланган виставка” (1940), “Аёл ёзувларимиз” (Зебуннисо, Нодира, Махзұна, Нозикхон, Ойдин, Зулфия, Раъно Узокова, Офтобхон Холботирова, Сайёра, Оқиловалар ҳақида), “Сади Искандарий” достони, “Хамса” (1941) сингари 50 дан зиёд адабий-тәнқидий мақолаларни зылон қылди. Шу кичик рўйхатнинг ўзиёқ Юнус Латифнинг билим ва қизиқиши доираси кенг мунаққидгина эмас, балки 30-йиллар ўзбек тәнқидчилиги ва адабиётшуносли-гининг пешқадам намояндадаридан бири бўлганидан шаҳодат беради.

Юнус Латиф 1936 йилда машҳур осетин шоири Коста Хетагуровнинг юбилейи муносабати билан Грузияга борди. У Кавказ сафаридан олган таассурлари асосида “От қиз” эртак-достонини яратди. 1939 йилда “Салом, меҳрибон” шеърлар тұпламини нағир этди. 1940 йили эса “Қора күз ойим” достонини ёзды. Шоирнинг “Салом, меҳрибон” шеърлар тұпламини варақлар эканмиз, Кавказдан ташкари, Сибирь кенгликларига қылған сафари натижасида туғилған ҳис-түйғулари, лирик кечинмалари билан ҳам танишамиз. Чунончи, унинг Новосибирск йўлида ёзилган “Ҳаммамиз ҳам бир одам” деб номланган шеъри бундай мисралар билан бошланган эди:

*Ватаним кенг... Мен құзгалдым пахтазоримдан,
Поезд учар – деразамдан шұх шамол келур.
Икки ёним күкаlamзор, ұтлар әгилур,
Диёр гүзәл ота-она, фарзанд, ёримдан.*

*Мен чиққан ер кенг ватанинг бир учи, дүстлар,
Яна узоқ бир четини саир этмоқчиман.
Илхомимнинг таржимонин саиратмоқчиман,
Чунки, мен бу юртда ошиқ – севгучи, дүстлар...*

Бу сатрлар шоир шеърларидағи лирик қаҳрамоннинг юрагида мөхр ва мұхабbat түйғулари жүш урган, Ватанинг ҳар бир гүшасини бориб күриш, янги-янги кишилар билан учрашиш иштиёқи билан яшаган, ҳаётта ташна күз билан бокувчи Инсон бўлганидан шаҳодат беради. Бу лирик қаҳрамон образида майин табиатли, ҳаммага яхшилик қилиш истаги билан яшаган, муаллимлик сўзи, шоирлик, журналистлик ва тәнқидчилик қалами билан ҳалққа хизмат қилишга тайёр Юнус Латифнинг айни ўзини кўриш кийин эмас.

У 40-йилларнинг бошларида Тошкент транспорт институти кошидаги адабиёт тўғарагига раҳбарлик қилган. Ўша йилларда ўтра мактабни тутатган, математика сингари аник фанларга үкуви бўлган ёшлардан бири мазкур институтта ўқишига кириб, адабиётта бўлган қизиқиши туфайли Юнус Латифнинг тўғарагига ҳам қатнаша бошлаган. Бу тўғарак машғулотларида иштирок этиб, Юнус Латифдек латиф инсон ва шоир билан мулоқот унинг кейинги ҳаётини тамомила ўзгартириб юборди. У устози гаъсирида транспорт инженерларини тайёрлайдиган институттни тарқ этиб, ўқишини Тошкент педагогика институтига кўчирди ва таниқли шоир бўлиб улғайди. Бу йигитнинг исми Ўзбекистон ҳалқ шоири Шухратдир!!

Алишер Навоийнинг 500 йиллик юбилейига тайёрларлик ишларни авж олган 30-йилларда шоир ва адабиётшунос олим Юнус Латиф зиммасига улуғ шоирнинг ўлмас асарларидан бири – “Махбуб ул-кулуб”ни нашрға тайёрлаш вазифаси тупди.

Юнус Латиф 1939 йили Навоийнинг “Махбуб ул-кулуб” асарини нашрға тайёрлаганидан сұнг буюк шоирнинг “Сади Искандарий” достонини тадқиқ этиб, нашрға тайёрлашга киришди. Орада Иккинчи жаҳон уруши бошланиб, матбуот ходимлари ҳарбий

хизматга олингач, газета чиқарувчи кишилар сийраклашиб қолди. Шундай кунларнинг бирида у ҳозирги “Ўзбекистон овози” газетаси мұҳаррирининг таклифи билан шу газетага адабий ходим бўлиб ишга ўтди. ‘Аммо Юнус Латиф 1941 йилнинг куз ойларида Сулаймон Азимов бошчилигидаги аксилиңқилобий ташкилотнинг аъзоси деган соҳта айб билан қамоққа олинди ва 1942 йил 5 сентябрда отиб ташланди.

Эндиғина 32 ёшга тўлган шоир ва танқидчининг ҳаёти шу зайлда фожиали тугади. Шуро давлати бу мудҳиҳ воқеадан аввал унинг акаси Юсуф Латифни ҳам маҳв этган эди. “Халқ душмани” сифатида отилган икки аканинг ука ва сингиллари, яқин қариндан-уруглари ҳам қатағон даврининг аччик тузини тотиб яшадилар.

* * *

Юқорида “Катта қирғин” йилларида қатағон қилинган илм-фан ва маданият ходимларидан 21 нафари ҳақида сўз юритдик. Абдулла Кодирий, Фитрат, Чўлон сингари буюк ёзувчилар, Худойберган Девонов, Наби Фаниев, Сулаймон Хўжаев сингари кино санъати, Кори Ёкубов сингари вокал санъати даргалари ҳалқимизга яхши маълум бўлгани учун уларнинг ўзбек маданияти олдидаги хизматларини қайд этишга эҳтиёж сезмадик. Лекин, умид қиласизки, шу 21 нафар илм-фан ва маданият вакиллари ҳақида берилган маълумотларнинг ўзиёқ шу соҳаларда хизмат қилган жабрдийдаларнинг XX асрда шаклланган ва ривожланган ўзбек адабиёти, санъати, фани, таълими ва матбуоти тараққиётида тутган ўринлари тўғрисида муайян тасаввур беради. Бинобарин, Кодирий ва Чўлонлар билан бирга уларнинг, шунингдек, уларга сафдош ва елкадош бўлган зиёлиларнинг ҳам йўқ қилиб юборилиши ўзбек ҳалқи фани, маорифи ва маданиятига фавқулодда катта зарар келтирган. “Катта қирғин” натижасида ўзбек фани, маорифи ва маданияти маълум вақтгача ривожланишда тўхтаб қолган.

4-боб. ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА БОЛАЛАРНИ ҚАТАҒОН ҚИЛИШ КОМПАНИЯСИ

ВКП(б) МК Сиёсий бюросининг 1937 йил 2 июлда қабул қилган «Аксилшўровий унсурлар тўғрисида»ги карори «Катта қирғин»нинг мислсиз даражада кенг кўлам касб этишига сабаб бўлди. Шу қарор асосида тайёрланган НКВДнинг 00447 раками шошилинч буйруғига кўра, камида 800 минг киши қамоққа олилиши ва улардан қарийб ярми отиб ташланиши режалаштирилган эди. Ежов 3 июлда НКВДнинг маҳаллий бошқармаларига собиқ «кулоқлар»ни ҳисобга олиш ҳақидаги телеграмма билан бирга 2 та фармойишни ҳам юборган. Фармойишларнинг бирида СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси томонидан қоралангандан шахсларнинг оиласари ни сургун қилишни вактинча тўхтатиб туриш лозимлиги айтилган эди. «Бу оиласар, – дейилган эди фармойишда, – яқин вақт ичидаги маҳсус лагерларга юборилади».

НКВД бошқармаларига юборилган иккичи фармойишда эса: «1934 йил 1 декабрдан кейин Олий суд Ҳарбий коллегияси томонидан биринчи, иккинчи ва учинчи категориялар бўйича қоралангандан шахсларнинг ижтимоий хавфли оиласари рўйхатини шу йилнинг ўнинчи июлига қадар юборинг», деган сўзлар ёзилган эди. Шу фармойишга кўра, НКВДнинг маҳаллий бошқармалари рўйхатда: 1) оила бошлигининг исм-шарифи ва қайси категория бўйича қораланганини; 2) қоралангандан шахс оила аъзоларининг исм-шарифлари, ёши, қаерда ва қандай лавозимда ишлашлари ёки қайси ўкув юргида ўқишиларини қайд қилиши лозим эди. Фармойишда айтилишича, оила таркибига ота, она, ака-укалар ва опа-сингиллар кирган бўлиб, улар яқин вақт ичидаги маҳсус лагерларга қамоққа юборилиши зарур эди⁹.

Шу куни Москвадан НКВДнинг Ғарбий Сибирь ўлкасида бошқармаси бошлиғи Мироновга ва Қозогистон ички ишлар ҳалқ комиссари Залинга шифрограмма юборилади. ГУЛАГ бошлиғи М.Берман томонидан имзоланган телеграммада бундай дейилган эди: «Яқин вақт ичидаги отиб ташланган троцкийчилар ва «ўнглар»дан – аксари хотин-қизлар ва бир қисми чоллардан иборат – таҳ-

⁹ Қаранг: Любянка. Стalin и Главное управление НКВД. М., 2004. – С. 273-281. НКВДнинг шу йиллардаги фаолиятига оид бошқа маълумотлар ҳам шу манбадан олиниди.

минан 6–7 минг киши қамокка олиниб, алоҳида кучайтирилган режим шароитида сакданиши лозим. Улар билан бирга мактабгача ёшдаги болалар ҳам бўлади. Бу контингентларни ушлаб туриш учун тахминаң ҳар бири уч минг кишига мўлжалланган, қаттиқ режимли, қочиш имкониятини бермайдиган кучайтирилган муҳофаза (фақат эркин ёлланган кишилардан иборат), албатта, тиканли сим ёки девор билан ўралган... иккита концлагерларни ташкил этиш зарур... Нарим ва Қозоғистонда ҳар бири уч минг кишига мўлжалланган концлагерларни ташкил этиш масаласини зудлик билан ҳал килишни тавсия этаман. Жавоб, албатта, еттинчи июлдан кечикмаслиги лозим».

Қораланган кишилар оила аъзоларининг қатағон гирдобига тортилишига доир бу ҳужжатлар етарли бўлмаганидек, Сиёсий бюро 5 июлда яна бир қарор қабул қилган. Беш моддадан иборат бу қарорга биноан барча «Ватан хоинлари» – «ўнг троцкийчи жосуслик-диверсия ташкилотлари» аъзоларининг хотинлари қамокка олиниб, Нарим ўлкаси ва Қозоғистоннинг Тўргай туманидаги маҳсус лагерларга камида –8 йилга юборилиши, уларнинг 15 ёшгача бўлган етим болалари эса болалар уйлари ва ёпик интернатларга жойлаштирилиши лозим эди.

Шундай қилиб, 1937 йил июнь ойининг ўрталаридан бошлаб манглайига «халқ душмани» тамғаси босилган кишиларнинг оила аъзолари, биринчи навбатда, хотинлари қамокка, болалари эса қамоқлаштирилган болалар уйларига олина бошлади. Жорий этилган тартибга кўра, 1 ёшдан 3 ёшга бўлган болалар онаси билан бирга лагерларга, 3 ёшдан 15 ёшгача бўялган болаларнинг аксари бошқа республикалардаги болалар уйлари ва ёпик интернатларга юборилди. Агар бир ота-онанинг 3 та боласи бўлса, улар тақсимланиб, учта шаҳардаги болалар уйларига юборилиши ва ота-оналарини ҳам, aka-укаларию опа-сингилларини ҳам унугиб юбориши лозим эди.

Шу йилларда собиқ иттифоқ бўйича, жумладан, Узбекистондан «Ватан хоини»нинг хотини сифатида айбланган қанча аёллар ва қанча болаларнинг қамокка олингани аниқ эмас. Бу муҳим масала билан шу вақтгача на бирорта тарихчи, на бирорта журналист шуғулланмаган.

Аммо 1938 йил 5 октябрдаги ёзишмалардан маълум бўлишича, НКВДнинг 00486 рақамли буйруғи асосида, тахминан 18 мингдан

зиёд аёллар қамокка олинган¹⁰. Ежовнинг ҳали «болалар операцияси» бошланмасдан аввал Сталинга берган ахборотномасидан аён бўлишича, биринчи категория бўйича 5000 га яқин болалар болалар уйлари ва ёпик интернатларга жойлаштирилажаги мўлжалланган. «Болаларни жойлаштиришни шундай амалга оширишни ўйляпмизки, – деб ёзган эди у, – бир шаҳарлик бир неча ота-онанинг қариндошлиқ ёки таниш-билишлик иплари билан боғланган болалари битта болалар уйига тушиб қолмаслиги керак».

НКВД бопқармалари катта ёшдаги кишиларни қамоққа олиш «норма»сини бир неча баравар ошириб бажаргандаридек, болаларни оиласдан ажратиб олиш «норма»сини бажаришда ҳам ўзларининг «ташаббускорлик»ларини яна бир бор намойиш этдилар. Ежов 1937 йил 27 ноябрда СССР Халқ Комиссарлари Совети раиси Молотовга қуидаги хат билан мурожаат қилди: «ВКП(б) МК қарорини (Сиёсий бюронинг 5 июлдаги қарори назарда тутилмоқда – Н.К.) бажариш операцияси бошланган кундан шу йилнинг 20 ноябрягача Москва ва ССР Иттифоқи бўйича қатағон қилинган ота-оналарнинг 5 862 та боласи Маориф Халқ Комиссарлиги қошидаги болалар уйларига жойлаштирилди. Жойлаштирилиши мўлжалланган болалар сони (5000) ошди. Операция охирига қадар яна 10000 га яқин болани жойлаштирамиз».

СССР ХКС Ежовнинг шу хати асосида 1937 йил 19 декабрдаги қарори билан РСФСР, Украина, Белоруссия ва Қозоғистон Маориф халқ комиссарликларига қарашли болалар уйларида 10000 кишилик ўринларни ҳозирлашни буюрди. Аммо бу қўшимча 10000 кишилик ўрин ҳам етмай қолди. Оиласида ажратиб олинган 17 минг 355 бола учун яна 5000 кишилик жой ҳозирланди. А.Рогинский ва А.Даниэль берган маълумотга караганда, 1939 йил 29 январда СССРдаги болалар уйлари ва ёпик интернатларда 25 минг 342 бола бўлган¹².

Шундай қилиб, 1937-1938 йилларда ота-онаси отиб ташланган ёки қамокка олинган 25 мингдан зиёд етим бола оиласи ва яқин қариндошлири бағридан юлиб олиниб, болалар уйлари ва ёпик интернатларга олиб бориб ташланди. Улар ота-она меҳрини кўрмай, тирик қолган ота-оналари эса лагерь ва қамоқхоналардаги жисмо-

¹⁰ Рогинский А., Даниэль А. Аресту подлежат жены / Узнины «АЛЖИРА». – М., 2003. – С. 22.

¹¹ Кўрсатилган маңба.

¹² Кўрсатилган маңба. – Б. 24.

ний азоб-уқубат ва ҳақоратлар етмаганидек, болалари тақдирини ҳам билмай, руҳий азоб ичида, кўз ёшларини дарё янглиғ оқизиб яшадилар.

2011 йилда «Шаҳидлар хотираси» жамоат фонди (ўша пайтда - хайрия жамғармаси)нинг ташаббуси билан қатағон этилган хотин-қизларга бағишлиланган «Қор қўйнида лолалар» очерклар тўплами нашр этилди. Тўпламдан ўрин олган очеркларда совет жаҳаннамида азоб-уқубат чеккан 25 нафар аёлнинг даҳшатли тақдири ҳикоя қилинган. Бу 25 нафар аёлдан ташқари, яна биз билмаган ўнлаб аёллар ҳам борки, улар ҳам 1937-1938 йиллар тегирмонида оиласлари билан мажағланиб ташланган. Республика НКВДсига Россиядан ва бошқа жойлардан кўчириб келтирилган, одамлик киёфасини ўқотган назоратчилар ҳам, терговчилар ҳам бу аёлларни истаганларича қийнаб, истаганларича зўрлашган. Шунинг учун жаҳаннамадан тирик қайтган бирорта аёл НКВД камоқхонасида ва лагерларда бошидан кечирган даҳшатли кунларни ҳеч кимга айтмай, бу разијадунё билан видолашганлар. Ўзбекистон Халқ Комиссарлар Совети раиси Абдулла Каримовнинг хотини Антонина Каримова, таникли журналист Собира Ходорова сингари аёлларнинг шу ерда руҳий хасталикка чалингандари тасодифий эмас.

Тожикистон республикаси ташкил этилганидан сўнг қардош юргуга ишга юборилган фарғоналиклар орасида Ўринбой Ашурев ҳам бўлган. У Тожикистон КП(б) МКнинг биринчи котиби бўлиб ишлаб юрган кезларида қатағон қиличи ишга тушиб, унинг Фарғона шаҳрида яшаган хотини Кимёхон Ашурева ҳам камоққа олинган. Шу аёлнинг қизи Динара Ашуррова томонидан ёзиб олинган хотираада бундай даҳшатли сўзларни ўқиймиз:

«Бир куни, қишининг узун тунларида эримнинг ёрдамчиси Ананьев келиб қолди. Мен эримдан хушхабар келтирибди ёки унинг ёнига олиб боради, деб ўйлаб, машинасига 10 ойлик қизчам Клара билан чиқиб олибман. Ахир унинг ташрифи юрагимнинг тубида тутаб ётган умид учқунларини аллангалатиб юборган эди-да. Афсуски, у қамоқхонага етиб келганимизда боламни кўлимдан юлқиб олди-да, мени ичкарига киритиб юборди. У ёғига нима содир бўлганини эслай олмайман. Фақат темир панжараларларга чирмашиб йиғлаганларим, «болам»лаб фарёд урганларим, Ананьевни бор овозим билан карғаганларим ёдимда қолган...

...Орадан икки ярим йил ўтди. Шунча муддат мен қизларимнинг хаёли билан яшадим. Уларни бир марта кўрсам, дийдорларига тўйсам, кейин, майли, ўлсан-да, армоним йўқ, дер эдим. Бир куни қамокка янги бир аёл келди. У тўсатдан:

- Ўринбой Ашуревнинг хотини ким? – деб сўради.

Унга тикилиб туриб, юрагим «шиғ» этиб кетди. У эса бамайли хотир сўзларди:

- Қизингнинг исми Кларамиди? У болалар уйида ўлиб қолиди!!!

Бундан азоблирок, мудҳишроқ ҳабар борми она учун?!.

Кўз олдимни зулмат коплади гўё. Кўрган тушларимни эсладим...

Кларамни дадаси олиб кетмоқда эди. Мен уни чақирадим: «Кетма, қизим, кетмагин, онангни ташлаб кетма! Ахир эмизикли эдинг-ку!! Кара, қўксимга сутларим тўлиб кетди!!!

Ўзимни қўлга олиб, бир оздан сўнг эримни, қизларимни суриштира бошладим. Чор атрофдан совук ҳабарлар келарди: «Ўринбой отувга ҳукм қилинган», «Халқ душманларининг фарзандлари учун алоҳида етимхона очилган», «Қизларинг ўша ерда»!!!

Аёл жоним бундай зулм, ҳўрликларни кўравериб метин тошга айланди. Бизни Красноярск ўлкасига жазо муддатини ўташга юборишиди...¹³

(Агар 60–70-йилларда тарихчилар ва журналистлар вилоятлардаги шундай фожиаларни бошидан кечирган аёллар тақдири билан қизиққанларида, бизда ҳам «ГУЛАГ аёллари», «ГУЛАГ болалари» деган китоблар яратилиб, тарихимизнинг энг даҳшатли сахифалари ёритилиб қолган бўларди...)

Агар аксар оиласлардан фақат оила бошлиғи билан унинг рафиқаси қатағон гирдобига тортилган бўлса, Файзула Хўжаев оиласига мансуб 18 нафар аёл ва болалар қатағон тегирмонига ташланган. Бу фавқулодда ҳодиса тушунарли бўлиши учун айтиш лозимки, 1935 йилда Файзула Хўжаевнинг укаси Ибод Хўжаев ўзини ўзи отганидан сўнг, унинг икки хотини билан болалари Халқ Комиссарлар Советининг раисининг қарамоғига ўтишган. Мана, улар рўйхати:

1. Хўжаева Райхон – Файзула Хўжаевнинг онаси, 54 ёшда.

¹³ Аиурова Кимёхон. Мулкиш хотиралардан бир лавҳа / Тарихнинг номаълум сахифалари. III китоб. – Тошкент, 2012. – Б. 267-268.

2. Хўжаева Ҳамида – Файзулла Хўжаевнинг ўгай онаси, 52 ёшда.

3. Хўжаева Малика – Файзулла Хўжаевнинг хотини, 34 ёшда.

4. Петрова Фатина Михайловна – Файзулла Хўжаевнинг иккинчи хотини, 1910 йили Оренбургда туғилган.

5. Хўжаева Вилоят – Файзулла Хўжаевнинг қизи, 16 ёшида, 9-синф ўкувчиси.

6. Хўжаев Робия – Файзулла Хўжаевнинг синглиси, 42 ёшда.

7. Бозоров Ҳамроқул – Файзулла Хўжаевнинг асраб олган ўғли, 23 ёшда, қишлоқ хўжалиги институти талабаси.

8. Хўжаева Муслима – Файзулла Хўжаевнинг асраб олган қизи, 12 ёшда.

9. Хўжаева Амина – Ибод Хўжаевнинг хотини, 32 ёшда.

10. Хўжаев Ориф – Ибод Хўжаевнинг ўғли, 16 ёшида, 7-синф ўкувчиси.

11. Хўжаев Бўри – Ибод Хўжаевнинг ўғли, 9 ёшда, 2-синф ўкувчиси.

12. Хўжаев Эрик – Ибод Хўжаевнинг ўғли, 7 ёшда, мактабга бормаган.

13. Хўжаева Мұхтарам – Ибод Хўжаевнинг қизи, 12 ёшда, 4-синф ўкувчиси.

14. Хўжаева Маҳбуба – Ибод Хўжаевнинг қизи, 10 ёшда, 2-синф ўкувчиси.

Бу рўйхатга Робия Хўжаеванинг (унинг эри ҳам қамалган) Мунира, Моҳира ва Муслима (асраб олган) деган қизлари ва Ибод Хўжаевнинг 4 яшар Алик (Нодир) деган ўғли кирмай қолган. Она ва оталари камалгандаридан кейин улар ҳам болалар уйига юборилган.

Файзулла Хўжаевнинг онаси ва хотинларидан бири лагерларда вафот этишди. Мудхиш замон атоқли давлат арбобининг бошқа қариндош-уругларини ҳам хазон янглиғ учириб-тўздириб юборди.

"Отамнинг бошига ёғилган ноҳақлик ва адолатсизлик тошлари, – деб ёзган эди Вилоят Хўжаева, – бизнинг оиласиз: катта онам Райхон Сайдмурод қизи, онам Малика Мухаммаджон қизи, аммам Робия Убайдулла қизи ва бошка яқин қариндошларимизнинг бошиларини ёрди...

...Онам Малика Мухаммаджон қизи меҳрибон, муnis, ёрига вафодор, оддий дехқон қизи эди. У сиёсатга унчалик аралашмаса

ҳам, кундалик ҳаёт воқсаларидан акл-идрок билан хulosса чиқара оладиган окила, одила, доно аёл эдилар. Ҳаётни севар, чеварликни қадрлар эдилар. Онамнинг ҳикоя қилишларича, мен дунёга келгач, менга исм кўйишда отам билан торгишиб қолган эканлар. Онам менга "Жамила" исмини қўймоқчи бўлганлар. Отам: "Йўқ, қизимнинг отини "Вилоят" кўямиз. У амир зулмидан озод ва баҳтиёр яшаётган Бухоро вилоятининг энг баҳтиёр фарзанди бўлсин", деб, отимни "Вилоят" деб атаган эканлар. Минг афсуслар бўлсинки, тақдир мени – Бухоронинг "баҳтли фарзанди"ни энг баҳти қаролар гўшасига улоқтириб юборди. Онам 1953 йилда даҳшатли Сибирдаги аёллар баракида ўз кўлимда жон бердилар. Онаизоримнинг нозик танаси гўру кафансиз Сибирнинг кор бўронлари остида қолиб кетди...

..."Сибирнинг даҳшатли совукларида оғиз очолмай, шамдек қотиб ўлгандан кўра, ўз юртингнинг жазирама иссиғида, майли, ташна холда, мажолисиз бўлса ҳам, мусаффо осмону фалакни кўриб жон берганинг минг бора афзал", деган сўзларни менга ўлим олдидан меҳрибон онам айтган эдилар. Меҳрибон онамнинг совукдан юзларидан қотиб қолган ёш томчиларини кўлум билан силар эканман, бошимдан бу машъум кунларни ёғдирган бемеҳр, одамхўр жаллодларни ич-ичимдан инграб лаънатлар эдим. "Уларни ер ютсиз", дер эдим. Онам Сибирь қамоғида, ўлим олдидан титрок кўлларини чузиб, очлиқдан, мажолисизликдан хиралангандар кўзларини менга тикиб: «Мен ўлсан ҳам, сен ўлмай, она юртим Бухорога бориб, юртинг фарзандлари кўлида жон берсанг, мен ўзимни баҳтиёр хис этган бўлардим, болам», дер эдилар...

...Бошқа гапларни айтишга онамнинг мажоли етмади. У даҳшатта тушган одамдек, кўзларини катта-катта очди-да, бирдан жон таслим этди¹⁴.

Совет мустабид давлати Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнаши ўлида фидойиларча хизмат қилган Инсоннинг онаси ва бошқа яқин қариндошлари тақдирини шу тарзда мажаклаб ташлади.

Сталин шахсига куллук қилиш фожиалари фош этилиб, совет давлатининг катагончилик сиёсати қоралангач, СССРниш турли шаҳарларидаги етимхоналарда яшаган болалар ва неваралар бир-бirlарини кидиришга, тақдирлари номаълум бўлган оналарини,

¹⁴ Хўжагва Вилоят. Ота-онам ҳақидаги хотираларим / Тарихнинг номаълум сахифалари. Биринчи китоб. – Тошкент, 2009. – Б. 213.

бошка кариндош-урұғларини ахтаришга туцдилар. Уларнинг архивларда сакланыётган шу ҳақдаги хатларини изтиробсиз, күз ёшларисиз үкіб бұлмайды.

Шу хатлардан бирида улар эшигтан бундай маълумот бор: «Бувимиз лагерга юборилған ва үша ерда күр бўлиб вафот этган экан.

Биз Тошкентта келганимизда, отамиз (Ибод Хўжаев назарда тутилмоқда – *H.K.*) қабрини портлатиб юборганинни айтиб берришди.

Биз на таълим олиш, на бирор уйда яшап имкониятига эга бўлдик. 1966 йили мусодара этилган мол-мулкимиз учун мен билан синглимга Тошкентда 500 сўмдан пул беришди . Иккимиздан биримиз 50 сўм ҳажмида нафака оляпмиз. Иккимиз ҳам ҳозир нафарқадамиш».

Ҳамида Хўжаеванинг қизлари Маҳбуба ва Мұхтараманинг хаётига оид шундай сўзларни Файзулла Хўжаевнинг бошқа неваралари ҳам айтган бўлишлари мумкин.

1937-1938 йиллардаги «Катта қирғин» даврида Сталин рахбарлик қилган давлат халқнинг бошига шундай бало тошларини ёғдириб, уларни Сибирь конлари ва ўрмонларида ишлайдиган кулларга айлантируди. Бундай оғир ишларга ярамайдиган, мажолсиз кишиларни эса кириб ташлади.

5-боб. ҚАТАФОН ҚУРБОНЛАРИНИ БАДНОМ ЭТИШ ВА ЛАЪНАТЛАШ КОМПАНИЯСИ

Сиёсий ёки жиноий ишларни амалга оширган кишилар ҳамма даврлар ва ҳамма мамлакатларда қилган жиноятларига яраша жазоланиб келинган. Жиноятчининг жазоланиши нафакат у келгусида килиши мумкин бўлган жиноятларнинг рўй бермасли-гини маълум дараражада кафолатлаган бўлса, жамиятнинг бошқа аъзолари учун ибрат бўлиб хизмат қилган.

Агар совет давригача давлат машинаси фақат жинояти исботланган кишиларни жазолаб келган бўлса, совет мустабид давлати 1937-1938 йиллардаги «Катта қирғин» даврида давлатта нисбатан мутлақо жиноят қилмаган кишиларни ҳам жавобарликка тортиб, уларни оммавий равишда қириб ташлади. Ваҳоланки, шу йилларда отиб ташланган ёки 8 –10 йиллик қамоқ жаозосига хукм қилинган кишиларнинг аксари бир замонлар «Миллий иттиҳод» сингари ташкилотларга, кадетлар ёки эсерлар партиясига аъзо бўлганликлари, ҳатто шундай ташкилот ва партияларнинг аъзолари билан яқин алоқада бўлганликлари сабабли айблангандар. «Катта қирғин» йилларида, шу тарзда, юз минглаб кишиларга шундай сохта «айблар» кўйилиб, улар ё отиб ташланган, ёки совет мамлакатининг «борса келмас» ўлкаларидағи лагерларга юборил-ган. Совет давлати шу билангина қаноатланиб қолмай, айбланувчиларнинг хотинлари, ака-укалари, фарзандлари, бошқа яқин кариндошларини ҳам қатагон гирдобига ташлаган. Янада даҳшатлиси шундаки, бегуноҳ кишиларни қамоқча олиш, қийнаш, хўрлаш, отиб ташлаш билангина чекланиб қолмай, уларни умумхалқ ва умуммамлакат миқёсида бадном этиш ва лаънатлаш компаниясини ҳам ташкил этган ва бошқарib турган.

1938 йил март ойининг бошларида Москвадаги «ўнг троцкийчи блок» аъзолари устидан намунали суд жараёни бошлианди. Ҳали айбланувчиларга қўйилган айб ўз исботини топмай туриб, бу сиёсий компаниянинг ташкилотчиси ВКП(б) Марказий Комитети Сиёсий бюроси ва шахсан Сталиннинг кўрсатмаси билан «Правда» газетасининг 6 март сонида «Халқнинг ашаддий душманлари» деган бош мақола эълон қилинди. Бу мақолани үша тарихий-мағкуравий шароитда үқиган кишилар Бухарин, Риков, Зеленский сингари айбланувчиларнинг акл бовар қилмайдиган жиноятларни амалга оширганига чиппа-чин ишониши ҳеч гап эмас эди. «Прав-

да» газетаси ҳали суд жараёни тугамай ва айбланувчиларнинг айблари тасдиқланмай, уларни «фашизмнинг конхўр кўппаклари», «троц-кйчи-бухаринчи бандитлар», «фашизм жосуслари», «газандалар» сингари сўз ва иборалар билан ҳақоратлаган, халқда уларга нисбатан нафрат ва газаб оловининг гурулаб ёниши учун замин яратган. Газетанинг шу сони ҳали дунё юзини кўрмай туриб, совет матбуоти тегишли идораларнинг кўрсатмаси билан айбланувчиларни бутун иттифоқ миқёсида бадном этиш ва лаънатлаш компаниясини бошлаб юборди.

5 март куни Тошкентдаги Ворошилов номли кишлок хўжалиги машинасозлиги заводи ишчилари номидан ташкил этилган «Фашист жосуси Хўжаев Олий Судга ҳамма нарсани айтмади» сарлавҳали хат телеграф оркали «Правда» газетасига юборилди ва газетанинг 6 март сонида босиб чикарилди. 50 ишчи томонидан имзоланган шу шармандали хатда, жумладан, бундай тұхмат ва ҳақорат сўzlари ёзилган эди:

«Унг троцкийчи блок»дан чиқсан фашист газандаларининг жиноятлари чексиз-чегарасизdir. Манфур халқ сотқинлари Бухарин, Риков, Ягода ва бошқалар миллатчи-фашистлар Икромов ва Хўжаев билан биргаликда бизнинг гуллаётган Ўзбекистон республикамизни буюк Совет Иттифокидан ажратиб олишга тайёргарлик кўришди, бизнинг баҳтиёр Ўзбекистонимизда капиталистлар ва бойлар ҳокимиyитини тиклашни келишиб олишди...

...Биз, кишлок хўжалиги машинасозлиги заводи ишчилари, бу жирканч фашист газандаси (Ф.Хўжаев назарда тутилмоқда – Н.К.) нинг жиноятлар рўйхатини тўлдирамиз. Хўжаевнинг топшириғига биноан, Икромовнинг топшириғига биноан, бир гурӯх зааркунандалар заводимизга 4 марта ўт қўйишга уринишли. Хўжаев ва Икромовнинг кўрсатмасига биноан, хавопуркаш машинасида авария содир этилиб, заводимизнинг пўлат куювчи цехи бир неча кун ишламай, тўхтаб қолди. Уларнинг топшириғига биноан, пахтачиликни механизациялаш учун зарур машиналарни чиқариш мuddати бузилди. Фашистларнинг малайлари Хўжаев ва Икромовлар заводанинг мунтазам равишда ишсиз қолишини ташкил этишди.

Газандалар янгишди. Улар қўлга тушди. Аммо улар судда ҳам муноғиқлик қилишмоқда. Биз, Тошкент кишлок хўжалигини механизациялаш заводи ишчилари, сотқинларни шарм-ҳаё устунинг осамиз.

Биз пролетар судидан барча ватан хоинларини отиб ташлашни талаб қиласиз».

Шу йилларда жорий этилган тартибга кўра, республикадаги барча ташкилот ва корхоналар Тошкент қишлоқ хўжалигини механизациялаш заводи ишчиларининг бу «ташаббус»ини қўллаб-куватлашлари лозим эди. 6 март куни 1-Тошкент пахта тозалаш заводининг кечки сменасида шошилинч равишда митинг ўтказилиб, унинг тегишли ташкилотлар томонидан тайёрланиб қўйилган қарори телеграф оркали «Правда» газетасига юборилди ва «литер»-ли материал сифатида газетанинг 7 март сонидаёк босиб чиқарилди. Бу қарорда Узбекистоннинг собиқ раҳбарларига «разилдан ҳам разил Иудалар» деган тамға ёпиширилиб, улар 1935 йилнинг серёгин кузида пахта пунктларига нам пахта топширилган-лиқда ва бошқа шунга ўхшаш жиноятларда айбланган эдилар.

Ўша кунларда республиканинг барча вилоят, шаҳар ва туманларидағи завод ва фабрикалар, колхоз ва совхозлар, олий ва ўрта ўкув юргуларида намойишлар ўтказилиб, куни кеча номлари қўшиқларда тараннум этилган Файзулла Хўжаев ва Акмал Икромовлар шаънига лаънат тошлари отилди. Газеталар «Газанда-ларни янчидан ташлаймиз!», «Ватан хоинларига, қонхўр итларга ўлим!» каби рукнлардаги «Фашист итлар ниятларига ҳеч вақт ета олмайди», «Газандалар қириб ташлансан!», «Милтиқларимизни доим тайёр сақлаймиз», «Душман таслим бўлмаса, уни янчидан ташлайдилар», «Хўжаев ва Икромов заводларда зааркунандалик қилдилар», «Қутурган итларга ўлим!» «Душманларни охиригача фош қиласиз», «Хоинларга олий жазо талаб қиласиз», «Қутурган итнинг жазоси – отиб ўлдириш», «Олий суд бутун ҳалқнинг таъбини ижро килур», «Сталин ва Ежов ўртоқларга шарафлар бўлсан», «Ўртоқ Ежов – бизнинг фахримиз» сингари сарлавҳали мақола ва хабарлар билан тўлиб тошди.

Орадан кўп ўтмай, мамлакатда душман излаш васвасаси авж олиб, газеталар Акмал Икромов ва Файзулла Хўжаевларнинг «думлари» – таниқли партия ва давлат, фан, адабиёт ва санъат арбоблари, саноат ва қишлоқ хўжалиги, соғликни саклаш ва транспорт ходимларини фош этувчи мақолалари билан тўлиб тошди.

Ўша йил июль ойининг бошларида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг пленуми ўтказилиб, унда «кекса авлод»га мансуб ёзувчилар ижоди «қора кўзойнак» оша кўриб чиқилди. «Кизил

«Ўзбекистон» газетасининг 1937 йил 14 июль сонидан жой олган «Ўзбекистон Совет ёзувчилар союзи пленумининг якунлари» деб номланган мақолада шу йиғилишда айтилган гапларнинг «қаймөғи» газетхонларга, жумладан, бундай тақдим қилинди:

«Чўлпоннинг илгарилари ҳам ўз ижодида ва кундалик ҳаётида миллатчи эканлиги маълум. Уни тузатиш, унга қайта қурилиш учун ёрдам бериш ниятида адабий соҳада ишлаш учун шароит түғдирилган. Бироқ Чўлпон шу шароитдан қайта қурилиш, совет ёзувчиси бўлиш учун эмас, балки ўзининг миллатчилигини давом қилдириш ва кучайтириш учун фойдаланишга уриниб келмоқда...

...Якинда Самарқандда бўлиб ўтган олимлар қурултойи вақтида Чўлпон Самарқандга бориб, бир ғайрирасмий ўтиришда «Туш» деган аксилинқилобий шеърини ўқиб берган. Чўлпон бу шеърда советлар юртини хонавайронликда деб кўрсатади... Союз раҳбарларида синфий хушёrlикнинг йўклиги ёзувчилар ўртасида ва ҳатто раҳбарлик органида аксилинқилобчи Сўфизоданинг ўрин олиб келишигача бориб етган. Сўфизода Намангандга аксилинқилобий фаолият билан шугулланганини, бизга ёт, ҳалқ душмани эканлигини у билан алоқада бўлган, Намангандга борганда унинг уйида бир неча кунлаб турган Абдулла Қодирий ва Faфур Ғуломлар ҳам сезмаганлар.

Пленумда Абдулла Қодирийнинг сўзи ҳеч кимни қониқтирмади. Ундан олдин ва кейин чиқиб сўзлаганлар Қодирийнинг ҳали ҳам совет позициясига ўтиб, совет ёзувчиси бўла олмаганини айтидилар...

«Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1937 йил 14 сентябрь сонида босилган «Ҳалқ душманларини илдизлари билан қўпориб ташлайлик» деган мақола муаллифи эса XX аср бошларида қалам тебратган, лекин қатафон ўроғи ишга тушган 1937 йилда ҳаёт бўлмаган Мирмуҳсин Шермуҳамедов шаънига бундай номуносиб сўзларни айтишга журъат этди:

«...Тошкентда Мирмуҳсин номига театр ва бир маҳалла кўйилган: хўш, Мирмуҳсин ким эди?

Мирмуҳсин – жадидларнинг энг кўзга кўринганларидан бири эди. У Октябрь инқилобининг душмани, пессимист (умидсиз), майший жиҳатдан бузилган, хулиган бир киши эди. Афуски, унинг чўнтағида партия билети бор эди.

Мирмуҳсин аксилинқилобчи миллатчи Мунаввар қори, Гози Юнус ва бошқа ифлослар билан пантуркизм, панисломизм ғояла-

рини таркатувчи бир аксилинқилобчи эди. Мирмуҳсин пантуркистлар ташкилотининг ёрдами билан Оренбургдаги миллатчилар тайёрлайтурғон «Хусайния» макабида илм олган...»

1937 йилдаги газетхон шу сўзларни ўқиб, ҳайрон қолган бўлса ажаб эмас: мақола муаллифи 1934 йилда вафот этган таникли жадид маърифатпарварини «оқ қалтак – кўк қалтак» қилган эди. Аммо мақолани ўқишида давом этар эканмиз, муаллифнинг мақсади кундек равшан бўлади. Унинг мақсади Мирмуҳсиннинг ўша кунларда барҳаёт бўлган қаламкаш бирордларини коралаш, уларнинг ҳам худди Мирмуҳсинга ўхшаш «Октябрь инқилобининг душмани», «пантуркизм, панисломизм ғояларини таркатувчи бир аксилинқилобчи», «пессимист», «майший жиҳатдан бузилган», «хулиган» киши эканликларини айтиш эди. У давом этиб, ёзган: «Мирмуҳсин ўлганда, ҳалқ душмани, миллатчи Зиё Сайднинг бошлиғиги остида Абдулла Қодирий, Сўфизода, Чўлпон, Гози Юнус, Аъзам Аюб, Ўгай, Элбек ва шуларга якин бўлганлар биргалашиб, шу муносабат билан ўз мағкураларини тарқатиш учун фойдаланганлар. Мирмуҳсинни оммага танитиш учун ўзларини ва совет матбуотини 10–15 кунлаб сафарбар қилдилар. Мирмуҳсин мотамини шундай уюштиридиларки, ҳатто Ленин ўлганда ҳам газета ва журналлар бунчалик сафарбарликка олинмаган эди».

Шу йилларда Ўзбекистонда ўзбек ва рус тилларида чоп этилган барча газеталарда миллатчилиги ва аксилинқилобчилиги фош этилмаган бирорта кўзга кўринган ёзувчи, журналист, олим, санъаткор, педагог қолмаган, десак хато бўлмайди.

Шу нарса ҳайратланарлики, шу мақолаларда тилган олинган кишиларнинг бирортаси қатағон бўронидан четда қолмаган.

Оммавий намойишларда катнашиб, Акмал Икромов ва Файзулла Хўжаевнинг жиной ишлари тўғрисида бирор тасаввuri бўлмаган нотиқларнинг жазавага тушиб айтилган нутқларини эшитган, газеталардаги жирканч хабар ва мақолаларни ўқиган аксар кишилар бу нутқ ва мақолаларнинг қора тұхматдан иборат эканлигини ўйлаб ҳам кўришмади. Совет давлати барпо этилган кундан бошлаб шу вактгача бўлган муддатда ҳалқнинг жонини олиб, уни тилсиз, юраксиз, иродасиз оммага айлантириб улгурган эди.

«Ўнг троцкийчи блок» қатнашчиларига қарши уюштирилган компания совет давлати қатағон сиёсатининг 1937 йилдаги дебочаси эди. Орадан кўп ўтмай, А.Икромов ва Ф.Хўжаевнинг «думлар»и сифатида барча партия ва давлат арабблари, улар билан

изма-из барча маориф ва маданият ходимлари – таниқли ёзувчилар, журналистлар, олимлар, ўқитувчилар ва бошқалар қамоққа олина бошлади. Энди газеталар шу «халқ душманлари»ни, «аксилинки-лобчилар», «миллатчилар», «социал хавфли унсурлар»ни фош қилишга жон-жаҳд билан кириши. «Душманни битта ҳам қолдирмай фош қиласиз», «Ҳамза театрида душман найранглари», «Совет ёзувчилари қаторларини душман унсурлардан тозалаймиз», «Охиригача фош этиш», «Халқ душманларига шафқат йўқ ва бўлмайди», «Тил ва адабиёт институтига ким раҳбарлик қилди?», «Халқ душманларига совет матбуотида ўрин йўқ», «Миллатчиларнинг ҳомийлари», «Халқ душманларини илдизлари билан қўпориб ташлаймиз» деган мақолалар эълон қилиниши билан уларда тилга олинган шахслар зудлик билан қамоққа олинди. Матбуот шу йиллардаги қатағон компаниясида НКВДнинг кудратли куролига айланди.

Шу йилларда совет давлатининг мафкуравий ахборот машинаси халқ оммасини заҳарлаш, унда қатағон даврининг бегуноҳ курбонларига нисбатан ғазаб ва нафрат туйғуларини уйғотишига катта куч сарфлади. Асл ҳақиқатни билмаган омманинг аксар қисми шу машина тарқатган ахборотга ишониб, «халқ душманлари»га чин дилдан лаънат ўқиди, уларнинг оила аъзолари ва фарзандларига нафрат кўзи қиласан қараб, улар билан ҳар қандай алоқа иппарини узди. «Халқ душманлари»нинг оила аъзолари хизмат қилаётган жойларидан, фарзандлари эса ўрта ва олий ўқув юртларидан ҳайдалди. Уларнинг йирик шаҳарлардан чет жойларга кўчириб юборилган оиласи ҳам ижтимоий сиқувда – изоляцияда яшашга мажбур этилди. Қатағон курбонларини бадном этиш ва лаънатлаш компанияси улар оила аъзоларининг ҳаётларини ҳам заҳарлади.

Шу йилларда республиканинг нафақат марказий, балки шаҳар ва туман газеталарига муҳаррирлик қилган, адабий ходим бўлиб ишлаган халол кишиларга осон бўлмади.

«Худди ана шу кезларда, – деган эди 1937 йил бошларида «Қизил Ўзбекистон» газетасига муҳаррир этиб тайинланган журналист ва ношир Абдулла Ўразаев, – журналистларнинг аҳволи жуда мураккаб бўлган. Уларнинг бутун ихтиёри НКВД ходимлари қўлида эди. Бирон мулоҳазали мақола ёзиш амри маҳол. Улар берган материалларни босамиз ва айтган сўзига ишонамиз. Кўпинча «халқ душманлари»ни фош қилувчи мақолалар Марказий Комитет орқали келарди. Албатта, уларни Ички ишлар халқ комиссарлиги ходимлари тайёрлаб беришарди. Уларни ўз вактида босмасдан

илож йўқ. Зудлик билан эълон қилиб, “хушёrlик” кўrsatiш билан бирга «халқ душманлари»га ён босмаёттанимизни ҳам англишиш даркор. Жойлардан ҳам шу мавзудаги мақолалар келиб турарди. Одатда биз уларни текшириш учун Марказий Комитетга юборардик.

Шундай кунлар бўлардики, рўзноманинг бир сонини камида 2-3 марта қайта тайёрлашга тўғри келарди. Кундузи саҳифалаб, уни босишга ҳозирлик пайтида мақолаларда номи тилга олинган бирор шахс бирдан «халқ душмани»га айланиб қоларди. Ўз-ўзидан уни олиб ташлаш даркор. Яна ишни янгидан бошлаб, энди ҳихоясига етказамиз, деганда, яна бирор кор-ҳол юз берарди-ю, бутун хизматимиз чиппакка чиқарди. Хуллас, тонгтacha янги саҳифани тайёрлашга мажбурмиз. Иш жараённида бошимизда НКВД ходимлари булишарди. Уларнинг рухсатисиз чоп этишига мутлақо ҳаккимиз йўқ. Зоро, бу қоидани бузган мухбирнинг ҳолига маймунлар йиғларди»¹⁵.

А.Ўразаевнинг бу сўзлари 1937-1938 йиллар матбуоти тамомида НКВД ихтиёрида булғанлигини тасдиқлади. Демак, айтиш мумкинки, митинг ва намойишларда ўқилган нутклар ва қарорлар матни НКВД органларида тайёрланганидек, газеталарга Марказий Комитет орқали келган мақолалар ҳам НКВД ходимлари «ижод»ининг маҳсули бўлган. Кекса журналистнинг ҳамкасбла-рини назарда тутиб: «Уларнинг бутун ихтиёри НКВД ходимлари қўлида эди. Бирон мулоҳазали мақола ёзиш амри маҳол. Улар берган материалларни босамиз...», деган сўзлари кўп нарсага ойдинлик киритади.

Шундай қилиб, совет давлати «Катта кирғин» йилларида НКВД органлари ёрдамида юз минглаб кишиларни қириб кон қақшатди. Шу билангина қаноатланиб қолмай, халқ оммасида қатағон курбонлари ва уларнинг оила аъзоларига нисбатан ўта нафратли муносабатни шакллантирди, инсоният тарихида биринчи бўлиб бегуноҳ жабрдийдаларни оммавий равища бадном этиш ва лаънатлаш тажрибасини бошлаб берди.

Бу ҳол мазлум халқ оммасининг парчаланиб, икки кисмга – жабрдийдалар ва уларга нафрат билан қаровчилар деган икки сунъий ижтимоий лагерга ажралишига сабаб бўлди.

¹⁵ Кўчирма қўйидаги манбадан олинди: Усмонов Ислом. Қатағон курбонлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992. – Б. 20.

6-боб. СОВЕТ ДАВЛАТИНИНГ МИЛЛИЙ КАДРЛАРНИ ВА, УМУМАН, МИЛЛИЙ ХАЛҚЛАРНИ ҚАТАГОН ҚИЛИШИ ВА БУНДАН КУЗАТГАН МАҚСАДИ

«Катта қирғин» йилларида Ўзбекистондан қатағон қилинган давлат ва партия, фан ва маориф, адабиёт ва санъат, саноат ва қишлоқ ҳұжалиги, соғыкни сақлаш ва транспорт ходимларининг миллий таркибига назар ташлаган киши НКВД органларининг назари биринчи навбатда миллий кадрларга қаратылганини сезмаслиги мүмкін эмас. Бу фақат миллий республикалардаги НКВД раҳбарларининг истак-хөхиши билангина эмас, балки, аввало, миллий кадрлар ва, умуман, миллий халқларнинг садоқатига ишонмаган совет давлати раҳбарларининг олдиндан белгилаган режаси асо-сида амалта оширилган.

Шу нарса ажабланарлықи, ЎзКП(б) МК биринчи котиби Акмал Икромов қамоққа олиниши арафасида Сталин ва Молотов 1937 йил 9 июнда Тошкенттеги, унинг номига шифрограмма йўллаб, ундан НКВД «учлиги»даги ўзининг ўрнига бошқа бирор кишини номздонин кўрсатишни тавсия қилишган. Сўнгги кунлари яқинлашиб қолганидан бехабар А.Икромов ўзининг ўрнига «учлик»ка Абдулла Каримовни тавсия этган. Аммо Сталин ва Молотов навбатдаги шифротелеграмма билан Каримов «Файзулла Хўжаевнинг аксилшўровий гурӯҳи» аъзоси эканлигини айтиб, унинг номздонин рад этишган ва ҳатто у эгаллаб турган Халқ Комиссарлар Совети раиси ўринбосари лавозимига бошқа «ишончли номзод»ни қўйиш вазифасини топширишган. Москвадаги архив ҳужжатларидан маълум бўлишича, А.Икромов қамоққа олинганидан сўнг Москва унинг ўрнига ЎзКП(б) МК котиблитига тавсия қилинган Болтабоевнинг номздонин ҳам рад этиб, Тўрабековнинг номздонин маъкул кўрган. Лекин 37-йил бўрони кўтарилганда, А.Икромов ва Ф.Хўжаев билан бирга бу номлари тилга олинган кишиларнинг барчаси отиб ташланаб, ЎзКП(б) МК котиби лавозимига Усмон Юсупов тасдиқланган.

Шу нарса яна ҳам ажабланарлықи, У.Юсупов номзоди Москва тасдиғидан ўтиб, у республика партия ташкилотига раҳбарлик кила бошлаган дастлабки кунлардаёк ЎзССР НКВД бошлигининг буйруғи билан У.Юсуповнинг ҳаёти ва фаолиятини мунтазам равища кузатиш ва уни бадном этувчи материалларни тўплаш операцияси ишлаб чиқилган. Бу факт шундан далолат берадики, У.Юсупов совет давлатининг Ўзбекистондаги манфаатлари фойдасига қандай

садоқат билан хизмат қилмасин, вақти келиб, унга ҳам «халқ душмани» деган айб қўйилиб, отиб ташланиши реал келажак эди. (Гарчанд Сталин У.Юсуповни хуш кўриб қолган бўлса-да, унинг ўрнига КПСС биринчи котиби лавозимини эгаллаган Хрушчев 60-йилларда уни раҳбарлик лавозимларидан озод қилиб, Тошкент вилятидаги энг хароб совет хўжалигига раис қилиб юборган.)

Совет давлатининг энг олий органларига ким раҳбарлик қилган бўлмасин, у миллий республикалар ва уларнинг раҳбарларига мутлако ишонмаган ва уларга калондимоғлик билан қараган. Совет давлатининг энг сўнгги раҳбарларидан бири Андроповнинг ташаббуси билан КПСС МК пленумида Москва белгилаб берган чизикдан бир қадам ҳам четга чиқмаган ЎзКП МК биринчи котиби Шароф Рашидовнинг ҳатто вафотидан кейин «давлат жиноятчиси» деб эълон қилиниши юкорида баён қилинган фикрларнинг тұғрилигини тұла тасдиқлайды.

Ағусуски, ўзбек тарихчилари шу вақтгача Акмал Икромов ва Файзулла Хўжаев оила аъзоларининг қатағон йилларида кириб ташланганлыги масаласи билан қизиқмай келадилар. Ҳолбуки, бу масала ҳам Екатеринбургда Романовлар сулоласининг вахшиёна отиб ташланишидан кам фожиа эмас. Хорижда эълон қилинган маълумотларга қараганда, қатағон йилларида бу ҳар иккала оила бошқаларга қараганда, айниқса, катта талофат кўрган.

«Советлар, – деб ёзилган хорижда нашр қилинган журналларнинг бирида, – Акмал Икромни отиб, йўқ қылганларидан сўнг, унинг туғишиларни, уруғ-аймоқлари устидан кирғин бошладилар. Бошлаб унинг акаси Тошкент Октябрь район ижроқуми раиси Карим кори Икром қамоққа олинди. Ундан сўнг унинг укаси, Фарғона педагогика институтининг ўқитувчиси Усмонхон Икром, Тошкент касалхонасида ишловчи укаси Нўъмонхон Икром, Андижонда ишловчи инженер укаси Юсуфхон Икром қамоққа олинди... Ниҳоят, Акмал Икромнинг амакиси – маҳалла имоми Қосим кори Икром, совет хизматчиси Мамараим Икром, Ҳошим кори Икромлар ҳам 1942 илда НКВД томонидан қамоққа олиниб, булар ҳам йўқ бўлиб кетдилар. Сўнгра навбат буларнинг болачақаларига келди. Акмал Икромнинг 14 яшар ўғли Анвар билан Карим кори Икромнинг 13 яшар ўғли Аминтойни эса Ички Русиянинг қандайдир бир ерига сургун қилиб юбордилар»¹⁶.

¹⁶ "Миллий Туркестон", 1950 йил, 65-сон. – Б. 31-32.

Хорижий муаллифнинг бу сўзларидаги айрим фактлар нотуғри бўлиши мумкин. Зеро, даврнинг турли силсилаарини бошидан кечирган муаллифнинг баъзи бир фактларни ҳам исмларни ҳам чалкаштириб юбориши ҳеч гап эмас. Аммо шу билан бирга А.Икромов сулоласининг совет давлати даҳшатларини бошидан кечирган аъзолари рўйхати шу билангина тугамайди. А.Икромовнинг кейинчалик Ўзбекистон халқ ёзувчиси унвони билан тақдирланган ўғли Комил Икромов ҳам «ажал тегирмони»дан омон чиккан. 1947-1948 йилларда педагогика институтини тугатиб, Тошкент мактабларида ўқитувчилик қила бошлаган жияни Муршида Икромова эса кўп ўтмай, шаҳардан 40 км четта чиқариб юборилган.

Шундай қилиб, совет давлати 1937-1938 йилларда дастлаб партия ва давлат идораларининг турли эшелонларидаги барча раҳбар кадрларни, сўнgra уларнинг оила аъзолари, яқин қариндошлари, хизматдошлари, ёр-дўстларини қамоққа олди. Айни пайтда халқнинг ор-номуси ва қалб садоси бўлган зиёлилар «армия»си қатағон этилди. Манглайига «қулоқ» тамғаси босилган бойлар ва ўрта ҳол дехқонлар билан бирга руҳонийларни ҳам синф сифатида тугатиш операциялари ўтказилди.

Юқорида кўриб чиқилган масалалар, баён қилинган фикр ва мулоҳазалар асосида 1937-1938 йиллардаги «Катта қирғин»нинг Ўзбекистон республикаси саноати, қишлоқ хўжалиги, транспорти, соғлиқни сақлаш тизимиға ҳамда ўзбек халқининг маориф ва маданияти тараққиётiga келтирган заарлари ва ФОЖИАЛИ ОҚИБАТЛАРИ, асосан, куйидагилардан иборат.

КАТТА ҚИРҒИННИНГ ФОЖИАЛИ ОҚИБАТЛАРИ

(Хулоса ўрнида)

Қатағон даврининг хорижий тарихчилари берган маълумотга қараганда, “Катта қирғин” йилларида жами 6 миллион киши ҳибсга олинган, шундан 3 миллиони отиб ташланган, 2 миллион кишининг хоки эса лагерларда қолиб кетган. Эҳтимол, шу йилларда қатағон тегирмонида мажакланиб ташланган кишилар сони бундан кўпроқ ёки озроқдир. Аммо шу нарса аниқки, кишилик жамияти тарихида бошқа бирор давлат ўз халқини совет давлатидек шафқатсизлик билан ва муайян режа асосида, яна бутун умри давомида кириб келмаган.

Шу нарса даҳшатлики, В.Ежовнинг 1937 йил 30 июль санали буйругига кўра, СССР ҳудудларида яшаган 259 минг 450 кишини қамоққа олиш ва шулардан 72 минг 950 кишини отиш режалаштирилган бир вақтда, Москва берган имкониятдан фойдаланиб, НКВДнинг республика, вилоят ва шаҳар бўлимлари қамаш ва отиш “норма”ларини кўпайтириш ҳақидаги таклифлар билан чиқдилар. 1937 йил 28 августдан 15 декабрга қадар бўлган муддатда ВКП(б) Сиёсий бюроси отишга ҳукм қилинувчилар сонини 22 500 нафарга, қамоққа олинувчилар сонини эса 16 минг 800 нафарга кўпайтириш ҳақидаги таклифни тўла маъкуллаган. Хуллас, дастлаб 1937 йилнинг 4 ойида амалга оширилиши мўлжалланган қирғин операцияси 1 йилдан ортиқ давом этиб, яна 200 минг кишининг бошини еган.

Бу даҳшатли қатағон компаниясининг бошида шахсан ВКП(б) МКнинг биринчи котиби Сталин ва у раҳбарлик қилган Сиёсий бюро турди. Шу йилларда Сиёсий бюро кошида суд ишлари бўйича маҳсус комиссия тузилган бўлиб, таркибида ички ишлар халқ комиссари В.Ежов ҳам бўлган бу комиссия Сталин ва Сиёсий бюро аъзоларига кўл қўйдириш учун 383 та рўйхатни тақдим килган. Жами 44 минг нафар давлат, партия, фан ва маданият арబоблари ҳамда турли соҳа вакилларининг исм-шарифлари ва жазо турлари қайд этилган бу рўйхатларнинг 362 тасида шахсан Сталиннинг, 373 тасида Молотовнинг, 195 тасида Ворошиловнинг, 191 тасида Кагановичнинг, 177 тасида Ждановнинг, 62 тасида Микояннинг имзолари мавжуд. (Хрушчев имзолаган рўйхатлар эса у Совет давлатига раҳбарлик қилган йилларда куйдириб ташланган.)

Сўнгти йилларда шу нарса аниқ бўлдики, фақат 1937-1938 йиллардаги “Катта қирғин” вақтида НКВД органлари томонидан 1 миллион 575 минг киши қамоққа олинган; 1 миллион 345 минг киши жазоланиб, олис ва совуқ ўлкалардаги лагерларга юборилган, шулардан 681 минг 692 киши отиб ташланган. Афсуски, шу йилларда Ўзбекистон бўйича қанча кишининг қамоққа олингани, қанча кишининг жазолангани ва қанча кишининг отиб ташлангани тўғрисида аниқ маълумот йўқ.

Юқорида келтирилган рақамлар “Катта қирғин” даврида СССРда яшаган халкларнинг муайян қисми қириб ташланганини тасдиклайди. Бинобарин:

1. “Катта қирғин”нинг фожиали оқибатларидан бири ва биринчиши шундаки, шу йилларда 1 ярим миллиондан зиёд – 2 миллионга яқин кишилар қатағоннинг қонли гирдобига ташланди. Шу қадар кўп кишиларнинг қамоққа олиниб, ё отиб ташланиши, ёки лагерларга юборилиб, қийноқ ва азобларга дучор қилиниши кишилик жамиятининг ҳар қандай қонун ва қоидаларига хилоф, ўта гайриинсоний ҳаракатдир.

Афсуски, СССРда 1926 ва 1938 йилларда, шунингдек, ундан кейин ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш билан боғлиқ маълумотлар бузуб берилгани, кейинчалик эса уларга махфийлик тамғаси босилгани учун 1937-1938 йилларда Ўзбекистон аҳолиси-нинг қанчага камайиб кетганини аниқлаш имкони бўлмади. Шу сабабли мазкур масала бўйича хорижий мамлакатлarda эълон қилинган маълумотларни келтиришга зарурат сезилади. 50-йилларнинг ўтлалиридан бошлаб Фарбий Германияда нашр қилинган “Миллий Туркистон” журналида берилган хабарга қараганда, “Müncher merkur” газетасининг 1970 йил 2 ноябрь сонида совет ҳокимияти томонидан маҳв этилган кишилар сони ҳақида қўйидаги маълумот берилган:

“Совет Иттифоқида 1917 йилдан берли коммунизмнинг террор сиёсати натижасида энг ози 21, 5 миллион инсоннинг беажал ўлганлиги аниқланди. Бу рақам “Совет коммунизмининг инсонларнинг ҳаётига еткизган зиёнлари” мавзусидаги илмий тадқиқотдан сўнгра кўлга киритилган. Бу ҳақдаги тадқиқот Вашингтонда давлат бекатарлиги бўйича Сенат комиссияси тарафидан юритилмақда. Бу тадқиқот натижасида нашр қилинган асарнинг муаллифи совет мазсалалари бўйича дунёга танилган мутахассис Роберт Конкуестдир.

Бу тадқиқотнинг ташаббускорларидан демократ сенатор Томас Додд Конкуест томонидан кўрсатилган рақамни дикқатга лойиқ, деб таърифлайди ва совет тузумида ўлдирилган инсонлар сонининг 45 миллиондан иборат эканлигини ҳақиқатдан кўп узок эмас, деб ифода қиласди. Сенатор Додднинг сўзича, ул бу соннинг 45 миллион эканлигига қаноат келтиради.

Конкуестнинг ҳисобловуча, ярим миллион одам 1919-1923 йилларда ҳибларда ва асири лагерларида ўлдирилган ёинки ўлган; 2 миллион одам Сталин томонидан ўлдирилган; 3,5 миллион одам 1930 йилдан 1936 йиллар орасида тўплама лагерларда, 12 миллион одам Сталин томонидан мажбурий меҳнат лагерларида ўлдирилган ва 3,5 миллион одам 30-йиллардаги коллективлаштириш маъракаси жараёнида очликдан ўлган.

Бироқ, сенатор Додднинг маълумотига кўра, Конкуест ўз рақамларида Русияда фуқаролар уруши даврида қурбон бўлган 9 миллион кишининг ҳисобини кўрсатмаган. Фуқаролар уруши бошлангунга қадар 1921 йилда жараён этган “Катта очарчилик”да 5 миллион киши ўлган. Додд бу ҳисобга маънавий азоб ва руҳий касалланиш натижасида ҳалок бўлганларнинг кирмайдиганлигини қайд этади”¹.

“Миллий Туркистон” журнали бошқармаси “Müncher merkur” газетасидан олиб босилган бу маълумотни эълон қилиш билан бирга қуидаги сўзларни ҳам журналхонлар зътиборига ҳавола қилишни лозим деб билган: “Миллий Туркистон Бирлик Қўмитаси 14.VI.1950 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотига топширилган Меморандумида Туркистонда советлар томонидан ўлдирилганларнинг сонини 6 миллион ўлароқ кўрсатган. Бу рақам расмий ҳужжатлар билан тойиб этилганлир”².

Шу йилларда фуқаролар инсоний ҳақ-хуқуқларининг оёқости қилиниши, уларни бирор гуноҳлари бўлмаган ҳолда отиб ташлаш ёки қулларга – текин ишчи кучига айлантириш ва улар кучидан ваҳшиёна бир тарзда фойдаланиш совет давлат тузумининг мустабид давлат тузуми бўлганини тўла асослайди.

2. “Катта қирғин” даврида давлатнинг барча структураларида хизмат қилган давлат ва партия, фан ва маданият арбоблари, саноат, транспорт, қишлоқ хўжалиги ва соғлиқни саклаш ходимлари

¹ “Milli Turkistan”, 1970, 130-А сон. – Б. 35.

² Кўрсатилган манба. – Ўша бет.

уз соҳаларининг яхши ва пухта билган, тажрибали, юкори мала-кали, ташаббускор, ғайратли, ҳалол ва вижданли кишилар бўлишган. Уларнинг катагон этилиши давлат ва партия, иқтисод, маориф ва маданият, саноат ва кишлоп ҳўжалиги, транспорт ва соғликни сақлаш муасссалалари фаолиятининг тамомила издан чиқиши ёки ўта заифлашига сабаб бўлган.

3. Совет давлати ҳар бир жамиятнинг соғломлиги ундаги оила-нинг мустаҳкамлигига боғлик эканини яхши билгани ҳолда шу йилларда фақат оила бошликларини қамоққа олиш, жазолаш ва отиб ташлаш билангина каноатланиб қолмай, гўё эрларининг аксилинишибий хатти-ҳаракатларини била туриб, шу хақда тегишли идораларга маълумот бермаганликда айблаб, Ватанга хоинликда айланган кишиларнинг бегуноҳ хотинларини ҳам қамоққа олди; уларнинг инсоний ва аёллик ҳуқуқларини, ор-номусларини таҳқи-лади, қамокхона ва лагерларда азоб-укубатларга дучор этиб, қолган умрларини заҳарлади.

Совет жаҳаннамидан омон чиққан таниқли рус адаби Варлам Шаламовнинг ёзишича, тергов вактида қамокхонада маҳбуснинг бошдан кечирадиган азоблари лагерда кечирадиган азоблари олдида ҳолва бўлиб қолади. Зоро, маҳбус лагерларда совук 55 дара-жага кўтаришганда ҳам эрталаб 6 да туриб, чойдан кейин ўрмон ёки конга бориб, оч-наҳор ҳолда 14 соат ишлаши лозим. У машақатли ишдан кейин баракка қайтиб келганида иккинчи қаватдаги ўрнига кўтарилиш учун ўзида мадор тополмайди. Иссиқ ва қулай жойларни тортиб олган ўғри ёки каллакесарга бас кела олмай, улар олдида хўрланади. Мияси заифлашади. Тишлари лиқиллаб, милклари ши-ши кетади. Ҳаёт унинг назарида сарик чақага арзимайдиган нарса бўлиб қолади. У шахс сифатида, инсон сифатида қадр-кимматини бутунлай ўқотиб, ожиз ва нотавон бандага айланниб қолади³.

Инсонда инсоннинг ўлдирилиши – “Катта қирғин”нинг фо-жиали оқибатларидан биридир.

4. Совет давлати Ватанга хоинликда, аксилинишибчиликда, миллатчиликда ва ҳ.к.да айланган кишиларнинг турмуш ўртоқла-рини қамаш билангина кифояланиб қолмай, уларнинг фарзандлари ҳаётини ҳам заҳарлади. Уч ёшгача бўлган болалар оиласаридан аж-ратиб олинниб, махсус ташкил этилган болалар яслилари ва болалар

уйларига, уч ёшдан ошганлари эса бошқа республика ва шахарлардаги болалар уйларига зўравонлик билан юборилди. Бу болалар келажакда бир-бирларини тополмасликлари ва ота-оналарини та-момила унутиб, манкурт бўлиб ўсишлари учун уларни турли ша-ҳарлардаги болалар уйларига тарқатиб юборди. Совет давлати шу болаларни Ватанга хоинликда, аксилини-лобчиликда, миллатчи-ликда ва ҳ.к.ларда айланган ота-оналарига нафрат руҳида тарбия-лашга бутун кучини каратди.

5. Совет давлати ҳалқнинг диний, руҳий ва маърифий ҳаётида муҳим аҳамиятга молик бўлган масжид ва мадрасаларни бузиб, уларни чўчқаҳоналарга, динсизлик (атеизм) ўчқоларига айлантириди ва бу билангина кифояланиб қолмай, руҳонийларни оила аъзолари билан бирга яшаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, униг мол-мулкларни тортиб олиб, ўзларини олис ўлкаларга бадарға қилди, колган қисмини эса ўз ватинидан яширинча қочиб кетишга мажбур қилди. Ҳалқнинг диний-маърифий ва руҳий ҳаётида пайдо бўлган буш-ликини атеизмнинг марксизм-ленинизм таълимотининг сохта, ғай-риинсоний ва ғайриилмий ақидалари билан тўлдириб ташлади.

6. “Фожиали оқибатлар”нинг 3, 4 ва 5-моддаларида баён қи-линган масалалар “Катта қирғин” йилларида ҳалқнинг парокан-далашиши, иродасизланиши, ҳалқ ўргасида меҳр-оқибат ва раҳм-шафқатнинг ўқола бориши, миллый ва умуминсоний қадриятлар-нинг оёқости қилинишига олиб келди.

7. Совет давлати шу йилларда НҚВД органларига мислсиз да-ражада катта ҳуқуқлар берибгина қолмай, шу органларнинг ва уларга сукулиб кирган тасодифий шахсларнинг, амалнастлар-нинг, авантюристларнинг истаган раҳбар ва раҳбарларнинг, истаган киши ва кишиларнинг бирор айбсиз қамоққа олишига кенг йўл очиб берди. Жамиятнинг ҳалол ва меҳнатсевар қисми қамоқларда чиритилаётган бир пайтда шу муттаҳамлар Ватанга хоинликда, аксилинишибчиликда, миллатчиликда ва ҳ.к.ларда айланган киши-ларнинг ўй-жойларини, мол-мулкларини тортиб олиб, хусусийлаш-тиридилар ва амалда жамиятни ўз қонунлари асосида идора қила бошладилар. Бу ҳол жамиятнинг таназзул ёқасига янада яқинлаши-тириб кўйди; фуқароларда совет давлатига бўлган ва йилдан-йилга заифлашиб бораётган ишончнинг янада сусайишига олиб келди. Бу ҳол яқинлашиб келаётган Иккинчи жаҳон уруши арафасида ўта хавфли вазиятнинг юзага келишига сабаб бўлди.

³ К а р а н г: Шаламов В. Интервью, которого не было // Совершенно секретно (газ.). 2007. № 6/217. – С.27-29.

8. Жамият жиловини ўз кўлларига олган НКВД органлари ҳар бир вилоят, ҳар бир шаҳар, ҳар бир туман ва ҳар бир маҳаллани қаттиқ назорат остига олибгина қолмай, ҳар бир кишининг ҳам нима билан нафас олишини кузатиш мақсадида агентлар армиясими беҳад даражада кўпайтириди. Ҳар уч киши иштирок этган даврадаги гап тегишли идораларга етиб борадиган вазият вужудга келтирилди. Натижада, бир томондан, советларга карши тарғиботда айланувчи, демак, қамоққа олинувчи кишилар сони кўпайиб борган бўлса, иккинчи томондан, кишиларда сотқинлик инстинкти, ўз ҳаётини сақлаб қолиш учун бошқаларни қурбон қилиш майли авж олди; учинчидан, кишиларда бир-бирларига бўлган ишонч хисси ўрнини шубҳаланиш, гумонсираш ҳислари тўла эгаллади.

9. Республика раҳбарларидан тортиб оддий босмахонада имло хатосини ўtkазиб юборган мусахихгача бўлган кишиларнинг қамалиши, уларнинг аросатда колган оила аъзоларига хайриҳоҳлик, меҳр-оқибат кўрсатган кўни-кўшнилар ва қариндош-уруғлар бошига ҳам бало тошларининг ёғилиши, Ватанга хоинлик-да, ақсилиңқилобчиликда, миллатчиликда ва ҳ.қ.ларда айланган кишилар оила аъзоларининг мактаблардан, иш жойларидан ҳайдалиши, қамалмай қолган кишиларнинг эса жонларини ҳовучлаб яшаши жамиятда кўркув ва ҳадик муҳитини юзага келтириди.

10. “Фожиали оқибатлар”нинг 8 ва 9-моддаларида баён қилинган масалалар шу тарихий давр ва тарихий шароитда яшаган аксар кишиларнинг руҳий ва маънавий ҳаётида мунофистлашиш жараёни бошланиши ва кучайишига сабаб бўлди, совет давлати “Катта қирғин” йилларида олиб борган тадбирлари билан кишиларда иккиюзламачилик хислатларининг ўсишига замин яратиб берди.

11. Юқорида баён қилинган масалалар, совет давлатининг дунёга келган дастлабки кунларида эълон қилганидек, ҳалқ ҳокимиятига асосланган инсонпарвар демократик давлат эмас, балки жамият аъзоларининг инсоний ҳақ-хукукларини оёқости қилувчи, юз минглаб бегуноҳ кишиларни судсиз-текширишсиз қамоққа олиб, уларни кул сифатида ишлатувчи ва хоҳлаган пайтида кириб ташловчи XX асрдаги энг мустабид давлат тизимиға айланганини тўла асослайди.

Совет давлати “Катта қирғин” йилларида олиб борган жинояткорона ишлари билан дунё ҳалқлари олдида шармандаи шармисор бўлибгина қолмай, келажаги йўқ давлат эканлигини ҳам ёрқин намойиш этди.

ВКП(б) СИЁСИЙ БЮРОСИ ВА ШАХСАН СТАЛИН ТОМОНИДАН МАЪҚУЛЛАНГАН ВА КАТЕГОРИЯЛАРГА АЖРАТИЛГАН ҚАТАФОН ҚУРБОНЛАРИ РЎЙХАТИ

УЗБЕКСКАЯ ССР 1-я категория

1. АБДАЛОВ Бекбулат
2. АБДУВАХАБ ХОДЖАЕВ
Абдукарим
3. АБДУКАЮМОВ Дежканбай
4. АБДУЛЛАЕВ Абдужалил
Мирбаевич
5. АБДУРАХМАНОВ Исаи
Ильясович
6. АБДУРАШИТОВ Усман
Аксанович
7. АБДУСАТТАРОВ Садык
Шарипович
8. АВЕЗОВ Касым
9. АВЕЗОВ Курбанбай
10. АВЕРБУРГ Лев
Александрович
11. АГАЕВ Зия
12. АГИШЕВ Рустам Хусаинович
13. АЗИЗОВ Аҳад
14. АЗИЗОВ Ташканбай
15. АЗОРИН Николай Федотович
16. АЙДАРОВ Ахмедбек
17. АЙТЕШЕВ Алланияз
18. АКРАМОВ Гулам
19. АЛЛАБАЕВ Игам
20. АЛЛАБЕРГЕНОВ Казакбай
21. АЛЛАХВЕРДОВ Эрваңд
Андиасович
22. АЛИЕВ Баймирза
23. АЛИЕВ Ислам Садыкович
24. АЛИЕВ Мамадали
25. АЛИХОДЖАЕВ Шамансур
26. АНИСЬКЕВИЧ Павел
Павлович
27. АРНЕ-НЕРСЕСЯН Арам
Богданович
28. АРЫШОВ Риски
29. АСТАНОВ Гафур
30. АТАЕВ Сулейман
31. АХМАТОВ Борис Викторович
32. АХМЕДБЕКОВ Давранбек
33. АХМЕДЖАНОВ Джалал
34. АХМЕДОВ Аллаберген
35. АХМЕДОВ Кары Пулат
36. АХУНБЕКОВ Машраб
37. АХУНОВ Халмухамед
38. БАБАДЖАНОВ Абдулла
39. БАБАЕВ Ерем Павлович
40. БАБАНОВ Сындар
41. БАЖАКОВ Калимулла
42. БАЗАРОВ Ашур
43. БАЛТАЕВ Усман
44. БАТЫРОВ Карши
45. БЕКБАУЛИЕВ Исматулла
46. БЕКИМБЕТОВ Утенияз
47. БЕКМУРАТОВ Аиджан
48. БЕССОНОВ Борис Иванович
49. БИЛИК Давид Рувимович
50. БОБРОВ Зиновий Михайлович
51. БОРНУКОВСКИЙ Алексей
Михайлович
52. БУТМАН Матвей Львович
53. ВАСИЛЬЕВ Василий
Ефимович
54. ВАХАБОВ КАДЫР ХОДЖА
55. ВЕЙДЭ Павел Иванович
56. ГАФИЗ Михаил Григорьевич
57. ГЛАДИЛОВ Николай
Михайлович
58. ГОРИН Василий Васильевич
59. ГРИГОРЬЯНЦ Артем
Николаевич
60. ГРИНЕВ (ГРИНЬ) Александр
Корнеевич (он же Фома
Корнеевич)
61. ГУБАНОВ Михаил Иванович
62. ГУРДЖИЕВ Георгий
Александрович

63. ГУСЕИНОВ Хусайн Расулович
64. ДАВИДЯН Арменак Осипович
65. ДАМИНОВ Латиф
66. ДЖАБАРОВ Тащулат
67. ДЖАКСЫМУРАТОВ Мамбет
68. ДЖУМАНОВ Алмас
69. ДЖУРАЕВ Рахмат
70. ДЖУРАЕВ Ходжи
71. ДИЛЬМАНОВ Уразымбет
72. ДОБРЫШИН Александр Александрович
73. ЕЛЬТУЗЕРОВ Суентай
74. ЕРУСЛанов Виталий Петрович
75. ЖАНКОЛЯ Николай Николаевич
76. ЖДАНОВ Гумар Гимадиевич
77. ЗАРАЕВ Исаил
78. ЗАХИРИ САРИНБАЕВ Джадур
79. ЗУЗАНОВ Николай Иванович
80. ИБРИАМИНОВ Миндыходжа
81. ИБРАГИМОВ Ахмед
82. ИГАМБЕРДЫЕВ Дададжан
83. ИГАМБЕРДЫЕВ Рахманберди
84. ИГАМБЕРДЫЕВ Яхья
85. ИКРАМОВ Ато
86. ИКРАМОВ Исхак
87. ИКРАМОВ Максум
88. ИНАМОВ Салиджан
89. ИНОГАМДЖАНОВ Ильхамджан
90. ИНОЯТОВ Назрулла
91. ИНОЯТОВ Хидоят
92. ИСМАИЛОВ Зухур Исандерович
93. ИСРАИЛОВ Аслан Агадианович
94. ИШИМБЕТОВ Давлетяр
95. КАБУЛОВ Абдулладжан
96. КАБЫШОВ Тохта
97. КАДЫРИ Абдулла
98. КАДЫРОВ Маджит
99. КАРИМОВ Сейфулла
100. КАРИМОВ Атабай

101. КАРИМОВ Хаким
102. КАРТАШЕВ-СТЕПАНЯНЦ Мартирос Артемьевич
103. КАСЫМОВ Гафур
104. КАСЫМОВ Хаким
105. КАЦ Моисей Исаакович
106. КАШТИЕВ Султан
107. КВАЧЕВ Григорий Федорович
108. КЕМБАЕВ Рашид
109. КЛЫЧЕВ Сабур
110. КОРЕЕВ Александр Иванович
111. КОСИНСКИЙ Станислав Генрихович
112. КРУКОВСКИЙ Юрий-Георгий Михайлович
113. КУДАБАЕВ Абу Ержанович
114. КУДРАТОВ Иноят
115. КУЛЕНЕВ Айналхат
116. КУЧКАРОВ Нигмат
117. ЛАВРЕНТЬЕВ Александр Георгиевич
118. ЛАВРОВ Евгений Михайлович
119. ЛЕОНОВ Иван Леонтьевич
120. МАДЖИТОВ СУЛГАБИТ
121. МАДРАИМОВ Махмуд
122. МАЕР Феодосий Андреевич (он же Майер Анатолий)
123. МАМАСАДЫКОВ Карим Ахун
124. МАТНИЯЗОВ Джуманияз
125. МАХАМАТ-РАХИМОВ Ашиrbай
126. МАХМУДХОДЖАЕВ Нуреддин
127. МЕРКУЛОВ Дмитрий Васильевич
128. МИРЗОЯН Каро Михайлович
129. МИРСАДЫКОВ Милибай
130. МИРШАРАПОВ Миркамиль
131. МОРОЗОВ Борис Евгеньевич
132. МУМИНОВ Дамин
133. МУСАЕВ Давлет
134. МУСАЕВ Шахид Исан

135. МУФТАЗАДИЕВ Ахат
136. МУХАМЕДКУЛОВ Тангикул
137. МУХАМЕДОВ Васик Шукирович
138. МУХАМЕДОВ Рауф
139. МУХАМЕДОВ Сахиб
140. МУХАТДИНОВ Хусайн Акмалетдинович
141. НАЗАРОВ Мухамеджан
142. НАЗАРОВ Павел Сергеевич
143. НАЗАРОВ Таджи
144. НАСРУЛЛАЕВ Абдурашид
145. НЕВСКИЙ Павел Александрович
146. НИЗАМЕТДИНОВ Турдымурат
147. НИЯЗОВ Абдусамат
148. НОВОКРЕШЕНОВ Александр Степанович
149. НУРЕТДИНОВ Иргаш
150. НУРЖАНОВ Сапарбай
151. НУРМУХАМЕДОВ Конлеу
152. ОВАНИСЯН Каро Григорьевич
153. ПАТТА ХОДЖАЕВ Азим
154. ПЕТРОВ Владимир Федорович
155. ПИРНАЗАРОВ Алланазар
156. ПИСЛЕГИН Степан Федорович
157. ПЛЕТНЕВ Евгений Павлович
158. ПОЛЯКОВ Константин Николаевич
159. ПРУПИС Лев Абрамович
160. РАДЖАПОВ Хамракул
161. РАДЗИВИЛОВ Федор Павлович
162. РАЗУМОВСКИЙ Вениамин Наташевич
163. РАМАЗАНОВ Хамро
164. РАХИМДЖАНОВ Зайнулла Юсупович
165. РАХИМБАЕВ Рахмат
166. РАХИМБАЕВ Файзулла

167. РАХМАНОВ Мулла Рузин
168. РЕГУРЕЦКИЙ Иван Михайлович
169. РОДИОНОВ Михаил Михайлович
170. РУЗЫБАЕВ Убайдулла
171. САДЫКОВ Мухамедкул
172. САДЫКОВ Сабирджан
173. САЙБНАЗАРОВ Санакул
174. САЙДРАСУЛЕВ Бадретдин
175. САЛИМОВ Ибрагим Салимович
176. САЛИХОВ Миян Бузрук
177. САМАТОВ Джалал
178. САМОДЕЛКИН Николай Иванович
179. САТТАРОВ Заки Киямович
180. САТАРОВ Хашим Агалыкович
181. СВИРИДОВ Федор Маркович
182. СМЕХОВ Николай Прокопьевич
183. СОЛНЦЕВ Глеб Дмитриевич
184. СПЕРАНСКИЙ Григорий Петрович
185. СТАРОДУБЦЕВ-СТЕПНЯК Константин Павлович
186. СУЛЕЕВ Билял
187. СУХОВ Александр Николаевич
188. ТАЛИПОВ Камильджан
189. ТАУМАНОВ Туркменбай
190. ТАШЕНОВ Андъго
191. ТЕМИРХАНОВ Халмурад
192. ТИТОВ Викентий Александрович
193. ТИТОВ Виктор Владимирович
194. ТУГАРИНОВ Григорий Иванович
195. ТУРЕЕВ Примбет 196. ТУРЕЕВСеит
197. ТУРИЖАНОВ-ЕГИЗГАРАЕВ Ниязгали
198. ТЮРАБАЕВ Абдулафур

199. УМАРАЛИЕВ Акбар
Хайдарович
200. УМАРОВ Султан
201. УСМАНОВ Джура
202. УТЕШЕВ Абдурахман
203. ФАЙЗЫ Ходи Зарифович
204. ФАТКУЛИН Тагир
Мухамеджанович
205. ФОКИН Александр Петрович
206. ХАБИБИ Ахмед Исламович
207. ХАЙДАРАЛИЕВ Мунавар
208. ХАКИМНИЯЗОВ Роджеп
209. ХАМДАМОВ Узак
210. ХАМРАБАЕВ Али
211. ХАНТУРАЕВ Анарбай
212. ХАСАНОВ Иногам
213. ХОДЖАМУРАТОВ Алман
214. ХОДЖИМУРАДОВ
215. ХУДЯКОВ Георгий Иванович
216. ЦАГИКЯН-ЧАМИЧЯН
Геворк Петросович
217. ЧЕПРУНОВ Борис
Васильевич

218. ЧЕРНОВ Владимир
Георгиевич
219. ЧУЛИЕВХаликул
220. ШАГИВАЛИЕВ Борей
221. ШАДЫШВ Яш-Узак
222. ШАРИПОВ Камал
223. ШАХМУРАТОВ Караман
224. ШИРАХМЕДОВ Насретдин
225. ШУЛЬМАН Владимир
Федорович
226. ШУРЬШИН Федор
Васильевич
227. ЮЛДАШЕВ Батыго
228. ЮНУСОВ Умар
229. ЮНУСОВ Юсуп
230. ЮРЧЕНКО Владимир
Самойлович (он же Юсиль Вольф
Самойлович)
231. ЯРОЦКИЙ Василий
Яковлевич
232. ЯКУБОВ Хабиб
233. ЯРОШЕВИЧ Никанор
Казимирович

2-я категория

1. АБДУЛЛАЕВ Аллакул
2. АБДУРАЗАКОВ Ахмед
3. АБДУРАХМАНОВ Хабиб
4. БАЙБЕКОВ Исаак Шахиевич
5. БАЙБУРИН Милгали
Бадриддинович
6. ГАЙБУЛЛАЕВ Карим
7. ГРУДЦИН Алексей Федорович
8. ДАДОЯН Исаил Акопович
9. ДАЛЬ-ЖАНДАРМОВ Сергей
Алексеевич
10. ДЖУМАЕВ Карим
11. ЖАНУЗАКОВ Бейсен
12. ЗИЯЕВ Дустмурат
13. ЗУФАРОВ Ходжи
14. ИБРАГИМОВ Яхъя Сулей
15. ИГАМБЕРДШВ Алим
16. ИРБУТАЕВ МАЛЛАБАЙ
17. ИСЛАМОВ Адыль

18. ИСЛАМОВА Рахима
19. ИСРАФИЛОВ СУЛТАН
20. КЛЯШТОРН Александр
Исаакович
21. КУСЕКЕЕВ УРАЗАЛИ
22. МАМАТКУЛОВ Турсункул
23. МИРЗА-МАХМУДОВ Намаз
24. МУМИНОВ Икрам
25. МУСАЕВ Али
26. РОЗЕНФЕЛЬД Сергей
Владимирович
31. ТАШХОДЖАЕВ
Садык
27. РУЗМЕТОВ Мадрахим
28. САРЫСУЛОВ Усен
29. СУББОТИН Иван Григорьевич
30. ТАШЛАНОВ Юлдаш

ГОР. ТАШКЕНТ. ТАШКЕНТСКАЯ ЖЕЛ. ДОР.

1-я категория

1. БАБАК Михаил Антонович
2. БОГДАСАРОВ Александр
Артемьевич
3. ЗАВАРЗИН Сергей Николаевич
4. КАБАНЕНКО Александр
Георгиевич
5. КАТЕРИНЧУК Василий
Петрович
6. ЛЕВКИН Василий Михеевич
7. МАРЕНКО Емельян Андреевич
8. МАРЧЕНКО Павел
Афанасьевич

2-я категория

1. АФОНИН Николай
Антонович
2. БУДКИН Александр
Порфириевич
3. КОНОНЕНКО Владимир
Иванович
4. КОРОЛЕВ Алексей
Андреевич
5. РАКОВ Дмитрий Иванович

1-я категория

1. АБДУДЖАББАРОВ
Айдарбек
2. АБДУЛЛАЕВ Карим
3. АБДУРАХИМОВ Мухамед
(он же Абдурахим-Ходжаев
Мукамедали)
4. АБУБАКИРОВ Карим
Садыкович
5. АВЕЗДЖАН Раҳметджан
6. АВЕЗЖАНОВ Мухамеджан
7. АГОЛ Шалом Иосифович
8. АЛИМОВ Камильджан
9. АЛИМУХАМЕДОВ
Мусаджан
10. АЛЯУТДИНОВ Исам
Гамитович
11. АНДРЕЕВ Григорий
Георгиевич

25. БИСЕРОВ Мухамеджан
Арифович
26. БУРХАНОВ Назир
27. ГИМАДИЕВ Зия
Гимадиевич
28. ГУЛЯМОВ Адыль-Кары
29. ГУРЕВИЧ Натан Яковлевич
30. ДАДАБАЕВ Бутабай
31. ДАДАБАЕВ Юлдаш
32. ДАНЧИК Илья Исаакович
33. ДЕВАНОВ Якуб Юсупович
34. ДЖАБАР Саттар
35. ДИВАНОВ Худайберген
36. ДУКЕЛЬСКИЙ Иосиф
Львович
37. ЗАКИРОВ Бакиджан
38. ЗЕЛЬКИНА Евгения
Львовна
39. ИБРАГИМОВ Ильхам
40. ИКРАМОВ Карим Кары
41. ИНОГАМОВ Рахим
42. ИРМАТОВ Мухитдин
43. ИСАМУТДИНОВ Хамид
44. ИСАМУХАМЕДОВ Иноят
45. ИСКАНДЕРОВ Давран
46. ИСЛАМОВ Акбар
Исламович
47. ИСЛАМОВ Рустам
Исламович
48. ИСРАИЛОВ Нормат
49. ИСХАКОВ Гани
50. ИСЧАНОВ Мадамин
51. ИШАН-ХОДЖАЕВ
Усманхан
52. КАБУЛОВ Арифджан
53. КАДЫРИ Алимджан
Садретдинович
54. КАЗБЕКОВ Тимурбек
55. КАРИЕВ Басит
56. КАРИМОВ Абдулла
57. КАРИМОВ Гафар
58. КАСЫМОВ Хашим
59. КИРАМОВ Кивам
60. КИРГИЗОВ Тургун-Булат
Исабаевич

61. КОЖУХОВ Александр
Иванович
62. КУЧАБО Семен
Лаврентьевич
63. ЛЕБЕДЕВ Дмитрий
Алексеевич
64. ЛОГВИНОВ Юрий
Николаевич
65. МАМАЮСУПОВ Узакбай
66. МАНЖАРА Дмитрий
Иванович
67. МАРТЬШОВ Александр
Степанович
68. МАТКУЛ Султан
Алибекович
69. МАШКОВЦЕВ Алексей
Федорович
70. МЕДЖИДИ Хайриниса (она
же Маджидханова)
71. МИРЗАДЖАНОВ Сабир
72. МИРЗАРАХМЕТОВ Мирза
Карим
73. МИРСАИДОВ Сулейманкул
74. МООР Александр
Федорович
75. МУМИН Туляган
76. МУМИНОВ Мухамед
Иногамович
77. МУХАМЕДОВ Салих
78. НАРИМАНОВ Юнус
Мусаевич
79. НАСРЕТДИНОВ Гильми
Шагаевич
80. НАСИРОВ Расуль
81. НАСЫРБАЕВ Саттар
82. НЕКРАШЕВИЧ Владимир
Михайлович
83. НИЯЗОВ Маликджан
84. НУСРАТУЛЛАЕВ Аманулла
85. ОДЫЛИ Мухамед
86. ПЕХОВИЧ Лазарь
Матвеевич
87. ПОЧАНИН Пётр Исаевич
88. ПУЛАТОВ Абдулла
89. РАДЖАБОВ Шариф

90. РАМАЗАНОВ Кайюм
91. РАМЗИ Маннон
Абдуллаевич
92. РАСУЛЕВ Аббас
93. РАСУЛЕВ Али
94. РАХИМИ Ваис Рахимович
95. РАХИМИ Шакирджан
96. РАХМАН Исаак
Зиновьевич
97. РИЗАЕВ Ханиф
Султанович
98. РЫСКУЛОВ Мирзакул
99. САДЫКОВ Гулям
100. САИДОВ Зия
101. САИДХАНОВ Аббасхан
Абдусаидович
102. САТТАРОВ Юнусджан
103. САЮПОВ Якуб
Машкирович
104. СЕЙФУЛЬМУЛЮКОВ
Атаулла Садретдинович
105. СЕЙФУЛЬМУЛЮКОВ
Ахмет Камалетдинович
106. СИТДЫКОВ Санджар
107. СОРОКИН Касьш
Ибрагимович
108. СУКИН Александр
Тимофеевич
109. СУЛЕЙМАНОВ
(ЧУЛПАН) Абдулхамид
Сулейманович
110. СУЛТАНМУРАДОВА
Марьям
111. СУПИДЖАНОВ Базар
112. ТАДЖИЕВ Абдулхай
113. ТАДЖИЕВ Хамдам
114. ТАРАСОВ Федор
Петрович
115. ТАШМУХАМЕДОВ
Абдулла
116. ТУРСУНОВ Фаттах
117. ТУРСУНХОДЖАЕВ
Мухетдин
118. ТУРСУНХОДЖАЕВ
Сагдулла

119. ТЮРЯБЕКОВ Джура
120. УЛЬМАСБАЕВ Нуритдин
121. УСМАНОВ Мумин
122. ФИТРАТ Рауф Рахимович
123. ХАДЫШВ Гулям
124. ХАКИМОВ Муса Ходжа
125. ХАЛМУРАДОВ Сагдулла
126. ХАМИДОВ Мирза Абдулла
127. ХАМРАКОУЛОВ Бурхан
128. ХАМУТХАНОВ Ганихан
129. ХАСАНОВ Закир
130. ХАСАНОВ Мухамед
Фаттахович
131. ХАШИМОВ Атаджан
Хашимович
132. ХИСМЕТОВ Хикматулла
133. ХОДЖАЕВ Бахшулла
Джураевич
134. ХОДЖАЕВ Мирхамид
135. ХОДЖИМЕТОВ Насыр
136. ХУДАЙБАХИТОВ
Анкобай
137. ХУДАЙБЕРДЬГЕВ
Ходжимат
138. ХУСАНБАЕВ Джума
139. ЦЕХЕР Арон Абрамович
140. ЧЕМЯКИН Григорий
Дмитриевич
141. ША-АБДУРАСУЛЕВ
Назир
142. ШАКИРОВ Алим
143. ШАКИРОВ Джурabay
144. ШАЛИКЕРОВ Назир
145. ШАМИРБАЕВ Мирсаид
146. ШИМАНОВИЧ Николай
Михайлович
147. ШИРАХМЕДОВ Фузайл
148. ШИРМУХАМЕДОВ
Мирмуслим
149. ШУКУРОВ Халмет
150. ЭМИНДЖАНОВ Багаутдин
151. ЮНУСОВ Гази Галим
152. ЮНУСОВ Курратулла
153. ЮСУПОВ Абдуваси
154. ЯКУБОВ Гулям

2-я категория

1. АБДУЛЛАЕВ Абдурахман
2. БОЛТАБАЕВ Таджи
3. КАРЦЕВ Александр
Васильевич
4. НАСЫРОВ Усман
5. САЙДАШЕВ Хады
Рамазанович
6. ХАЛМИРЗАЕВ Таджи
Мирза
7. ХАЛИЛОВ Таджи
Мирза
8. ЧЕРНЯК Григорий
Яковлевич
9. ШАДЫЕВА Таджихан
10. ЮНУСОВ Эльбек
Машрик

Г.ТАШКЕНТ - ТАШКЕНТСКАЯ ЖЕЛ. ДОРОГА

1-я категория

1. АБРАМОВ Михаил
Игнатьевич
2. БАЛБ Нил Михайлович
3. БЕТЕХТИН Петр Яковлевич
4. ВЕНЕЦИАНСКИЙ Михаил
Васильевич
5. ВЕСЕЛОВ Юрий
Александрович
6. ГРИГОРЬЕВ Сергей
Анисимович
7. ДАНИЛОВ Иван Михайлович
8. ДОНГАУЭР Михаил
Иосифович
9. ИСАЕВ Николай
Афанасьевич
10. ЛУЦКЕВИЧ Андрей
Иулианович
11. ЛЬЮУХИН Иван Яковлевич
12. НЕРЕД Михаил Федорович
13. НЕЧАЕВ Александр
Николаевич
14. ОБРАЗОВ Александр
Иванович
15. ОКУНЕВ Григорий
Ефимович
16. ПЕЙСАХОВ Захар
Абрамович
17. ПОЛЯКОВ Иван
Михайлович
18. ПРОКОПОВИЧ Павел
Николаевич
19. РАФАЛЬЗУК Михаил
Михайлович
20. РОМАНИШИН Дмитрий
Фомич
21. РОМАХ Прокофий Иванович
22. РЫКОВ Николай Иванович
23. СЕМЕНОВ Иван Павлович
24. СИНИЦА Василий Иванович
25. СОЛДАТОВ Семен Ильич
26. ШМАЈІЛ Сергей Львович
27. ШОФМАН Иосиф
Михайлович

2-я категория

1. ГУЗЕН Константин Федорович
2. КОНОБИЕВСКИЙ Анатолий Александрович
3. ЧЕРНЯВСКИЙ Виктор Агеевич

МУҚАДДИМА.....	3
1-боб. ҚҮРҚУВ ВА Даҳшат салтанати.....	9
2-боб. давлат ва партия арбобларининг қатағон қилиниши – оммавий қирғиннинг бошланиши.....	21
3-боб. фан ва маданият ходимларининг қатағон қилиниши.....	26
Миён Бузрук Солиҳов (1891-1939).....	28
Тавалло (1982-1937).....	31
Убайдулла Ҳўжаев (1882-1939).....	37
Сафо Муғанний (1882-1940).....	47
Илҳом Одилӣ (1888-1942).....	51
Лутфулла Олимий (1983-1069).....	57
Фози Олим Юнусов (1893-1938).....	60
Элбек (1898-1939).....	66
Наим Саид (1902-1939).....	73
Мўмин Усмонов (1903-1938).....	77
Муҳаммад Ҳасанов (1904-1938).....	79
Аъзам Аюб (1904-1938).....	82
Отажон Ҳошим (1905-1938).....	87
Асил Мансуров (1905-1937).....	89
Саттор Жаббор (1905-1938).....	93
Марям Султонмуродова (1905-1972).....	100
Раҳмат Мажидӣ (1906-1983).....	107
Собира Холдорова (1907-?).....	111
Сулаймон Амиролов (1907-1969).....	113
Сожида Носирова (1909-?).....	119
Юнус Латиф (1910-1941).....	123
4-боб. хотин-қизлар ва болаларни қатағон қилиш компанияси.....	127
5-боб. қатағон қурбонларини бадном этиш ва лаънатлаш компанияси.....	134
6-боб. совет давлатининг миллий кадрларни ва умуман миллий халқларни қатағон қилиши ва бундан кузатган мақсади.....	141
«қатта қирғин»нинг фожиали оқибатлари (Хулоса ўрида).....	153